



PHARMACEUTICAL INDUSTRY
DEVELOPMENT AGENCY OF UZBEKISTAN



BUKHARA REGION
STATE ADMINISTRATION



MINISTRY OF HEALTH OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN



AVICENNA PUBLIC
FOUNDATION

XII INTERNATIONAL AVICENNA READINGS - SCIENTIFIC CONFERENCE "ABU ALI IBN SINA AND CIVILIZATION"

October 26-28, 2023
Bukhara city / Uzbekistan



«АБУ АЛИ ИБН СИНО ВА ЦИВИЛИЗАЦИЯ»

ХII халқаро Ибн Сино ўқишлари -
илмий амалий анжуман

XII International Avicenna Readings - Conference

“ABU ALI IBN SINA AND CIVILIZATION”

ХII Международные Авиценновские чтения -
научно-практическая конференция

«АБУ АЛИ ИБН СИНА И ЦИВИЛИЗАЦИЯ»

ТОШКЕНТ-2023

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

(сборника научных статей и тезисов XII Международных Авиценновских чтений – научно-практической конференции на тему “Абу Али ибн Сино (Авиценна) и Цивилизация ” 26-28.10.2023 г., г. Бухара)

проф. Иноятов А.Ш.	Министр здравоохранения РУз;
акад. Убайдуллаев А.М.	академик, член правления Общественного фонда Ибн Сино;
проф. Тешаев Ш.Ж.	Ректор Бухарского государственного медицинского института имени Абу Али ибн Сино;
проф. Акилов Х.А.	Директор Центра развития профессиональной квалификации медицинских работников;
проф. Рузибаев Р.Ю.	Директор Ургенчского филиала ТМА;
проф. Закирходжаев Ш.Я.	Ташкентская медицинская академия;
Махмудов Н.А.	Председатель правления Общественного фонда Ибн Сино;
Туляганова К.А.	Руководитель филиала Общественного фонда Ибн Сино по Ташкентской области

НУР САФАРИ

Асадов Д., Исмоилов И.

“Хусайн ибн Сино. Боқий хотира” номли китоб муаллифлари

Х асрнинг 999 йили ёз фаслида машхур табиб Хусайн ибн Сино бир шогирди ҳамроҳлигида қадимий Нур шаҳрини зиёрат қилиш (Нур чашмаси мажмуаси) ва атрофидаги тоғлар ён бағирларининг, беғубор далаларида ўсган доривор ўсимликлардан йиғиш учун сафарга чиқди.

Қудратли Сомонийлар давлатига қарашли Нур шаҳри, обод ва кўркем музофотлардан биридаги тарихий ва гўзал диёр бўлиб, исломий марказлардан бири ҳисобланган.

Нур шаҳрининг зиёратгоҳи, муқаддас ва улўғвор Чашма мажмуаси таркибига қирадиган, Чилустун жомеъ масжиди, суви ширмоҳи балиқларга тўла Нурнинг бош зиёратгоҳи – “Чашма” булоғи, ҳамда тиниқ ва зилол сув оқаётган бош ариқ ва ундан ажралиб гузарларга етиб борадиган ариқлари ҳисобланар экан.

Бухоро-и Шарифда яшаб фаолият юритган тарихчи Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи” (943-944 милодий йилларда араб тилида ёзилган) асарида баён қилинишича Нур шаҳридаги илк масжид - Чилустун жомеъ масжиди тўртбурчак, йигирма беш гумбазли, қирқ устунли, марказий гумбазида қуёш соатли қилиб IX - асрдан аввал қурилган. Муҳаммад Наршахий ўз асарида ёзишича “...Бухоро ва бошқа жойларнинг одамлари ҳар йили зиёрат учун у ерга (Нурга) борадилар. Тобеъинлардан кўп кишилар у ерга дафн этилганлар”.

Бухоролик ҳурматли меҳмонлар мезбонлар раҳнамолигида мўътабар Валий-донишманд Ҳазрат Шайх Абул Ҳасан Нурий авлиё зотнинг табаррук зиёратгоҳ ҳисобланган қабрларини зиёратига кирдилар.

Валий Абул Ҳасан Нурий кароматлар соҳиби бўлганлари, масофани хаёлий тезликда босиб ўтишлари тасаввуфий далилларда ифода топганлиги ҳақида эшитдилар. Бу ҳол “қавний” (моддий, сурат) каромат: одатдан ташқари иш бўлиб, у авлиёларга диний ёки дунёвий ишда кўмак беради ва бир лаҳзада узоқ масофага бориш (таййи макон), зарур ҳолларда озиқ-овқат, кийим ва бошқа нарсаларнинг ҳозир бўлиши, сув юзида юриш, ҳавода учиб, жонсиз нарсалар билан сўзлашиш, бало-офатларнинг даф бўлиши, душманларни доғда қолдириш кўринишларда намоён бўлади. Бинобарин, аҳли суннат олимлари наздида каромат ҳақ ва валий зотларгагина хос.

Буларни эшитган ёш олим Хусайн ибн Сино нафақат илмда пешқадам бўлмай, балки хулқу одобда, хушмуомала ва садоқатда, қаноат ва риёсатда ҳам тенгсиз бўлишга интилишини кўнглига тугиб олди.

Қисқа муддат бўлса ҳам меҳмонлар зиёрат пайтида дунё машғулотларини тарк этиб, охиратни ўйладилар, зиёратгоҳда виқор билан, секин юриб, қабр аҳлларига салом бердилар, тик туриб “Ёсин” сурасини ўқидилар, савобини ўлганларга атадилар, мўминларни яхши сифатларини эсладилар. Шайх Абул Ҳасан Нурий қабрларида зиёрат амалларини бажарганларидан кейин сокинлик ва вазминлик билан Чилустун жомеъ масжиди томон йўл олдилар.

Намоз вақти кирганидан фойдаланиб, таҳоратли, пок-покиза кийимлар кийган, Чилустун жомеъ масжидида қиблага юзланиб ўтиришган аҳли мўминлар қаторига жойлашдилар. Яхши ниятлар қилиб икки рақъат намоз ўқидилар, Нур шаҳри аҳолисига тинчлик-омонлик ҳамда Аллоҳнинг раҳматини тилаб дуо қилдилар.

Миллий маънавият, маданият ва қадриятларнинг ноёб дурдонаси, муқаддас ва улўғвор қадамжо ва зиёратгоҳ Нур шаҳри чашмаси мажмуасини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб авлодларга муносиб етказишни бурч ва вазифаси деб билган шаҳар фуқароларига тасаннолар айтдилар.

Меҳмонлар Нур шаҳридаги чашма булоғидан чиқаётган шифобахш сувнинг маҳалла ва гузарларга кириб ўтувчи ариқлар орқали тақсимланиб оқиб, ҳар бир хонадонга кириб ўтиши, сувни ниҳоятда покиза бўлгани учун уни тўғридан тўғри ариқдан истеъмол қилиниши ва аҳоли томонидан сувни кўз қорачиғидай, гард юқтирмай асраши юқори даражадаги маданият белгиси эканлигини эътироф этдилар.

Шу ариқлар чеккасида ва ер қаридан «Коризлар» орқали чиққан сув оққан далалардаги ариқлар атрофида гурқираб ўсаётган ялпизнинг (*Mentha piperita*), майин эсаётган шабада олиб

келаётган мислсиз муаттар иффорини ҳидлаб тўймайсан киши.

Барчанинг ҳавасини келтириб, хушбўй ва ёқимли ҳид таратаётган мўъжизакор ялпизлигини аҳоли яхши билади. Ариқлар бўйида қийинчиликсиз ва эркин ўсадиган доривор ялпиз ўсимлиги кўп хилма-хил хусусиятларга эга эканлиги барчага маълум.

Ялпиз нафақат муаттар иффорли, балки гоят фойдали, ҳамда шифобахшдир.

Қадимий Рим ва Юнонистонда ялпизни севганлар ва улуғлаганлар ва шарбатлар, овқат тайёрлашда кенг фойдаланганлар. Мисрда ялпизнинг қадри жуда баланд бўлган, уни боғлам қилиб фараонларнинг қабрига қўйишган.

Ҳар бир ҳудудда ялпизни ўз одатларига биноан ишлатадилар. Инсонни ақлли ва фаҳм-идрокли қилади деб, ундан гулчамбар ясаб бошларига кийиб юрадилар, дамламасини оғизни чайишда ва тишларни оқартиришда ишлатганлар, яҳудийлар ялпиздан атир тайёрлаганлар. Айрим мамлакатларда эса ундан одамни тетиклаштирадиган ичимликлар тайёрлашган. Ассирияликлар ялпизни бош оғриғида, кўнгил айнашида, ичак касалликларида ва қисилишларида яхши даволовчи восита деб ҳисоблаганлар. Ялпиз ошқозон фаолиятини мутадиллаштиради, томирларни кенгайтириб юрак фаолиятини ва қон айланишини яхшилайти. Бола эмизувчи оналарда сут миқдорини кўпайтирувчи таъсирга ҳам эга.

Ялпизни мазали кулчалар, чойлар, ёғлар, томчи дорилар ва дамламалар ҳамда хушбўй ичимликлар, овқатлар таркибига қўшиб ишлатиш аҳоли орасида одатга айланган.

Ялпиздан олинган эфир мойи дунёда энг оммабоп ашё ҳисобланади. Ялпиз ҳиди зарарли ҳашаротларни ҳайдайди, меҳнаткаш асарилар эса унинг гулларида шарбат йиғади, ҳашаротлар чакқан жойга ялпиз малҳам шаклида қўйилса қичиши қолади.

Нур шаҳри аҳолиси ялпизни севадилар, баргини чойга, овқатга соладилар, чучвара тайёрлашда ишлатадилар, ҳамда доривор ўсимлик сифатида ҳам кенг қўллайдилар.

Сухбат пайтида Ҳусайн ибн Сино ялпизнинг шифобахш хусусиятлари тўғрисида сўзлаб, бош оғриғига даво бўлишини, ички қон кетишларда фойдасини айтиб берди, маҳаллий аҳоли ялпизли чучвара истеъмол қилишларини, ялпиз баргларида чой дамлаб ичишларини олқишлади.

Нур шаҳри даштларида ва тоғ ёнбағирларида ўсадиган себарга гули ва барглари, янтоқ барглари, гули ва шакари (манна, таранджубин), оқ каррак уруғи қўшиб тайёрланган дамламаларни истеъмол қилиш, хасталикларни даволашда жуда фойдали эканлигини ҳам сўзлаб берди ва тавсия қилди. Шунингдек, Нур даштларида ўсган ўсимликларнинг гулларида йиғилган этилган асални кўпроқ истеъмол қилишни ниҳоятда фойдали эканлигини айтди.

Нур шаҳрида араб тилида ёзилган асарлардан нусха кўчириб берувчи ва хаттотлик анъаналарини давом эттирувчи кишиларнинг борлиги, табибларнинг қўлёзмаларни ўқишлари, беморларни даволашда кенг фойдаланишлари Ҳусайн ибн Синони қувонтирди.

Нур шаҳри суви ва ҳавоси тозаллиги, қовун ва тарвузи ширинлиги, мевалари ва сабзавотлари мазалилиги, кўй ва эчкиларининг гўшти парҳезбоплиги, доривор ўсимликларнинг кўплиги меҳмонлар томонидан мамнуният билан эътироф этилди.

Меҳмонлар сафар пайтида мурожаат қилган беморларга ёрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш, доривор ўсимликлар йиғиш, полизларда бўлиш, коризларни кўриш шарафига муяссар бўлишди.

Нур сафаридан амирлик пойтахти Бухоро-и Шарифга қайтиб келган Ҳусайн ибн Сино Нур шаҳридан олган зўр сафар таассуротлари ҳақида гапирди, ўзига ёққан, ҳавасини келтирган кўринишлар ҳақида кўп маротаба сўзлади. Ҳусайн ибн Сино Валий Абул Ҳасан Нурий ҳаётига ҳавас қилиб, кароматлар соҳиби бўлишга жиддий киришиш мақсадини яширмади.

ТИНЧ ҲАЁТ ЯКУНИ

Асадов Д., Исмоилов И.

“Ҳусайн ибн Сино. Боқий хотира” номли китоб муаллифлари

Бухородаги оғир шароит Ҳусайн ибн Синони онаси Ситорабону ва укасини қолдириб, шаҳардан бош олиб чиқиб кетишга мажбур қилади.

Х-асрнинг охирида ва XI-асрнинг бошида марказий Осиё ҳудудида йирик сиёсий воқеалар содир бўлди. Туркий қабилалар (Қарлуқлар, чигиллар, Ягма ва бошқалар.), бирлашиб

Қорахонийлар давлатига асос солишди ва қўшни кучсиз давлатларни босиб олишга киришишди, жумладан, Бухорони босиб олиб, Сомонийлар давлатининг қулашига сабабчи бўлишди. Султон Маҳмуд Ғазнавий катта Хуросонни эгаллаб ўз давлатини кучайтирди, Хоразмшоҳлар давлати кучсизлашиб, инкирозга учради.

Хусайн ибн Синонинг Бухородаги онгли ҳаётининг бошланиши Сомонийлар давлати тарихидаги энг оғир йилларга (992-999 йиллар), Илек-Хон Наср томонидан Бухорони икки марта эгаллаб олган давр ва Сомонийлар сулоласининг ҳукмдорлигини тугатилиши даврига тўғри келди. Сомонийларни охирги амири Исмоил Ал-Мунтасир 1005 йилда Хуросонда ўлдирилади. Бу йилларда Хусайн ибн Сино ўзининг илмий йўналишларини аниқлаган, ўзининг фаолиятини олим ва амалиётчи табиб сифатида бошлаб, давом эттирмоқда эди.

Отаси Абдуллоҳ ибн Сино тириклигидаги пайтлари, ёш Хусайн ибн Сино бошпана, озиқ-овқат ва моддий воситалар тўғрисида бош қотирмасди. Отасининг вафотидан сўнг, мусулмон рухонийлари томонидан қўллаб-қувватланган туркий Қорахонийлар даврида у олим сифатида ишлаш ва янада ўсиш имкониятига эга бўлмаслигини, ўз фаолиятни муътадил амалга оширишда мустақиллигини йўқотишини, ақли, маърифатли ва узоқни кўра оладиган инсон сифатида ҳис қиларди. Сомонийлар давлати қулаганидан кейин у Бухорода узоқ яшамади. Хусайн ибн Сино давлатнинг молия ва солиқ бўлимида ишлашга ҳаракат қилди, аммо бундан ҳеч нарса чиқмади.

Ситорабону ўғли Хусайннинг узил-кесил якуний қарор қабул қилишга қийналаётганини тушунарди ва ўғлига ёрдам беришни хоҳларди. Дастурхон атрофида ўтириб кечки овқатни истеъмол қилаётган пайтда Она тўнғич ўғлига мурожаат қилишга журъат этди. "Ўғлим, мен тушунаман, Бухорода Сомонийлар сулоласи ҳукмдорлиги даврида сиз саройнинг нуфузли табиби бўлишга умид қилишингиз ва ўзингизни мустақил ҳис қилишингиз мумкин эди, лекин Бухорода нотинчлик ҳукм сурмоқда, Қорахонийларга таянманг, улар сизга илмий фаолият билан шуғулланишга рухсат бермайдилар, чунки мусулмон рухонийларини қўллаб-қувватлайдилар. Сизни табиби ҳозик, ёш олим сифатида қадрлайдиган жойга боринг".

Буни яхши билган Хусайн ибн Сино Бухорони тарк этиш тўғрисида якуний қарор қабул қилди ва Хоразмшоҳнинг бош вазири, олимлар ҳомийси Абу-л-Хусайн ас-Саҳлийнинг таклифига рози бўлиб, Хоразмни бош шаҳри Гурганжга кетишга жазм қилди. Гурганж XI- асрнинг бошларида фаровонлик даврини бошдан кечирмоқда эди.

Хусайн ўзидан беш ёш кичик, 17 ёшли, исмоилийлар мазҳаби тарафдори укаси Маҳмудни, Бухорода қолишга, онасига қарашга, уни ёлғиз қолдирмасликка, жойи Муллоён худудидаги отасидан қолган ҳовлини ташлаб қўймасликка қўндирди.

Узоқ сафар олдидан Хусайн ибн Сино биродарига яхши кўрсатмалар берди: "Аллоҳ оилага садоқат, ота-онага чексиз ҳурмат ва эҳтиром, ҳар нарсада уларга итоат этишга чақиради. Бунга Ислолда алоҳида аҳамият берилган. Ота-онага бўлган бундай муносабат ўз аҳамиятига кўра Аллоҳга ишониш ва унга сифинишдан кейин иккинчи ўринда туради. Сиз ва мени тарбиялашда, вояга етказишда ота-онамиз қанчалик меҳнат қилганларини, қанчалик қийналганларини, бизларга кўрсатган чексиз меҳри, ғамхўрлиги ва севгисини яхши биламиз. Ислолда ота-оналарнинг мавқеи, ҳатто улар вафот этганидан кейин ҳам жуда юқори бўлиб қолаверади. Ота-онага яхшилик қилиш энг яхши амал, Аллоҳга сифиниш, Унга яқинлашиш йўлларининг энг буюкидир.

Маънавий ва Маърифий ривожланишда давом этинг. Соғлигингизга эҳтиёт қилинг, онамизнинг соғлигини кузатиб боринг, оиладаги муаммоларни ўз вақтида ечимини топинг.

Сиз билан, аниқроғи, виждонингиз билан зиддият келтириб чиқарадиган салбий ҳаракатларга йўл қўйманг".

Маслаҳатларини давом эттириб, деди: "Маҳмуд иним, биласизми, менинг юрагим исмоилийларнинг таълимотига бўйсунмаган ва мен уларнинг эътиқодларини қабул қилмаганман. Сизга ҳам махфий Исмоилийлар мазҳаби вакиллари қаторида эҳтиёт бўлишингни маслаҳат бераман.

Марҳум отамизнинг қабрини зиёрат қилишни ва унинг руҳига салом беришни унутманг, чунки у бундан хурсанд бўлади. У биз учун таълим ва сабоқдир. Отамизнинг қабрида ибодат қилганингиздан сўнг, эҳтиёжларимиз бажарилишини Аллоҳдан сўранг.

Мусурмон одатига кўра, ким жума куни ота-онасининг қабрини зиёрат қилса ва қалбларини тинчлантириш учун "Ё-Син" сурасини ўқиса, Аллоҳ ҳар бир ҳарфи учун гуноҳларидан бирини кечиради. Ҳа, бу ташрифларнинг яхшилиги марҳумнинг руҳига етиб боради ва улар хурсанд бўлишади."

Хусайн ибн Сино бомдод намозини ўқиди, нонушта қилди, онаси билан хайрлашар экан, токчадан бир китобни олиб ўпди-да, уни пешонасига тегизиби, сўнгра онасининг қўлига тутқазди. Бу – Ал-Форобийнинг "Фасуси ал-ҳикам" номли китоби эди.

– Онажон, шу китобни бирор серижтиҳод толибул илмга совға қиларсиз.

– Хўп. Сизнинг бош-кўзингиздан садақа бўлсин бул китоб. Хайр, қаерда бўлсангиз ҳам савдогарлардан хат бериб юборинг, сиҳат-саломатлигингни билдириб туринг.

Хусайн ибн Сино эрта тонгдан узок сафарини бошлади, Ҳожийн дарвозаси ("Дарвозаи Ҳаж") орқали Бухорони тарк этди, ва Амулга борадиган карвонга кўшилди.

Тақдир зарбасидан у Бухорони тарк этди, илм-фанга бўлган юксак маънавий муҳаббат уни фаолиятини давом эттириш, янги ҳамкасблар, дўстлар ва устозлар топиш учун қадимий Гурганж шаҳрига бошлади.

Хусайн ибн Сино йўгда китоб олмаган эди, чунки у муҳим китобларнинг кўпини хотирасида тўлиқ ёки қисмларга бўлиб сақлаган. Хусайн ибн Сино Бухорони тарк этганда 22 ёшда (айрим манбаларда 25 ёшда) эди.

Хусайн ибн Сино Жайхун дарёсининг чап қирғоғидаги шаҳарлар, работлар, карвонсаройлар орқали ўтадиган қулай, хавфсиз, яхши кўриқланадиган савдо ва карвон йўлини танлади. Бухородан Амул шаҳрига Қорақўл ва Фороб орқали икки кунда етиб борди.

Хитойдан Ўрта Осиё орқали ғарбга ўтадиган йўллар чорраҳасида жойлашган қадимий Амул шаҳри I - III асрларда пайдо бўлган, Окс (Жайхун) дарёсининг чап қирғоғида жойлашган. Оксининг (Жайхун) Амул шаҳри яқинидаги кечув жойи ушбу йўналишдаги энг муҳим қисм бўлиб ҳисобланган Амул кечув йўли савдогарлар Ғарбдан Шарққа ёки орқага қайтишда дарёдан ўтишлари мумкин бўлган ягона хавфсиз жой эди.

Амул шаҳридан шимолга чап қирғоқ бўйлаб ўтган савдо - карвон йўлларида бири шарқ-ғарб карвон алоқа тизимидаги асосийси эди. XIX-аср охирида, 1877 йилда немис тарихчиси К. Рихтофен томонидан "Хитой" номли китоб нашр этилгандан кейин "буюк Ипак йўли" атамаси тарихга кирди. Ушбу савдо - карвон йўли ўша даврдаги энг узун йўл бўлиб 7 минг км дан ортик эди.

Амулдан Гурганжгача савдо-карвон йўли бўйлаб, ўрта аср ёзма манбаларида қайд этилган Амул, Виза, Мардус, Испас, Сайфина, Тоҳирия, Дарган, Жигирбент, Садвар, Ҳазорасп, Раҳушмитан, Рузунд, Нозвар, Замахшар каби аҳоли яшаш жойларда қалъалар ва карвонсаройлар жойлашган эди. Уларда турли атторлик дўконлари ва дорихоналар мавжуд бўлиб, тажрибали атторлар махсус тайёрланган шиша ёки сопол идишларда оддий, баъзи ҳолатларда мураккаб ва кўп таркибли турли хил дори-дармонлар тайёрлар ва аҳолини таъминлар эдилар.

Аҳоли яшаш жойларидаги катта аттор дўконлари билан бир қаторда дори-дармон ва гигиена воситаларини сотадиган ўнлаб уй ва бозор дўконлари мавжуд эди. Уларнинг аксарияти тиббий фаолият билан бирга дори-дармон ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган табибларга тегишли эди. Юқорида номи зикр этилган шаҳарлар бемористон деб номланган шифохоналари билан ҳам машхур эди. Маҳаллий аҳоли ҳамда йўлда касалланиб қолган саёҳатчилар ҳам ёрдам сўраб бемористонларга мурожаат қилишарди. Кўпинча одамлар узок мамлакатлардан карвонлар билан машхур табиблар яшаган у ёки бу шаҳарга ўз дардига даво излаб махсус саёҳат қилишган.

Ўрта асрларда илоҳиёт, табиатшунослик, математика, тарих, география ва адабиёт билан бир қаторда, табобат ҳам мусулмон дунёси шаҳарларида умумий таълимнинг мажбурий қисми бўлган. Балки шу сабабли нафақат Гурганжда, балки Бухоро, Самарқанд, Марв, Нисо, Нишопур, Гургон, Дехистон, Рай, Қазвин, Ҳамадон, Исфаҳон, Боғдод, Дамашк, Қоҳира, Кордоба ва бошқа йирик шаҳарларда тиббиёт мактаблари ва бемористонлари бўлган.

Шарқ-Ғарб савдо-карвон йўллари ҳар доим маданият ва савдо ривожланишига сабабчи бўлган. Аксари карвонларда нафақат савдогарлар, балки шоирлар, рассомлар, олимлар, зиёратчилар, файласуфлар ва шифокорлар ҳам бўлган. Улар туфайли дунё халқлари насронийлик, Буддизм, Ислом каби динлар билан бир қаторда мусиқа, рақс, шеърият ва турли халқларнинг санъати билан танишишган. Порох, қоғоз, ипак, дори-дармонларни тайёрланишини ўрганишган.

Хусайн ибн Сино қўшилган карвон тупроқ тўғондан ўтиб ва бир форс фарсахи масофа юриб Хоразм давлатининг бош шаҳри қадимий Гурганжга, ҳозирги Туркманистон худудида жойлашган Кўҳна Урганчга етиб келди. Тўғон Жайхун сувларини Женд (Хоразм) денгизи томон йўналтирарди. Хусайн ибн Сино карвонсаройга жойлашди ва эртаси куни эрталаб Хоразмшоҳнинг вазири Абу-л-Хусайн ас-Саҳлий билан учрашади ва биргаликда Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун

(999-1017) қабулига киришиб, бажариши керак бўлган вазифаларини аниқлаб олишди.

Кейинчалик Хусайн ибн Сино Хоразмга келгани ҳақида эслаб «ўшанда мен фақиҳлар кийимида эдим- кенг яқтак кийгандим, салламни учлари иягим остида махсус тарзда боғланган эди. Хоразмшоҳ менга раҳмдиллик билан боқиб, мен каби шахсларга мос келадиган меҳнат ҳақи (маош) берилишини топширди» деган эди.

Хусайн ибн Сино қийинчиликлар билан ўтаётган Хоразм сафарида юрган кунлардан бирида олимнинг ҳаёти, иш фаолияти билан қизиққан бир меҳмон “Жойи Муллоён”даги ҳовлиларига кириб келади.

... Хусайн ибн Синонинг онаси Ситорабону меҳмонни кутиб олди. Ҳовли ўртасидаги жажжи шийпончага хонтахта тузаттирди. Хизматчи қизлар нон, pista-бодом, хурмо, олма-ўрик келтириб дастурхонни безашди. Икки косада мурутнинг япроғи, занжабил, олма қоқи ва бошқа мевалар қоқиси солиб тайёрланган буғи чиқиб турган иссиқ гиёҳшарбат ичимлиги келтиришди.

Ситорабону нақш олмадек кип-қизил, кулча юзли, бўйчангина, қадди-қомати тўладан келган аёл эди. Кийинишида, юриш-туришида, қарашларида бироз кибор, ғурур, оз-моз масрурлик ҳам сезиларди. У ўз кадр-қимматини билган, номусли-хаёли уй бекаси бўлган.

Меҳмон Ситорабону қайси тилда гапиришини сўрайди. –Бизлар тилни ажратмаймиз, мен Афсоналикман, Хусайннинг отаси Балх шаҳридан. Икки тилни ҳам биламиз, икки тилда ҳам гаплашамиз. Хусайннинг отаси туркий бўлса ҳам, арабий ва форсийни ҳам яхши билади, ўғлим эса жуда кўп тилларни ўрганган, ёзиб ҳам гапириб ҳам билади, деб узил-кесил жавоб берди Ситорабону (Оқилжон Хусан. Ибн Сино висоли. Фантастик қисса. Тошкент. 1989. 24 б.). Хусайн ибн Сино Бухородан чиқиб кетган бўлса ҳам унга бўлган қизиқиш давом этган.

ТИББИЁТ ҲАҚИДАГИ ДОСТОН («АЛ-УРЖУЗА ФИ-Т-ТИББ»)

Асадов Д., Исмоилов И.

“Хусайн ибн Сино. Боқий хотира” номли китоб муаллифлари

«Энди қўявер, даволаш илми ҳақидаги достон
иззат-хурматга сазовор бўлаверсин».
Хусайн ибн Сино

Хусайн ибн Сино асарларидаги чуқур фикрлар, илғор қарашлар ва қимматли маслаҳатлар ҳозирги ва келажак авлод олимлари учун тиббиёт тарихининг қимматли манбаидир.

Ўрта аср олимлари орасида тиббиётнинг илғор ютуқларини омма орасида тарғиб қилиш учун асарларини аксарият ҳолларда шеърий шаклда ёзганлар кўп учрайди.

Хусайн ибн Сино фалсафа, психология, физика, математика, астрономия, тиббиёт, адабиёт, мусиқа ва бошқа фанларни камраб олган бой ижодий мерос қолдирди. ўз даврининг турли фан соҳаларини: Турли манбалардан олинган маълумотларга кўра, тиббиёт йўналишида 43 тадан ортиқ асарлар ёзиб қолдирган!

Хусайн ибн Синонинг илмий шеъриятида тиббий мавзудаги араб тилида ражаз услубида ёзилган достонлар муҳим ўрин эгаллаган. Хусайн ибн Сино шоир ва табиб сифатида сезиларли даражада ривожланган уржузаларнинг муаллифи эди.

Ҳозирда унинг илмий шеъриятидаги 10 та уржузаси маълум, улар 9 та ажойиб тиббий уржузалар ва фалсафа мавзусидаги "мантик илми ҳақида уржуза" ("Ал-Уржуза фи илм ал-мантик").

Хусайн ибн Сино илмий шеъриятидаги уржузалардан бири “Анатомия ҳақида достон” ёки "Жарроҳлик ҳақида уржуза" ("Ал-Уржуза фи-т-ташрих") бўлиб, у ҳам кенг тарқалган ва илм аҳлига маълум. Унинг қўлёзмалари Дамашқда Захирия китобхонасида, Британия музейида ва Натинанда. Достон 1970 йилда Италияда нашр этилган ва унинг матни 156 байтдан иборат.

Хусайн ибн Синонинг яна бир шеърий достони "Синодан ўтган нарсалар ҳақида уржуза" ёки

"Уржуза тиббий амалиётга оид" ("Ал-Уржуза фи ал-муҷаррабат фи-т-тиб") деб номланган. Ушбу достон қўлёзмаси Британия музейида сақланмоқда ва 129 байтдан иборат, бошқаси – Нью-

Жерси штатининг Принстон шаҳри (АҚШ) энг қадимги ва машҳур тадқиқот университетида сақланади ва 280 байтдан иборат. Учинчиси Тошкентда, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда.

Навбатдаги достони "Йилнинг тўрт фасли ҳақида Уржуза" (Ал-Уржуза фи ал-фусул ал-арбаъа), унда баҳор, ёз, куз ва қиш тасвирланган.

Хусайн ибн Синонинг шунга ўхшаш яна бир достони "Йилнинг тўрт фаслида тиббий профилактика ҳақида уржуза" ("Ал-Уржуза фи тадбир ал-фухул фи алфусул ал-арбаъа") мавжуд. Бу дostonда одамлар тўрт фаслда соғлиқларини сақлаш учун нима қилишлари, қандай ичимликлар ва дорилар ичишлари кераклиги ёзилган.

Хусайн ибн Синонинг кейинги шеърий достони "Тиббий кўрсатмалар бўйича уржуза" ("Ал-Уржуза фи-л-васайа ат-тиббийа") деб аталади.

"Гиппократнинг тавсияларига оид уржуза" қўлёзмаси ёки "Гиппократнинг нафис кўрсатмалари ҳақида уржуза" ("Ал-Уржуза фи васайа Абукрат" ёки "Ал-Уржуза ал-латифа фи васайа Абукрат") буюк Британия музейида сақланади.

Шайх ар-Раиснинг уржuzасида Гиппократнинг ўлим белгилари ҳақидаги 25 саволларига жавоб ёзилган. Дoston охирида Хусайн ибн Сино куйидагиларни ёзади: "буларнинг барчаси доно Букрот (Гиппократ) сирларидан сақланиб қолган иборалар, сен уларга эътибор бер, уларни ёдлаб ўрган, агар сен ечимларни ўргансанг, унда сен даволашни чўққига чиққан деб ҳисобланасан."

Хусайн ибн Синонинг яна бир достони гигиенага бағишланган. Бу рисола "Соғлиқни сақлаш ҳақида уржуза" ёки "Гигиена ҳақида уржуза" ("Ал-Уржуза фи ҳифз ас-сихха") деб номланган ва 151 байтдан иборат. Дoston бизнинг давргача етиб келган, унинг қўлёзмалари Истамбул, Берлин, Лейпциг, шунингдек Испаниянинг Ескориал китобхонасида сақланмоқда.

"Шаҳвоний қувват ҳақида уржуза" ёки "Жинсий алоқа ҳақида уржуза" ("Уржуза фи-л-бох") бизгача етиб келган ва Туркия, Англия, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар китобхоналари нусхалари мавжуд. Ушбу рисола "Жинсий заифлик сабаблари тўғрисида" ("Фи асбаб инҳитат ал-бох") номи билан ҳам танилган. Ёш ўтиши билан жинсий қувватнинг камайиши ва уни кўзғатувчи дорилар ҳақида маълумот беради.

Хусайн ибн Синонинг "Ал-Уржуза фи-т-тибб" ("Тиббий Уржуза") достони унинг тиббий асарлари ичида "Тиб қонунлари" асаридан кейинги ўринда турувчи энг машҳур асаридир. Бу асл ва ғайриоддий, араб тилида ражаз услубида ёзилган "Тиббий Уржуза" ("Ал-Уржуза фи-т-тибб") асарининг бир қўлёзмаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тошкент шаҳридаги Шарқшунослик институтининг китоблар фондида сақланади. "Тиббий Уржуза" ("Ал-Уржуза фи-т-тибб") XII аср ўрталарида файласуф Жерард Кремонский томонидан лотин тилига таржима қилинган ва XV асрдан XVII асргача лотин тилида кўп марта чоп этилган. Кейинчалик бу китоб Европа давлатларида бошқа тилларга ҳам таржима қилинган ва нашр этилган. "Тиббий Уржуза" таъбабат илмининг назарияси ва умумий масалаларини ўрганувчиларга мўлжаллаб дарслик сифатида тузилган. 600 йилдан ортиқ вақт давомида дoston кўплаб тиббиёт мактабларида ўрганилган. Дoston 1326 байтни ўз ичига олади ва 2652 сатрдан иборат.

"Тиббий Уржуза" асарининг ёзилиш сабаблари ҳақида Хусайн ибн Сино шундай ёзади: "Мен баъзи мамлакатларда тиб санъати табибларнинг бирлашишига эмас, балки касалхоналар ва мактабларда уларнинг орасида ўзаро баҳс ва мунозарани вужудга келтирганини кўрдим. Мен ўз илмий жамоасини бойита олишга қодир бўлмаган инсонларни кўрдим: касалхона, мактаб – унинг қонун-қоидалари ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаган инсонларни, бирон-бир ахлоқий асосдан маҳрум, тиббий билимларини ривожлантирмасдан юрган, уни етарли даражада ўрганмаган инсонларни, бирор пойдеворга эга бўлмаган билимлари билангина ҳаракат қилаётган ва ўзларини устоз деб ҳисоблаган инсонларни кўрдим".

"Тиббий Уржуза" ("Ал-Уржуза фи-т-тибб") – ўзига хос махсус асар. Унинг қаҳрамони тиббиёт ва тиббий билимлар мажмуаси ҳисобланади.

"Рисолани ўқиш қийин бўлмаслиги учун тушунарли байтларда, оддий тарзда ифодаляйдиган қилиб тузилган", деб ёзган Хусайн ибн Сино муқаддимада.

Дoston чиройли, таъсирли байтларда ёзилган. Хусайн ибн Сино "Тиббий Уржуза" асари ҳақида тиббиётни вазифаларини қисқа ва аниқ баён қилади:

"Саломатликни сақлаш, касалликларнинг моҳиятини тушуниш ва сабабларини бартараф этиш - тиббиётнинг вазифасидир".

Рисоланинг бошланиши насрда ёзилган ва қуйидагича янграйди: "Шоирлар Коинотнинг шахзодалари; шифокорлар вужудни бошқарувчилари.

Юқорида айтиб ўтилганларнинг нотиклиги қалбни қувонтиради; иккинчисининг садоқати касалликларни даволайди. Ушбу дoston барча назарий ва амалий тиббиётни ўз ичига олади. Ва мен бу фан соҳасидаги барча билимларимни байтларда баён қиламан ... Тиббиёт – бу соғлиқни сақлаш ва касалликлар даволашдир ...".

Хусайн ибн Сино ушбу дидактик достонига ёзган муқаддимасида: "Мен унга мукаммал либос кийдирдим ва гўзаллик чакмонига ўралганини кўриб, ўзим ҳам ундан шодландим", - дейди. "Гўзаллик чакмони" – бу асарнинг мазмунини белгилаб берувчи шеърий шаклдир. Шу боис "Тиббий Уржуза" ўрта аср тиббиётининг ўзига хос етакчиси бўлиб қолди. Кейинги асрлардаги йирик олимлар ҳам мусулмон оламида "Тиббий Уржуза" достонининг жуда оммавийлашиб кетганлиги билан ҳисоблашишга мажбур бўлганлар. "Тиббий Уржуза" достонига кўплаб шарҳлар битилган ва уни қайта-қайта жаҳоннинг кўплаб тилларига таржималар қилинган.

"Тиббий Уржуза" шарҳловчиларидан бири Абдул Валид Мухаммад ибн Аҳмад ибн Рушд (Аверроэс) эди. У "Тиббий Уржуза" достонини ўта қадрлаб, "... фаннинг барча негизларини ўз ичига олади ва бутун бир китоблар тўпламидан-да ортиқроқ туради", - деб ёзган. Унинг шарҳи шифокор ва ёзувчи Мусо ибн Тиббон томонидан қадимий яхудий тилига 1260 йилда таржима қилган.

Икки аср ўтгач, 1483 йилда, Хусайн ибн Сино рисоласига ёзилган шарҳ лотин тилига таржима қилинган ва Венецияда нашр этилган.

"Тиббий Уржуза" шифокорлар учун қўлланма бўлиб хизмат қилди, шунинг учун Хусайн ибн Сино ғоялари ушбу дoston орқали унинг муаллифи тасаввур қилгандан ҳам кенгроқ хизмат қилгани аниқ. Бундан ташқари, эҳтиёжга қараб, достоннинг алоҳида қисмлари лотин ёки араб матнларидан француз, немис, инглиз, рус тилларига таржима қилинган. 1649 йилда Нидерландиянинг Гронинген шаҳрида лотин тилидаги таржимаси нашр этилди. Ушбу таржимада лотин тилидаги дастлабки таржималардан фойдаланилган ва таржимон аввалги таржимонлар томонидан қилинган баъзи ноаниқликларни, хатоларни бартараф этган. "Тиббий Уржуза" кўплаб Европа давлатлари шифокорларининг онгини забт этди, ўрганувчилар, талабалар учун қимматли дарслик ўрнини эгаллади ва ўз вазифасини аъло даражада бажарди.

Ибн Рушддан (Аверроэс) сўнг яна кўплаб олимлар асарга шарҳлар ёздилар ва XIX асрда "Тиббий Уржуза" қайта-қайта нашр этилди.

1829 йилда Калкуттада "Тиббий Уржуза" ва 1845 йилда Ланнавда Ибн Рушд шарҳлари билан Араб тилида нашр этилган. Туркияда сатрма-сатр таржимаси Турк тилидаги амалга оширилди ва 1936 йилда Истамбулда Арабча асл нусхаси билан нашр этилди.

1956 йилда Жазоир олимлари Парижда "Тиббий Уржуза" рисоласини Арабча асл нусхасида французча сатрма-сатр таржимаси ва Арманго де Блазнинг XIII асрдаги лотин тилидаги таржимаси билан нашр этдилар.

1963 йилда "Тиббий Уржуза" инглиз тилида Америка қўшма штатларида нашр этилган.

"Тиббий Уржуза" рисоласи Тошкентда насрда ва урджуза тарзида ўзбек тилига таржима қилинган. Рус тилида фақат урджуза тарзида, тожик тилида эса Душанба шаҳрида фақат насрда нашр этилган.

"Тиббий Уржуза" асарини шифокор-файласуф, энциклопедист, кенг билимлар эгаси, гуманист олим томонидан ёзилганлиги дарҳол кўзга ташланади ва у аввало беморга зарар етказмаслик учун қайгуради. Буюк Ватандошимизнинг маслаҳатлари бизнинг кунларимизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади.

"Тиббий Уржуза" рисоласида ("Ал-Уржуза фи-т-тибб") тиббий этика ва деонтология муаммолари ҳам кўриб чиқилган: "...Бемор фақат ётар жойидан тура бошлади, зўрға ўзига келди ... Шифокор, эсда тут, бирор даволаш муолажасини буюришда, беморга эътиборингни икки баравар ошир... Унга ғамхўрлигингни, илтифотингни аяма, ҳеч қандай ножўя гап айтма. Унинг ёнига яхши кайфиятда табассум билан кир. Ҳамма муолажаларни алоҳида эътибор билан тайинла, вужудининг ҳолатини кузатиб бор" деб ёзади муаллиф.

"Тиббий Уржуза" асарида муаллиф табиий таркибий қисмларни ва табиат қисмларини, эркак ва аёллигини, ёшини, вужуд табиатини, озиқ-овқатни тушунтиради.

"Тиббий Уржуза" асарида Хусайн ибн Сино уйғониш ва ухлаш, ичиш ва овқатланиш режимига риоя қилиш аҳамиятини тушунтирди ва тарғиб қилди. Амалий қисмлар "Парҳез ва

дорилар ёрдамида амалга ошириладиган тиббий амалиёт", "Жарроҳлик амалиёти - жарроҳликнинг учта бўлими" касалликларнинг сабаблари, уларнинг белгилари, касалликнинг зўрайиш босқичлари тавсифини, даволаш усуллари, соғайиш белгиларини ўз ичига олади.

Хусайн ибн Сино томонидан тавсия этилган текшириш, даволаш усуллари ҳамда доридармонлар хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Шунинг учун у ўз асарларида шифокор доридармонларни буюришида қандай қоидаларга риоя қилиши ҳақида батафсил маълумот берган. У шифокордан нима учун бошқа дори эмас, айнан шу дорини буюрганини аниқ тушунишни талаб қилди.

Олим дори дозасини ҳисоблаш зарурлигини таъкидлади. Дори моддасини фойдаланиш вақтини аниқлашни, кунлар ва соатларни белгилашни шифокорга тавсия қилди. Дори моддаларни қабул қилишнинг қатъий режимини белгилаб берди. Дори воситаларини қўллаш усуллари ва жойига эътибор беришга урғу қилган.

Минг йил олдин тайёрланган турли хил дорилар сифати, таркиби, сони билан ҳайратга соларли даражада: "баъзи дори моддаларни ичга қабул қилиш тавсия қилинса, бошқа дорилар сиртки қўлланилади. Уларни хилма-хил химиявий, ҳайвон маҳсулотлари, доривор ўсимликлардан таблеткалар, кукунлар, капсулалар, сироплар, малҳамлар, қайнатмалар, дамламалар ва бошқа шаклларда тайёрлашган.

Номи ва мазмунидан кўриниб турибдики, тиббий уржузаларда жуда муҳим мавзулар, ҳсон саломатлигини сақлаш, йил фасллари ва уларнинг одам ҳолати ва кайфиятига таъсири, гигиена ва анатомия масалалари, касалликларнинг сабаблари, уларни аниқлаш, олдини олиш ва даволаш, соғлом турмуш тарзи қоидаларга риоя қилиш, тўғри овқатланиш, баъзи озик-овқат маҳсулотларининг фойдаси ва зарари ҳақида ва қатор бошқа масалалар қамраб олинган.

Умуман, бу тўққизта тиббий уржузалар ва бир дона ўрта аср илмий шеърятининг намуналаридан бўлган мантиқ бўйича уржуза, Хусайн ибн Синонинг ҳам тиббий ва ҳам шеърый мероси ҳисобланади.

Булардан ташқари Шайх ур-Раиснинг «Турар жойни бошқариш чоралари» («Тадбир ал-манозил»), «Ахлоққа оид рисола» («Рисола фи илм ал-ахлоқ»), «Бурч ҳақида рисола» («Рисола фи ал-аҳд»), «Нафсни покиза тутиш тўғрисида рисола» («Рисола фи тазкият ан-нафс»), «Баданни бошқариш» («Сиёсат ал-бадан»), «Адолат ҳақида китоб» («Китоб ал-ансоф») каби асарларида ижодининг ғоявий мазмуни бўлган эркинлик, инсонпарварлик ва маърифатпарварлик ўз ифодасини топган.

ЕЧИЛГАН ТУГУН

Асадов Д., Исмоилов И.

“Хусайн ибн Сино. Боқий хотира” номли китоб муаллифлари

Табиби ҳозиқ Хусайн ибн Сино 998 йилнинг ёзида таникли Бухоро амалдорларидан бирининг уйига чақирилади. Амалдорнинг севимли фарзанди Фаррух дардман бўлиб, анча муддат давомида кўп табиблар томонидан шифо муолажалари ўтказилган, аммо соғлиғи яхши томонга ўзгармаган экан. Келишган ёш йигит уйқусизликдан азобланиб ҳолсизланган, иштаҳасизлик сабабли овқат эмас, ориқлаб анча мадорсизланган экан. Сабабини айтмас, ҳеч ким билан гаплашмас, хонасида бир нуқтага нигоҳини тикиб ётар экан.

Отаси ва онаси қаттиқ ташвишланиб, Хусайн ибн Синога нажот сўраб мурожаат қилишибди. Машхур табиб беморни аҳволи оғирлигини эътироф этиб, чуқур текширибди ва унинг вужудидаги аъзолари ишлаш фаолиятидаги муътадилликни қисман бузилишидан бошқа ўзгаришлар топаолмабди. Ўсиб вояга етиб келаётган йигитнинг руҳияти жабрланган ва ғамгин, маънос ҳолатга тушган деган хулосага келибди ва сабабини аниқлашга киришибди. Ундан сўнг табиб уй эгаларидан уларнинг маҳалласида яшайдиган, шаҳар маҳаллалари ва гузарларини, улардаги хонадонларни яхши биладиган донишманд қарияни чақиришларини сўрабди.

Сўнгра Хусайн ибн Сино бемор йигитнинг чап қўли билан соҳасидаги томирини ушлаб, юрак қисқариши ва кенгайишидан ҳосил бўладиган томир уришини текшира бошлабди ва кириб келган донишманддан маҳаллалар номларини айтишни сўрабди. Донишманд маҳаллалар номини айта бошлабди: - «Амиробод», «Мачити Баланд», «Хавзи Козикалон», «Дарвозаи Ўғлон»,

«Заргарон», «Имом Қозихон», «Табибон», «Кулолон», «Сузангарон», «Чармгарон», ... ва хунармандлар маҳалласи «Шермухаммад жувозкаш» номини эшитганда Фаррухнинг томир уриши тезлашибди. Хусайн ибн Сино донишманддан «Шермухаммад жувозкаш» хунармандлар маҳалласидаги гузарларни номини айтишни сўрабди ва беморнинг томири уришига эътиборини қаратибди: - «Бўйрабофон», «Говкушон», «Косагорон», «Писташиканон», «Читбофон», «Мурғкушон» ... ва «Ҳалвопазон» гузари номини эшитганда Фаррухнинг томир уриши янада тезлашибди.

«Ҳалвопазон» гузаридаги ҳовлилар эгаларини исмларидан Усто Қосим қандолатчини эшитганда, бемор безовталанибди ва томир уриши тезлиги янада ошибди. Усто Қосимни кизи гўзал Хайрини исмини эшитганда хушидан кетибди. Хусайн ибн Сино шу услубда, Фаррухнинг томир уришига қараб, хунармандни кизи, гўзал Хайрини жуда қаттиқ севганини аниқлабди. Отаси Бухоро амирининг катта амалдори оддий хунармандни қизига уйланишига рози бўлмаслини билган Фаррух қаттиқ тушқунликга тушган ва дилгирлик касаллигига чалинган экан.

«Даволаб бўлмайдиган хасталикларни ўзи йўқ, фақат кучли иродасизлик ҳалақит беради, мағрур, кўркмас, бўйсинмас инсонлардан касаллик чекинади» деб ҳаёлидан ўтказибди машхур табиб ва Фаррухнинг отасига вазиятни тушунтириб, севги – Оллоҳнинг бир кўриниши, яъни абадийлик эканлигини, ердаги ҳаёт ва севги шунчалик гўзалки, уларнинг бағридан қутилиш мураккаблигини тушунтириб берибди ва шу сабабли, Фаррух билан Хайрини тўйини ўтказиб, касалликдан халос этиш мумкинлигини айтибди.

ИСЛОМ БИОЭТИКАСИДА АБУ АЛИ ИБН СИНОНИ ЎРНИ

Асадов Д.А.¹, Мухамедова З.М.², Хакимов В.А.¹, Асадов Х.Д.¹

¹Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириши маркази,
²Тошкент давлат стоматология институти

Мусулмон биоэтикасининг глобал биоэтика ривожланишидаги улкан ролини қайд этиб, бу жараёнда Шарқ ва Марказий Осиёнинг буюк илмий, тиббий ва фалсафий меросининг аҳамиятини инобатга олиш лозим. 2004 йилда ЮНЕСКО Ижроя кенгаши томонидан фан этикаси соҳасидаги тадқиқотлар учун Ибн Сино мукофоти таъсис этилгани, 2007 йилда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг ислом маданияти маркази деб эълон қилиниши ушбу тарихий ҳақиқатнинг шубҳасиз эътирофидир.

Маълумки, ислом дунё дини бўлиб, умумий манбалар – Қуръон, шариат ва ҳадисларга эга. Шу билан бирга, ислом фалсафаси ва назариясида мавжуд бўлган баъзи ички фарқларни ҳисобга олиш муҳим. Бинобарин, Ғарбнинг асосий фалсафий назариялари билан тиббий ахлоққа оид қарашлар, исломнинг ўзида ва унинг ҳуқуқий мактабларида турли йўналишлар бўйича ички жиҳатдан фарқлар мавжуд.

Мусулмон Уйғониш даврида эришилган тиббиёт соҳасидаги тарихий тажрибани жалб қилган ҳолда Қуръон, Шариат, Ҳадис таълимотлари контекстида биоэтиканинг асосий масалаларини Ислом тиббиёт этикаси ва биоэтикаси тамойилларидаги нозик ва мураккаб тиббий ҳамда биологик муаммоларга нисбатан идрок этиш XX-аср якунига келиб ўзгара бошлади. Бу нуқтаи назардан 1981 йили ислом ташкилоти (IOMS) ташкил этилиши ва Ислом тиббиёт этикасининг кодекси қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

Мусулмон биоэтикаси муаммоларининг ривожланиши фақат ислом ақидалари билан чегараланиб қолмайди. У халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган биоэтик муаммолар бўйича энг муҳим ҳужжатларни бирлаштиради ва ўзгартиради.

Биоэтиканинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда ислом биоэтикасининг Шарқ ва Ғарб ўртасидаги боғловчи сифатидаги имкониятлари ҳақида сўз юритиш мумкин. Бу ерда диний билим даражаси муҳим. Маданий хилма-хиллик ҳақидаги қониданинг долзарблиги ЮНЕСКОнинг “Биоэтика ва инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси”да ўз аксини топган. Унда айтилишича, “алмашинув, инновация ва ижодкорлик манбаи бўлган маданий хилма-хиллик инсоният учун зарур ва шу маънода инсониятнинг умумий меросини ифодалайди, лекин айни пайтда ундан инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларни бузиш учун баҳона сифатида фойдаланиш мумкин эмас”.

Сўнгги йигирма йил ичида исломда биоэтикага тааллуқли қуйидаги масалалар кун тартибига олиб чиқилди ва муҳокама қилинди: аъзо ва тўқималар трансплантацияси, миянинг ўлими, интенсив даволаш бўлимларидаги ёрдам тамойиллари ва технологиялари; репродуктив технологиялар, клонлаш, генетик муҳандислик биотехнологиялари, ОИТС, психиатрия ёрдамни кўрсатиш ва ўзга йўналишларнинг муаммолари. IOMS халқаро конференцияларида биоэтиканинг турли асосий масалалари, боланинг ҳуқуқлари ва ўзга масалалар ислом таълимоти доирасида кўриб чиқилди. Тиббий таълим дастурларининг маънавий ривожланиши ва ахлоқий таркибий қисмига алоҳида эътибор қаратилди.

Ислом биоэтикасининг қадимий манбаларига кирувчи Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” ва бошқа китоблари тиббиёт этикасининг классик намуналарига айланган. Бу билимлар ислом тиббиёт кодекси, биоэтика, экологик ва биотиббиёт этикасида маънавий асосни шакллантиришда давом этмоқда.

Ислом экоэтикаси Қуръоннинг ахлоқий таълимотлари ва Муҳаммад пайғамбар анъаналари, ислом қонунлари билан чамбарчас боғлиқ. Ислом динида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитнинг барча алоҳида таркибий қисмлари, табиатнинг барча тирикчилик воситалари Буюк Яратган томонидан яратилган, деган тамойилга асосланади. Гарчи табиий муҳитнинг турли таркибий қисмлари инсоният томонидан қўлланилса ҳам, бу нафақат унинг имтиёзлари ва балки уларнинг яратилишининг ягона сабабидир. Шу маънода ислом экоэтикасининг биоцентриқ хусусиятлари эътироф этилади.

Муҳаммад пайғамбар давридан бери ислом одоб-ахлоқи *hima*, яъни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тушунчасини ўз ичига олади. *Hima* тушунчаси кўплаб мусулмон мамлакатларида тирик табиатни ҳимоя қилиш учун қўлланилади, чунки атроф-муҳитга муносабатни шакллантиришда диний онгнинг ўрни алоҳида эътиборга лойиқ.

Ислом биоэтикаси, шунингдек, исломнинг экологик этикаси Қуръоннинг ахлоқий таълимотлари ва Муҳаммад пайғамбар анъаналари, ислом қонунлари, унинг ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқ. Исломда инсон Худонинг ердаги махлуқотларининг тожидир. У мақсадлар, имкониятлар ва масъулият, жумладан, бошқа мавжудотларга, атроф-муҳитга ва ўз соғлиғига ғамхўрлик қилиш билан тақдирланади. Касалликни синов, ҳатто тозалаш омили сифатида тасаруф этиш мумкин, лекин асло ҳеч қандай ҳолатда жазо ёки Аллоҳ ғазабининг ифодаси сифатида эмас. Шунинг учун беморга ёрдам бериш ва барча воситалар ёрдамида унинг ўлимини олдини олиш инсон учун илоҳий бурч.

Ислом биоэтикаси касалликларнинг олдини олишга катта аҳамият беради, шу билан бирга агар профилактика чоралари муваффақиятсизликка учраса, бу нафақат шифокор амалиётининг, балки беморнинг ўзига бўлган муносабатининг натижаси деб эътироф этилиши лозим.

Замонавий ислом тиббий этикасининг асосий қоидалари 1981 йилда қабул қилинган Кодексда белгиланган. У ўн уч қисмдан иборат бўлиб, ўзида қадимий ва замонавий ахлоқий таълимотлар, Шарқ табobati, ислом ва фалсафа анъаналарини мужассамлаган. Кодекс шифокорлик касбини, шифокор қасамёдини белгилайди, шифокорнинг шифокор билан муносабатлари, шифокор-бемор, шифокор-жамият, шифокор ва биотехнологик тараққиётни, шифокор сирини, талофатли ҳолатларда шифокорнинг бурч ва масъулиятини тартибга солади. Кодексда инсон ҳаётининг муқаддаслиги, тиббий таълим, ислом табобатининг долзарб масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

НОДИР ХОТИРА СОҲИБИ

Асадов Д.А., Табибова М.В., Исмоилов И.

*Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази,
Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси*

Инсон буюк олим бўлиб туғилмайди, у ҳаёти ва фаолияти жараёнида шаклланади, етилади. Аслини олганда, ҳар бир киши туғилганидан буюк истеъдод эгаси бўлиб етишиш имкониятларига эга бўлиши мумкин, аммо уларнинг барчаси ҳам буюк мақсадга эришиш учун лозим бўлган ўта кучли характерга эга бўлавермайди ва натижада буюк инсон даражасига етаолмайди.

Буюклик даражасигача кўтарилган инсонларнинг аксарияти кучли феноменал хотирали кишилар ҳисобланади. Феноменал хотира – ёлғон, уйдирма ёки афсона эмас, балки ҳақиқатда мавжуд воқелик, қобилият, маҳорат бўлиб, туғма ёки орттирилган бўлиши мумкин. Феноменал хотирали инсонлар фавқуллода кучли имкониятлари билан башарият ривожига улкан ҳисса қўшганлар ва қўшмоқдалар.

Феноменал хотира - фанда «эйдетик», «фотографик», «кўришга оид» хотира деб аталади. Бундай хотирали инсонлар ҳақиқий талант эгаси бўлгани учун, халқ орасида улардек истъдод эгаларини юксак даражада ҳурмат қилиб, улар билан фахрланадилар ва уларга ўхшашга, фарзандларини улар даражасида тарбиялашга интиладилар.

Эйдетик хотира – ўта ноёб ҳодиса. «Эйдетизм» тушунчасини биринчи бўлиб 1907 йили Сербиялик олим В. Урбанчич психология фанига киритган. Бундай хотира эгалари улуг истъдод соҳиби бўлиб етишади ва ҳаммани ўзига мафтун қилади. Эйдетика сўзининг қадимий грекчадан таржимаси - тасаввурдаги тимсол, кўриниш, сиймо ёки ташки қиёфа маъносини билдиради.

Феноменал кучли ва ноёб хотира, улкан истъдод ва шон-шуҳрат соҳиблари бўлган буюк шахсларнинг аввали башарият фани тараққиётига беқиёс улкан ҳисса қўшган Мовароуннахрлик буюк донишманд, жаҳон фанлари тарихида қомусий олим сифатида тан олинган, чуқур хотирали, ўткир ақли ва олов юракли инсон Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Али ибн Сино ҳисобланади. XII асрдан бошлаб ғарб мамлакатларида Авиценна номи билан машҳур олимнинг қолдирган бой ва серқирра илмий мероси жаҳон фани ривожига ижобий таъсир этишда давом этмоқда.

Абу Али Ҳусайн ибн Сино 16.08.980 йили Сомонийлар давлатининг пойтахти, *салобатли, голят гўзал* Бухоро (*Бухоро-и-Шариф*), яқинидаги Афсона қишлоғида туғилган ва 18.06.1037 йили Исфаҳон подшоҳлигига қарашли Ҳамадон шаҳрида вафот этган.

Ҳусайн ибн Сино ҳаётлигидаёқ афсоналарга сабаб бўлган юксак истъдод эгаси бўлган. Унинг беқиёс ақл-идроқи, донишмандлиги, жуда кўп йўналишдаги билимлар мажмуасини билганлиги, минглаб касалликларни аниқлай ва даволай оладиган ажойиб шифокорлиги ҳақида эртақлар, афсоналар ва ривоятлар халқлар оғзаки ижоди ёрдамида ҳозиргача етиб келган. Халқлар ўзларининг эзгу орзу-умидларининг рўёбга чиқишини Ҳусайн ибн Сино номи билан боғлаганлар. Натижада уни ҳаётлик чоғида қозонган шон-шуҳратига қараганда бир неча баробар ортиқ истъдод соҳиби сифатида акс эттирувчи жуда кўплаб нақллар, эртақлар, афсоналар ва ривоятлар юзага келган.

Қадимий шарқ ривояти хикоя қилади: - Шарқнинг улуг истъдод соҳиби, даҳо Ҳусайн ибн Сино тонг сахарда туғилиб ёруғ дунёга келганида, одамлар чақалоқ йиғисини эмас, кулгисини эшитган эканлар, Афсона қишлоғидаги барча қушлар сайраган, ҳовлидаги уй ҳайвонлари мароқли маъраган экан.

Ҳусайн ибн Сино онаси Ситорабону янги туғилган чақалоқни устини кўрпа билан ёпган ҳолатни шогирди Абу Убайд Жузжонийга сўзлаб қуйидагича таърифлайди: «Мен бирдан ёруғликни кўрдим, сўнгра яна қоронғилик, зулмат чўкди». Ҳусайн ибн Синонинг жуда ҳам ёшлик пайтидаги намоён бўлган фавқуллода ҳайрон қоларли фаҳмлаш қобилияти, сезгирлиги ва кузатувчанлиги унинг кейинги ҳаёт жараёнида ҳам ёрқин намоён бўлди ва қатор афсона ва хикоятларда ўз ифодасини топди.

Ҳусайн ибн Сино меҳнатқашлигининг чегараси бўлмаган. Турли манбаларда келтирилишича олим ўзидан кейин 450 дан ортиқ бир неча саҳифадан то бир неча жилдгача бўлган асар ёзиб қолдирган, лекин ҳозиргача 276 таси етиб келган ва улардан ўрганилганлари, ўрганилиш босқичидагилари ва ўрганилишни кутаётганлари анчагина.

Тиббиётга оид 43 қўлёзма асарларидан 30 дан ортиғи бизгача етиб келган. Улардан ўлмас Тиб Қонунлари («Китаб аль-Канун фи-т-Тиб») ва Тиббий уржуза («Уржуза фи-т-тиб») жуда машҳурларидан ҳисобланади.

Замондошлари Ҳусайн ибн Синони «Донишмандлар сардори, алломалар бошлиғи» («Шайх ар-Раис»), «Салтанат шарафи ва ифтихори» («Шараф ал-Мулк»), «Ростлик далили, обрўси» («Хужжат ал-ҳаққ»), «Исломо обрўси» («Хужжат ал-Исломо»), «Донишмандлар вазири» («Ҳаким ал-вазир»), «Буюк табиб» («Ҳакими Бузург») деб атаганлар.

Охирги 10 аср давомида олимлар ва тадқиқодчилар томонидан, «Абу Али ибн Сино (Авиценна) - энг машҳур мусулмон олими ва барча халқлар ва даврларнинг энг машҳур кишиларидан бири», «Ақл-заковатнинг ажойиб мўжизаси», «Тиббиёт дунёсининг қуёши», «Халқ

табобати осмонидаги куёш», «Файласуфларнинг дохийси ва султони», «Чуқур хотира, ўткир зехн ва оловли қалб соҳиби», «Шарқ ва Ғарбнинг юраги», «Авиценна – олов пурковчи вулқонларни таъминловчи ер қаридаги кўринмас оташдон» деб улуғланган ва улуғланмоқда.

Европада Хусайн ибн Синони Гален билан тенглаштириб Ислом Галени ва шифокорлар Султони («*princeps medicorum*») деб атаганлар. Шу ўринда доктор Де Пурнинг «Гиббиёт мавжуд эмасди - Гиппократ уни яратди, ўлик эди – Гален унга жон киритди, тарқоқ эди – Ар-Розий уни тўплади, мукамал эмасди - Хусайн ибн Сино (Авиценна) уни бутунлай такомиллаштирди» деган чиройли сўзларини келтириш ўринлидир.

Олим ўз давридаги мавжуд фанларнинг қарийб барчаси (29 йўналиш) билан шуғулланган, уларга оид асарлар ёзган ва жаҳон фанлари тарихида қомусий олим сифатида тан олинган.

Яҳудий ва испан олимлари ва шифокорлари уни «Абен Сена» деб атаганлар ва кейинчалик бу исм лотин тилига таржима жараёнида нотўғри талқин қилинган ва XII асрдан бошлаб ғарб давлатларида Хусайн ибн Сино «Авиценна» номи билан машҳур бўлган. Қадимий Русда (Киев Руси) уни Ависен деб атаганлар.

Жаҳон Тинчлик Конгресси алломани қуйидагича эътироф этган – «Гениал инсонларнинг қолдирган изларини асрлар оша ўзида сақлаб келаётган фан, адабиёт ва санъатнинг буюк дурдоналари бор-ки, улар барча халқлар учун ҳам умумбашарий хазинадир. Бу маданий мерос инсоният учун битмас-туганмас манба ҳисобланади ва унинг олдида умуминсоний келишув ва ҳамкорлик истикболларини очиб беради. Ибн Сино ўзининг ижоди ҳамда яратган асарларининг аҳамияти жиҳатидан бутун инсониятга тегишлидир. Унинг фаолияти ҳақиқат ва ақл-идрок талабларига асосланган эди». Ҳа, бу аини ҳақиқат. Хусайн ибн Сино буюк тарихий шахс сифатида ўзининг кўпқиррали билими ва илмий мероси билан Шарқ ва Ғарб маданиятининг ривожига улкан ижобий таъсир кўрсатди ва ҳозирда ҳам ижобий таъсир кўрсатишда давом этмоқда.

Хусайн ибн Сино ҳаёти давомида феноменал мустақкам хотиралаш қобилиятини намоён қилди. У бир вақтнинг ўзида жуда катта ҳажмдаги ахборотни хотирасида сақлаш, тез ёдлаш, ўта аниқлик билан ҳодисалар ва ахборотларни эслаш, ва керак бўлганда уларни қайтадан тиклаш қобилиятига эга эди. Ундаги маъмур хусусият жуда ҳам ёшлигида пайдо бўлган ва ўсмирлик даврида ўта юқори даражагача ривожланиб етган.

Ёш Хусайн ўзининг кўришга оид сезгиларини ёшлигидан тартибга солиб, эслаб қолиш қобилиятини янада ривожлантиришга муяссар бўлди.

Хусайн ибн Синонинг қиёфавий хотирлаш қобилияти яхши ривожланганлиги сабабли ўқиган китоблари ва саҳифаларнинг аниқ қиёфасини ойлаб ва йиллаб сақлай олган. Эҳтиёж бўлганда олим керакли китоб ёки саҳифани ҳақиқий ҳолатидан қолишмайдиган шаклда қайта тиклай олган.

Хусайн ибн Сино ўқиш жараёнида у китоб саҳифаларини хотирасига суратга олгандек қабул қилиб узоқ вақтлар давомида ёдида сақлаган. Олимнинг ҳайратда қолдирадиган даражадаги кўриш хотираси гўёки ҳозирги замонавий сезгир фотоускуна каби керакли ахборотларни ёки илмий ҳужжатларни лаҳзада қайд этаолган. Фақат ўзигагина хос тасвири кўришга оид хотираси, аввал қабул қилинган тимсол, қиёфаларни сақлаш ва қайта тиклашдаги фавқуллодда истеъдоди (жумладан, китоб саҳифаларини ҳам) болалик ва ўсмирлик даврида ривожланди, шаклланди ва улғайиб қатор ўлмас асарларини ёзганида ёрқин шаклларда намоён бўлди.

Хусайн ибн Сино билан боғлиқ қуйидаги воқеани ҳикоя қиладилар. Ёш бўлишига қарамай машҳур бўлиб улгурган Хусайн ибн Сино юқорида зикр этилган Сомонийларнинг Бухородаги «Савону-л-хикмат» номли кутубхонасидаги китоблардан узоқ йиллар фойдаланган. Бу кутубхона қадимий олимлар ва файласуфларнинг илм ва донолик мужассам бўлган хилма хил нодир асарлари сақланган ўз давридаги энг катта кутубхоналардан бири ҳисобланган. Илмга ташна Хусайн китобларни ўқиб ўрганиш жараёнига шунчалик берилиб кетар эканки, қоронгу тушганини сезмай қолиб ҳарфларни ўқиш мумкин бўлмаган ҳолатдагина уйига кетаркан.

Орадан кўп йиллар ўтиб, Хусайн ибн Сино шогирди Абу Убайд Ал-Жузжонийга ўз ҳаётининг баъзи лавҳаларини сўзлаб бераркан, айнан шу, яъни Сомонийларнинг «Савону-л-хикмат» номли машҳур кутубхонасини эслади: «Мен ўтмишдошларимнинг китоблари рўйхати билан танишиб, бу кутубхонада мен билмаган шундай китоблар топдимки, бундай асарларни кейинчалик қайта кўролмадим. У кутубхонада шундай китоблар бор эди-ки, кўп одамлар ҳатто уларнинг номини ҳам эшитмаганлар. Ўзимга керакли бўлган китобларни ўқидим, улардаги барча фойдали нарсаларни билиб олдим ва ҳар бир олимнинг ўз илмидаги ўрни менга аён бўлди. Менинг

олдимда шунчалик чуқур билимларга этувчи дарвоза очилдики, мен буни гумон ҳам қилмаган эдим».

Хусайн ибн Сино бу гўзал кутубхонада мавжуд китобларнинг аксариятини ўзлаштиришга муваффақ бўлди. Кутубхонада бунгача Хусайндек иқтидорли, билимли ва тиришқоқ ўқувчи деярли бўлмаган.

«Савону-л-хикмат» кутубхонаси ўша даврда бутун Ўрта ва Яқин Шарқдаги энг катта ва бой кутубхоналар қаторида эди. Хусайн ибн Сино бир неча йил давомида шу кутубхонада кундузи-ю кечаси алла маҳалгача мутолаа билан машғул бўлиб, ўз даврининг энг ўқимишли, билим доираси кенг қамровли кишиларидан бирига айланди. Хусайн ибн Сино фақат унинг ўзига хос иштиёқ ва илмга ташналик билан кутубхонадаги асарларни ўрганиб, олган билимларини ўз хотирасида умрининг охиригача сақлай олди. Қорахонийлар Бухорони эгаллаган пайтда кутубхонада ёнғин бўлиб аксари китоблар ва қўлёзмалар ёниб кетади. Бу фалокат Хусайн ибн Сино учун мисли йўқ даражадаги фожиа эди, чунки у «Савону-л-хикмат»даги барча китобларни ўқиб улгурмаган эди, лекин ўқиганларини хотирасида қайта тиклаб китоб шаклида ёздириш имконияти борлиги унга бирмунча тасалли бўлди. Кейинчалик у Хоразмда яшаб, фаол ишлаган даврларда Хоразмшоҳ рухсати билан саройдаги китоб кўчирувчи хаттотларни бир уйга тўплади ва ҳар бирига бир китобни хотирасидан айтиб туриб талайгина қўлёзмаларни қайта тиклади.

Хусайн ибн Синонинг ўзгаларникидан фарқли ва фақат унгагина хос меҳнат қилиш қобилияти билимларни тўла эгаллашига имкон яратди. Етиб келган маълумотларга кўра у Абу Убайд Ал-Жузжонийга қуйидаги эътиборга молик ҳолатни айтган: «Ўша пайтлар (ўн олти ёшлик даврида) ҳар тунда керагидан кам ухлардим, кундузи ҳам кун давомида фақат илмдан бошқа нарса билан шуғулланмасдим. Тунда ўз хонамга қайтганимдан сўнг, олдимга мойчироқни ёқардим. ўқиш ва ёзиш билан шуғулланардим ... қачонки уйку мени буткул енга бошласа, ухлардим, аммо уйкумда ҳам худди ўнгимдагидек саволларга жавоблар излашни давом этдирардим ... Инсон имкониятлари чегараси даражасида мумкин бўлганча илмларни ўргандим ва барча билимларни мукамал эгалламагунимча шундай ҳаёт кечирдим».

Хусайн ибн Синонинг болалик ва ўсмирлик пайтларидаги уйқуси билан бедорлиги орасида деярлик фарқ мавжуд бўлмаган. Кун давомида аллома томонидан кузатилган барча кўринишлар ва қиёфаларни (жумладан, китоб саҳифаларини), ухлаган пайтда унинг хотираси тўлалигича ўзлаштирган. Унинг хотирасидан ҳеч бир белги четда қолмаган, атроф муҳитни қандай бўлса, шундай қабул қилган. Хотиранинг уйку пайтидаги бундай фаолияти ёш олимга чексиз имкониятлар яратган.

Ёш олим Хусайн ибн Сино инсон мияси маҳсули бўлган хотиранинг уйку вақтидаги фаолиятини тўғри тасаввур қилган ва бу фойдали ва сермаҳсул жараёндан унумли фойдаланган.

Қатор илмий тадқиқодлар хулосасига кўра инсон бош мияси ташқи муҳит билан бевосита алоқада бўлган уйғоқлик ҳолатидагига нисбатан уйку пайтида фаолроқ ва унумлироқ ишлайди. Уйку инсоннинг ижодий фаолиятини рағбатлантириши мумкин эканлиги исботланган. Хусусан, у ухлаётган бўлса-да, унинг миясида мутлақо кутилмаган ва қизиқарли фикрлар ва алоқалар пайдо бўлиши мумкин, бу эса ижодий қарорлар қабул қилиш, янги усулларни излаш, шунингдек, ғайритабiiй ривожланиш вариантларини кўриш имконини беради.

Инсон мияси уйку пайтида бажарадиган яна бир вазифа бу тана аъзоларининг иш қобилиятини тикланишини рағбатлантириш. Шу сабабли Хусайн ибн Сино беморларга кўпроқ ухлашни (8-9 соат) тавсия қилган. Бу вақт тана аъзоларининг бузилган функцияларини тиклашга етарли ҳисобланади.

Абу Убайд Ал-Жузжоний устозининг иш фаолияти ҳақида қуйидагича ҳикоя қилади: «Устоз ҳар куни маълум бир вақтда қоғоз, сиёҳдон ва пат қалам сўрайдилар ... Сўнгра уюм қоғозни олдиларига ёядилар, бирма бир қоғоз варақларини олиб ҳар бир муаммони кўриб чиқадилар, ечимини тушунтириб ёзадилар. Устоз ҳар куни эллик саҳифа ёзишга улгурадилар ... айни пайтда устознинг қўл остида ҳеч бир асар, бўлмаиди, илм манбаига қарамайдилар, барчасини ёддан, хотираларидан ёзадилар».

Хусайн ибн Синонинг Исфаҳондаги уйида ҳар кеча шогирдлар тўпланишар эди. Улар устознинг китобларини мутолаа қилишар, янгиларини устоз айтиб турган сўзларидан ёзишар эди. Баъзан шифохоналардаги оғир беморлар аҳволини таҳлил қилишар эди. Кунларнинг бирида, устоз билан суҳбат пайтида, уйга Шероз шаҳридан келган чопар юборилган хат ва саволлар ёзилган бир ўрам қоғозларни олиб келди.

Устоз мен эртага барвақт кетмоқчи эдим, - деди чопар, - агар Сиз жавобларни бир неча кун давомида ёзсангиз, унда мен кутаман.

Ҳусайн ибн Сино чопарга жавоб берди. Устоз шогирдлари билан мулоқотни давом эттирди ва саволларга кўз югуртирди. Кечки намоз, ибодатидан сўнг Абу Убайд Ал-Жузжоний устозга эллик доналарча қоғоз келтириб берди. Хизматкор мойчиروقни ёқди, сиёҳдон ва пат қаламни келтириб қўйди. Ҳусайн ибн Сино саволларга жавоблар ёзишга киришди. Барвақт саҳарда хизматкор Абу Убайд Ал-Жузжоний эшигини қоқди: «Хўжайин тез етиб келишингизни сўрадилар».

Абу Убайд Ал-Жузжоний Шайхнинг хонасига кирганида, кўрдик, барча қоғозлар Устознинг майда хуснихати билан ёзиб тўлдирилган. «Бутун бир китоб бўлди», - деди устоз хижолат тортгандай. «Меҳмон чопарни тўхтатиб турмаслик, Шероздаги олимларни кутдириб қўймаслик учун, барча саволларга бирваракайига жавоблар ёзақолдим».

Абу Убайд Ал-Жузжоний чопарга Шерозлик олимларнинг саволларига устоз Ҳусайн ибн Сино ёзган жавобларни топширганида, у маҳлиё бўлиб қолди. Шерозга қайтганида у узок вақт бу ҳайрон қоларли ҳодисани қайта-қайта айтиб юрган.

Ҳусайн ибн Синонинг даҳоси идрок етган ҳамма нарса одамларга берилган бўлиб, унинг мислсиз меҳнати шу мақсадга хизмат қилган ва инсониятни бебаҳо мерос билан таъминлаган. Олим ўзининг кенг ҳаётий тажрибаларини асарлари орқали китобхонларга ўтказди, илм-фан ва тиббиёт тақдири билан қизиқди, ўзига хос масъулият билан халқнинг юксак ахлоқий фазилатлари, ақл-заковати, саломатлиги учун қандай курашиш кераклигини ёрқин ва ишонарли намунасини кўрсатди.

Олий даражадаги ақл-заковат эгаси, учта подшоҳликда вазир лавозимида муваффақиятли фаолият юритди. Давлат ҳукмдори билимли, фозил, адолатли, диёнатли ва ўз фуқароларига эътиборли бўлиши ҳамда уларни қонунларга мувофиқ бошқариши керак, деб ҳисоблади.

Ҳусайн ибн Сино иззат-икром, меҳнатсеварлик, камтарлик, одамларга таъсирчанлик ва эътиборлик, юқори иродалик, ҳар қандай қийин вазиятда ҳам мувозанат билан қарор қабул қилиш каби ажойиб қобилиятларни ўзида мужассамлаштирган, ҳаётни яхлит идрок етиши билан ажралиб турадиган буюк шахс эди.

Унинг табиатан чуқур эътиқоди ва раҳмдиллиги, зиёли ва олийҳимматлиги, фидойи устозлиги, билимдонлиги ва чуқур илмий башорат қилаолиш қобилияти уни тенги йўқ энциклопедист олим даражасигача кўтарди.

Ҳусайн ибн Синонинг тарихчилар томонидан хатлов қилинган тиббиётга оид 43 асарларининг 30 дан ортиғи бизгача етиб келган. Уларнинг орасида Тиб қонунлари «Ал-канун фи-т-тибб» тиббий энциклопедияси, Тиббий уржуза («Уржуза фи-т-тибб»), Юрак дорилари («ал-Адвият ал-қалбия»), Инсон баданига етган барча зарарларни йўқотиш («Дафъ алмадорр ал-куллия ан-ал-абдон ал-инсония»), Қуланж ҳақидаги китоб («Китоб ал-қуланж»), Томир уриши ҳақида мақола («Мақола фи-н-набз»), Шаҳвоний қувват ҳақида рисола («Рисола фи-л-боҳ»), Сафардагиларнинг тадбири ҳақида рисола («Рисола фи тадбири ал-мусофирин»), Соғлиқни сақлаш ҳақида рисола («Рисола фи хифз ас-сихҳа»), Сиканжубин ҳақида рисола («Рисола фи-с-сиканжубин»), Қон олиш ҳақида рисола («Рисола фи-л-фасд»), Сачратки ҳақида рисола («Рисола фи-л-хиндабо») ва бошқа қатор рисолалари шулар жумласидандир.

Ҳусайн ибн Сино катта ҳурматга сазовор шахс, кўнгли очик, меҳр-муҳаббатли, оддий, меҳнатсевар, зийрак, беморларга меҳрибон, ажойиб руҳиятли, тиббиёт одобининг юксак соҳиби, ҳайратона даражадаги иқтидорли олим ва шифокор. Унинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти, сеvimли касбга меҳри ва садоқати Ўзбекистон ёшлари тақлид қилишига арзигулик ҳолат. Буюк олим инсонларга соғлиқ, шод-хуррамлик келтириш учун яшади. Ўз манфаатидан инсонлар манфаатини юқори қўйди, умрини шифокорлик ва илм-фанга бағишлаганидан ҳеч афсусланмади.

Муҳтасар қилиб айтганда, икки дарё оралиғидаги Мовароуннаҳр номли буюк юртнинг буюк фарзанди Ҳусайн ибн Сино ҳозирги кунга қадар жаҳон эътироф этаётган аллома сифатида эъзозланмоқда.

АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА САҚЛАНАЁТГАН АСАРЛАРИ НУСХАЛАРИ

Баҳодиров Р.М.

Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги

Ўрта асрларда илм-фан ривожига диёримиздан етишиб чиққан кўплаб аллома ва мутафаккирлар ўзларининг илмий тадқиқотлари билан инсоният ва ислом цивилизациясига улкан ва салмоқли ҳисса қўшганлари ҳозирги кунда бутун жаҳон илм аҳли томонидан тан олинган.

Бунинг ёрқин мисоли 2023 йил 4-8 сентябрь кунлари Парижда ЮНЕСКО Бош қароргоҳида энциклопедик аллома Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигига кенг нишонланди. Республикамизда бу санага бағишлаб Қорақалпоғистон (Беруний тумани), Хоразм (Урганч шаҳри), ва Тошкентда халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

Биз кенг илм аҳли билан биргаликда Ўзбекистонда таваллуд топган ва илмий баркамоликка эришган айни шундай буюк алломалардан яна бири - **Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Али ибн Сино**га бағишланган халқаро илмий конференцияни ўтказилишидир.

Ибн Сино ўрта асрлардаги деярли барча илм соҳаларида фаолият олиб боргани ва ўзининг ўчмас из қолдирган ҳиссасини қўшгани бугунги кунга қадар олиб борилган ва эълон қилинган кўп сонли илмий изланишларда акс этган ҳамда унинг илмий меросини тадқиқ этиш замонамиз жаҳон олимлари изчиллик билан давом эттирмоқда.

Ибн Сино инсоният учун асрлар мобайнида хизмат қилиб келаётган илмий мероси – асарларининг мингга яқин қўлёзма нусхаси қатор хорижий мамлакатларда сақланмоқда. Биз бугунги илмий конференция иштирокчиларига ана шу нусхаларга оид маълумотларни етказмоқчимиз.

Ибн Сино илм фаннинг деярли барча жабҳалари ва айниқса тибб ва фалсафа соҳасида улкан ютуқларга эришган. Бунинг далили сифатида агарда Абу Наср Форобий Шарқ фалсафасига асос солган бўлса, Ибн Сино тибб илми билан бир қаторда Шарқ фалсафасини Шарқ ва Ғарб мамлакатларида кенг тарқалишига жуда катта ҳисса қўшган аллома сифатида тан олинган.

Сизларнинг эътиборингизга Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни илмий тадқиқи этиш гуруҳи томонидан тайёрланган ва 2020 йилда нашр этилган “Ўзбекистонга оид хориждаги қўлёзма асарлар реестри. Том 1.” ҳамда ҳозирги кунда нашр этилиши арафасида турган мазкур Реестрнинг 2 ва 3-томлари таркибига киритилган Ибн Сино асарлари нусхаларига тааллуқли маълумотларни тақдим этилади.

АВИЦЕНА В МУЗЫКЕ

Давыдова Л.

Фонд Авиценна, Израиль

Во вступлении к своей книге "Донишнома" ("Книга знания") Авиценна пишет: "Получен высочайший указ нашего государя (...) мне, служителю его двора (...), чтобы я написал книгу на языке фарси-дари для членов его кружка. В ней следует очень кратко охватить основы и вопросы пяти наук мудрости древних. Во-первых логику, которая является наукой-мерилом; во-вторых, физику, которая является наукой о вещах, имеющих отношения к чувству и находящимся в движении и изменении; в-третьих, науку об устройстве и расположении Вселенной, о положении и форме небес и звезд, в целях познания истины подобающим образом; в-четвертых, науку о музыке, раскрытии причин гармонии и дисгармонии звуков и свойства мелодии; в-пятых, науку о том, что лежит вне природы".

Трудно найти область знаний, в которых Ибн Сина не оставил бы свой след. Среди них есть и отрасль музыкально-теоретических знаний, которые оказали большое влияние на развитие музыкального искусства в Средней Азии того времени. Важно отметить, что его изыскания в этой области очень сильно повлияли на общий ход развития музыкальной культуры и науки. Поэтому вклад Авиценны в развитие музыкознания можно смело считать общечеловеческой духовной ценностью.

Безусловно надо помнить, что Ибн Сина опирался на наследие древних ученых эпохи эллинизма (Платон, Пифагор, Аристотель и др.), идеи которых были широко распространены в ту пору на Востоке. Это было связано с тем, что таджикско-персидские мыслители того времени плодотворно работали над комментариями и переводами трудов ученых древней Греции, вносили коррективы или отрицали ряд фундаментальных положений эллинистической теории музыки. В частности, ими были переведены на язык фарси-дари такие работы, как "Музыка" и "Каноны" Аристотеля, "Каноны" Птолемея, "Ритмика" и "Гармоника" Аристоксена и др. Естественно, Авиценна опирался и на труды своих предшественников, таких как Аль-Фараби, которого сам великий ученый считал своим учителем. Безусловно, все это отражало интеллектуальный подъем, характерный для Средней Азии той эпохи. Собственно, этот период можно смело считать эпохой Возрождения на Востоке, предвосхитившей европейское Возрождение. А труды Авиценны базой для развития музыкально-теоретических знаний в средневековой Европе.

Поскольку, основной деятельностью Авиценны было врачевание, то он считал, что музыка может обладать лечебным эффектом для гармоничного развития человека и сохранения его здоровья. "Естество послушно внушениям души", - считал Авиценна, а лечить душу он предлагал при помощи музыки. То есть, Авиценна утверждал, продолжая традицию Платона, что нельзя лечить тело без души, часть без целого. В первой книге "Канона врачебной науки" "О воспитании", Ибн Сина пишет: "К числу необходимых для младенцев полезных средств для укрепления натуры относятся: во-первых, легкое покачивание и во-вторых, музыка и песня, напеваемые обычно при убаюкивании. По степени восприятия этих двух вещей ребенком, устанавливают его предрасположение к физическим упражнениям и музыке. Первое относится к телу, а второе – к душе".

Разрабатывая музыкальную теорию в таких трудах, как "Свод науки о музыке" "Книга спасения, "Книга знания" и "Книга исцеления" (Канон врачебной науки), Ибн Сина создал также обширные трактаты, посвященные истории музыки и описанию музыкальных инструментов. Это говорит о том, что Ибн Сина не просто занимался музыкой, отдавая дань традиции, а всесторонне изучал ее.

В рамках данной статьи невозможно дать развернутое объяснение деятельности великого ученого в области музыкальной теории и практики, поэтому ограничимся несколькими основными положениями, ярко характеризующими его вклад в музыкальную науку.

Ибн Сина, в своей классификации наук ставил музыку на четвертое место и, следуя традиции помещал ее в раздел математики "... геометрия, арифметика, астрономия, музыка входят в состав математики", писал Авиценна, таким образом определяя ее как науку, изучающую звуки в их соотношении друг с другом. Музыка у Авиценны делится на гармонию – наука об интервалах, и ритмику – наука о временном соотношении музыкальных звуков.

В книге "Донишнама" Авиценна пишет: "Наука о музыке состоит из двух частей, первая часть - гармония, предмет этой части звуки, в ней рассматривается их консонантность и диссонантность. Вторая часть – ритмика, предмет этой части – промежутки времени между звуками и удары, следующие друг за другом; в ней рассматриваются размер и отступления от размера. Цель обеих частей – создание мелодии".

Любопытна идея Ибн Сины о связи человеческого пульса и музыкального метра и ритма. Опытный врач, по его мнению, может уловить изменение частоты пульса на половину, одну треть и так далее. При условии, что врач будет также и музыкантом, он сможет обратить внимание на пульс: "Тебе должно знать, что у пульса существует некое музыкальное естество. Как искусство музыки совершенно, благодаря сочетанию звуков в известном соотношении по остроте и тяжести и кругам ритма, величины промежутков времени, разделяющим удары (по струнам), таково и качество (ударов) пульса... Размер (пульса) – это качество, к которому приложимы (упомянутые) музыкальные отношения. Мы говорим, пульс бывает либо хорошего размера, либо дурного размера..."

Тут важно сделать небольшое отступление. Известно, что в вопросах пульсодиагностики Авиценна не был новатором. Впервые эта система была упомянута в "Трактате Желтого императора о внутреннем". Этот классический труд является самым древним из дошедших до нас памятников китайской культуры. Он посвящен вопросам китайской медицины. Первое упоминание об этом трактате относят к первому веку нашей эры, но создан был труд значительно раньше.

Однако, это никак не умаляет вклада Авиценны в систему пульсодиагностики. Напротив, еще больше доказывает величие энциклопедиста, сумевшего объединить учения древних и передать их последующим поколениям человечества. Кроме того, Авиценна пошел дальше, определив связь человеческого пульса и музыкального ритма, о чем говорилось выше.

Авиценна связывал музыкальные ритмы также и с человеческой речью, объясняя это тем, что происхождение музыки как искусства непосредственно связано с развитием интонаций человеческой речи.

Учитывая огромную силу эмоционального воздействия музыки на людей и описывая типы мелодического движения (восходящие, нисходящие, волнообразные, орнаментальные и т.д.), ученый в одной из своих работ, в частности, пишет следующее: "Отметим, что движение мелодии в сторону высоких звуков, порождает чувство гнева, напряженности, а в сторону низких звуков – ощущение мягкости, покорности, оправдания. Мелодии, которые основаны на непрерывно нисходящих движениях с повторяющимися восхождениями, порождают в душе образ мудрости, пророчества" ("Свод науки о музыке"). Авиценна считал, что при сочинении музыки очень важно применять "украшения", такие как трель, глиссандо и т.д. Разбирая проблемы консонантности и диссонантности в музыке, Ибн Сина научно обосновал идею консонантности некоторых интервалов, в частности терции. Именно его учение заложило основы гармонического мышления, без которого были бы невозможны дальнейшие достижения классической европейской музыки XVIII–XIX вв.

Опираясь на труды Аль-Фараби, Авиценна заложил основы науки о музыкальных инструментах, получившей развитие в Европе в значительно позднее время. Он объясняет их строение, а также дает подробную классификацию типов музыкальных инструментов.

Считается, что великий ученый изобрел гижак – распространённый в Средней Азии смычковый инструмент.

О популярности великого ученого энциклопедиста, не только на Востоке, но и в Европе, говорит очень интересный факт. В опере Чайковского "Иоланта" (1892) есть персонаж. Это мавританский врач Эбн-Хакиа. Коротко сюжет таков. Действие происходит в южной Франции 15 века. У короля Рене есть дочь, которая слепа от рождения. Девочка растет в счастливом неведении, потому что в замке запрещено об этом говорить. Однако, принцесса подрастает и со временем король все же решается помочь дочери вернуть зрение. Для этого нужна сложнейшая операция, на которую мало кто из врачей решится. Король приглашает очень известного мавританского врача Эбн-Хакиа. Врач говорит, что к Иоланте может вернуться зрение, но при условии, что она будет *знать* о своей слепоте и, самое главное, страстно *желать* исцеления. Звучит монолог Эбн-Хакиа, его врачебное кредо:

"Два мира, плотский и духовный,
Во всех явлениях бытия
Нами разделены условно –
Они едины, знаю я".

Ряд специалистов утверждает, что именно Авиценна явился прототипом данного героя оперы.

UNIVERSALITY OF SCIENTIFIC INTERESTS OF IBN SINA

Jalalova V.

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sino

Ibn Sina enriched the treasury of human knowledge with many advanced ideas for that time and had a tremendous influence on the subsequent development of Eastern and Western European progressive philosophy and science. He wrote a twenty-volume philosophical encyclopedia, Justice and Eastern Philosophy. But these books were lost during his lifetime. They were helped to disappear without a trace by the Islamic orthodoxies, who considered them heretical. The philosophical works of Ibn Sina that have come down to us are extremely interesting: "The Book of Healing", "The Book of Salvation", "The Book

of Instructions and Directions”, “The Book of Knowledge” and many others. Some of them have been translated into Russian, Uzbek and Tajik.

Using the valuable heritage of his predecessors, Ibn Sina created a philosophy that in the early Middle Ages became the pinnacle of the development of theoretical thought in the countries of the Middle East. Historians of philosophy liken Ibn Sina to his great ancient teacher Aristotle. And not only in the depth and encyclopedicity of knowledge, but also in the entire structure of philosophical thought, opposite to any dogmatism and theological scholasticism. Moreover, Ibn Sina was critical of Aristotle's legacy, freed him from many Platonic idealistic layers introduced by Eastern Neoplatonists, and expressed new, original, progressive ideas. The materialistic tendencies of Aristotelianism in his philosophy found their further development.

Ibn Sina managed to overcome the burden of the idealistic traditions of Islam in philosophy and go beyond the mandatory prescriptions of official religion and theology. In contrast to religious legends about the creation of the world, Ibn Sina creates a philosophical system that takes as the basis for the origin of the world “those states of being that arise from being itself and are inherent in it.” Ibn Sina believes in the objective existence of matter, in its infinity, uncreateability and eternity. He seeks to explain natural phenomena based on its own laws. The supernatural authority, according to Ibn Sina, does not have any influence on events in nature. God provides only the first push, after which he has nothing to do - then the world develops according to its own laws.

Ibn Sina, with his courage, accomplished a real feat in science.

РАЗВИТИЕ МЕДИЦИНЫ АВИЦЕННЫ В СТРАНАХ БРИКС



Зеленцова Л.Н.¹, Дитц Д.А.², Нестерова С.И.³

¹*Президент Международного Альянса Стратегических Проектов БРИКС,*

²*Вице-президент Международного Альянса Стратегических Проектов БРИКС,*

³*Председатель Комитета здравоохранения и социальной политики Международного Альянса Стратегических Проектов БРИКС*

В условиях развертывания глобального кризиса, угрожающего будущему человечества, все более актуальным становится объединение граждан разных стран независимо от их религиозной, расовой и национальной принадлежности, противостоящих такому ходу событий. Таким мощным объединением является БРИКС, сформированный Правительствами входящих в него стран. Однако практика БРИКС показывает, что усилий Правительств без вовлечения в этот процесс широких кругов общества недостаточно. Главная Цель АНО «МАСП БРИКС» – объединить действия неправительственных структур - общественных организаций, бизнес-структур, научных и культурных кругов для поддержки и практической реализации идей БРИКС. Миссия АНО «МАСП БРИКС» - это территория для прямого и компетентного контакта представителей ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА стран БРИКС в области обмена и совместной реализации стратегических проектов, направленных на укрепление их сотрудничества, взаимопонимания и глобальной безопасности.

Автономная некоммерческая организация содействия развитию международных связей в рамках группы БРИКС «Международный Альянс Стратегических Проектов БРИКС» учреждена 29 февраля 2016 года с целью содействия развитию международных связей на базе гражданского общества и культуры стран БРИКС. Деятельность Альянса БРИКС основана на реализации решений, принятых в рамках международной платформы БРИКС, посредством создания и осуществления стратегических Проектов, прежде всего, – инновационных, разработанных на основе интеграционных механизмов, принципов сетевой народной дипломатии и общей заинтересованности. Одним из ведущих факторов социальной дестабилизации, приводящей к различным негативным и даже деструктивным явлениям во многих государствах – и в особенности в странах, где уровень жизни и образования населения находится ниже критической отметки – является сегодня возрастающий разрыв между стратегией управления и повседневной жизнью общества. Разрыв этот прежде всего находится в информационном поле: чаще всего те слои населения, которые более всего восприимчивы для деструктивной агитации, не могут сопоставить свой уровень жизни с декларируемыми правительством перспективами развития, не в состоянии найти способ реализовать личные тактические задачи на фоне глобальных государственных стратегических процессов.

При таком положении дел тем, кто заинтересован в дестабилизации общества, несложно трактовать временные трудности переходных периодов, как отсутствие желания правящей администрации проявлять заботу о собственном населении, как недобросовестность чиновников, нечистоплотность финансовой системы и т.п. Все это ведет в результате к спонтанным попыткам исправить положение «снизу» - попыткам, которые при наличии недоброй воли, несложно направить на деструкцию управления, революционный процесс, терроризм. В сложившейся ситуации есть и недоработки власти: чаще всего в условиях кризисов и усиливающегося внешнего давления у правительств не хватает сил и времени для того, чтобы проводить достаточную разъяснительную работу с населением. В то же время, результативность традиционной работы снижается за счет проблем с недобросовестными исполнителями, необходимостью противопоставлять собственные трактовки (долгосрочные) аргументам оппонентов (базирующихся на конкретных недостатках и ошибках). Сказанное в полной мере относится как ко внутригосударственным проблемам, так и к проблемам межгосударственных отношений, в которых долгосрочность проектов увеличивается зачастую на порядок, а «короткие результаты» не несут населению достаточной информации о происходящих изменениях.

Проблема может и должна решаться за счет создания специальных программ и проектов, экстраполирующих каждый положительный сдвиг в глобальной внутригосударственной и внешней политике на жизнь общества. Особенно важное – принципиальное – значение при этом принимает поддержка гражданских инициатив, реализация которых создает зримую и прочную связь между населением и властью, реализует прочную реальную основу для опоры и строительства глобальных улучшений и инноваций. Необходимо признать и тот факт, что порой гражданские инициативы несут в себе даже большую эффективность, чем те, которые направлены в общество «сверху». Поддержка позитивных инициатив «снизу» дает и дополнительный положительный эффект, как материальный (создание новых рабочих мест, повышение социальных гарантий и уровня жизни), так и моральный (население – и в особенности молодежь – получают способ реализации собственной социальной активности для достижения роста и прогресса в своем коллективе, регионе, государстве).

Создание территории здоровьесбережения, основным назначением которой является именно выявление и поддержка гражданских инициатив – задача АНО «МАСПБ». Специалисты АНО готовы проводить постоянную экспертизу общественных начинаний, придавать им импульс к развитию за счет консультаций и поддержки со стороны профессионалов федерального и международного уровня, облегчая задачи стартового периода, подбирая компетентных и профессиональных партнеров, обеспечивая штатом – как среди соотечественников, зарегистрированных в программе, так и среди представителей других стран-участниц, а также дистанционно. На данной площадке решаются вопросы оценки актуальности проектов, трудоемкости их запуска, способов решения текущих и будущих проблем, прогнозирования – и многие другие. Все это – повод для членства и участия. Все это – повод для поддержки со стороны государственных структур. Все это – путь к развитию общества на базе реальных результатов и гражданских инициатив, не ослабляющих, но укрепляющих федеральную власть и созидательное международное сотрудничество.

Создание территории здоровья стран БРИКС является на сегодня важнейшей задачей сохранения здоровья населения стран БРИКС, профилактики заболеваний, увеличение рождаемости здоровых детей и разработка программ долголетия. 18 мая 2023 года Альянс БРИКС, Фонд Ибн Сино и Академия Традиционной Медицины подписали Соглашение о сотрудничестве по направлениям: проведение и стимулирование исследовательских работ по изучению научного наследия Авиценны в Узбекистане и России; оказание поддержки в проведении исследований в сфере традиционной и народной медицины наследия Авиценны, изучение его научного обоснования. В частности, стимулирование и координация ученых и научной деятельности в данных направлениях; совместное издание научных и популярных книг, брошюр, учебных пособий; пропаганда здорового образа жизни на основе трудов великого ученого и современной медицины; развитие традиционной и народной медицины путём медико-биологических исследований лечебных компонентов природного происхождения; установление и развитие контактов между узбекскими и российскими учеными, проведение международных симпозиумов, конференций и конгрессов, посвященных научному наследию Авиценны; совместная организация и участие в международных семинарах, конференциях и симпозиумах в Узбекистане и других зарубежных странах, посвященных Авиценне; совместное привлечение иностранных инвестиций, специалистов и оборудования с целью создания материальной базы для развития организации Сторон.

На сегодня актуальным направлением сотрудничества является открытие представительства и филиала Общественного Фонда «Ибн Сино» в Российской Федерации на площадке Академии Традиционной Медицины, а также проведение в Узбекистане, в России, в странах БРИКС и других странах международных научно-культурных форумов, конгрессов, семинаров, круглых столов, совместной научно-исследовательской деятельности, перевод и издание книг, а также организаций научных экспедиций. Участие Фонда Ибн Сино в Национальной Ассоциации специалистов и технологий традиционной медицине, едином рабочем органе стран БРИКС по традиционной и народной медицине, с целью консолидации и разработки единых стандартов в научных, образовательных и практических направлениях с международными структурами ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ВОЗ и др. С этой целью Фонд «Ибн Сино» введен в состав международного экспертного Совета «Ассоциация специалистов и технологий традиционной медицины стран БРИКС». Участники намерены консолидировать усилия, направленные на изучение, исследование и продвижение богатого наследия ученого-энциклопедиста Абу Али Ибн Сино (Авиценна) и активное участие в реформировании национальной системы здравоохранения во благо народов Узбекистана и России. Проводится организация совместной деятельности, которая вбирает в себя подготовку и осуществление совместной деятельности и проектов: научно-исследовательская экспедиция наследия Авиценны в Россию, создание реестра методов и средств наследия Авиценны, включение данных в реестр Национальной ассоциации специалистов и технологий традиционной медицины при поддержке сторон.

Авиценна оставил драгоценное наследие для сохранения здоровья всего человечества. Канон «врачебной науки» (около 1020, рус. пер., книги 1–5, 1954–60), принёсший Ибн Сине всемирную известность и титул «князь врачей», представляет собой энциклопедический свод медицинских знаний и врачебного опыта Античности и раннего Средневековья (Гиппократ, Гален), а также включает собственные открытия и наблюдения Ибн Сины. «Канон» состоит из 5 книг. Первая книга содержит сведения по анатомии и физиологии; о причинах и признаках болезней; описание учений о т. н. соках (кровь, лимфа, жёлчь) и видах телосложения; данные о диете, сохранении здоровья и предупреждении болезней, об общих принципах лечения. Вторая – посвящена описанию лекарств как растительного, так и животного происхождения. В третьей – рассматриваются отдельные заболевания, их распознавание и лечение. В четвёртой – описаны способы лечения заболеваний. Пятая – посвящена т. н. сложным лекарствам, ядам и противоядиям. Причинами болезней Ибн Сина считал различные «вредности» – местности, климата, времени года; условий быта, питания, труда; душевные потрясения и др. Он впервые описал различия между оспой, проказой, чумой; доказал возможность заразиться этими болезнями через воздух, почву, воду, контакты между людьми; описал туберкулёз, язву желудка, плеврит, диабет; предпринял попытку лечения сифилиса ртутью.

К общим принципам лечения болезней Ибн Сина относил режим дня и питание, применение лекарств и «действие рукой» (т. е. хирургическое вмешательство). В 12 в. «Канон» был переведён на латинский язык, в дальнейшем на многие другие языки, в том числе на русский (после

изобретения книгопечатания по числу изданий он соперничал с Библией). В течение нескольких столетий «Канон» служил руководством для врачей. Многотомный энциклопедический труд «Книга исцеления» («Китаб аш-Шифа») состоит из четырёх разделов: 1) философская пропедевтика и логика; 2) физика, психология и биология; 3) математика, астрономия и музыка; 4) метафизика, включающая в качестве прикладных дисциплин политику, этику, домоводство (экономику) и религиозное право – фикх (уже в 12 в. на латинский язык были переведены разделы по метафизике и психологии под названием «Sufficientiae», т. е. «Достаточное» – по второму значению арабского слова «шифа»).

Сокращённые варианты этой энциклопедии – «Книга спасения» («ан-Наджат») и «Книга знания». Ибн Сина создал систематическое философское сочинение «Указания и наставления» («аль-Мшарат ва-т-танбихат»), заключительные главы которого написаны под влиянием суфизма. Среди его малых произведений выделяются «Трактат о любви», а также аллегорические повести, образующие своеобразную философскую трилогию: «Живой, сын Бодрствующего» («Хайй ибн Йакзан»), «Послание о птицах» («Рисалат ат-Тайр») и «Салман и Абсал». Сохранились немногочисленные стихи Ибн Сины на арабском языке и на фарси. Часть драгоценных трудов Авиценны сохранились в России. Запланировано проведение совместных исследовательских работ по изучению научного наследия Авиценны в Узбекистане, России и других странах.

Альянс БРИКС всемерно содействует развитию международных проектов в сфере здравоохранения и здоровьесберегающих технологий, где особое место занимает медицина Авиценны. Альянс содействует развитию и укреплению социокультурных связей стран БРИКС в сфере здравоохранения; развитию и укреплению торгово-экономических отношений, в том числе международных; содействие международному социально-экономическому развитию, внедрению социальных и технологических инноваций; создание и реализация стратегических Проектов, расширяющих возможности развития взаимоотношений в основных направлениях международного сотрудничества; создание на платформе БРИКС отраслевых союзов, ассоциаций и партнёрств, координация их деятельности в соответствии с концепцией объединения БРИКС; создание гражданской платформы по организации взаимодействия с органами государственной и муниципальной власти, представителями деловых кругов в вопросах реализации принципов БРИКС; проведение публичных мероприятий (выставок, семинаров, конференций), направленных на повышение эффективности реализации решений, принятых в рамках международной платформы БРИКС; налаживание контактов с заинтересованными органами, организациями и частными лицами других межгосударственных союзов и объединений, включая ШОС, ЕвразЭС, МЕРКОСУР, СААРК, САДК и другие, членами которых являются страны-члены БРИКС.

В 2024 году запланировано совместное проведение мероприятий, направленных на повышение грамотности населения по поддержанию здоровья, сотрудников медицинских организаций и государственных служащих в сфере реализации решений, принятых в рамках Пекинской декларации стран БРИКС.

ПРАКТИКА НАПИСАНИЯ «СОКРАЩЕНИЙ» И «МАЛЫХ КАНОНОВ» В МЕДИЦИНЕ МУСУЛЬМАНСКОГО ВОСТОКА

Ибрагимов Ф.

Институт Востоковедения Академии наук Узбекистана

«Канон врачебной науки» Абу Али ибн Сины на протяжении веков был одним из основных учебных пособий в медицинских заведениях Востока и Запада. Из-за высокого интереса к этому труду в Средние века мусульманские ученые и лекари нередко писали к нему комментарии. В них для удобства пользователей объяснялись сложные места текста, составлялись его сокращённые варианты.

Современной науке известно более 30 комментариев к «Канону врачебной науки», написанных поздними философами, учеными и лекарями. Некоторые комментарии посвящены полному тексту «Канона врачебной науки», а некоторые – отдельным частям этого произведения.

В дополнение к комментариям к «Канону врачебной науки» и ради облегчения его практического использования в качестве руководства создавались также «Сокращения» и «Малые

каноны». Тексты этих трудов преподавались в медресе. Учащиеся заучивали их, а лекари использовали в качестве пособий.

«Канон врачебной науки» Ибн Сины на протяжении многих веков оказывал сильное влияние на медицину Востока и Запада. Комментарии и сокращения, написанные к этому произведению, сыграли важную роль в распространении изложенной в нем информации. Следовательно, систематическое изучение этой темы остается одной из самых актуальных научных проблем, требующих своего решения.

До сих пор сокращенные варианты произведения «Канон врачебной науки» не получили достаточного освещения в исследованиях ученых. Посредством систематического изучения этой темы можно выявить влияние «Канона врачебной науки» на развитие медицины в более поздний период.

БИЛИМ ИНТУИЦИЯ ПОЙДЕВОРИ

Исмоилов И.

Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси

Интуиция (ички овоз, кароматли ҳис этиш, ғалати сезги) – бу тўғри ва ажойиб фикрларнинг керакли фурсатда келишидир. Кароматли ҳис этиш, сезги (лотинча *intuitio* - тафаккур, вазиятни ақлий баҳолаш қобилияти, дарҳол тўғри қарорлар қабул қилиш). Лотинча «*intuitus*» V асрда Римда яшаган файласуф Аниций Манлий Северин Боэций (480 -524) томонидан фалсафага киритилган.

Кароматли ҳис этиш ҳали кўзга кўринмаётган нарсани ёки ҳодисани мавжуд ҳолат асосида олдиндан сезиш қобилиятидир.

Кароматли ҳис этиш – бу ҳақиқатни далилларсиз англаш қобилияти, фавқулодда осмон узра пайдо бўлган ўта янги юлдузни ёрқин чакнашига ўхшаш ғалати сезги. Файласуфлар интуицияга объектив дунё қонунларини англаб етишда самарали восита сифатида қараганлар, аждодларимиз “табиатнинг овози” ёки олтинчи сезги тарзида қабул қилганлар. Кароматли ҳис этишга оид фикрлар турли тахминлар, ўйлар ва олдиндан сезиш тарзида мутлақо қўққисдан пайдо бўлишини тақидлаганлар.

Айрим кишиларнинг керакли вақтда ва керакли жойда ҳозир бўлишлари ва ҳаётда омадлари келишининг ҳайратда қолдирарли даражада кўп такрорланиши кароматли ҳис этиш билан боғлиқ. Бундай инсонлар уларга қачон нима қилиш кераклиги йўлини кўрсатувчи кароматли ҳисга оид қобилиятларини доимо ривожлантирадilar. Кароматли ҳис этиш уларга билим олиш учун янги имкониятлар эшигини очади, шунингдек, билимларини қачон ва қандай қўллашни кўрсатади. Дунёвий билимларни эгаллаш, ўз ўрнида кароматли ҳис этишга оид қобилиятни ривожлантириш учун ажойиб пойдевор ҳисобланади.

Барча буюк инсонлар, жумладан, давлат арбоблари, ижодий фаолият вакиллари, спортчилар, ишбилармонлар доимо кароматли ҳис этишга - ўзларининг ички куч-қудратларига қулоқ соладilar.

Улар воқеалар жараёнида ўзгаришларга бой ривожланиш йўлини англайдilar, “вақт руҳини” сезадilar ва тарихий жараёнларнинг ривожланишини олдиндан айтиб берадilar.

Улар жамиятнинг муайян соҳаларида тенги топилмайдиган одамлар ҳисобланишади. Ўзига хос фарқли истеъдодлари уларни катта аҳамиятга эга бўлган касблар мажмуига яхши мувофиқлаштиради. Улар ижтимоий соҳада тўғри алоқаларни шакллантиришда ғайритабиий қобилият эгасидирлар.

Шайх ур-Раис Ҳусайн ибн Сино кароматли ҳис этишга оид қобилиятли инсонлар ҳақида қуйидагича фикр юритади: «Эҳтимол, сен илохий куч ва унинг мавжудлиги ҳақида янада кўпроқ далилларни билишни хоҳларсан? Унда диққат билан тингла! Кароматли ҳис этишнинг мавжудлигини ва унга эга бўлган одамлар ҳар хил даражадалигини, ҳамда фикрлаш кучлари фарқ қилишини билмайсанми? Улар орасида ақл-заковатга эга бўлмаган билимсизлар, шунингдек, ақл-заковатга эга бўлганлар ва фикрлашдан фойдаланадиганлар ҳам бор. Лекин улар орасида биринчилардан фарқли ўларок, анча маърифатли ва кароматли ҳис этиш ёрдамида тушуниладиган нарсаларни билишга қодир бўлганлар ҳам бор. Бирок, бундай ўқимишлилик уларнинг барчаларида бир хил эмас ва баъзиларида камроқ даражада, бошқаларида эса кўпроқ даражада намоён бўлади.

Модомики сен, ҳеч қандай қароматли ҳис этишга эга бўлмаган инсонни учратишинг мумкинлигидек, кўп ҳолларда ўрганиш ва фикр-мулоҳазанинг зарурати бўлмаган, кучли қароматли ҳис этишга қодир кишиларни ҳам албатта учратишинг мумкин».

Хусайн ибн Сино ҳам ўзининг ички овози - интуициясига (қароматли ҳис этиш, сезиш) диққат билан кулоқ солиб, энг тўғри қарорлар қабул қилган, чексиз кўп ижодий ғояларни таклиф қилиб илгари сурган ва нарсаларга, ҳодисалар жараёнига жиддийлик билан теравроқ назар солганлиги сабабли ўзининг хоҳиш ва истакларини англаб олишдан то уни амалга оширишгача бўлган энг қисқа ва тўғри йўллари аниқлаб билган.

ХОТИРА МУҚАДДАС!

Исмоилов И.

Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси

Ўз замонасининг атоқли файласуфи ва буюк шифокори, ҳижрий-қамарий IV-V (милодий X-XI) асрларда Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эрон ҳудудларида юз берган тафаккур, ақл ва билим раўнақи (мусулмон «Ренессанси») даврининг энг машҳурларидан бири, жаҳон фани тараққиётига ўзининг кўп қиррали билими билан улкан ҳисса қўшган комусий олим, шифокор, файласуф ва гуманист, бой ва серқирра илмий мерос соҳиби, замонавий тиббиётнинг асосчиси Абу Али Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино (Авиценна, 980-1037) ҳаёти ва фаолияти чуқур ўрганиш ва хотирасини абадийлаштириш жараёни давом этмоқда.

Хусайн ибн Сино ўзининг илм-фанда улкан аҳамиятга эга бўлган оламшумул ютуқлари, бой ва серқирра илмий мероси билан дунё хазинасини бойитиб, жаҳон цивилизациясига улкан таъсир кўрсатган, жумладан, *тиббиётни бутунлай такомиллаштиришида улкан ҳиссаси билан қатнашган*, катта ҳурматга сазовор тарихий шахс.

Бухорода билим олиб қамолга етган XII асрдан ғарб давлатларида Авиценна номи билан машҳур Хусайн ибн Сино, икки дарё оралиғидаги Мовароуннаҳр номли буюк юрт халқларининг асл фарзанди сифатида эъзозланмоқда, хотираси юксак даражада ҳурмат қилинмоқда. Унинг хотираси, ғоялари ва шон-шухрати умрбод ўлмас бўлиб қолади.

Буюк олимнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида, Швециялик табиатшунос олим, профессор Карл Линней экстремал об-ҳаво ва иқлим шароитларига мослаша оладиган, турли зараркунандалар таъсирига ва ўсимлик касалликларига чидамли бўлган ўсимликга «Авиценния» деб ном берган. Помир тоғининг Чон-Олой тизмасидаги энг баланд чўққилардан бири (7134 м) Хусайн ибн Сино номи билан аталади. Ой сайёрасини кўринмас томонидаги вулқонга «Avicenna» номи берилган. Кичик планеталардан бири 2755-астероидга «Avicenna» номи берилган. Зирабулоқ тоғларидаги конларда намуналари топилган жуда кам учрайдиган нодир янги минерал «Авиценнит» минерали деб номланган.

Антарктика қитъасидаги Палмер архипелаги таркибига кирган Брабант оролидаги кўрфазга «Авиценна» (Хусайн ибн Сино) номи қўйилган.

Тошкентдаги “Янги Ўзбекистон” боғи ва Мустақиллик ёдгорлигида буюк саркарда ва жаҳонгирлар, аллома ва мутафаккирларнинг ўлмас сиймолари акс эттирилган, жумладан буюк Хусайн ибн Синонинг сиймоси ҳам қад ростлаган.

Бухоро шаҳрининг Марказий майдонида, Афшона қишлоғида, В. Воҳидов номидаги жарроҳлик маркази боғида, Миллий реабилитация ва протезлаш марказида, "Чинобод" санаторийси боғида, Тошкентдаги госпитал клиникаси ва Қаршидаги госпитал клиникаси боғида, Навоий КМК 1-сон ТСҚ боғида ва 3- ТСҚ боғида ёдгорлик ҳайкаллари қад ростлаган.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш музейида, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий Маркази Навоий вилоят филиали боғида, «Навоийазот» АЖ ТСҚ ҳудудида, Навоий вилояти Давлат музейи фоесида, Бухоро Давлат Тиббиёт Институти ҳудудида ва Наманган онкология диспансери боғида ёдгорлик бюстлари барпо этилган.

Шунингдек, хорижий давлатларда, Душанба шаҳрида, Россиянинг Партенит курорт шаҳри паркида ва Туапсе шаҳридаги 1-касалхона ҳовлисида, Испаниянинг Кордова шаҳрида, Эроннинг Ҳамадон шаҳрида, Австриянинг Вена шаҳрида, Туркиянинг Анқара университети клиник касалхонасида ва Коня шаҳрида, Франциянинг Рюэй-Мальмезон шаҳрида, Латвиянинг Рига

шаҳрида ёдгорлик ҳайкаллари қад ростлаган.

Тожикистоннинг Хўжант шаҳрида ва Душанба Миллий Кутубхонасига кираверишда, Олма-Ота шаҳрида, Киев шаҳрида, Белгиянинг Кортрейк шаҳрида, Мадрид шаҳрининг университет шаҳарчасида, Москванинг миллий тиббий жарроҳлик марказида, Нурбулоқ кўрғонидаги “Нуробод” санаторийсида, ҳайкалтарош А. Леонов ясаган, ҳайкалтарош А. Бикасиён ясаган бюстлари барпо этилган.

Улуғ ҳақимнинг 1000 йиллик юбилеи муносабати билан, ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан Ҳусайн ибн Сино (Авиценна) олтин медали ва халқаро мукофоти, Тожикистонда Давлат мукофоти таъсис этилган.

Тошкент шаҳрида 1999 йили Ибн Сино жамоатчилик фонди, Исроил давлатида «Авиценна» шарқ тиббиёти маркази ва «Авиценна» фонди, Москва шаҳрида 2007 йили Авиценна Маданият ва Илм-фан тадқиқотлари фонди, Ҳамадон шаҳрида Ҳусайн ибн Сино - Авиценна фан ва маданият фонди, Америка Қўшма Штатларини Техас штатидаги Хьюстон шаҳрида Ибн Сино фонди, «Абу Али ибн Сино - Франция» Ассоциацияси ташкил қилинган. Францияда 2016 йили Ҳусайн ибн Сино (Авиценна) халқаро мукофоти ва халқаро соврини тасис этилган.

Эрон Ислом Республикасининг Ҳамадон шаҳрида Бу-Али Сино университетига, Техрон шаҳрида илмий тадқиқот институтига, Душанба шаҳрида Давлат тиббиёт университетига, Бухоро шаҳрида Давлат тиббиёт институтига Ҳусайн ибн Сино номи берилган.

Ҳиндистоннинг Алигарх шаҳрида ўрта асрлар тиббиёти ва фани академиясига, Карачидаги тиббиёт мактабига, Покистоннинг Лаҳор шаҳрида тиббиёт колледжига, Афғонистоннинг Балх шаҳрида тиббиёт мактабига, Филиппиннинг Марави шаҳрида бирлаштирилган мактабга, Венгриянинг Будапешт шаҳрида «Авиценна» номидаги халқаро колледжга (АИС), Бангладешнинг Дакка шаҳридаги колледжга Ҳусайн ибн Сино номи берилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги қуйидаги 47 тиббиёт колледжлари негизида қайтадан Нукус, Қўнғирот, Хўжайли (Қорақалпоғистон), Андижон, Бўстон, Қўрғонтепа, Пахтабод (Андижон в.), Бухоро, Афшона, Қоракўл (Бухоро в.), Жиззах, Дўстлик, Зомин (Жиззах в.), Қарши, Муборак, Шаҳрисабз (Қашқадарё в.), Наманган, Косонсой, Чортоқ, Норин (Наманган в.), Навоий, Хатирчи (Навоий в.), Самарқанд, Иштихон, Каттакўрғон, Пастдарғом, Пахтачи, Сиёб, Ургут (Самарқанд в.), Сирдарё (Сирдарё в.), Денов, Термиз, Сариосиё, Шеробод (Сурхондарё в.), Бекобод, Олмалик, Зангиота, Янгийўл (Тошкент в.), Бешариқ, Марғилон, 2-Марғилон, Қува, Риштон (Фарғона в.), Урганч (Хоразм в.), 1-Республика, Чилонзор ва Юнусобод (Тошкент ш.) Жамоат саломатлиги техникумлари ташкил этилди ва “Абу Али ибн Сино Жамоат саломатлиги техникуми” деб аталди.

Шунингдек, Ўзбекистонда 1999 йили ватандошимиз Ҳусайн ибн Сино шарафига эсдалик кумуш танга чиқарилган. Шунингдек, Тожикистон Республикаси пули 20 сомонида Ҳусайн ибн Сино сиймоси, Эрон Ислом Республикасининг 10 ва 20 риаллик пулларида буюк олимнинг Ҳамадон шаҳридаги мақбараси кўриниши жойлаштирилган. Ливан, Эрон Ислом Республикаси, Афғонистон, собиқ ГДР ва Польша, Сурия, Покистон, Яман Араб Республикаси, Миср, Кувейт, Дубай амирлиги, Иордания, Катар, Алжир, Комор ороллари, Ливия, Мали ва бошқа давлатлар почта маркаларида Ҳусайн ибн Сино сиймоси акс эттирилган. Собиқ СССРда Ҳусайн ибн Сино тасвири билан почта конвертлари (1953, 1959, 1979, 1980, 1983 йиллар) чиқарилган ва 1984 йили Тошкент шаҳридаги ҳайкал тасвири билан рангли почта карточкаси чиқарилган.

Ангрен, Бухоро, Гулистон, Душанба шаҳрида Ибн Сино тумани ва Абуали ибн Сино проспекти, Жума, Ғазалкент, Қибрай туманидаги Салар шаҳарчасида, Сирдарё, Урганч, Фарғона, Самарқанд, Термиз, Навоий, Учкўрғон, Назрань, Хайфа, Донецк ва яна қатор шаҳарлардаги кўчаларга Ҳусайн ибн Сино номи кўйилган.

Буюк олимнинг болалигидан бошлаб, ҳаётини охиригача кунларигача даврни қамраб олган, серкира фаолиятини ҳикоя қилиб кўрсатадиган қатор фильмлар яратилган. Булар, «Авиценна» (1956), режиссёр К. Ёрматов, «Юность Гения» (1982), режиссёр Э. Ишмухамедов, «Авиценна» («Bu-Ali Sina») (1987) телесериали, Эрон, режиссёр К. Рохгузар, «Лекарь: Ученик Авиценны» («The Physician») режиссёр Филипп Штёльцль, Германия (2013), «Авиценна канон бессмертия» (2018) хужжатли фильми, режиссёр К. Исламов, Тошкент.

Видеофильмлар - Авиценна. Свет с Востока (2010), режиссёр Ш. Махмудов, «Абу Али ибн Сина» (Авиценна) сериали (2014), «Мудрость веков». Ибн Сина (Авиценна) (2018), режиссёр А. Дуйсебаев, Қозоғистон ва бошқалар.

Умуман, мактаблар, лицейлар, колледжлар, техникумлар, институт ва университетлар, стипендия ва мукофотлар, тиббиёт ташкилотлари, фармацевтика заводлари, дорихоналар, лабораториялар, фирмалар, нашриёт ва босмахоналар, кутубхоналар, музейлар, журналлар, компьютер дастурлари, турар-жой массивлари, замонавий меҳмонхоналар Мовароуннахрнинг улуғ истеъдодли донишманди, Ислоннинг олтин асри асосий вакили Хусайн ибн Сино номи билан аталган. Албатта бу тўла рўйхат эмас!

Хусайн ибн Сино катта ҳурматга сазовор шахс, кўнгли очик, меҳр-муҳаббатли, оддий, меҳнатсевар, зийрак, беморларга меҳрибон, ажойиб руҳиятли, тиббиёт одобининг юксак соҳиби, хайратона даражадаги иқтидорли олим ва шифокор. Унинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти, сеvimли касбга меҳри ва садоқати Ўзбекистон ёшлари тақлид қилишига арзигулик ҳолат. Буюк олим инсонларга соғлиқ, шод-хуррамлик келтириш учун яшади. Ўз манфаатидан инсонлар манфаатини юқори қўйди, умрини шифокорлик ва илм-фанга бағишлаганидан ҳеч афсусланмади.

Ажойиб инсон, доно ва ўзига ишонган, доимо халқ билан, жамият билан бирга бўлган юксак маданиятли олим, дунё халқлари хотирасида абадий қолган, бой мероси жаҳон цивилизацияси тараққиёти тарихида шарафли ўрин эгаллаган, дунё одамлари учун азиз ва мероси бутун инсониятга тегишли тарихий шахс Хусайн ибн Сино номи қўйилган манзиллар албатта эгасига мос кўринишда бўлиши учун барчамиз ҳисса қўшайлик.

Тошкентдаги ҳашаматли Мустақиллик ёдгорлиги пойида “Халқимиз тарихида эзгу из қолдирган барча аждодларимиз доимо қалбимизда”, деб битилган чуқур маъноли сўзлар уларнинг хотирасига бугунги авлодларнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромини англатади.

ЯШИЛ «АВИЦЕННИЯ»

Исмоилов И.

Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси

Буюк швед табиатшуноси (ботаника, зоология, минералогия), шифокори, Швеция Қироллик Фанлар академиясининг ташкилотчиси ва биринчи президенти, Uppsala университети ректори, 1741-йилдан умрини охиригача шу университет профессори Карл Линней (1707-1778) ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини умумий таснифлашнинг ягона тизимини яратувчиси бўлиб (муаллифи), унда биология фани ривожланишининг бутун олдинги даври ҳақидаги билимларни умумлаштирган ва маънодор қилиб юксак даражада такомиллаштириб берган.

Ўз замонасининг атоқли файласуфи ва буюк шифокори, ҳижрий-қамарий IV-V (милодий X-XI) асрларда Мовароуннахр, Хуросон ва Эрон худудларида юз берган тафаккур, ақл ва билим равнақи (мусулмон «Ренессанси») даврининг энг машхурларидан бири, дунёнинг кўплаб файласуфлари ва шифокорлари учун билим ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилган «Шифо» ва «Тиб қонунлари» («Китаб аль-Канун фи-т-Тиб») асарларининг муаллифи, Европада «Авиценна», «Ислом Аристотели» ва «Шифокорлар шоҳи» деб ном олган, Сомонийлар давлатининг пойтахти, салобатли, гўзал Бухоро (Бухоро-и-Шариф), яқинидаги Афшона қишлоғида 16.08.980 йили (ЮНЭСКО) туғилган ва Бухорода билим олиб камолга етган ўрта осийлик буюк қомусий олим Абу Али Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Али ибн Сино («Авиценна») (қисқача - Хусайн ибн Сино) жаҳон фани тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини ҳисобга олиб ва илм-фан соҳасидаги ғоялар ва шон-шухратнинг ўлмаслиги белгиси сифатида экстремал об-ҳаво ва иқлим шароитларига мослаша оладиган, турли зараркундалар таъсирига ва ўсимлик касалликларига чидамли бўлган ўсимликга Карл Линней «Авиценния» деб ном берган.

«Авиценния» тропик мамлакатларда ўсадиган, доимо (қишин-ёзин) яшил турувчи дарахтлардан бўлиб ҳисобланади.

The Plant List маълумотлар базасига киритилган ўсимликлар рўйхатида Авиценнияни қуйидаги турлари киритилган: *Avicennia balanophora*, *Avicennia bicolor*, *Avicennia germinans*, *Avicennia integra*, *Avicennia marina*, *Avicennia officinalis*, *Avicennia schaueriana*, *Avicennia tonduzii* ва бошқалар.

«Авиценния» *nitida* турларининг пўстлоғи Бразилияда моллар терисини ошловчи воситаси сифатида ишлатилади. «Авиценния»ни баъзи турлари уй ўсимликлари сифатида ўстирилади, масалан, «Авиценния» *brilliant* («Авиценния» *germinans*) ва «Авиценния» *officinalis* - иккаласи ҳам

очик рангдаги барглари ва пушти гуллари билан ажралиб туради.

«Авиценния» *maïne* экстремал об-ҳаво ва иқлим шароитларига мослаша олади турли зараркунандалар таъсирига ва ўсимлик касалликларига чидамли.

Ҳусайн ибн Сино 18.06.1037 йили (ЮНЭСКО) Исфаҳон амирлигига қарашли Ҳамадон шаҳрида вафот этган ва дафн этилган.

«АВИЦЕННА» САЙЁРАСИ

Исмоилов И.

Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси

Кичик сайёра (Asteroid) «Авиценна» (1973 СЖ 4; 1978 УХ 1) - (asteroid-2755) асосий ташқи ўлчами тахминан ўн икки километр узунликни ташкил қилган, қуёш атрофида ҳаракатланувчи бу кичик осмон жисми, рус астрономи Л. И. Черних томонидан Қрим ярим оролидаги Қрим расадхонасида (МАС коди 095) 1976 йили 26 сентябрида кашф этилган.

2006 йилда Халқаро Астрономия иттифоқи аксарият астероидларни қуёш тизимининг кичик жисмлари қаторига киритган.

«Avicenna» 2755-астероидга (Астероид - «юлдуз каби») XII асрдан бошлаб Европада Авиценна номи билан машҳур бўлган, Ўзбекистоннинг Бухоро шаҳри яқинидаги Афшона қишлоғида туғилган машҳур табиб, файласуф, олим ва шоир, Абу Али Ҳусайн ибн Сино номи берилган.

ОЙ САЙЁРАСИДАГИ ВУЛҚОН

Исмоилов И.

Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси

«Avicenna» вулкони («Avicenna» кратери) – ойнинг кўринмас томонида бўлиб, кучли зарбдан пайдо бўлган деб тахмин қилинади (диаметри 72,99 км, чуқурлиги 2,7 км). Вулқон Лоренц вулкони атрофидаги ой жинсларидан бўлган деворнинг шимолий қисмида жойлашган.

Ўзининг илм-фанда улкан аҳамиятга эга бўлган оламшумул ютуқлари, бой ва серқирра илмий мероси билан дунё хазинасини бойитиб, жаҳон цивилизациясига улкан таъсир кўрсатган, жумладан, тиббиётни бутунлай такомиллаштиришда улкан ҳиссаси билан қатнашган, катта ҳурматга сазовор тарихий шахс, буюк Ҳусайн ибн Сино (Авиценна) хотирасини абадийлаштириш мақсадида ой сайёрасини кўринмас томонидаги ушбу вулқонга «Avicenna» номи берилган.

«Avicenna» вулкони 1970 йилда халқаро Астрономия Иттифоқи томонидан тасдиқланган.

«Avicenna» вулкониининг шимоли-шарқида Брегг ва Лакчини вулқонлари, шимолида Шенфельд вулкони, жануби-шарқида Нернст ва Рентген вулқонлари, жанубий-ғарбида Уинлок вулкони жойлашган.

«Avicenna» вулкони косасининг атрофидаги жойлардаги ой жинсларидан пайдо бўлган деворнинг энг юқори нуқтасини баландлиги 1310 метрни ташкил қилади. Вулқон косасининг Жанубий қисми бир нечта кичик вулқонлар билан белгиланади. «Avicenna» вулкониининг ҳажми тахминан 4950 км³.

«Avicenna» вулкониининг пайдо бўлиши Нектар давригача бўлган вақтга тўғри келади.

«ХУСАЙН ИБН СИНО» НОМЛИ ЧЎҚҚИ

Исмоилов И.

Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси

Қирғизистон (Ўш вилоятининг Чон-Олой тумани) ва Тожикистон (Тоғли-Бадахшон автоном вилоятининг Мурғоб тумани) чегарасидаги Чон-Олой тизмасидаги энг баланд (етти минг метрдан баланд) чўққиларидан бири бўлиб, Помир тоғида (7134 м) жойлашган.

Чўққи илмий адабиётларда илк бор 1871-йилда рус географи ва сайёҳи А.Р. Федченко томонидан тасвирланган бўлиб, чўққига Туркистон Генерал-губернатори К.Р. Кауфман номи берилган. 1928-йилда янги ҳукумат ўрнатилиши билан бу чўққи В.И. Ленин чўққиси деб номланган.

2006 йил 4 июлдаги Тожикистон ҳукумати қарори билан ушбу чўққига Абу Али Ҳусайн ибн Сино чўққиси деб ном берилган.

2017 йил 26 октябрда Қирғизистон президенти бу чўққини «Манас» чўққиси деб қайта номлаш тўғрисида қонун қабул қилишни тавсия қилган, аммо бу амалга ошмай қолган.

АВИЦЕННА КЎРФАЗИ

Исмоилов И.

Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси

Авиценна (Ҳусайн ибн Сино) номи қўйилган унча катта бўлмаган кўрфаз, Антарктика қитъасидаги Палмер архипелаги таркибига кирган Брабант оролининг шарқ томонида, Д'урсель бурнидан тахминан 2,4 км (1,5 миль) жанубий-ғарбда жойлашган.

Антарктиканинг шимолий-ғарбий соҳилидаги ороллар гуруҳига Палмер архипелаги деб ном берилган. У шимолда Тауэр-Айленд оролидан жанубда Анверс оролига қадар чўзилган. Брабант ороли Палмер архипелагидаги иккинчи йирик орол, Анверс ва Льеж ороллари орасида жойлашган.

Бельгиянинг Антарктика экспедицияси (1897-1899 йиллар) раҳбари Адриен де Жерлаш де Гомери экспедицияни қўллаб-қувватлаган Брабант вилояти фуқаролари хурматида «Брабант» ороли деб номлаган. Кўрфазни эса харитага туширган. 1944 йилда Британиялик Перси Хантинг томонидан ташкил этилган «Хантинг Аэросервис Лтд» аэрофотосуратлар компанияси томонидан 1956-1957 йилларда кўрфаз суратга олинган ва 1959 йилда шу сурат асосида харитага киритилган.

Буюк Британиянинг Антарктикадаги жойларга ном бериш қўмитаси томонидан ушбу янги аниқланган кўрфазга буюк инсон Мовароуннаҳрлик файласуф ва шифокор Авиценна (Ҳусайн ибн Сино) номи берилган.

«АВИЦЕННА» ХАЛҚАРО МУКОФОТИ

Исмоилов И.

Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси

ЮНЕСКО Ижроия Кенгашили 166-сессияси 2003 йилда ўтказилган бўлиб, унда Эрон Ислом Республикаси ташаббуси билан «Авиценна» мукофоти ташкил этилган.

Мукофот X-XI асрларда яшаб фаолият юритган Мовароуннаҳрлик олим, шифокор, файласуф ва гуманист, Европада Авиценна номи билан машҳур Ҳусайн ибн Сино номи билан «Авиценна» мукофоти деб аталган. «Авиценна» мукофоти илмий тадқиқот одоб-ахлоқи соҳасига қўшган ҳиссаси учун ҳар икки йилда бир марта мутахассис ёки илмий жамоага эришган улкан ютуқлари учун берилди. Мукофот олимлар ва кенг жамоатчилик эътиборини илм-фан ва техника ютуқлари қўтарилган масалаларни ахлоқий тушунишни тарғиб қилишга, шунингдек, одоб-ахлоқнинг фандаги аҳамияти тўғрисида бутун дунёда хабардорликни оширишга, шунингдек уларни кейинги муҳокамасини ва таҳлил қилинишини мақсад қилган.

Мукофотнинг мақсади илмий тадқиқот одоб-ахлоқи соҳасидаги фаолиятни рағбатлантиришдан иборат, жумладан:

- ❖ энг янги илмий ва технологик тараққиёт билан боғлиқ масалаларни ахлоқий илмий таҳлил қилиш ва тадқиқ қилиш;
- ❖ илмий-тадқиқот ва ривожланиш соҳасидаги ахлоқий масалаларни, шунингдек, илмий одоб-ахлоқ (этика) соҳасидаги сиёсатни қўллаш ва фаолият юритувчи қўмиталарга тегишли маслаҳат ёрдами кўрсатиш;
- ❖ фаннинг ахлоқий жиҳатлари бўйича таълим ва тарбияни ривожлантиришга қаратилган тадбирлар;
- ❖ илмий алоқаларни ривожлантиришга, жамоатчиликни хабардор қилиш стратегиясини ишлаб чиқишга ва фан ва техника одоб-ахлоқи бўйича мунозараларга улкан ҳисса қўшиш.

Шундай қилиб, илм-фан ва техника ютуқлари билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муаммоларни ахлоқий тушунишга ҳисса қўшиш орқали «Авиценна» мукофоти халқаро ҳамжамиятнинг илм-фандаги ахлоқнинг аҳамияти тўғрисида хабардорлигини оширишга катта ҳисса қўшиши кутилмоқда.

Мукофотга номзодлар мутахассислар, муассасалар ва нодавлат ташкилотлар бўлиши мумкин. Эрон Исломи Республикаси томонидан молиялаштириладиган «Авиценна» мукофоти лауреати эсдалик олтин медали, сертификат ва 10 минг АҚШ доллари миқдорига мукофот билан тақдирланади. Мукофот совриндори, шунингдек, Эрон Исломи Республикасига бир ҳафталик саёҳатга таклифнома олади, унда Эрон ҳукумати томонидан ташкил этилган тегишли академик доираларда нутқ сўзлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўтган давр мобайнида қуйидаги мутахассислар «Авиценна» мукофоти ғолибларига айланишган.

1. Австралия/Канада фуқароси профессор Маргарет Сомервил. Канаданинг Монреал шаҳридаги Макгилл университети тиббий этика ва ҳуқуқ маркази директори. 2004 йил.
2. Уммон султонлиги фуқароси профессор Абдалла С. Даар. Торонто университети қошидаги биоэтика марказида амалий этика ва биотехнология дастурининг раҳбари ва Канада геномикаси ва Жаҳон Соғлиқни сақлаш дастурининг ҳамраиси. 2005 йил.
3. Хитой Халқ Республикаси фуқароси профессор Жэньцзун Цю. Хитой Халқ Республикаси Фалсафа институтининг фахрий катта илмий ходими, Пекин тиббиёт коллежлари иттифоқи биоэтика маркази академик қўмитаси раиси. 2009 йил.
4. Покистон фуқароси профессор Забта Хон Шинвари. Покистон Фанлар Академиясининг Бош котиби ва Исломободдаги Қайд-и-Азам университетининг биотехнология факултети раҳбари. 2015 йил.
5. Америка Қўшма штатлари фуқароси профессор Дональд А. Браун. Уайднер университети ҳуқуқшунослик факультетида барқарор ривожланиш соҳасидаги этика ва ҳуқуқ профессори. 2019 йил.

Лауреатларга «Авиценна» мукофотини бериш тўғрисидаги қарорлар мустақил халқаро ҳакамлар ҳайъати тавсияларига мувофиқ қабул қилинди ва уларнинг фан ва техника этикасига, иқлим ўзгариши этикаси ва экологик барқарорликга, иқлим ўзгариши соҳадаги илмий тадқиқотлар ва сиёсатни ишлаб чиқиш этикасига, экологик жиҳатдан соғлом ва барқарор иқтисодий ривожланишга, табиий ресурслар ва биохилма-хилликдан фойдаланишга, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, ҳаётни қўллаб-қувватлаш технологияларига, репродуктив технологияларга, соғлиқни сақлаш ва клонлаш соҳасидаги тадқиқотларига, ахлоқий сиёсат соҳасидаги сиёсий ташаббусларга, умуминсоний ахлоқий тамойилларни талқин қилиш ва амалга оширишга, ахлоқий масалалар ва уларнинг яхши бошқарув, ижтимоий таъминот ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқлиги тўғрисида аҳолининг хабардорлигини оширишга, фан ва этика, техника ва жамият муаммоларига, биотиббий этикасига, тиббиёт ва фаннинг ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатларига, биоэтиканинг глобал ривожланишига қўшган муҳим ва салмоқли ҳиссалари, муаммоларни ечимини топишдаги фаол иштироклари, жумладан илмий изланишлари инobatга олинди.

Илм-фан ахлоқи билимларига намунали яхлит ёндашувни ишлаб чиққан Хусайн ибн Синонинг ғоялари ЮНЕСКО фаолиятида марказий ўрин тутадиган илмий тадқиқот одоб-ахлоқи масаласини масъулият билан муҳокама қилиш ва тадқиқ қилиш учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Янги Ўзбекистон учинчи Уйғониш даври остонасида турибди ва даврнинг ёрқин саҳифаларга бой буюк тарихи яратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Халқимизнинг улғувор кудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда”.

Учинчи Ренессанс ҳам, Биринчи Шарқ Уйғониш даври – IX-XII асрлар ("Маърифий Ренессанс") ва Иккинчи Шарқ Уйғониш даври – XIV-XVI асрлар ("Темурийлар Ренессанси") каби узоқ давом этадиган жараён.

Учинчи Ренессанс учун, аввало, жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига мислсиз ҳисса қўшган Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Хусайн ибн Сино, Мирзо Улғубек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо ва қатор бошқа олимларга ўхшаган минглаб истеъдодли мутахассислар, иқтидорли замонавий ёшлар, фидойи инсонларни тайёрлашимиз ниҳоятда зарур.

ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ АВИЦЕННЫ

Касымова М.С., Рахимов А.У.

Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников

Труды Авиценны, написанные в основном на арабском языке и фарси, охватывают философию, химию, геологию, историю и педагогику. Среди его основных педагогических произведений необходимо назвать такие работы, как «Семейное хозяйство», «Книга знания», «Книга спасения», «Книга указания и пробуждения». Огромное влияние на педагогические воззрения Авиценны оказали Аристотель, которого Авиценна называл своим учителем, а также Беруни и Фараби. В своих трудах Авиценна, обсуждая педагогические проблемы, придавал серьезное значение умственному воспитанию подрастающего поколения, овладению молодыми людьми научными знаниями. Он призывал молодежь настойчиво изучать науки и стремиться к совершенству. Образование он делил на следующие виды: 1) умственное воспитание; 2) физическое оздоровление, основанное на данных науки врачевания; 3) эстетическое воспитание; 4) нравственное воспитание; 5) обучение ремеслу. В работе «Семейное хозяйство» он посвящает трудовому воспитанию специальную главу. Авиценна ратует о необходимости охвата всех детей школьным обучением и проводит идею коллективного обучения, выступает против индивидуального обучения детей в домашних условиях (что было распространено в его время, он сам продукт такого обучения). Совместное обучение, по его мнению, вызывает у детей желание соревноваться между собой, стремление не отставать друг от друга, предупреждает скуку и лень мысли. В беседах между собою ученики передают друг другу что-то новое и интересное, почерпнутое ими из книг и от старших. Учась вместе, дети начинают дружить, учатся уважать других людей, помогать друг другу в усвоении учебных предметов. Общаясь, дети воспринимают друг у друга хорошие привычки. В этой же работе Авиценна формулирует ряд требований, предъявляемых к учителю. Например, в обращении с детьми учитель должен быть сдержанным. Он с особым вниманием должен следить за тем, как ученики претворяют полученные знания в жизнь. В процессе обучения необходимо применять разнообразные методы и формы работы с детьми, учитывать их возрастные и индивидуальные особенности, заинтересовывать занятиями. Мысли учителя должны быть доступны всем обучаемым. Слово свое педагог должен сопровождать мимикой и жестами, чтобы обучение было более доходчивым и вызвало у детей эмоциональное отношение. Все эти мысли Авиценны в корне противоречили методике обучения, господствовавшей в школах того времени и приближают его взгляды к современности.

HOW DID AVICENNA MANAGED TO AFFECT THE THOUGHT OF EUROPA?

Keskinbora Kadircan

Turkiye, Istanbul, Bahçeşehir University, School of Medicine

What were things that belonged to the Greek philosopher and what belonged to Islamic philosophy? When comparing the two, it is clearly understood that Ibn Sîna has contributed significantly to the thoughts of Aristotle (d. 322 BC) who was also significantly inspired by Plato (d. 347 BC) and Plotinus (d. 270 AD). The philosophy of Ibn Sîna who is known for his books the Metaphysic volume of his work *The Shifa*, *Kitab el-Nefs* (De l'Ame), *Kitab el-Semâ* (Du Ciel) ve *Kitab el-Hayavan* (Des Animaux) separated in important parts such as logic and natural sciences are the first mass works of "Ibn Sîna Doctrine" which has actually been established and reached the West.

Phases of Ibn Sîna's Effects on the Western World

Ibn Sîna's effect on the West can be separated into three phases:

1) The first phase is about a century, extending from the age of first translations towards 1230 until the effective reactions of Guillaume d'Auvergne (d. 1249), bishop of Paris.

2) The second is the period from the episcopal ordinance of 1231 which allows the study of Aristotle and the study of his commenters till Albert Le Grand's (Albertus Magnus) compilation of works that is 1260.

3) The third is a prominent phase of Ibn Sîna taking more space in the dissertation of St Thomas's more carefully drawn limits after 1250. This is the space still left for him by St. Thomas of Aquino's commenters. This is why his effect remains live in the West.

Raymond, the Bishop of Toledo has constructed a "College of Translators" in order to introduce basic Greek and Arabic works in the Christian world. These translations were especially made successively between the years 1130 and 1150, however, continued until the first half of the 13th century.

The *Shifa* is a comprehensive encyclopedia covering subjects firstly on logic, secondly on physics that is all of the natural sciences, psychology, and cosmology, and finally metaphysics. This last chapter generates the purpose of the work as well as the valuable pages and the largest part. However, it is seen that one of the most perfect chapters of the *Shifa* is the chapter reserved for science.

Without contacting the external universe, Ibn Sîna while saying his own opinion that he exists and his thought is being inspired by the famous omen of "The Flying Man Allegory" brings forward that the soul is an ore but not casual, deathless, and immaterial. This allegory has been taken up by so many authors of the Medieval Age. So that; The "Cogito ergo sum" of Descartes is so close to him that it is strongly probable that he knew the "flying man" allegory and it reaches Ibn Sîna's conclusion.

When evaluated in terms of philosophy, his system of differentiating the essence and the existing (person and body), it is a big fact that he accomplished a big success. The era he started in the Western world and the effect he made are clear samples of it. Thanks to Ibn Sîna through whom the Western thought could understand Aristotle's thought and progress further.

In the Vienna edition, next to his works translated into Latin, "De Intelligentiis" work attributed to him and written down under his name covers lots of quotations from Denys, St. Augustine, Scott, and Eriugène. The God himself is who illuminated The Disabled (le Premier Causé) which reflects from there to intellectual knowledge (connaissance intellectuelle) on the souls. This idea actually belongs to Ibn Sîna but the author colors it with "augustinisme".

Without mentioning his private books as a subject, lots of ideas of Ibn Sîna diffuse into the intellectual Christian world slowly. Reading, mutual interviews, instruction, etc. were spreading these ideas. But, when the results increased against the faith so high as unacceptable, there was no time to replace a theory suitable to theology every time.

His other successor at Paris University, a Franciscan Jean de la Rochelle has explained more about abstraction methods. He accepts Ibn Sîna's "common sensation" and materializes him with the *internal sensory force* that Jean Damascène and St. Augustin mention. He follows Ibn Sîna by applying this common sense same as a line is perceived by the eye when a water drop falls. He exhibits the importance of fantasy and imagination, which he knows well: By getting fantasy closer to what we would call instinct; he evaluates it as a natal part and gained part. This is how a dog learns to recognize a walking stick. This fantasy also retains the role of reaching a non-material object beyond the "sensible" objects. Later as Ibn Sîna says, abstraction in the the fourth stage shows the conception of the whole of the

abstraction. This is the reasoning object of the mind.

St. Augustine was a philosopher of theology. However, Ibn Sîna was a philosopher only, he was coordinating the whole of doctrines settled on the “mind of the mind” plan, and the system more perfectly and systematically than the philosophical data derived from Augustin's theological work.

To meet the needs of Islamic theology, it was not enough to prove the immortality of the soul. He also wanted to prove the continuity of the spiritual individual. For this reason, Ibn Sîna set the rule of being an individual. The substance is disgusting and sinful and tends to be absent. The soul, even while there is life, is eternal and independent. After the body disappears, it tends to a new life that resembles a pure mind. The eternal happiness of the soul spirit is based mainly on science.

By following the directions of each of the important theories, we will grasp the range of Ibn Sîna's effect in the West during the 13th century when it was at its peak. In fact, this subject has not been studied or commented on and therefore is not a subject that has not been involved in forming the Latin scholastic thought. But within the frame of this study, it is needed to draft the mainlines of Ibn Sîna's philosophy to follow up his principal three theories.

These are: “Information theory”, “Essence doctrine” which covers the distinction between compulsory and possible essence, and finally “Individualization theory”.

REFERENCES

- 1) Keskinbora K. How did Avicenna Influence European Thought?-I-. *Global Health* 2017;7:117-123.
- 2) Keskinbora K. How did Avicenna Influence European Thought?-II-. *Global Health* 2017;9:93-101.
- 3) Sarton G. Avicenna: Physician, Scholar and Philosopher. *Bulletin of the New York Academy of Medicine* 1953;31:307-317.
- 4) Goichon AM. Ibn Sîna Felsefesi ve Ortaçağ Avrupasındaki Etkileri [Avicenna's Philosophy and Its Effects on Medieval Europe]. Çev. Yakıt İ, İstanbul, Ötüken Yayınevi, 1993.
- 5) Saliba G. İslâm Bilimi ve Avrupa Rönesansının Oluşumu [Islamic Science and the Formation of the European Renaissance]. Çev. Aksoy G, İstanbul, Mahya Yayıncılık, 2012.

СЫН ЗВЕЗДЫ СИТАРЫ

Нестерова С.И.¹, Акматов Н.А.², Го Син Жи³

¹Ректор Академии Традиционной Медицины,
председатель Комитета по здравоохранению и социальной политике МАСП БРИКС,

²Директор Академии Традиционной Медицины, Республика Кыргызстан,

³Директор клиники традиционной медицины по лечению ДЦП,
г. Тайюань, Провинция Шанси, Китай

*«И солнце, и бури – всё выдержит
смелое, высокое слово и доброе дело»*

Предисловие:

Тысячу лет назад в Бухаре жил гениальный человек по имени Абу Али Хусейн ибн-Абдаллах ибн-Али ибн-Сина (латинизированное – Авиценна), ученый-энциклопедист средневекового Востока. Философ и медик, естествоиспытатель и математик, поэт и литературовед, его имя стоит рядом с именами великих мыслителей человечества. Им написано более 450 трудов в 29 областях науки, из которых до нас дошли только 274. Общее число трудов по медицине у Авиценны по разным источникам около 50, а сохранилось около 30. Труды Авиценны написаны в основном по-арабски и фарси. Большинство людей совершенно справедливо считают его самым великим врачом в истории. По одной из версий, термин «медицина» произошел от латинизированного «мадад Сина» (в переводе – исцеление от Сина) или от сокращенного «метод Сина». Абу Али Хусейн ибн Абдаллах ибн Сина родился 16 августа 980 г. в с. Афшана недалеко от Бухары (территория относилась к арабскому халифату). Расцвет представляемой Ибн-Синою культуры нередко прямо характеризуют как восточное, иранское, среднеазиатское или ирано-среднеазиатское Возрождение.

Рождение звезды по имени Ибн Сино


Отец Ибн Синой Абдуллах родился в Балхе в Афганистане. Балх не город, а срез тысячелетнего дерева, каждое кольцо – новая культура. Считается, что Балх основали племена

ариев, двигавшиеся с севера в Индию во втором тысячелетии до н.э. Балх – столица Бактрии лежал на перекрестке торговых путей. В юности отец Ибн Сины Абдуллах любил уединяться среди развалин буддийского монастыря Наубехар, и однажды его наставник рассказал ему, что когда-то в незапамятной древности на месте этого ныне разрушенного монастыря стоял зороастрийский храм огня и ходили по его белым плитам великие маги. В Балхе, как говорил наставник, проповедовал Заратустра, звавший к правде и честному труду на поле. “Цветение мира от крестьян”- пел он. “Кто пашет землю, сеет праведность. Есть лишь один этот путь. Все остальное - беспутье”. Так говорил наставник-исмаилит молодому Абдуллаху. Многие исследователи сходятся во мнении, что исмаилизм – это зороастризм пустившийся в народные массы, укоренившийся там, в виде простых притч и легенд вместо сложных ритуальных церемоний, но сохранивший сам дух учения. Отец Ибн Сины, как и его старший брат были исмаилитами. У двадцатилетнего Абдуллаха была первая ступень посвящения, что означало, что он научился жить, отказавшись от роскоши, женщин и лжи. У его наставника и старшего друга сорокалетнего Натили была третья ступень посвящения, это значит, что он обладал сильной волей и умел защищать учение от нападков врагов.

Дворец эмира:

Именно Натили станет первым учителем Ибн Сины. Натили известен своим философским трактатом “Совершенство”, где он различает 3 стадии совершенства: первая – когда человек может создавать себе подобных, вторая – когда формируется мыслящая душа, и разум из возможного становится реальным, третья – когда понимаешь, как надо управлять собой, семьей и народом. Абдуллах приехал в Бухару по приглашению эмира стать чиновником его казначейства. Когда сборщик налогов из Хармайсана (район Узбекистана) по имени Абдуллах ибн Хасан наконец получил долгожданную должность в самой Бухаре – столице процветающего Саманидского государства, вся его большая семья стала готовиться к отъезду из маленького городка Афшана, где Абдуллах нашёл своё счастье с любимой женой Ситарой, чьё имя означало «звезда», и где родился их первенец – Хусейн, известный на Востоке под именем Ибн Сина, а на Западе – как Авиценна, великий врач, поэт, философ, учёный.

В Бухаре Абдуллах, обладавший знаниями и много размышлявший над вопросами мироздания, собирался дать своим детям хорошее образование. Старший из детей, Хусейн, уже с пяти лет проявил небывалую тягу к учению и обнаружил исключительную память. И хотя в бухарской школе Хусейн был младшим, его знания по математике, законоведению и богословию высоко оценивались учителями, а ученики постарше не считали зазорным обращаться к нему по самым разным вопросам.



Как-то отцу Хусейна стало известно, что в Бухаре гостит видный учёный Ан-Натили. Абдуллах пригласил его поселиться в своём доме, а заодно и преподавать детям. Натили остался в семье чиновника, а у Хусейна появилась возможность в любое время задавать учителю вопросы, сначала простые, а затем всё более сложные. Спустя какое-то время мальчишка уже пытался оспаривать доводы Натили, обсуждая с учителем взгляды Птолемея, Аристотеля и Евклида. Когда Натили уехал, в руки Хусейна, которому к тому времени исполнилось 15 лет, попала знаменитая аристотелевская «Метафизика». Ему никак не удавалось понять смысл книги, хотя, неоднократно перечитывая её, он выучил в ней уже каждую строчку. И вот однажды торговец в книжной лавке,

хорошо знавший Хусейна, предложил тому почти за бесценок приобрести комментарии к «Метафизике» известного восточного мыслителя Абу Насра Фараби. Когда Хусейн дошёл до последней строки этой рукописи, система мироздания, какой её видел Аристотель, открылась перед юношей во всём своём поражающем воображение великолепии. С 998 года Авиценна был приближён ко дворам нескольких правителей, при которых занимал должность врача. С той поры Хусейн истово увлёкся естественными науками. Труды античных медиков – Гиппократ, Галена, Ар-Рази, Ибн Аббаса – утвердили его в желании стать врачом. Молодой человек понимает, что изучение медицины невозможно без практического опыта, без непосредственного общения с больными, и поступает в ученики к известному в Бухаре хакиму (лекарю) Камари. Когда Хусейн приступает к самостоятельной практике, он лечит бесплатно и не гнушается помогать беднякам. Более того, с обездоленными он готов поделиться и едой, и теми деньгами, что богачи ему вручают насильно в дар за излечение.

Как-то раз Камари поведал ученику о своём отчаянии: никто из врачей, включая самого Камари, оказался не в силах ни вылечить повелителя, ни даже распознать болезнь, от которой занемог бухарский эмир.

Хусейн предложил учителю свою помощь, но ему требовалось осмотреть больного. Придворных лекарей привело в неопишное негодование то, что Камари осмелился просить эмира допустить в свои покои 17-летнего мальчишку. Однако правитель не возражал, и Хусейн смог, осмотрев эмира, назначить лечение, после которого болезнь отступила. Тогда правитель Бухары пообещал выполнить любое желание своего спасителя.

Библиотека эмира:

Юноше не нужны были ни роскошные дома, ни многочисленные рабы, ни богатые караваны – он мечтал об одном: о доступе в дворцовую библиотеку Саманидов. Удивлённый эмир не смог отказать Хусейну и в придачу назначил его придворным лекарем; отныне все стали величать его достопочтенным Ибн Синой. В огромном, длинном здании библиотеки было много комнат. В каждой комнате стояли сундуки с книгами, в одной комнате были только медицинские книги, в другой – книги по астрологии, в третьей – книги о путешествиях. С тех пор Ибн Сина всё своё свободное время проводил за чтением уникальных рукописей из книгохранилища эмира. Он изучал труды по медицине, математике, астрономии, физике, механике, не забывая и о врачебной практике. В автобиографии Ибн Сина напишет: “Я нашел в этой библиотеке такие книги, о которых не знал и которых не видел больше никогда в жизни. Я прочитал их, и мне стало ясно место каждого ученого в своей науке. Передо мною открылись ворота в такие глубины знаний, о которых я не догадывался”

АБУ АЛИ ИБН СИНО

Мамадалиева С.А.

Россия Халқаро Табобат Ассоциацияси аъзоси

Шарқда шифокор табибларга қадимдан ҳурмат ва эъзоз кўрсатилган. Эркақлардан ташқари аёл табиблар ҳам бўлиб, улар ҳатто табобат ҳақида шеърӣй рисолалар ёзишган. Ҳатто Ислоннинг илк даврида Эрондан келган Жосалиқ номли ғайридин табиб ҳам бўлган.

Ўтмишда яшаган Амир Ҳусрав Дехлавӣй, Абдурахмон Жомӣй ўз асарларида табибларни васф этиб, улар ҳақидаги ҳикоятларни келтирганлар. Айниқса, Алишер Навоӣй шифокорларга хомӣйлик қилиб, уларни ойлик билан таъминлаган ва Дорушифо номли даволаш масканини очиб, ҳозиқ табибларни унга жалб этган. Навоӣйнинг “Ҳамса” ҳамда “Маҳбубул қулуб” китобларида шифокор табибларни мактаб ёзган шеърлари мавжуд. Масалан, у ҳозиқ табиб ҳақида шундай дейди:

Ҳозиқ табиби хушгўй танражиға шифодир.

Омӣйи тунду бадхўй эл жониға балодир.

Абдурахмон Жомӣй ўз даврида яшаган Дарвешали табибга кўп эҳтиром кўрсатиб: “Ҳеч ким билмаган дардимизни Дарвешали табиб билади”, - деган эди. Умуман, шарқда подишоҳлар ва давлат арбоблари табибларга катта эҳтиром кўрсатиб, уларни осойишта яшашига кенг имконият

яратганлар. Шунинг учун ўтмиш табибларидан бизга қадар минглаб тиббий асарлар етиб келган.

Халқимиз ҳақиқий олим ёки буюк даҳо шоирларни офтобга, шамга қиёс қилади. Офтоб ҳаммага баравар нур сочади, шам эса ўзи ёниб, эриб, атрофдагиларга зиё ба-ғишлайди. Шифокорлар ҳам ана шундайлардандир. Улар ўзлари учун яшамади, ўзини ўйламади, улар инсоният ҳақида қайғурдилар, одамларга яхшилик қилишни ўзларига шиор қилиб оладилар.

Маълумки, Шарқ табобати жуда қадимий тарихга эга. Бу табобати умумлаштириб, юқори босқичга олиб чиққан буюк аллома Абу Али ибн Сино бўлди. Бироқ Ибн Синогача ҳам араб ва форс тилларида кўплаб тиббий китоблар ёзилган эди. Ибн Синодан кейин ҳам тиббий асарлар ёзиш давом этди. Табиблар ўз асарлари, янги даволаш усуллари, ҳар хил тажрибалари жамланган китоблари билан бир-бирларига тақдим қилдилар ва бир-бирларидан ўргандилар.

Ибн Сино асарларининг умумий сони 450 дан ошади, лекин бизгача фақат 160 га яқин асари етиб келган, холос. Кўп рисоалари шаҳарма-шаҳар кўчиб юриш, феодал урушлари, сарой тўполонлари, турли фалокатлар туфайли йўқолиб кетган.

Кўп манбаларда ибн Сино аввало табиб сифатида талкин этилади, ҳолбуки табобат унинг илмий соҳалари орасида энг муҳимларидан биридир. Ибн Сино асарларининг асосий қисми Яқин ва Ўрта Шарқнинг ўша давр илмий тили ҳисобланган араб тилида, баъзилари форс тилида ёзилган. Унинг бизга маълум бўлган катта асари «Китоб уш-шифо» («Шифо китоби») 22 жилддан иборат бўлиб, 4 та катта бўлимини мантиқ, физика, математика, метафизикага дойр масалалар эгаллаган. Унинг айрим қисмлари лотин тилига, Оврўподаги бошқа тилларга, шарқ тилларига, шунингдек, рус, ўзбек тилларига таржима қилинган. 20 жилддан иборат бўлган «Китоб ул-инсоф» («Инсоф китоби») бизгача етиб келмаган, чунки Исфаҳондаги ёнғинда йўқолган. «Китоб ун-нажот» («Нажот китоби») 4 катта қисмдан - мантиқ, физика, математика, метафизикадан иборат, «Китоб лисон ул-араб» («Араб тили китоби») 10 жилдни ташил этади. «Донишнома» форс тилида ёзилган бўлиб, 4 қисми – мантиқ, физика, математика, метафизикани ўз ичига олади (Рус тилига таржима этилган, бир қисми ўзбек тилида босилган).

Ибн Сино асарлари Оврўпода XII асрдан бошлаб лотин тилига таржима қилина бошлади. «Тиб қонунлари» асарининг ўзи лотинчада 30 мартадан ортиқ нашр қилинди. «Китоб уш-шифо»нинг кўп бўлимлари, мантиқ, мусиқа, ернинг тузилиши, геологик жараёнлар, метафизикага оид қисмлари ҳам лотинчада нашр этилди. Сўнгги илмий тадқиқотлар ибн Синонинг Шарқ адабиётига ҳам таъсир кўрсатганлигини, чуқур фалсафий мазмунни ифодаловчи рубоий ва фалсафий қиссалар жанрининг тараққиётига туртки берганлигини кўрсатади.

Ибн Сино халқ орасида шу даражада ҳурматга сазовор бўлдики, у фольклор қаҳрамонига айланиб кетди. Шарқ халқларида унинг тўғрисида турли ҳикоя, ривоят афсоналар вужудга келди. Жаҳон олимлари ибн Сино асарлари, унинг фаолияти тўғрисида кўпдан бери илмий-тадқиқот ишларини олиб борадилар. Ҳозирда жаҳондаги деярли барча тилларда ибн Сино ҳақида асарлар яратилгандир.

О РЕДКОМ «ДИВАНЕ АБУ АЛИ ИБН СИНА»

Махмудов Ф.

Институт истории АН Республики Узбекистан

Цель статьи заключается в рассмотрении поэтических особенностей рукописи арабского «Дивана Абу Али ибн Сина», хранящаяся в библиотеке Аясафия в Стамбуле (№ 4849/8), переписанного в 697/1298 г. Другое название рукописи: رسالة معرفة الله و صفاته و أفعاله للشيخ الرئيس أبي علي سينا رحمه الله

“Risalatū maʼrifati - Llāhi ya sifatihī va afʼalihi li ash-Shaykh ar-raīs Abi ‘Ali Sina”- «Трактат Абу Али ибн Сина о познании Бога, Его качествах и деяния».

Исследование основано на факсимиле рукописи Дивана, которое было издано в честь юбилея Тысячелетия Шейх ар-раиса в 1957 г. в Тегеране издательством «ал - Хайдари» востоковедом Хусейном Али Махфуз ((XXIV International congress of orientologists, Teheran, 1957).

Рассматриваемое Собрание классических арабских стихотворений Абу Али ибн Сина охватывает 167 бейтов (334 полустушии) различного жанра и формы: касыда (небольшая поэма), маснави (двустушии), кит’а или мукатта’ат (букв. поэт. отрывки) и газели, посвящённые любви,

чести и достоинства, справедливости, духовной чистоты, верности и всем тем положительным достоинствам человека, которые откроют ему пути познания себя и Всевышнего. В стихах всецело соблюдается Аруд (عروض – “Arud” - каноны арабской метрики). Дошедший до нас уникальный Диван великого энциклопедиста представляет его как Поэта - классика арабской литературы. «Диван» Авиценны, ранее не известный научной среде СНГ, также является бесценным источником передачи поэтической мысли мыслителя на различных языках мира.

ВЗГЛЯДЫ АБУ АЛИ ИБН СИНЫ В УЧЕНИЕ О ДУШЕ В КОНТЕКСТЕ РАЗВИТИЯ НАУЧНОГО И РЕЛИГИОЗНОГО МИРОВОЗЗРЕНИЯ

Муйдинов Ф.Ф.

Кыргызыстан, Ошский государственный университет

Деятельность Абу Али ибн Сины включает в себя множество ярких и несомненно важных ролей, затрагивающих многие актуальные сферы человеческой деятельности. Ибн Сина был одним из выдающихся ученых, мыслителей и практикующих врачей мусульманского Востока, чей вклад в медицину и философскую науку явились в свое время непреходящей ценностью в развитии общественной мысли и человеческой цивилизации в целом.

В самооценке ученого нет ни грана преувеличения. Действительно, он велик. И не только в масштабе своей исторической эпохи. Как мыслитель - гуманист, великий ученый, значительно опередивший своих современников в различных областях естественных наук и философии, бескомпромиссный защитник разума, он остается столь же великим и сейчас. Мы являемся живыми свидетелями все более возрастающего интереса ученых, философов, педагогов к теоретическому наследию и многогранному практическому опыту Ибн Сина. Для этого есть веские основания.

Этическая проблематика много места занимает в трудах Авиценны. «Знаешь ли ты, – ставил вопрос мыслитель, – что такое щедрость?». И сам же отвечал: «Щедрость – это принесение необходимой пользы без всякого вознаграждения... Тот, кто проявляет щедрость ради славы, похвалы или восхваления за содеянное, тот является корыстолюбцем, а не щедрым. Истинно щедрым является тот, кто приносит пользу без какого-либо умысла, не имеет преднамеренной цели компенсировать их».

Регион Центральной Азии, куда мы сегодня включаем пять современных среднеазиатских государств – Узбекистан, Кыргызстан, Казахстан, Таджикистан и Туркменистан, – в своей истории прошёл ряд крупных общественно-исторических событий. Наиболее значимым и важным из них, начиная с VIII в., стало распространение исламской религии.

Следует отметить, что сама сущность ислама была направлена на утверждение идеи о том, что люди, исповедующие разные религии, не являются по природе своей врагами, не должны вести войны, применять по отношению друг к другу насилие, проявлять взаимную нетерпимость. Это находило свое выражение во многих конкретных положениях Корана.

В Хадисах также осуждается насилие не только по отношению к самим мусульманам, но и к иноверцам, т.е. к представителям других религий. По-видимому, далеко не случаен тот факт, что многие ученые-хадисаведы были представителями народов Центральной Азии, в которой тесно переплетались доисламские традиции толерантности с теми, что принесла с собой религия ислам. В сборнике хадисов Имама Бухари «Жомеъа ас-Сахих» («Сборник достоверных хадисов») особое внимание уделяется проповеди идей ислама о необходимости взаимоотношения, взаимоуважения между теми, кто исповедует разные религии, а также предпочтительности мирного распространения идеи исламской религии. Религия ислам рассматривает принадлежность людей к разным религиям не с точки зрения их взаимной вражды, а с позиции необходимости их знакомства друг с другом, сотрудничества и взаимопомощи. «Держись прощения, побуждай к добру и отстранись от невежд!» [Коран, 7:198].

Большой интерес в интерпретации Ибн Сина проблемы толерантности представляет то, что он в условиях раннего средневековья утверждал и доказал необходимость толерантного отношения к тем, кто находится в подчинении других. В своей практической философии он особое внимание уделяет разработке и анализу категории «терпимость», которая, согласно ему,

означает «сохранение человеком силы терпения в случаях каких-либо важных новых событий и явлений, и в то же время, в соответствии с их сущностью, стремление в необходимой мере использовать их».

В богатейшем наследии Абу Али ибн Сина выделяется небольшой «Трактат о этике», содержание которого позволяет не только подтвердить принадлежность этого мыслителя к арабоязычному перипатетизму (древнегреческая философская школа Аристотеля), но и выявить специфику интерпретации идей Аристотеля в исламском контексте. Вслед за Аристотелем, Авиценна разделяет знание на теоретическое и практическое, к последнему относя и совершенствование в добродетели, т. е. этику. Высшим благом, опять-таки, оказывается счастье, но в отличие от древнегреческого мудреца, у мусульманского мыслителя речь идет о счастье не только в земной, но и в загробной жизни.

Авиценна не был бы врачом, если бы не сравнил добродетель со здоровьем. Если здоровье есть, его следует сохранять и оберегать, а если появилась болезнь, с ней надо бороться. Так и добрые качества надо поддерживать, а пороки – искоренять. Умеренность в еде, в труде и в других факторах, влияющих на здоровье, «срединный» образ жизни и поведения в целом представляется Авиценне добродетельным. И если идея Аристотеля о «золотой середине» имеет своим происхождением геометрию, то аналогичная идея Авиценны целиком проистекает из его «Канона врачебной науки».

Таким образом, взгляды Абу Али ибн Сины в учение о душе в контексте развития научного и религиозного мировоззрения выступают сегодня одним из источников ее современной интерпретации в нынешних государствах центрально-азиатского региона.

“ТИБ ҚОНУНЛАРИ” ТАРЖИМАСИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИКАСИНИ БОЙИТИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Остонақулов И.

Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази

Ўзбек тили лексикаси бадий асарларда қўлланган сўзлар билангина эмас, балки илмий асарларда ишлатилган сўз ва атамалар ҳисобига ҳам бойиб боради. Айниқса, юртимиздан етишиб чиққан араб ва форс тилларида ижод қилган буюк алломаларнинг “Танланган асарлари” ҳам лексикология учун ҳам муҳим манба саналади. XX асрда Беруний, Хоразмий, Форобий, Фарғоний, Термизий, Марғиноний асарлари ўзбек тилига таржима қилинди. Аммо уларнинг грамматик ва лексик хусусиятлар кам ўрганилган. Ҳолбуки, мазкур алломалар асарлари гарчи таржима ҳисобланса-да, ўзбек адабий тили бойлиги ҳисобланади. Таржимонлар арабча сўзни ўгиришда миллий тил бойликларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Натижада тилимизда қўлланмаган ёки жуда пасив қўлланадиган сўзлар тирилтирилади. Ёки янги сўз ясалишига сабаб бўлади. Биз бу мақолада Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асари янги нашрининг 2-жилдида ишлатилган дорилар хусусияти билан боғлиқ сўзлар ҳақида фикр юритамиз.

Маълумки, “Тиб қонунлари” ўтган асрнинг 60-70-йилларида Ўз ФА Шарқшунослик институти олимлари томонидан араб тилидан ўзбек тилига таржима қилинган эди. 1994 йили асарнинг иккинчи наشري ҳам амалга оширилди. 2020 йили мазкур нашр асосида “Тиб қонунлари” қайта нашр қилинди. Бу нашр аввалги нашрлардан сифат жиҳатдан кескин фарқ қилади.

Ўзбек тилидаги “Тиб қонунлари” тили жуда раво ва тушунарли услубда битилган. Таржимонлар муаллиф ниятини чуқур англаган ҳолда ўзларининг тиббиётдаги билимларини тилимиз бойлиги воситасида иш қўрганлар. От, сифат каби сўз туркумлари бисотида аввал кузатилмаган тушунчани ифодаладиган сўзларни таржима жараёнида ўзлари ясадилар. Зеро бунда бегона тилдаги сўз маъносини топишда она тилининг ички имкониятлари кўмакка келади. “Содда дорилар қувватининг таъсирини ўрганиш тўғрисида”ги бобда дорининг таъсирини ифодалувчи жуда кўп лексемалар санаб ўтилган ва уларга таърифлар берилган. Бу лексик англономаларни ўқир эканмиз аввало, араб тили лексикасининг бойлигига, шу билан бирга ўзбек тили имкониятларининг ҳам кенглигига амин бўламиз.

Ибн Сино ёзади: “Дориларнинг таъсирига келганда, улардан машҳурларини, айтилган шартларга мувофиқ санашимиз ва кетидан исмларига таърифлар ва шарҳлар беришимиз керак.

Биринчи табақа (таъсирлар назарда тутилганда) мана шундай дейилади: киздирувчи, шимдирувчи, эритувчи, тозаловчи, елларни ҳайдовчи, дағал қилувчи, очувчи, бўшаштирувчи, суюлтирувчи, ҳазм қилувчи, парчаловчи, елни сингдирувчи, тортувчи, ачиштирувчи, қизартувчи, қичитувчи, яра қилувчи, еювчи, куйдирувчи, майдаловчи, саситувчи, доғловчи, шилувчи; булар ҳаммаси бўлиб - йигирма иккита. Бошқа табақа (таъсир сифатлари): совутувчи, қувватли қилувчи, қайтарувчи, қуюлтирувчи, хомлигича қолдирувчи, увуштирувчи - ҳаммаси бўлиб олтига”.

Аллома дориларнинг таъсирлари тўғрисида гапиришдан олдин уларнинг асли ўзларида бор бўлган сифатлари ҳақида сўзлайди: “Буларга келганда айтамыз - дорилардаги бу хил сифатларнинг баъзилари маълум тўрт кайфият, баъзилари ҳидлар, ранглар ва яна бошқа сифатлардирки, улардан машҳурлари қуйидагилар: латифлик (ёки нозиклик), зич тузилишли, ёпишқоқлик, уваланишлик, қотишлик, оқишлик, шилликлик, ёғлилик, шилимшиқлик, енгиллик ва оғирлик”.

Аллома “Ёпишқоқ дори”га шундай таъриф беради: “Амалда ёки туғма иссиқликнинг таъсири билан амалга яқин потенсияда чўзилишни осилган ҳолда қабул қилувчи ва чўзилганида узилиб қолмайдиган дорини тушунамыз. Бу шундай нарсаки, икки тарафи бир-бирдан узоқлашиб ҳаракат қилган икки жисмга ёпишганда, ораси узилмасдан, бирликда ҳаракат қилиши мумкин бўлади; масалан, асал. Аслида “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “Ёпишқоқ” сўзига юқоридагидек таъриф берилиши керак. Моддага физик, химик ёки шу каби бошқа фанлар хусусиятидан келиб чиқиб таъриф берилса, унинг ҳақиқий илмий таърифи баён этилган бўлур эди. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “Ёпишқоқ” сўзига шундай изоҳ берилган: Ёпишқоқ – ёпишадиган, ёпишувчан. Ёпишқоқ модда. Иккинчи маъноси борлиги таъкидланиб, кўчма маънода ишлатилувчи “ёпишқоқ одам” иборасига мисол келтирилган.

Жисмлардан чиқадиган ҳидларнинг пайдо бўлиш моҳиятини Ибн Сино шундай изоҳлайди: “Булар иссиқлик ва совуқликдан пайдо бўладилар. Лекин уларни ҳидлантирувчи ва бурунга юборувчи нарса иссиқликдир. Чунки (ҳидларни) ҳидловчи қувватга яқинлаштирувчи восита кўпинча латиф бўғсимон моддадир, гарчи (ҳид сезгиси) ҳидли моддадан ҳеч бир нарса тарқалмасдан, ҳаво ўзгариши йўли билан (пайдо) бўлиши мумкин бўлса ҳам, биринчи (ҳол) кўпинча бўлиб туради. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “Ҳид” сўзига шундай таъриф берилган: “Ҳар бир нарсанинг ва модданинг кишиларнинг ис билиш сезгиларига таъсир этадиган хоссаси, бўй, ис.”

Кенгрок изоҳлайдиган бўлсак, Ҳид - Ернинг атмосфера қатламида мавжуд бўлган нарса ёки жисмнинг намли жойидан ҳарорат натижасида мабдасидан ажралиб чиқиб ҳавога таралган моддаси бўлиб, димоғи ҳид билиш сезгисига эга бўлган махлуқлар нафас олиш жараёнида уни сезади.

Асарда “Увуштирувчи дори”га шундай таъриф берилади: “Увуштирувчи шундай совуқ дорики, у аъзони совутиш билан унга ҳис ва ҳаракат қувватларини келтирувчи руҳ моддасининг мизожини совутади. Натижада у модда нафсоний қувватлар учун оғирлик қилиб қолади. Аъзо мизожини шундай қиладики, натижада у нафсоний қувватларнинг таъсирини қабул қилмайди. Бу хил дориларнинг мисоллари: афюн, мингдевона, сугчўп, қора кўкнори, меҳригиё ва шуларга ўхшаганлардир”.

Хулосалар. “Тиб қонунлари” кўпжилдлиги матнлари тилшуносликда махсус ўрганилиб, алоҳида изоҳли луғат тузиш керак.

Дорилар, ўсимликлар лексикаси ҳам махсус ўрганилиб, ботаника, физика, табобат ва зоология фанлари учун кўшимча ўқув қўлланмалар ишлаб чиқариш керак.

Ибн Синонинг ўзбек тилидаги асарларидан шифобахш дорилар, ўсимликлар, ҳайвонлар тўғрисидаги фикрларидан ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш керак.

ФИЛОСОФИЯ И ПОЭЗИЯ АВИЦЕННЫ

Рахимов А.У., Дадаев Х., Халимбетов Г.С.

Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников

“Аҳли сунна вал жамоа” эътиқодий йўналишининг мазҳаббошиси сифатида маълум ва машҳур бўлган Имоми Аъзам Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг шариат аҳкомлари асосида тартибга келтирилганлиги маълум. Бобоқолонларимиздан Самарқандлик калом илми алломаси ва хидоят Имоми Абу Мансур ал-Мотуридий Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳининг тартибга солган шариат аҳкомларини ақидавий жиҳатдан тўлдирган етук мутакаллим ва фақиҳ сифатида оламга машҳур бўлган шахсдир. Имом Мотуридий калом, фикҳ, тафсир соҳаларида бебаҳо асарлар ёзиб қолдирган олим саналади. Унинг ақидага оид шоҳ асари “Китабут Тавҳид” деб аталади. Имом Мотуридийнинг ақидавий қарашлари ва Абу Али ибн Синонинг ёзган Нубувват рисоласи орасида салкам бир асрлик вақт масофаси мавжуд.

Абу Али ибн Сино ўз рисоласида пайғамбарлик масаласини ёритишда даставвал ўз даврида кенг тарқалган фалсафий фикрларнинг моҳиятини тушунтиради ва Имом Мотуридийнинг пайғамбарлик ҳақидаги фикрларига таянади. Ибн Сино ўз рисоласини ёзишда Имом Мотуридийнинг яна бир буюк асари “Таъвилотул Қуръон” тафсирига хос бўлган услубидан ҳам

ўринли фойдаланади. Мана шу жиҳатлар ушбу мақола номининг “Абу Али ибн Синонинг “Рисолаи Нубувват” рисоласида Мотуридийлик қарашларининг ифодаланиши” деб аталишига асос бўлди.

Ўзбекистонда Ибн Сино асарларини таржима ва тадқиқ этишда шарқшунос олимлар С.Айний, С.Мирзаев, А.Муродов, А.Расулов, У.И.Каримов, Ю.Н.Завадовский, А.А.Семёнов, М.А.Салье, П.Г.Булгаков, Ш.Шоисломов, Э.Талабов, Ҳ.Ҳикматуллаевлар улкан ишларни амалга оширдилар. Т.Н.Қори-Ниёзий, И.М.Мўминов, М.М.Хайруллаев, М.Н.Болтаев, А.Ахмедов, Г.П.Матвиевская, В.К.Жумаев, Н.Мажидов, О.Ф.Файзуллаев, М.Б.Баратовнинг монография ва мақолаларида Ибн Сино ижодининг турли қирралари тадқиқ этилган.

“Турли манбаларда Ибн Синонинг 450 дан ортиқ асар ёзганлиги қайд этилади, лекин бизгача 242 та асари етиб келган, холос”. “Шайхур-раис”нинг фалсафага оид энг йирик ва муҳим асари “Китоб аш-шифо”дир. У 4 қисмдан иборат: 1) мантиқ 2) табиат (бу ерда минераллар, ўсимликлар, ҳайвонот олами ва инсонлар ҳақида алоҳида-алоҳида бўлимларда гапирилади; 3) риёзиёт 4) метафизика ёки илоҳиёт. Бу асарнинг айрим қисмлари лотин, сурёний, иброний, немис, инглиз, француз, рус, форс ва ўзбек тилларида нашр этилган.

Абу Али ибн Синонинг илмий мероси жуда кўплаб олимлар томонидан ўрганилган бўлишига қарамай алломанинг диний қарашлари ифодаси бўлган айрим асар ва рисоалари ҳозирга қадар тадқиқ қилинмаган. Шундай рисоалардан бири сифатида Шайх Абу Али ал-Ҳусайн бин Абдуллоҳ ибн Сино раҳимахуллоҳ тасниф қилган “Нубувватлар исботи, рамзлари ва мисолларининг таъвили” номли рисоласини келтириш мумкин. Ибн Сино тасниф қилган “Нубувватлар исботи, рамзлари ва мисолларининг таъвили” номли рисоласи қуйидагича бошланган.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ар-Раис Абу Али ал-Ҳусайн бин Абдуллоҳ ибн Сино раҳимахуллоҳнинг деганлари: Сен мендан Аллоҳ учун нубувват тасдиғи масаласида кўнглингда пайдо бўлган шак-шубҳаларни бартараф этишинг ва қилинаётган даъватларда вожиб маслакка эришиш учун ҳеч бир исбот-далиллар учрамаётганлиги сабабли рисолатга нисбатан билдирилаётган истеҳзоларни бартараф этишда уларни изоҳлашга тўсқинлик қилаётган хурофий фикрларни енгиб ўтишинг учун ёрдам бера оладиган маслаҳатлар билдиришимни сўрабсан.

Жавобим қуйидагича: Аллоҳ сенга бу нарсани насиб этибдики, ҳар бир нарсанинг нарсалиги ўз зотидадир, токи нарса нарса эканлигида тураркан, албатта ҳамма нарсалар кўринишга ҳам эгадир ва бу нарсалик қувват билан амалга ошиб туради, баъзан бу феъл кўринишида бўлади ва қайси нарса ўз зотида экан, у нарсада доимий феъл бор демақдир. Ва бу ундаги қувватнинг феълга айланишида юзага чиқади, аммо бу юзага чиқиш воситали ёки воситасиз амалга ошади. Масалан: нурнинг ўз зотида ёритувчилиги; ундаги ёритувчилик феъли унинг ёритувчилик қуввати сабабли содир бўлади. Худди шунингдек олов ҳам; олов ўз зотида иссиқ ҳамда бошқа нарсаларни қайнатувчидир. Унинг бу қайнатувчилиги(сувни қайнатиши) чойнак ва ўчоқ воситасида рўёбга чиқади. Аммо воситасиз, яъни чойнак ва ўчоқсиз ҳолда ҳам оловнинг зотида қайнатувчанлиги унга бевосита яқинлашганида билинади. Бу каби мисоллар талайгина.

Ҳар бир нарса икки таркибий маънодан иборатдир. Уларнинг бири иккинчисидан ажралган ҳолда вужудга келиши(кўриниши) иккинчисининг ҳам биринчисига *нисбатан* алоҳида кўзга ташланиши сингаридир. Мисол учун, сиканжабин таркибида икки нарса – уксус ва асал бордир. Гарчи уксус асалсиз, ва асал ҳам уксуссиз мавжуд бўла олиши мумкин бўлганидек; ёки чизилган санам расми ҳам бўёқ ва инсон образидан ташкил топгани каби; бундаги бўёқ инсон сувратисиз ва инсон суврати ҳам бўёқсиз бўла олиши мумкинлиги каби. Бу каби мисоллар жуда кўпдир.

Шундан келиб чиқиб, айтаманки, инсонда ҳам барча тирик жозотлардаги сингари тириклик қуввати мавжуд ва шу қувват нафс деб аталади. Бу қувват жамики тирик инсонларда ҳаракатлантирувчи сифатида мавжуд. Аммо уларни алоҳида ажратиб бўлмайди. Инсонлардаги ақлий қувватларнинг илк келиб чиқишидаёқ тафовутлилики бор. Барчасининг кўринишлари бири-биридан асосда фарқлилиги уларнинг зотида сувратга эга бўлмаганлигидадир, шунинг учун уни “спиралсимон ақл” (ал-ақлул ҳиюланий) деб аташади. Бу ақл катта қувватга эгадир. Гўёки оловдаги ёритиш қувватига ўхшаш, аммо бунда оловнинг ёндириш қуввати назарда тутилмайди. Иккинчи қуввати унинг қудратга эгаллигидир. Ва шу қудрати билан у бутун борлиқни тасаввур қила олиш имконини таъминлай олади ва булар ақлий қувват ёрдамида амалга оширилади. “Олов ёндириш қувватига эга” деган гапимиздаги каби; ёки тасаввуримиздаги барча нарсаларнинг

учинчи қуввати, яъни (қувват ва қудратдан ташқари) феълга эгаллиги каби. Ақлнинг қуввати ва қудрати феъл орқали рўёбга чиқади ва бу ақлий фаолият деб аталади ва у ўз вужудида спиралсимон ақлдан фарқ қилади. Ақлнинг феълдаги (ақлий фаолиятдаги) вужуди зотий эмас, демак унинг бу вужудлиги(борлиги) мавжудотлигидадир. Ақлнинг ўз зотида ақллиги унинг қувват орқали феълга айланишида юзага чиқади ва хусусий ақл, хусусий нафс ҳамда бутун олам нафси деб белгиланишида намоён бўлади. Агар ақлнинг қуввати унинг зотий сифатларидандир, деб қабул қилинса, бу икки жиҳатига кўра бўлади:

биринчиси – воситали;

иккинчиси – бирор воситасиз.

Ва худди шунингдек, агар хусусий ақлий фаолият сифатида қабул қилинса, унинг икки жиҳати бор.

1. Воситасиз қабуллиги – умумий қарашлар ва ақл юритишнинг бошланиши.

2. Воситали қабуллиги – ақлий фаолият натижасида анланган иккиламчи нарсалар (тушунчалар, фикрлар, назариялар ва ҳоказолар) ёрдамида анланганилиши.

Умумий қарашлар ва ақл юритишнинг бошланиши, яъни воситасиз қабуллиги ақлнинг зотий хусусиятини намоён этади ва у қўлланиш жараёнида содир бўлади. Ва бу маликий қавлдаги воситасиз қабуллигининг зотийлиги бўлиб, у ташқи қувватларни қабул этиш имкони орқали амалга оширилади. Лекин бу дастлабки ақлий самара омилларининг ихтисосланиши эмас, тушуниш осон бўлиши нуқтаи назаридан унинг икки жиҳати ҳақидагина тўхталиш ўринли бўлади:

биринчиси – қабул қилувчилик масаласи;

иккинчиси – қабул қилинганлик масаласи”.

Абу Али ибн Синонинг бу фикрлари мантиқ илмида исботлаш ва далиллаш тушунчаларининг ўзаро фарқлиги борасидаги фикрларда ҳам акс этади. “Мантиқ илмининг ўрганиш объектини тафаккур ташкил этади. «Тафаккур» арабча сўз бўлиб, ўзбек тилидаги «фикрлаш», «ақлий билиш» сўзларининг синоними сифатида қўлланилади”. Мантиқ илмида тушунча исботлаш ва далиллашни талаб этади.

“Далиллаш деб, бирор фикр, мулоҳазани ёки мулоҳазалар тизимини воқеликка бевосита мурожаат қилиш йўли билан (кузатиш, тажриба-эксперимент ва ҳоказо асосида) ёки ростлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазалар ёрдамида асослаб беришга айтилади. Далиллаш бевосита ёки воситали бўлади. Бевосита далиллаш ҳиссий билишга, яъни кўриш, тажриба-эксперимент орқали амалга оширилади. Воситали далиллаш эса, чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазаларга асосланади ва хулоса чиқариш кўринишида намоён бўлади. Далиллашнинг биринчи усули эмпирик, иккинчи усули назарий билимларга асосланади. Назарий ва эмпирик билимларнинг чегараси нисбий бўлганлиги каби, далиллашнинг юқоридаги икки усулга ажратилиши ҳам нисбийдир”.

“Предмет ва ҳодисаларнинг моҳиятини тушунишга тафаккур ёрдамида эришилади. Тафаккур билишнинг юқори рационал (лотинча ratio - ақл) билиш босқичи бўлиб, унда предмет ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятлари аниқланади, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, яъни қонуний боғланишлар акс эттирилади”.

Имом Мотуридий ўзининг “Китабут Тавҳид” асарида Аллоҳни билиш масаласида сўз юритар экан, бизнинг мантиқий билиш ҳақидаги тасаввурларимизга аниқлик киритади ва билишнинг туб асл моҳиятини ойдинлаштиради.

“Оқиллар “кимки ўзини таниди, роббини таниди” деган сўзга тўхтаб қилишади. Аммо улар билишнинг усуллари борасида ихтилоф қилишади”.

“Бизда ҳам шундай, кимки ўзини таниди, роббини танийди. Чунки, ўзини таниган киши ўз соҳиби борлигини тафаккур қилади ва ўзидаги кўриш, эшитиш каби хусусиятларининг қаердан келиб чиққанлиги ҳақида билими йўқлигини, уларда бузилиш содир бўлса, тузатилиши имконлари қаердалигини билмаганлигини тушуниб этади. Инсон ўзида рўй бераётган физиологик ва психологик ўзгаришларнинг моҳиятини англашда ҳам муаммоларга дуч келиши ҳолларини ҳам таъкидламоқ керак. Шу билан бирга инсон ўз моддий воқеълигидаги ҳаёти мобайнида кечаётган бедавомлик ва беқарорлик кўринишлари туфайли ҳам ўзлигини таниб боради. Гарчи атрофидаги махлуқотлар ичида энг ақлли ва тадбиркор эканлигини англаса-да, аммо ўзининг ҳар нарсага қодир эмаслигини тушуна боради”.

Имом Мотуридий муҳолифларининг Аллоҳни таниш мумкинми, Аллоҳ қандай ва жисмга эгами каби саволларига жавобан ёзади: “ У нимадир? – деган саволга жавоб шуки, у, яъни Аллоҳ

самийун басийрдир.(эшитувчи ва кўрувчидир.) Унинг моҳияти қандай? – деган саволга жавоб эса У, яъни Аллоҳ бу биз келтира олишимиз бўлган мисоллардан олийдир. У нимадир? ёки Унинг моҳияти қандай? – каби саволларни эҳтимол Унинг феъли қандай? – деб тушуниш лозим бўлади ва унинг жавоби эса: у барча халқларни яратди ва ўз ўрнига қўйди ва бу унинг ҳикматидир. У ким? деган саволга келсак, Аллоҳ таъоло нарсадан эмас, балки барча нарсаларнинг нарсалигини ато этган зотдир”.

Ўрганилган натижаларга кўра, Шарқ илм аҳллариининг пешволаридан бири сифатида донг таратган ва тан олинган буюк аллома Абу Али ибн Сино нафақат медицина фанида улкан ютуқларга эришган олим бўлган, балки фалсафа, астрономия, география, диншунослик соҳаларида ҳам етук билим соҳиби бўлганлиги унинг ушбу “Нубувват” рисоласида баён этган қарашлари орқали ўзини намоён этади. Абу Али ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний замондош бўлганликлари ва ўзаро илмий фикрлашиб турганликлари тарихан маълум фактдир. Абу Али ибн Сионинг пайғамбарик масаласидаги ушбу рисоласини икки аллома орасида савол жавоблар тарзида ёзилган хат ва рисоалар сирасига киритиш тўғри бўлади. Мазкур рисолаининг ёзилиш услубига келсак, у аллома Ибн Сино ёзган мактубларининг стилига айнан мос келиши кўзатилади.

Аллома таваллудининг 1000 йиллиги муносабати билан чоп этилган асарлари орасида Беруний ва Ибн Сионинг бир-бирига ёзган мактублари ҳам нашр этилди ва Беруний томонидан йўлланган саволларга берилган жавобларнинг услуби юқорида билдирилган фикрнинг далили бўла олади.

Мазкур мактубларда Ибн Сино Аристотель (Арасту)нинг “Само жисмлари ҳақида” рисоласида баён этган мураккаб фикрларини Берунийга шарҳлаб беради.. Мактублар “Мендан сўраган экансан.., менинг жавобим: ...” тарзида шакллантирилган. Бу мақоламизда тадқиқ қилишга уринаётганимиз Ибн Сионинг “Рисолатун Нубувват” рисоласи ҳам худди шу усулда бошланганлиги юқорида келтириб ўтилди. Рисоланинг мазмун моҳияти Имом Мотуридий ақида илми таълим тамойили усулидадир. Яъни аллома аввало ақл мавзусида фикр юритади ва сўнгра пайғамбарлик ва инсониятнинг унга эҳтиёжи масаласини тилга олади. Инсон “ўзини таниши” масаласининг инсон борлиқ ва шу борлиқни яратган зот – “Аллоҳ таъолони таниш” фаолиятида кўрсатадиган аҳамиятини очиқлайди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Мотуридия таълимоти Маворауннаҳр аҳлус сунна вал жамоа эътиқодидаги мусулмонларнинг ақидаси шаклланишида ҳал қилувчи омил саналади. Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби буюк алломалар ҳам Имом Мотуридийнинг ақидавий қарашларидан баҳраманд бўлганликлари Ибн Сионинг ушбу “Нубувват рисоласи” орқали яна бир бора ўз тасдиғини топди.

Хулоса ўрнида, Ўзбекистонда Ибн Сино асарларини таржима ва тадқиқ этиш ишлари кўп йиллардан буён миллий мафкура тамойиллари даражасига кўтарилган масаладир. Ўзбекистон Республикасизда ҳозирги вақтда Ибн Сино меросини етарли баҳолаш ва кадрлаш мақсадида аллома номидаги халқаро фонд ва институт ташкил этиш режалаштирилмоқда. Абу Али ибн Сино қаламига мансуб асарларнинг сони ва салмоғи фахрланарли ва ҳайратланарли феноменал ҳодиса деб бемалол таъкидлаш мумкин. Алломанинг асарлари орасида шу кунга қадар ҳали тадқиқ этилмаган рисоалари ҳам топилмоқда.

Унинг “Пайғамбарлик рисоласи” деб аталадиган асари Абу Райҳон Беруний билан ёзишмалари тарзида таълиф этилган қўлёзмаларидан бўлиб, бу рисола Тошкент Шарқшунослик қўлёзмалар архивида сақланиб келмоқда. Бу рисола тадқиқ қилиниши ва илмий жиҳатдан ўрганилиши халқимизга катта ақидавий манба бўлиб хизмат қилади.

**"АБУ АЛИ ИБН СИНО
ВА САЛОМАТЛИК ФАЛСАФАСИ"**

анъанавий халқ табобати бўйича
II халқаро илмий-амалий анжуман

II International conference on traditional (alternative) medicine

"ABU ALI IBN SINA - PHILOSOPHY OF HEALTH"

II Международная научно-практическая конференция
по традиционной медицине

«АБУ АЛИ ИБН СИНА - ФИЛОСОФИЯ ЗДОРОВЬЯ»

ГАРМОНИЯ ДУШИ И ТЕЛА - ВЗАИМОСВЯЗЬ МЕДИЦИНЫ И ФИЛОСОФИИ В ТРУДАХ АВИЦЕННЫ

Абдуллаев С.А.¹, Рахимов А.У.²

*Научно-исследовательский институт
по изучению народной медицины, медицины и природы Центральной Азии¹,
Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников, Навоийский филиал²*

Всему медицинскому сообществу известен Авиценна как автор знаменитого «Канона врачебной науки», заложившего основы медицинской науки средневековья и служившего около 400 лет его труд был настольной книгой лекарей Европы. Однако у Авиценны был феноменальный интеллект и удивительное стремление к знаниям. Его интерес не ограничивался одним или двумя направлениями науки. Известны его работы в области математики, физики, химии, музыки. Но основным направлением была философия. В течение жизни он создал свыше 700 философских работ и трактатов по естественным наукам. Своими учителями он считал Аристотеля и аль-Фараби. Их обоих считают основателями восточного аристотелизма. В центре этого учения была идея о Боге как об источнике всей жизни и земных благ. Но Авиценна упорядочил аристотелево знание, он вывел теорию трех категорий в науке. Согласно его учению, есть такие науки: высшая (метафизика); средняя (математика); низшая (физика). Далее, Авиценна поделил все сущее на две группы: возможное и необходимое. Первое из них существует на основе второго, а необходимое сущее считается вечным, таким, что существует само по себе. Абсолютно необходимой первопричиной всего сущего философ называл Бога. И здесь очень интересны мысли Авиценны о душе. По его мнению, душа – это сила, исходящая от Бога. Поэтому она бессмертна и играет важную роль в воскрешении людей. Философ выделили три категории души: третья - в растениях; вторая селилась в животных; первая принадлежала человеку, была наивысшей и сочетала в себе черты двух других. Ибн Сина писал о единстве души и тела. Тело, принимающее разумную душу, превращается в носителя философской мысли. В своих трудах Авиценна создал упорядоченную терминологию арабской философии. Мыслитель обосновал отличия сущности и существования. Сущность постигается разумом, а о существовании человек узнает из опыта. Если вдуматься, то многие мыслители и философы после Авиценны повторяли его категории и суждения. В своей работе «Книга исцеления» он писал, что человеку открывается абсолютная истина в интуитивном видении – вершине мыслительных процессов. Знакомясь с работами Абу Али ибн Сины понимаешь, что он всегда видел мир во взаимно-связи, в диалектическом разнообразии, поэтому достижение им таких результатов не является чем-то удивительным.

МАКТАБЛАРДА ТИББИЙ САВОДХОНЛИК ОШИРИШ ОРҚАЛИ САЛОМАТЛИККА ЭРИШАЙЛИК

Абдураимов Э., Тўраев Ж.; Ҳакимов М., Хурсанов З.

Бандихан тумани “Мактабгача ва мактаб таълими”

Мавзунинг кириш қисми: Ўзбекистонда истеъдод соҳиблари учун барча жабҳада эшиқлар ланг очик. Келажагимиз эгаларини қуллаб-қувватлаш барчамизнинг бурчимиздир, - зеро келажак бугундан бошланади. Уларни ўз саломатлиги ва саломатлик омилларига бефарқ бўлмаслиги учун тиббий билимларга ҳам эга бўлишида умумий таълим ўрни муҳим.

Мавзунинг мақсади: Тиббиёт соҳасида малакали кадрлар танқислиги ечими долзарб муаммолардан бири эканлиги сир эмас. Мамлакатимизнинг узок гўшалари, кишлоқларида айниқса “Оилавий поликлиника” ва “Оилавий шифокорлик пункт”ларида оилавий шифокорларга талаб сезиларли ҳолда. Замон талабидан келиб чиқиб маҳаллий кадрлар тайёрлаш муаммонинг амалий ечимлиги аён. Мақсадимиз ўқувчиларимизнинг экологик билим кўникмасини ошириш билан бирга

тиббий саводхонликка эга бўлиб, билганига амал қилиш орқали ўзи ва ўзгалар саломатлигига эришиш. Энг муҳими ўқувчиларимизнинг қалбига тиббиёт илми ва касбига меҳр уйғотиш билан долзарб бўлган шифокорлар заҳирасини тайёрлаш.

Мавзу асоси: Мамлакатимизда мактабгача ва мактабдаги таълим-тарбия жароёни ҳукумат ғамғурлиги ва назаротида. Минг йиллар муқаддам ибн Сино бобомиз “Оила хўжалиги” асарида болаларнинг таълим – тарбияси 6-14 ёшларида олиб борилиши керак - деб ҳисоблайди. Бу ёшдаги таълим болаларда мусобақалаштириш, бир – биридан қолишмаслик истагини уйғотади. Натижада фикларидаги дангасалик, ўзидаги ақлий ва жисмоний қусурларни тузатиб соғлом фикрлашга ўргатади. Бизнинг ўқувчиларга тана тарбияси орқали жисмоний соғлиқка ҳамда теварак атрофга соғлом муносабатда бўлиб, экологик онг ва тарбияси улғайишига педогогик- психологик ёндашиб ахлоқий ва маънавий камол топишига йўл кўрсатиб ўтиш касбий бурчимиздир.

Абу Али ибн Сино ўзининг зеҳни – маёғи билан минг йиллардан буён диний ва дунёвий фанларнинг 29 йўналишида қолдирган илмий мероси билан дунё аҳли ардоғида. Аммо олимнинг бизга етиб келмаган қанчадан – қанча асарлари бўлган. Манбаларга кўра Чингизхон ва невараси Ботухон ҳукумрон йилларида (1216-1258) талон – тарож қилган, олиб кетган. Профессор Бердиёр Бердақов Улан – Баторда бўлганида юртимиздан олиб кетилган 2 млн дан ортиқ китоблар сақланаётганлиги гувоҳи бўлган. Юртбошимиз жаҳоннинг кўп давлатлари билан ижтимоий, иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини тикламоқда. Албатта кун келиб давлатлараро илмий алоқалар тикланиб маънавий мерослар ўзларининг ҳақиқий соҳибларига қайтар. Шунда халқимиз ва фарзандларимиз аллома бобомизнинг тиббий ҳамда бошқа соҳадаги қолдирган бой меросидан фойдаланажак. Мактаб ҳовлисига кўплаб ноботат турларини ўсиб-ундириб, парваришлаш жароёнлари орқали экологик билим, экологик маданият ошириб бормоқдамиз.

Қадимий Хоразм Маъмур Академиясидаги олимларнинг илмий меросини ўрганиш ва тадбиқ қилиш учун 1997 йил 11 ноябрда “Хоразм Маъмур Академияси” ни қайта ташкил этиш ҳақида юрт бошининг фармони чиққанди. Маълумотларга кўра Академия қошида “Доривор ўсимликлар боғи” бунёд этилиб, ибн Сино қўллаган ўсимликларнинг баъзилари униб – ўстирилиб, шифобахш гиёҳ сифатида фойдаланилаётганлиги мақтовга сазовор амалий ютуқ. Шарқ тиббиётининг султони, улўғ ҳаким ибн Сино шоҳ асари “Тиб қонунлари” да атроф – муҳит (экология) нинг одам организмига таъсирини кўрсатиб берган. Экология сўзи юнонча экос – хонадон, яшаш жойи, макони маъносида, логос – фан яъни организм билан ташқи муҳит ўртасидаги муносабатни ўрганадиган фан.

Манбаларда XIX асрда яшаган немис олими Эрнест Геккель (1834-1919) ни экология фани асосчиси дея қаралади. Агар масалага адолатона, илмий – тиббий кўз билан чуқурроқ қараб мулоҳаза юритилса, бошқача фикр пайдо бўлади. Шарқда “Шайх ур-раис” номи билан машҳур аллома ўрта аср мутафаккири Абу Али ибн Сино (980-1037) ўз давридаёқ “чанг бўлмаганда инсон минг йил яшаган бўлар эди”, - деган.

Ўзининг “Тиб қонунлари”да яшаш жойи ҳавонинг ифлослиги кўп юкумли касалликларга сабабчи бўлиши, ҳатто шифохона, қабристонларга жой танланишига – ча бугунгача эътиборга молик масаҳатлар берган. Истеъмолдаги сув тозаллиги ва ҳаво софлигига эришишдаги маслаҳатлари рад этиб бўлмас ҳақиқат. Мавзуга одилонга ёндашсак минг йил олдин аллома ибн Сино “экология фани отаси” сифатида гаўдаланади. Биз ўқитувчилар илмий ходим- устозлардан ушбу масалага амалий ёндашишдан умид қилиб қоламиз, -зеро ўқувчиларимиз тиб илми султони ватандошимизнинг илмий салоҳиятидан руҳланиб янада экологик ва тиббий соҳадаги илму-салоҳияти бундан-да эга бўлса ажабмас.

Мавзу хулосаси: Ўқувчиларимиз тиббиёт ходимлари уқтирган тиббий тавсиялари: гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиб, қўлни тез-тез ювиб, танасини озода- покиза сақласа, кийимларини тоза тутса касалликка кам учрашини уқтирамиз. Тозалиқка ва шахсий гигиенага риоя қилиш синовли панденимия даврида жуда кул келди. Чекиш каби иллатлардан нари юриб, соф ҳаво-экологик муҳитни бузмаслик. Тиббиёт ходимлари тавсияси ва дарс программаларида баён қилганидек атроф – муҳитни муҳофаза қилиб, томорқа ва ҳовлиларимизни кўкаламзорлаштириб-ободонлаштириш касалланишни камайишига сабаб бўлишига амал қилсак ўқувчиларимизнинг экологик ва ахлоқий онги ўсиб боради. Натижа эса саломатликнинг олтин қалити тиббий саводхонликка эришилади. Умумбашар орзуси-саломат ва узоқ умр кечириш учун касалликни олдини олиш, албатта даволанишдан афсал ва нафли.

АБУ АЛИ ИБН СИНО: ВРАЧЕВАНИЕ И ТРАДИЦИОННАЯ НАРОДНАЯ МЕДИЦИНА

Аллаберганов М.Ю.

Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии

Основанная на многовековом опыте табибов – восточных целителей, научном наследии великих врачей, как Ибн Сино, народная медицина Узбекистана переживает период возрождения, стремится совместно с медиками страны решать масштабные задачи в деле охраны здоровья человека.

Как и в других регионах Востока в Узбекистане традиционная медицина имеет исторические корни. Этому свидетельствуют писания великого целителя Абу Али ибн Сино собравшего уникальные методы исцеления, впоследствии ставшей основой современной медицины.

Несмотря на распространение современной медицины в настоящее время тоже на территории Узбекистана продолжают существовать народные традиционные целители.

Как и в современной медицине в традиционной медицине основную роль играет определение диагноза. Народные целители это делают разными способами: проверкой пульсации и давления крови на руках, визуальным и мануальным обследованием соответствующей части тела, определением соответствия к определенной расположенности пациента к пища. Народные целители по исцеления болезней условно подразделяются на – мануальные, словесные и лекарственные.

Великий мыслитель, философ, глава мудрецов, учёный-энциклопедист, написавший более 450 произведений (43 по медицине, 19 по логике, 26 по психологии).

Он утверждал, что если человек умеренно и своевременно занимается физическими упражнениями и соблюдает режим, то он не нуждается ни в лечении, ни в лекарствах. Оздоровительная физкультура, придуманная им, жива по сей день и помогает людям.

Ибн Сина – один из тех людей, кто сделал много полезного для всего человечества.

Проанализировав жизнь ибн Сины, мы можем прийти к заключению, что медицина в жизни Авиценны играла ключевую роль до конца его дней, то вознося его на вершину славы и власти или кидая в темницы. Жил он и в роскоши и в нищете, но, ни на один день не прекращал творческую и научную работы, даже когда его имущество не один раз было разграблено, и погибла его библиотека.

Этого великого человека история помнит как учёного оставившего значимый след в развитии и становлении ряда наук.

ИБН СИНО АМАЛИЁТИДА ҚИМИРЛАМАЙДИГАН ТИШЛАРНИ ОЛИШ ТАДБИРИ

Асадов Д.А., Назиров М.Н.

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасани ривожлантириш маркази

Қимирламайдиган тишларни олишда кўп асоратлар бор: беморлар жағ суягининг очилиб қолиши, қаттиқ оғриқ кўзғалиши, жароҳатдан қон кетиши, альвеолит, уч тармоқли нервнинг жароҳатланиши, гайморит каби асоратлардан шикоят қилишади. Шу билан бирга бундай тиш олиш жараёни оддий тиш олиш жараёнига нисбатан бир неча баробар қимматлиги билан ҳам беморлар учун салбий аҳамиятга эга.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади: юқорида баён қилинган асоратларни камайтириш, жарроҳлик амалиётини енгиллатиш, нархларини пасайтириш учун Ибн Синонинг “Қимирламайдиган тишларни олишдан олдин, тиш илдизларини дорилар ёрдамида бўшатиш усули”ни замонавий тиббиёт амалиётга уйғунлаштириш.

Материаллар ва усуллар. Муаллифлар тамонидан мавзуга тегишли замонавий тиббий адабиётлар таҳлил қилиниб, ушбу соҳада мавжуд бўлган яқин аналоглар ўрганилди. Тадқиқотда 72 нафар бемор иштирок этди, одамлар оддий, тасодифий танлаб олиш йўли билан икки гуруҳга

бўлинди. Бир гуруҳ замонавий тиш олиш жарроҳлик амалиёти техникасидан фойдаланган бўлса, иккинчи гуруҳда Ибн Сино тавсия қилган, сиркога қўшилган зирних [мышьяк] тевараги очилган тишга томизилиб, 1-2 соат қўйилди ва ўша пайтда соғ тишларга мум қопланди. Кейин тишни омбир ёрдамида олинди.

Натижалар. Ибн Сино тиш илдизларини бўшатиш учун Абу жаҳл тарвузининг илдизи, анжир барги, гальбан елими, ёввойи бодиринг илдизи, қизил зирних, ковул пўсти, кундур елими, назла ўти, сариқ зирних, сирка лойқаси, тут илдизининг пўсти, узум сиркоси каби 17 хил табиий дори воситаларидан фойдаланган. Замонавий тиббиётда бу мақсад учун ишлатиладиган дорилар борлиги аниқланмади.

30 нафар беморларнинг параметрларига асосланган таҳлил натижасида, янги усул тиш атрофидаги тўқималарга минимал жароҳат етказиши, юқори жағ суягининг ўсимтаси ва илдизларининг синиши, қаттиқ оғриқ қўзғалиши, қон кетиши, альвеолит, уч тармоқли нервнинг жароҳатланиши, гайморит каби асоратларнинг камайтирилганлиги, тиш олиш жарроҳлик амалиётини бажариш учун зарур бўлган вақт бошқа беморлар гуруҳига нисбатан 2,1 баробарга камайганлиги ва жарроҳлик амалиёти нархининг 32 фоизгача арзонлашганлиги аниқланди.

Хулоса: Ибн Сино табобати амалиётидаги қимирламайдиган тишларни илдизларини дорилар ёрдамида бўшатиб, қимирлатиб, сўнгра олиш усули, замонавий усулда олиш натижасида келиб чиқадиган асоратларни камайтириш, операция нархини пасайтириш имкониятларини яратди.

КЎК ЧОЙНИНГ ДОРИВОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Асадов Д.А., Исмоилов И.

*Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази,
Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси*

Сўнгги йилларда кўк чойни мунтазам истеъмол қилиш саломатлик ва яшаш сифатига ижобий таъсир кўрсатиши ҳақида кўплаб далилларга асосланган маълумотлар пайдо бўлмоқда.

Мазали ва фойдали кўк чой ўсимлигининг барча қоидаларга мувофиқ тайёрланган юқори сифатли дамламаси қимматли таъми, озуқавий, парҳез фазилатлари ва шифобахш хусусиятлари унинг кимёвий таркибининг бойлиги билан изоҳланади.

Кўк чой баргининг биокимёвий таркиби: эфир мойлари 1%, кофеин 2-3%, танин 15%, клетчатка 20%, клейковин 25%, крахмал 27%, кул 5%, сув 5% ва қатронли моддалар. Кўк чой баргини, энг мураккаб кимёвий жараёнлар, баъзи моддаларнинг бошқаларга айланиши доимо содир бўладиган кимёвий лаборатория билан солиштириш мумкин. Аммо бу ўзгаришлар нафақат ўсимликнинг ўсиши пайтида, балки чой баргини қайта ишлаш жараёнида ҳам содир бўлади. Кўк чой таркибида эрийдиган фойдали моддалар 40-50% ташкил этади. Бундан ташқари, кўк чой дамламаси фақат одамлар учун энг фойдали моддаларни ажратиб эритиш ва фойдасиз ва зарарли моддаларни эритилмаган ҳолатда қолдириш каби ўзига хос хусусиятига эга.

Кўк чой баргидаги оксилларнинг сифати туфайли озуқавий қиймати бўйича дуккакдилардан қолишмайди.

Кўк чой ўсимлигининг баргларида кўп миқдорда “Р” витамини (ёки С2), “С” витамини мавжуд (кўк чой таркибидаги “С” витамини миқдори лимон ва апелсин таркибидаги “С” витамини миқдоридан 3-4 баравар юқори эканлиги аниқланган, кўк чойда у қора чойдагига қараганда 10 баравар кўп), В1 (тиамин), В2 (рибофлавин), В3 (ниацин и никотинамид), В5 (пантотеновая кислота), В9 (фолиевая кислота), В12 (цианокобаламин), РР (никотиновая кислота), А (каротины), Е (токоферол), К (филлохинон), шунингдек “Р” витамини хусусиятларига эга танин мавжудлиги аниқланган.

“Р” витамини миқдори бўйича чой барги ўсимликлар орасида тенги йўқ. Витамин “Р” (катехинлар) нозик қон томирларини мустаҳкамлаш учун ажойиб воситадир. Ўз навбатида, “С” витамини “Р” витамини таъсирини кучайтиради, организмда тўпланишини, тўқималарда йиғилишини ва тежамли истеъмолини рағбатлантиради. Ушбу витаминлар синергистлар ҳисобланишади.

Ошловчи моддалар кўк чойдаги фаол моддаларининг 15-30% ни ташкил қилади ва танин ва турли катехинлар, шунингдек полифеноллар ва уларнинг ҳосилаларидан ташкил топган ўндан ортиқ мураккаб полифенол бирикмалари аралашмасини ташкил қилади.

Кўк чой ичимлиги таркибида “Р” витамини хусусиятларига эга бўлган катехинлар мавжуд бўлиб, сони 500 га яқин бирикмалари аниқланган флаваноидлар гуруҳига киради. Кўк чой таркибида флаваноидларнинг қуйидаги гуруҳлари мавжуд: катехинлар, лейкоантоцианлар, дигидроҳалконлар, флавононлар, флавонолар, изофлавонолар, антоцианлар, шунингдек баъзи кумаринлар.

Кўп миқдорда, асосан кўк чойда бўлган эркин радикаллارни боғлайдиган табиий флаваноидлар кучли антиоксидант фаоллигига эга эканлиги исботланган. Шу сабабли улар инсон биологик суюқликларида эркин радикалларнинг таъсирини камайтиради.

Олимларнинг асарлари шуни кўрсатдики, кўк чой баъзи радиоактив изотопларга антидот бўлиб хизмат қилади, кекса одамларда уларнинг когнитив қобилиятларини соғлом сақлашга ҳисса қўшади ва ақлий қобилиятларнинг ёмонлашиши олдини олади. Оксиллар чой баргининг энг муҳим таркибий қисмидир. Оксиллар чой баргларини қайта ишлаш жараёнида пайдо бўладиган 17 та аминокислотанинг манбаи бўлиб хизмат қилади. Улар орасида L-теамин ноёб хусусиятларга эга аминокислотадир. У глутаматнинг аналоги ҳисобланади ва қон айланиш тизими ва марказий асаб тизимлари ўртасидаги физиологик тўсиқни кесиб ўтишга қодир. L-Теамин чой дамламаси таъмини яхшилайдди, аччиқлигини камайтиради.

Чой дамламасига муаттар ҳид берувчи асосий манба барглар таркибидаги эфир мойларидир. Кўк чой баргидаги эфир мойлари тахминан 0,02% ни ташкил қилиши, антибактериал таъсири ва инсон организмни ҳимоя қувватини рағбатлантириши аниқланган.

Кўк чой пигментлари ҳам муҳим рол ўйнайди. Кўк чой таркибидаги хлорофилл чой дамламасига ранг беришда иштирок этади.

Чой таркибига турли хил қатронли моддалар: спиртлар (резеноллар), қатрон кислоталари, қатрон феноллари ва бошқа органик бирикмалар ҳам киради.

Чой таркибидаги эрувчан органик бирикмалар, органик кислоталар (тахминан 1%) гуруҳи унинг озукавий ва парҳезбоплик қийматини оширади.

Ферментлар ёки энзимлар чой таркибида асосан эримайдиган, боғланган ҳолатда бўлади. Булар биологик катализатор вазифасини бажаради. Ўндан ортиқ чой ферментларидан асосийлари полифенол оксидаза, пероксидаза ва каталазадир.

Чой таркибидаги пектин моддалар (коллоид моддалар) миқдори 2 - 3%.

Чой таркибида оддий шаклардан мураккаб полисахаридларгача турли хил углеводлар мавжуд. Уларнинг аксарияти эримайди. Бундан ташқари, эримайдиган полисахаридлар одам учун кераксиз - крахмал, целлюлоза, гемицеллюлоза, улар чойнинг 10 - 12% гача ва эрийдиган фойдали углеводлар - сахароза, глюкоза, фруктоза, малтоза 1 - 4% ташкил қилади.

Кўк чойдаги алкалоидлар, асосан кофеин (теин), шунингдек теофиллин, теобромин, аденин ва гуанин мавжудлиги аниқ физиологик хусусиятларни таъминлайди. Кофеин одамларнинг тонусини оширувчи ичимлик сифатида чойга бўлган иштиёқининг асосий воситаларидан биридир. Теофиллин бронхларнинг силлиқ мушакларини бўшаштиради, нафас олишни осонлаштиради. Теобромин юракни фаолиятини рағбатлантиради, қон томирларини кенгайтиради, сийдик ҳайдовчи таъсири туфайли қон босимини пасайтиради.

Чой таркибида микроэлементлар кўринишидаги металллар ва ноорганик моддалар, жумладан фтор, йод, мис, алюминий, барий, бор, темир, калий, калций, молибден, кобалт, магний, марганец, натрий, никел, кўрғошин, олтингургурт, стронсий хром, рух, фосфор ва унинг бирикмалари, водород, углерод, хлор, кремний, галлий, олтин, титан ва бошқалар мавжуд. Уларнинг барчаси мураккаб бирикмаларнинг бир қисмидир, аммо коллоид ҳолатда бўлиб, улар сувда эриши ва чой дамламасига ўтиши мумкин. Бу элементларнинг барчаси моддалар алмашинувини яхшилайдди.

Хром шакар алмашинувида иштирок этади, углевод алмашинувини нормаллаштиради ва глюкозанинг ҳужайрага кириб боришини осонлаштиради. Хром инсулин рецепторларининг мўътадил ишлаши учун зарур бўлган қондаги глюкоза даражасини тартибга солади.

Чойнинг шифобахш хусусиятлари унинг яллиғланишга қарши, микробларга ва вирусларга қарши, антитоксик, антиоксидант, қувватни оширувчи, ўсмаларга қарши фаоллиги, шунингдек депрессияга қарши ва иммуномодуляторлик хусусиятлари билан ажралиб туради.

Барча қондаларга мувофиқ тайёрланган юқори сифатли кўк чойнинг дамламаси ва қайнатмаси инсонни умумий ҳолатини яхшилайдди, кайфиятини кўтаради, ақлий фаолиятини

оширади ва уйқу сифатини яхшилаиди, яллиғланиш жараёнининг фаоллигини пасайтиради, қон капиллярлари деворларининг эластиклигини оширади, марказий асаб тизимига фойдали таъсир кўрсатади, 17-кетостероидларнинг секрециясини кучайтиради, бу унинг ижобий таъсирини нафақат андроген функциясига, балки буйрак усти безларининг умумий функционал ҳолатига ҳам таъсир қилади, адреналинни тежайди, хужайралар ўтказувчанлигини тартибга солади, метаболик касалликларга мақсадли таъсир қилади, сув-электролитлар алмашинувининг ўзгаришига таъсир қилади, плазма албуминлари таркибини тартибга солади, гиалуронидаза фаоллигини бостиради.

Кўк чой сурункали гепатит, ревматик эндокардит, нефрит каби касалликларни даволашда ёрдам бериши исботланган. Шунингдек, тери касалликлари, атеросклероз, гипертониянинг айрим хиллари, юрак етишмовчилиги ва бошқа касалликларда ижобий таъсири аниқланган.

Кўк чой ёшартирувчи ва организмнинг қариш жараёнини секинлаштирувчи хусусиятли ажойиб ичимлик.

Кўк чойнинг дамламаси ва қайнатмаси суяк илиги фаолиятига фойдали таъсир кўрсатади ва қон хужайраларини ишлаб чиқарувчи тизимнинг фаоллигини оширади, қондаги протромбин таркибини ва коагуляция тизимини яхшилаиди, қизил қон хужайраларининг осмотик қаршилигини ва фибринолитик фаолликни оширади, томир ичидаги тромбоз хавфини йўқ қилади.

Қондаги холестериннинг мутлақ миқдорини, холестерин-леситин индексини, липопротеинларни нормаллаштиришда қатнашади. Кўк чойдаги антиоксидантлар (флавоноидлар) ферментларга (алфа-амилаза ва алфа-глюкозидаза) тўсқинлик қилади, яллиғланиш даражасини пасайтиради, тромбларни олдини олади, қон томирлари фаолиятини яхшилаиди ва қондаги шакар миқдорини камайтиради.

ДОРИВОР ЯНТОҚ - «САҲРО РАМЗИ»

Асадов Д.А., Исмоилов И.

*Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази,
Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси*

Одий янтоқ (*Alhagi psevdalhari Fisch*) - дуккаклилар (*Fabaceae Lindl*) оиласига мансуб кўп йиллик яримбутасимон ўсимлик. Ўзбекистон ҳудудида кулранг янтоқ, юмшоқ баргли янтоқ, сохта янтоқ ва форс янтоқ хиллари ҳам учрайди.

Янтоқни дарё бўйларида, чўл ерларда учратиш мумкин, ўсимлик лой ва шағалли ярим чўлларда ва қуруқ даштларда ўзини яхши ҳис қилади. Янтоқга ерга чуқур кириб борадиган, 10 м ва ундан кўпроққа етадиган илдизлар характерлидир, бу чўл шароитида ўсимликни сув билан таъминлаш имкониятини яратади.

Янтоқ Марказий Осиёда (Орол-Каспий минтақаси чўлларида, Қорақум ва Қизилқум даштларида), Россиянинг Европа қисмида, Кавказ ва Ҳиндистонда кенг тарқалган. Янтоқнинг гуллаш даври баҳорнинг охиридан кузнинг охиригача давом этади, ўсимликнинг мевалари июлда пиша бошлайди.

Янтоқ ўсимлиги туялар учун қимматли озуқа ҳисобланади. Бундан ташқари, янтоқ қорамол, қўй ва эчкиларни боқиш учун ишлатилади, лекин фақат энг ёш ҳолатда, тиканлар хали кўпол бўлгунга қадар.

Янтоқнинг ўзига хос шифобахш фазилатлари қадим замонлардан маълум бўлган. «Авеста»нинг табиий фанларга бағишланган омон қолган алоҳида қисмларида дезинфекция учун ўсимлик воситаларидан фойдаланиш тасвирланган. Улар орасида янтоқ ҳам бор. Бундан ташқари, кукун, қайнатма ва сиркада тайёрланган дамлама шаклида ишлатилган.

Марказий Осиё, Миср, Эрон, Саудия Арабистони, Ҳиндистон ва Хитойнинг анъанавий халқ табobatiда жуда машҳур бўлган дорилар орасида янтоқ алоҳида ўрин тутаети, аммо уни нисбатан яқинда замонавий тиббиётда қўллай бошлашди. Янтоқдан тайёрланган дамламалар ва қайнатмалар халқ табobatiда кенг қўлланилади. Шунингдек, янтоқ ўсимлиги Британияда тиббиётда фойдаланишга руҳсат берилган.

Янтоқ ўсимлигининг дамламаси, қайнатмаси, янги шарбати, мевалари, илдизи ва таранжубин («манна») моддаси ўрганилган ва амалиётда қўлланилмоқда. Бу ўсимликдан фойдали дори-дармонларни Ҳусайн ибн Сино ўзи яратиб, терапевтик ва профилактик восита сифатида

ишлатган.

Туялар асосан янтоқ билан озиқланади. Янтоқ ўсимлигининг минералларга бой таркиби ва биологик фаол моддалари туфайли туя сутининг шифобахш хусусиятлари янада яхшиланади, туя сутининг доривор мақсадларда қўллаш имкониятлари ҳам кенгайди.

Сўнгги йилларда бу доривор ўсимликга қизиқиш кучаймоқда. XX асрнинг фақат сўнгги чорагида тадқиқотчилар янтоқ экстрактларининг бир қатор фармакологик хусусиятларини – яллиғланишга қарши ва антиспазмолитик фаоллигини, ошқозон яраси касаллигини даволаш ва тахикардия пайтида юрак уриш тезлигини камайтириш қобилятини шунингдек, унинг анестетик ва бўшаштирувчи тасалли берувчи таъсирини тавсифловчи асарларини нашр этишди. Ўсимликнинг ўсмаларга қарши таъсирини ўрганиш бўйича олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Даволаш мақсадларда доривор ўсимликнинг ер усти қисми (гуллар, поялар ва новдалар, барглари, тиканлар ва мевалар), илдизлари ва ўсимликдан ажралиб чиқадиган ажойиб шакарли моддадан фойдаланилади, у илиқ об-ҳаво шароитида пояларда ҳосил бўлади ва қотади. Таркиби 2- ва 3-сахаридлардан иборат ажойиб модда таранжубин («манна») деб номланади. Қадим замонларда бу нафақат ширивор, балки универсал доривор бўлган.

Қўплаб доривор ўсимликларнинг биринчи кашфиётчиси Ҳусайн ибн Сино сирли таранджубин ҳақида «Тиб қонунлари» асарида ёзиб қолдирган. Янги йиғилган оқ таранджубин чанқовни мукамал даражада қондиради, кўкракни ва йўтални юмшатади, қабзиятда яхши таъсир қилади, ҳатто қандли диабетда қондаги шакар миқдорини камайтиришга ёрдам беради. Олим бир мартага 10-20 мисқолгача таранджубин исьтемом қилишни тавсия қилган (бир мисқол - 3,64 грамм).

Ҳозирги кунда янтоқнинг кимёвий таркиби етарлича ўрганилмаган. Ўсимлик таркибида флавоноидлар, сапонинлар, эфир мойи, стероидлар, органик кислоталар, лейкоантоцианлар, кумаринлар, витаминлар С, К, В гуруҳи, каротин, гликозидлар, танинлар, алкалоидлар, фитонцидлар борлиги аниқланган. Ўзбекистонда маълум бўлган барча беш турдаги янтоқ ўсимлигида кўп миқдорда С витамини мавжуд.

Янтоқ ўсимлигига асосланган доривор маҳсулотлар ўт ҳайдовчи, яраларда терини тикланишини фаоллаштирувчи, қонни тўхтатувчи, буриштирувчи хусусиятларга эга. Улар ревматизмда оғриқларни камайтириш, юрак-қон томир тизими фаолиятини яхшилаш, жигар ва ошқозон-ичак трактининг фаолиятини нормаллаштиришда қўлланилади.

Ўрта Осиё ва Озарбайжонда оддий янтоқнинг гуллари чанқовни қондирадиган ва терлашни кескин камайтирадиган чой ичимликларини тайёрлаш учун ишлатилади. Шунингдек, ўсимликдан тайёрланган эссенция ошқозон касалликлари ва геморройни даволашда ишлатилади.

Ўсимлик қайнатмаси, илдизининг дамламаси қон тўхтатувчи восита сифатида, геморрой ва дизентерия, шунингдек жигар касалликлари, ошқозон яраси ва ўн икки бармоқли ичак ярасини даволашда ишлатилади. Теридаги жароҳатларни битишини фаоллаштирувчи восита сифатида қўллаш мумкин.

Сахро таранджубинининг қотган бўлаклари (шакар суррогати) яхши сийдик ҳайдовчи ва ҳароратни пасайтирувчи восита сифатида илатилади, шунингдек, халқ табobatiда муваффақиятли қўлланиладиган ични юмшатувчи воситадир.

Янтоқ асал берувчи ўсимлик. Янтоқ ўсадиган ҳудудда асаларилар томонидан тўпланган асал энг шифобахш ҳисобланади ва таркибида инсон танаси учун зарур бўлган юздан ортиқ элементлар мавжуд. Янтоқ асали жуда қуюқ ва деярли ўзига хос асал ҳидига эга эмас, совутилган сариёғга ўхшайди, лекин анча енгилроқ. Ёқимли таъмга ва бир қатор доривор хусусиятларга эга бўлган бундай асал зарарли микроорганизмларга қарши курашнинг ажойиб воситаси бўлиб, танани тозалашга, ундан токсинлар ва ортиқча тузларни олиб ташлашга ёрдам беради. Уни кўк чойга қўшиб ичилса шамоллашдан имкон қадар тезроқ халос бўлишга ёрдам беради, бундан ташқари у тана қувватини оширади.

Ҳусайн ибн Сино қўплаб дори-дармонларни тайёрлашда янтоқ гулларида йиғилган асалдан муваффақиятли фойдаланган. Ўзининг «Тиб қонунлари» асарида у етилган табиий асални ўз ичига олган қўплаб рецептлар берган.

Янтоқдан тайёрланган айрим доривор препаратлар (Ҳусайн Ибн Сино кўрсатмаси бўйича):

Янтоқ илдизини тайёрлаш: 1 стакан қайноқ сув 20 г илдиз, 25 дақиқа давомида паст оловда 0,5 соат қиздириш, сўнг сузгичдан ўтказиш. 4-5 ош қошиқдан овқатдан олдин 0,5 соат давомида

кунига 3 марта сийдик ҳайдовчи сифатида ичинг.

Худди шу тайёргарлик, 1 ош қошиқдан кунига 3 марта сийдикда қум борлигида ва катталарда сийдик чиқиши қийинлашганда, ангина, қулоқни йирингли яллиғланишида қабул қилинади.

Янтоқ дамламаси: 200 мл қайноқ сувда 1 чой қошиқ кукун ҳолатидаги янтоқ қайнатилади, 20 дақиқа дам берилади, кейин сузгичдан ўтказилади. Тана ҳарорати кўтарилганда совутиш воситаси сифатида фойдаланилади. Томоқ оғриганда дамлама билан чайилади.

2 чой қошиқ майдаланган янтоқ илдизи 200 мл сувда 6-7 дақиқа қайнатилади, 30 дақиқа дам берилади, совутилади. Ич суриш мақсадида эрталаб оч қоринга 200 мл дамлама ичилади.

ОҚ КАРРАК ДОРИВОР ЎСИМЛИГИ

Асадов Д.А., Исмоилов И.

*Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириши маркази,
Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси*

Оқ каррак (оддий олаўт, оқ тикан, *Silybum marianum Gaertn*) – бир йиллик, ёввойи ҳолда ўсадиган астрадошлар (*Asteraceae*) оиласига мансуб доривор ўсимлик бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг барча туманларида кенг тарқалган.

Оқ каррак ўсимлигининг кимьёвий таркиби 200 дан ортиқ фойдали компонентлардан тузилган. Қатор олимлар бу доривор ўсимликни ўрганиб, унинг илдизи, барглари ва уруғи таркибида турли микроэлементлар ва макроэлементлар, калий, магний, кальций, темир, ҳамда цинк, мис, селен, бор, марганец, йод, хром ва бошқа моддалар, шунингдек, А, D, E, K ва B гуруҳи витаминлари, каротиноидлар, алкалоидлар, флавоноидлар ва флавонолигнанлар, оксил, смола, тирамин, гистамин, тўйинмаган ёғ кислоталари борлигини аниқлашган. Ўсимлик таркибидаги флавоноидлар йигиндисидан иборат бўлган салимарин моддасини ажратиб олишган.

Оқ каррак уруғида 32% гача ўсимлик мойи сақланиб, унинг таркиби ўзига ҳослиги билан бошқа ўсимлик мойларидан ажралиб туради. Ўсимлик мойида таркибида кучли антиоксидант таъсирга эга бўлган флавоноидлар мавжуд. Жигар ҳужайраларини химояловчи, тозаловчи, мустаҳкамловчи ва тикловчи биологик фаол гепатопротекторли хусусиятли силимарин (силибинин, изосилибинин, силидианин и силикристин изомерлари жамламаси) моддаси доривор ўсимликни фойдали эканлигининг даракчисидир.

Хусайн ибн Сино жигар касалликларини ўрганиш ва даволашда кўп меҳнат қилган, хусусан жигар хасталикларини даволашда оқ карракнинг танаси, барги, гули, уруғи ва илдизини дори сифатида қўллаган. Бу ўсимликнинг илдизидан қайнатма тайёрлаб қўл – оёқ, бел оғриқларини даволаган. Ўсимликнинг ер устки қисмидан дамлама тайёрлаб, буйрак – сийдик йўллари касалликларини даволашда кенг фойдаланган. Буюк олимнинг «Тиб қонунлари» асарида ушбу доривор ўсимлик “оқ тикан” номи билан аталган (форсчада – “шаука байда”, арабчада – “шавкат ал-байда” ва “русчада расторопша пятнистая”, лотинчада – “*silybum marianum Gaertn*”).

Халқ табобатида оқ тиканнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама билан қонни тозаловчи, қондаги канд миқдорини пасайтирувчи, шунингдек жигар фаолиятини яхшилаб уни тозалаш хусусиятларга эга бўлган дори воситаси сифатида фойдаланганлар.

Ҳозирги вақтда оддий олаўт мойи кўп давлатларда расмий тиббиётда қўлланиляпти. Унинг иммунстимулловчи, бактериоцид яллиғланишга қарши, оғриқсизлантирувчи, спазмолитик, ўт ҳайдовчи, яраларни битишини тезлаштирувчи, аллергияга қарши, радиопротектор таъсирлари ҳақида манбаларда маълумотлар келтирилган.

Оқ каррак (оқ тикан) ўсимлигидан тайёрланган дори воситалари ўт-тош, холецистит, сийдик чиқариш аъзолари, қандли диабет, қалқонсимон беши, ошқозон-ичак тизими касалликларида, талоқ касаллигида, юрак-томир тизими касалликларида, радикулитларда, бўғинлардаги оғриқда, геморрой, псориаз, соч тушишида, оғиз бўшлиғи ва нафас йўллари касалликларида қўлланилмоқда.

Шифобахш оқ каррак ўсимлиги кучли дори воситаси сифатида замонавий ва халқ тиббиётида жигарнинг ўткир ва сурункали касалликларини (ўткир ва сурункали гепатитлар, жигарни токсик шикастланишида, циррози ва гепатозиди, ёғ алмашинуви бузилишида) даволашда

бекиёс фойдали дори воситаси. Химиятерапия, нуртерапияси олаётган беморларга тавсия қилинади. Ўсимлик уруғидан олинадиган Силимарин, жигар хужайраларини ҳимояловчи, тозаловчи, мустаҳкамловчи ва тикловчи биологик фаол шифобахш доривор модда сифатида жигар тўқималарини қайтадан тиклайди, янги тўқималар пайдо қилиб жигар фаолиятини яхшилайдди. Бу хусусиятлари оқ каррак ўсимлигини қийматини янада оширади.

Қон босими юқори бўлган беморларга оқ каррак ўсимлигидан фойдаланиш тавсия қилинмайди.

Замонавий тиббиётда оқ каррак ўсимлигидан тайёрланган ва таркиби флаволигнанлардан иборат, Канвит (*Silybum marianum*), Милк тистле, Биосилимарин ва Остропест пламисти таблеткалари, Милк тистле экстракти капсуласи, Ливерин, Легалон ва Карсил - драже, капсула, сироп шаклида, Силимар, Силибор, Силарсил ва Силимарин таблеткалари, Силегон дражеси, Холелитин 1, Оқ каррак уруғи 100г, «Органик» номли – уруғдан олинган ёғ ва бошқа дорилар кенг ишлатилмоқда. Шунингдек «Гепабене», «Гепатофальк планта», «Холафлукс» дори комплекслари таркибига киради. Ўзбекистонда фиточай шаклида «Муъжиза» ва «Меҳригё» номи билан чиқарилмоқда. Юқорида келтирилган дори воситаларини қабул қилиш тартиби жорий қилинган.

Халқ тиббиётида оқ каррак ўсимлигини майдаланган уруғидан кунига 4-5 марта бир чой қошиқдан, овқатланишдан 20-30 минут олдин сув билан қабул қилиш тавсия қилинади.

Куйида оқ карракни дамламаларидан мисоллар келтираман:

4 ош қошиқ оқ каррак гулларини бир литр қайнаган сувда дамланг ва паст оловда 6 дақиқа қайнатиб, сўнг тиндиргани кўйинг ва 2-3 қаватли докадан ўтказиб филтёрланг. Кунига 3-4 маҳал овқатланишдан аввал 100 мл ичинг.

Майдаланган уруғидан 30г ярим литр сувда, паст оловда суюқликнинг ярми буғланиб кетгунча қайнатилади, 10-15 минут тиндирилади ва 2-3 қаватли докадан ўтказиб филтёрланади. 1 ош қошиқдан 3-4 марта овқатланишдан аввал ичилади. Даволаниш давомийлиги 1 ой.

Оқ каррак шифобахш ўсимлигининг истиқболли доривор ўсимлик эканлигини эътиборга олиб, тиббиёт амалиёти учун доривор ўсимлик хом ашёсини тайёрлаш, фармацевтика корхоналарига етказиб бериш мақсадга мувофиқ бўларди.

МЕҲРИБОН СЕБАРГА ЎТИ (TRIFOLIUM)

Асадов Д.А., Исмоилов И.

*Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириши маркази,
Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси*

Қадимги Хитой, Ҳиндистон, Марказий Осиёда себарга (*Trifolium*, беда, йўнғичқа) ўти доривор ўсимлик сифатида ишлатилгани маълум. Америкада бир асрдан кўпроқ вақт давомида жигар ва ўт йўллари, ичак, буйрак, буйрак тош касаллиги, сийдик пуфаги яллиғланиши ва подаграни даволашда ишлатилади ва ижобий клиник таъсирини эътироф этилган.

Себарга (*Trifolium*) ўти гуллари ва барглари азалдан оқсил, шакар, калций, магний, калий, мис, темир, хром, селен, фосфор ва А, Е, С, К витаминлари ва В гуруҳи витаминлари манбаи сифатида ишлатилган. Унинг бир стакан эритмасида 375 мггача калций ва 88 мг магний мавжуд. Таққослаш учун: бир стакан сутда 300 мг калций мавжуд. Таркибидаги хром шакар алмашинувида қатнашади, углеводлар алмашинувини нормаллаштиради ва глюкозанинг хужайрага кириб боришини осонлаштиради.

Себарга ўти гуллари кучли антитоксик, бактерицид ва антисептик таъсирга эга. Улар балғам кўчирувчи, терлатувчи, сийдик ҳайдовчи ва лимфа суюқлигини ҳайдовчи вазифаларини бажаради, бутун аъзолардаги, жумладан жигардаги токсик моддаларни зарарсизлантиради, қон ва лимфани яхши тозалайди, сафро чиқишини яхшилайдди, ичаклар фаолиятини нормаллаштиради.

Ўсимликнинг барглари ва тўпгуллари таркибида салицил кислотаси мавжуд – бу табиий аспирин, шамоллашда, томоқ оғриғида, нафас лиш аъзолари касалликларида тана ҳароратини пасайтиради, ревматизмда яллиғланишга қарши таъсирга эга. Баъзи халқларда себарга ўти "иситма ўти" деб аташади.

Себарга ўти тўпгуллари таркибида менопауза пайтида аёл учун жуда зарур бўлган ўсимлик эстрогенлари (фитоэстрогенлар) мавжуд бўлиб, улар соя ўсимлигига нисбатан 10 баробар кўп. Фитоэстрогенлар заифлантирадиган ва оғир кечадиган касалликлардан кейин вазн оширишга ёрдам беради.

Пояси, барглари ва гулларида 5% гача махсус моддалар – флавоноидлар топилган. Ушбу моддалар тўқималарни кислород билан тўйдиради, танани қаришдан ҳимоя қилади, ёғ алмашинуви ва метаболизмни нормаллаштиради.

Ўсимлик таркибида Трифолин ва изотрифолин гликозидлари, танинлар, эфир ёғлари, оксиллар, ёғлар, ситостероллар, қатронлар, клетчатка, азотсиз экстрактлар ва бошқа кўплаб фойдали моддалар мавжуд.

Ўсимликнинг шифобахш хусусиятларини замонавий илм-фан томонидан тобора кўпроқ эътироф этилмоқда. Олимларнинг таъкидлашича, ўсимлик дамламалари танани кислород етишмовчилигидан, нурланишдан ва захарланишдан ҳимоя қилади, қон ивишини, тўқималарни тикланишини рағбатлантиради, шунингдек вируслар ва микроблар этиологиясида бўлган шамоллашларда иммун тизимининг стимулятори сифатида самарали қўлланилади.

Ўсимлик склерозга қарши таъсирга эга ва юрак-қон томир тизими касалликларини, атеросклерозни даволаш учун ишлатилади. У қон томирлари деворларини мустаҳкамлашга ёрдам беради, Холестеринни камайтиради, бош мия ва артериал босимни пасайтиради, бош оғриғини қолдиради.

Себарга (*Trifolium*) ўти кўкрак, тухумдон ва лимфа тизими саратони учун онкопротектор сифатида фаол равишда тавсия этилган хавфли ўсмаларга қарши курашишнинг энг зарарсиз ва айна пайтда самарали воситасидир. У дунёнинг 33 мамлакатада саратон касаллигини даволашда ишлатилади.

Ҳусайн ибн Сино беданинг дориворлик хусусиятларини яхши билган, уни «ўсимликлар шоҳи, дунё мўжизаси, боқийлик инъоми» деб аталувчи энг қимматли дори женшен илдизи билан қиёслаган. Минг йиллар давомида Хитой ва бошқа Осиё халқлари женшен илдизи ва Себарга (*Trifolium*) ўтини доривор восита сифатида ишлатмоқдалар, улар нафақат барча касалликларни даволайди, балки ҳатто инсон умрини узайтиради, кучини, тоза кўринишини ва ёшлигини тиклайди.

Женшен ўрнини босувчи моддалардан эҳтимол, энг арзони Себарга ўти ҳисобланади. Хитойда Себарга (*Trifolium*) ўти ҳаёт бахш этадиган ва ёшликни узайтирадиган ўсимлик ҳисобланади.

Ҳусайн ибн Сино «Тиб Қонунлари» китобида ёввойи ва маҳаллийлаштирилган Себарга ўтини сепкилга қарши ишлатилади, асал билан эса яраларни тозалайди, деб таърифлайди. Себарга ўти шарбати, айниқса асал билан, кўзга тушган оқни ва пардасини даволашда ишлатилади.

Ёввойи Себарга (*Trifolium*) ўти ёғи тухумдонлар ва бачадондаги оғрикларга қарши фойдали, шунингдек бўғинлардаги оғрикларга қарши ишлатилади.

Ҳусайн ибн Сино «Тарёқи форух», «Кичик замиҳран», «Катта аристон», «Шоҳ Кубаднинг доривор бўтқаси» ва бошқа мураккаб кўп таркибли доривор шакллар таркибига Себарга (*Trifolium*) ўти уруғларини қўшган.

Себарга ўтини ер усти қисмида диабетга қарши қўлланиладиган ва гипогликемик хусусиятларга эга бўлган ва АҚШда дори сифатида патентланган Пинитол моддаси мавжуд.

Себарга ўтидан дамламалар, шарбат, спиртли эритмалар тайёрланади, улар билан оғиз чайилади, ичиб организмга қабул қилинади, малҳам дори, шифобахш ванналар учун ишлатилади. Марказий Осиёда барглари ва тўпгуллариининг дамламалари кўкрак оғриғи, иситма, безгақда ва ошқозон фаолиятини яхшилаш учун ишлатилади. Баргларидан олинган шарбат ширинчани даволашда ичилади.

Себарга ўти асосида дорилар, биологик фаол қўшимчалар, сироплар ва суюқ йўтал дорилар ишлаб чиқарилади, шунингдек у турли касалликларни даволаш учун йиғма дориларнинг таркибига киради.

Себарга ўти қайнатмаси ва тиндирилган эритмаси астения ва камқонлик, бош оғриғи ва бош айланиши, рахит, ўпка сили, қон кетиши ва геморрой, захарланишларда ичилади. Улар ўткир бронхит ва бронхиал астма, томоқ шамоллаши ва йўтални даволашда, шунингдек тери касалликлари, диатез, чипқон ва куйишлар, подагра, ревматизмни даволашда муваффақиятли қўлланилади.

Себарга ўти гингивит, стоматитда оғизни чайишда қўлланилади, шунингдек яраларни ювишда ишлатилади. Ушбу ажойиб ўсимлик гемостатик хусусиятларга эга, кўп муддат ҳайз кўришда, геморрой, ўпка силида бемор аҳволини енгиллаштиради, танадан ортиқча суюқликни чиқаради, шишларни кеткизади, балғам ажралишини яхшилайди.

Себарга ўтидан дамланган чой кўкрак сути билан боласини боқадиган оналар учун ажойиб воситадир, у сут ишлаб чиқаришга ёрдам беради.

Себарга ўти сифатли асал берувчи ўсимлик. Унинг гулларида йиғилган асал қимматли озиқ-овқат маҳсулоти бўлиб, шифобахш хусусиятларга эга.

Бу доривор ўсимлик тўғрисида халқ оғзаки ижоди орқали етиб келган афсоналар мавжуд:

Жуда қадим замонда, Нур номли гўзал маконда яшаган бир миришкор деҳқон бозорга чиқибди ва серсут сигир сотиб олибди.

Сигирини сотган киши, яхши боқишни, кўп ва шифобахш сут бериши учун емакга албатта витаминлар ва бошқа фойдали моддаларга бой себарга (беда, йўнғичка) ўтидан қўшишни тавсия қилибди.

Сигирни етаклаб, хурсанд кайфиятда деҳқон уйига қайтибди. Томорқасининг бир қисмига себарга ўти экибди. Женьшен ўсимлигини ўрнини босувчи себарга ўтини истеъмол қилган сигир серёғ ва мўл сут берибди. Деҳқоннинг хонадонидегилар сут, қатик, сариеғдан тўйишибди. Себарга ўти гулидан чой дамлаб ичган деҳқон соғлом бўлибди. Қўшнисининг асаларилари себарга ўтининг гулидан ширин ва шифобахш асал йиғишибди. Уч йилдан сўнг деҳқон себарга ўти экилган майдонга буғдой экибди ва себарга ўтини бошқа майдонга экибди.

Буғдой серҳосил бўлибди, деҳқон бундан хайратга тушибди ва бунинг сирини билишга кизиқибди.

Охирги ўтни йиғиштираётганда Себарга ўти сўзга кириб, ерни азот билан бойитганини, келаси йил уни бошқа майдонга экса у майдонни ҳам унумдорлигини уч йил ичида қайта тиклашини айтибди. Шундан сўнг деҳқон буғдой билан себарга ўтининг майдонларини алмаштиришга жазм қилибди.

Деҳқон сугирининг мўл сут бериши, буғдойнинг серҳосил бўлиши, қўшнисидаги асалнинг шифобахшлиги ва ўзининг себарга ўти гули ва баргидан чой дамлаб ичиб соғлом бўлгани сирларини камтарин себарга ўтининг дўстона хизматидан эканлигини шунда билибди ва эгилиб таъзим бажо келтирибди.

ЕТИЛГАН АСАЛ

Асадов Д.А., Исмоилов И.

*Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириши маркази,
Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси*

Етилган асалнинг фойдали эканлигини каттаю кичик барча билади. Элладининг буюк донишманди Пифагорнинг фикрича асални ҳар куни истеъмол қилгани сабабли у кўп яшаб қарилик гаштини сурган экан. Қадимий Фракиянинг Абдер шаҳрида туғилган файласуф, жуда ўткир мутафаккир Демокрит Абдерский бир асрдан ортиқ яшаган ва умрбоқийлик сирини мунтазам равишда асал истеъмол қилиш билан боғлаган.

Афсонада туғилиб Бухорода моҳир шифокор бўлиб етишган Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино ўзининг ўлмас тиббий илмий асарларининг (трактат) аксариятида асалариларнинг бетакрор маҳсулоти бўлган, “ҳаёт шарбати”, узок умр кўриш “малҳами” деб номланган - етилган асални қўллаш тўғрисидаги фикрларини келтирган. Машҳур шифокор ўзи тайёрлаган дори воситаларининг аксарияти таркибига етилган соз асални асосий ташувчи маҳсулот сифатида қўшган.

Мисол:

Шолғом уруғини туйиб, майдалаб,
Асал билан қўшиб, қилсанг истеъмол.
Ичингни юмшатар, захарни кесар,
Белингни бақувват қилади дарҳол.
Хусайн ибн Сино

Асал – нафақат ширинлик, балки соғлиқдаги кўплаб муаммоларни бартараф этишдаги ёрдамчидир.

Ҳозирги давр ривожланган тиббиётнинг барча йўналишларида (Конвенционал, анъанавий, ортодоксал, расмий деб аталадиган классик тиббиёт ва ноқонвенционал, ноанъанавий ва норасмий деб аталадиган альтернатив ва комплементар тиббиёт) етилган асалнинг инсон организмга жуда фойдали эканлигини такидлайдилар.

Халқ табобатида тавсия этадиган шифобахш неъматларнинг подшоҳи сифатида асал эътироф этилади.

Турли ўсимлик гулларида йиғилган, тоза сувда эритилган, етилган тоғ асали суюқлигининг таркибини инсон қонининг суюқ қисми (зардоб) таркибига яқинлиги айрим илмий асарларда келтирилган.

Етилган асал таркиби инсон ҳаёти жараёни, саломатлигини сақлаш ва фаол умр кўриш давомийлигини узайтириш учун керакли биокимёвий моддаларга бой. Асал таркибини энгил ҳазм бўлувчи ва қувват манбаи бўлган углеводлар 70-80%, шунингдек оксиллар 0.3-0.4%, сув 20% гача, аминокислоталар ва кўп миқдорда органик ва неорганик бирикмалар ташкил қилади.

Етилган асал таркибидаги С, В1 В2, В3, В6, РР, К, Е, Н ва бошқа дармондорилар, фитонцидлар, ароматик моддалар, ҳар хил минераллар инсон организмдаги темир, кальций, магний, органик кислоталар ва протеинни энгил сингишига ижобий таъсир қилади.

Асал таркибидаги Алюминий, Мышьяк, Барий, Бор, Бромид, Кадмий, Калий, Хлор, Фтор, Йод, Қўрғошин, Литий, Молибден, Никель, Рубидий, Кремний, Стронций, Сера, Ванадий, Цирконий, Темир, Марганец, Мис, Цинк ва бошқа минераллар организмнинг эҳтиёжининг маълум қисмини қондиришга етади.

Асалнинг фармакологик хусусиятлари: Асал шифобахш хусусияти билан кўп касалликлардан фориғ қилади, инсон саломатлигини мустаҳкамлайди, бактерияларга қарши курашади, яллиғланишни камайтиради, балғамни кўчишида қатнашади, зарарсизлантириш жараёнида қатнашади, иммунитетни мустаҳкамлайди, ҳар хил заҳарланишлар ва инфекцияларга қарши курашишда организмнинг химоя кучини ошишини таъминлайди.

Етилган асални истеъмол қилиш, асални даволовчи восита тарзида қўллаш учун албатта, терапевт, педиатр, эндокринолог, диетолог ва бошқа шифокорлар билан маслаҳатлашиш фойдалидир.

БУХОРО АМИРИНИНГ САРОЙ ТАБИБИ, ТИББИЁТ ФАНЛАРИ НОМЗОДИ, МЎМИНЖОН ҲАКИМ АЛИЕВ

Асадов Д. А., Каримова С. У., Назиров М.Н.

*Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази,
ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқишунослик институти*

Тадқиқот мақсади. Мўминжон Ҳакимнинг ҳаёти ва тиббий фаолиятига доир маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш.

Материялар ва усуллар. Муаллиф ёзган илмий асарлар, тарихий–тиббий адабиётлар, илмий нашрлар ва оммавий ахборот воситаларида ёритилган маълумотлар ва бошқалар. Тадқиқот олиб боришда тарихий–қиёсий, тарихий–тиббий таҳлил, мантикий, тилшунослик, тиббий–этнографик услублардан мажмуавий равишда фойдаланилди.

Натижалар ва муҳокама. Алиев Мўминжон Аҳмедович (1894 – 1973) Марғилонга яқин Ҳамроқ кишлоғида туғилган. Билимга чанқоқ Мўминжон мактаб дарсларидан ташқари араб ва форс-тожик тилларини ҳам қизиқиб ўрганади.

1910-1918 йилларида Бухоро шаҳридаги мадрасаларда таҳсил олади. Шу йилларда табобатга қизиқиб, тиббий китобларни мутоала қила бошлайди. “Мезон ат-тиб”, “Тиб қонунлари”, “Тибби Акбар”, “Қорабодин Қодирӣ”, “Қарободини Аъзам ва Акмал” каби 100 га яқин қўлёзма асарларни ўрганиб чиқади. Бухоро, Самарқанд ва Жиззахда табиблар даволай олмаган оғир касалларни даволаб, “Эшон Ҳаким” номи билан шўҳрат қозонади.

Мўминжон Ҳаким амирнинг олий мартабалик сипоҳлардан Мирзо Салимбек Мир Пойоннинг ўғли ва хотинини, ва Олимхоннинг катта амакиси, қайин отаси ва маслаҳатчиси

Носирхон Тўра Чоржўнинг яқин кишисини оғир касалликдан жуда тез ва мувоффақиятлик даволагач, 1916 йили амир Олимхоннинг Қушбегиси (бош вазир) Насруллоҳбек Мўминжон Ҳакимни арқа таклиф қилиб: "... *Ўғлум биз сизни сарой табобат хизматига олмоқчи бўлдик. Шунга нима дейсиз? ...*" деди. 21 ёшлик Мўминжон Ҳаким хали ёшлигини, ўқиши тугамаганини айтиб, узур сўрайди. Қушбеги: "*Хўб ўғлум, сизни ўқушунгизга тўсқунлик қилмаймиз чақирилган вақтларда келиб тулинг*"- деди ва Қоровулбегини чақириб: "*Мулло Абдулмўминга бош оёғ сарпо беринг*"-деб буюрди. Шу кундан хонлик тугатилгунича сарой табиби бўлиб ишлайди.

1919-1924 йилларда умумий касалликларни даволаш билан бир қаторда наркомания касаллигини жуда оз фурсатда даволаш усулини кашф қилади. Ўзи тайёрлаган дорини томир ичига юбориш йўли билан 2-3 кун ичида беморда наркотикка нисбатан кучли жирканиш пайдо қилган. Дорини таркибини сир сақлайди.

Самарқандда соғлиқни сақлаш комиссариатининг махсус комиссияси Мўминжон Ҳакимни имтиҳон қилиб, "Школьный фельдшер", юмалоқ печатга ижозат, касалхоналарда ишлашга рухсат" деб гувоҳнома берадилар.

1930 йилда Самарқанд Давлат университетининг тиббиёт факултетига ўқишга киради. Шу даврда эпидемит (epidedimit), касаллигини дволашни янги усулини ва дори воситаларини кашф қилади.

1933 йили академик Павловдан ўқушини Ленинградга кўчириб, "Экспериментал тиббиёт илмий-тадқиқот институти"нинг шарқ бўлимини мудир лавозимида ишлашга таклифнома олади. Аммо оилавий шароити туфайли таклифни қабул қила олмаган.

1935 йили университетининг тиббиёт факултетини тамомлаб 1943 йилнинг охиригача Фарғона вилояти хирургия шифохонаси жарроҳлик бўлими мудир, фелдшерлик мактаби ўқитувчиси ва айни пайтда вилоят қон қуйиш стансияси мудир бўлиб ишлаган. 1941-1943 йиллари 4-Москва тиббиёт институтининг факультатив жарроҳлик кафедраси катта ассистенти бўлиб ишлаган (институт Фарғонага кўчиб келган даврида).

1944 йил ноябрдан 1952 йилгача Сочи 2-шаҳар касалхонасининг жарроҳлик бўлими бошлиғи ва Сочи-Мацеста-Хоста курорт шаҳрининг бош жарроҳи бўлиб ишлаган. Шу йиллардаги фаолияти хақида олим шундай ёзади: "... *Баъзи касалликлар учун ўн-ўн беш йиллаб даволаш усулини ва дорулар истадим. Шу мақсад билан халқ фармакологиясини ўргандим. Ҳеч бир хирургический операция йўқки, мен унга ўзагарилар киргизмаган бўлсам*". Олим қизилўмгач саратони, сифилис, нома, қичималар, пес, буйрак тоши, жигардаги тошлар, сўзак, ошқозон яраси каби касалликларнинг дволашни янги усулларини ва дори воситаларини кашф қилади.

Мўминжон Ҳаким Ўзбекистон раҳбари Усмон Юсуповнинг тавсияси билан Сталинни уйқусизлик касалидан даволаган. Эсдаликлариди олим: "... *Сталин 3-3,5 ойлаб Сочиди бўлар эди. Кўб вақтларда бир оддий кишини операция қилганимдан кейин, бирон соатлар ўтгач, Сталин ёки ўғли Василий Сталин ва ёки Маленков қўнғироқ қилиб: "Фалон киши касалхонага борибдур. Ўзингиз операция қилинг"* ёки "*Операция қилибсиз, аҳволи қалай*"- деб (сўрар эдилар)"- деб ёзади.

1949 йил 12 июлда "Йирингли касалликларни даволаш учун эвкалипт баргларидан антисептик эритма тайёрлаш усули"- деб номланган кашфиётига № 76627 рақамли муаллифлик гувоҳномаси берилган.

1951 йилда Ростов-Дон тиббиёт институтида "Ўткир ва сурункали йирингли касалликларни эвкалипт билан даволаш" мавзусида тиббиёт фанлари номзоди илмий даражаси ёқлайди.

Мўминжон Ҳаким 1943-1952 йилларда қуйидаги илмий ишларни амалга оширган: "Шарқ табобатида инсон эмбриологияси тушунчаси", "Новокаиннинг кучсиз эритмасидан фойдаланиш тажрибаси 1:1000", "Кўричак ва йўғон ичакнинг камдан-кам жойлашиши ҳолати", "Араб фармакологияси таржимаси", "Йирингли касалликларни эвкалипт қайнатмаси билан даволаш", "Янги юктирилган яраларни эвкалипт барглариининг 15% қайнатмаси билан даволаш усули" ва бош.

Мўминжон Ҳакимга 1943 йил 13 сентябрда "Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган врач" унвони берилган. "1941-1945 йиллардаги жасоратли меҳнати учун" медали, 1951 йилда 153681-сонли "Шон-шараф белгиси" ордени билан тақдирланган.

Хулоса. Мўминжон Ҳакимнинг илмий ишларининг тўлиқ рўйхати аниқланмаган. Улар хар тарафда тарқалиб, ўз тадқиқотчиларини кутуб ётипти. Олим яратган тиббий мерос-қадимий Халқ табобати билан замонавий тиббиёт илмини уйғунлаштириш тажрибаси, шифокорлик касбининг энг юқори чўққиларини эгаллаш йўллариини ўргатади.

GEMORRAGIK ILSULTLARNING KECHISHIDA HUYAYRA ADGEZIYASI MOLEKULARINING O'RNI

Aslanova S.N., Rahimbaeva G.S., Usmanova G.E.

Toshkent tibbiyot akademiyasi

O'rta asrlar Sharq allomalaridan Abu Ali ibn Sino asarlari hozirgi kungacha har bir shifokorning maslahatchisi bo'lib kelmoqda. Buyuk alloma o'z davrida gemorragik insultlarni o'rganib, "Sakta" – miyaga qon quyulishi kasalligining birdan boshlanib bemor hushining yo'qolishi, komatoz holatga tushishini, uning sabablarini, davolash usullarini ta'riflab bergan. Ibn Sinoning boy klinik mulohazalari o'lmas meros bo'lib, bir necha avlodlarning tibbiy fikrlarini shakillantirishda katta ahamiyatga ega. Bugungi kunda ham bu patologiyaning tashxisi, davolash choralari takomillashtirish dolzarbligicha qolmoqda.

Ma'lumot: Gemorragik insult og'ir kechuvchi nogironlikga va o'limga olib keluvchi hastalikdir. Uning tarqalishi va turli xil klinik ko'rinishlarini hisobga olgan holda, miyaga qon quyulishining og'irligini, prognozini va takroriy insult xavfini baholash uchun prognostik mezonlarni, biokimyoviy markerlarni ishlab chiqish juda muhimdir.

Maqsad: Tadqiqot gemorragik insultli bemorlarning qon zardobida hujayra adgeziyasi molekulalari: Inter-Cellular Adhesion Molecule-1 (ICAM-1) va Vascular Cell Adhesion Molecule-1 (VCAM-1) darajasini aniqlash va kasallikning kechishidagi o'rnini o'rganishga qaratilgan.

Usullari: Toshkent tibbiyot akademiyasi klinikasining terapevtik va neyroreanimatsiya bo'limida davolangan gemorragik insult bilan og'rigan 55 nafar bemor ko'rikdan o'tkazildi. Bemorlardan 25 (45,4%) nafari ayollar va 30 (54,5%) nafari erkaklardan iborat bo'lib, ularning o'rtacha yoshi 69.2 yil. Barcha bemorlarga klinik, nevrologik, neyrofiziolitik, laborator va neyrovizualizatsiya tekshiruvlari o'tkazildi. Bemorlarning ahvoli va nevrologik buzilishlarning og'irligini baholash uchun Glasgow koma shkalasi (GCS), J. Hemphill, Full Outline of UnResponsiveness (FOUR), National Institutes of Health Stroke Scale (NIHSS) shkalalari ishlatildi. Olingan natijalarga ko'ra bemorlar ahvoli og'ir insult deb topildi. Qon zardobida biologik markerlar-hujayralar adgeziyasi molekulalari ICAM-1, VCAM-1 miqdori aniqlandi.

Natijalar: Kasallikning 1-2 kunlarida ICAM-1, VCAM-1 molekulalari miqdorining oshishi aniqlandi. ICAM-1 miqdori insultning o'ta o'tkir davrida, 1-2 kunlarida kontrol guruhga nisbatan 1,7 marta oshdi. VCAM-1 miqdori kontrol guruhga nisbatan 2,4 marta oshgani kuzatildi. Kasallikning 17 – 19 kunlarida bemorlar ahvolining yomonlashishi kuzatildi. O'lim bilan tugagan holatlarda ICAM-1, VCAM-1 ko'rsatkichlari omon qolganlarga nisbatan baland bo'ldi. Omon qolgan bemorlarda kasallikning 25 – 27 kunlarida ICAM-1 va VCAM-1 miqdorining kamayishi va norma holatga kelishi aniqlandi. Gemorragik insultli bemorlarning qon zardobida hujayra adgeziyasi molekulalari darajasining oshishi kasallikning og'ir kechishi bilan va ularning baland darajasi bemorlar ahvolining og'irlashuvi bilan kechdi.

Xulosa: Gemorragik insultlarda bemorlar ahvolining og'irligini baholash, davolashdan keyingi holatini bashorat qilishda qon zardobi biomarkerlarini o'rganish katta ahamiyatga ega. Gemorragik insultlarda xujayra adgeziyasi molekulalariga ta'sir etuvchi yangi dori vositalarini ishlab chiqish va amalga tatbiq etish eng dolzarb masalalardan biridir.

PARKINSON KASALLIGIDA KOGNITIV BUZILISHLAR VA DEMENSIYANI BASHORAT QILISHNING BA'ZI JIHATLARI

Aslanova S.N., Oxunova D.A.

Toshkent tibbiyot akademiyasi

Maqsad: Parkinsonizm bilan kasallangan bemorlarda kognitiv buzilishlar va demensiyani rivojlanishida neyrosteroidlar ahamiyatini baholash

Mavzuning dolzarbligi: Ibn Sino xotiraning buzilishi bosh miyaning orqa qismi, tafakkurning buzilishi miyaning o'rta qismi, idrokning buzilishi miya qorinchalarining zararlanishi bilan bog'liq, deb fikr yuritgan. U depressiya, ongning buzilishlari, tafakkur va xotira buzilishlari haqida ko'p yozgan

hamda ularning turlarini o'rgangan. Parkinsonizm eng keng tarqalgan nevrologik kasalliklardan biri bo'lib, bu kasallik ko'pincha qariyalarda kuzatiladi. Aholi tadqiqotlariga ko'ra, demensiya Parkinsonizm bilan kasallangan bemorlarning 20-40% da uchraydi.

Metodologiyasi: Biz Parkinsonizm bilan kasallangan 80 ta bemorni tekshirdik, ularda kognitiv buzilishlar va demensiya mavjudligi yoki mavjud emasligiga qarab 40 bemorga bo'ldik. Neyrosteroidlarning diagnostik samaradorligi, shu jumladan degidroepiandresteron-sulfat (DHEAS) va kortizol darajasi aniqlandi. Kognitiv buzilishlarni erta tashxislash va samaradorligini kuzatish uchun bemorlarning qon zardobi olindi. Kognitiv holat MMSE scale, FAB va MoCa testlar yordamida tahlil qilindi.

Natijalar: Kognitiv buzilishning test ko'rsatkichlari raqamli qiymatlarda aniq farqni ko'rsatdi. Asosiy guruhdagi bemorlarda MMSE, FAB va MoCa bo'yicha past ko'rsatkichlar bilan nomoyon bo'ldi. Kortizol asosiy guruhdagi bemorlarda ($1053,9 \pm 39,1$) qonda uning ko'payishi tendentsiyasi namoyon bo'ldi. qiyosiy ($616 \pm 16,5$) DHEAS bosqichma-bosqich pasayib, asosiy bemorlarda minimal qiymatni tashkil qildi. Gormonlar orasidagi ikkita bipolyar tendentsiya kortizol bilan bevosita bog'liqlik shaklini namoyon qildi.

Xulosa: Neyrosteroidlarning diagnostik samaradorligi, shu jumladan darajasi aniqlandi. Parkinsonizm bilan kasallangan bemorlarda kognitiv buzilishlar erta tashxis qo'yish uchun bemorlarning qon zardobida DHEAS va kortizol miqdorini aniqlash muhim ahamiyatga ega. Xalq tabobatida tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, zaytun bargi damlamasini iste'mol qilish miya kasalliklarining boshlanishini sekinlashtiradi va Altsgeymer va Parkinson kabi kasalliklarning paydo bo'lishini oldini oladi.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯРАТИЛГАН ТОВАРЛАР КИМЁСИ ВА ХАЛҚ ТАБОБАТИ ФАНЛАРИ, ҲАМДА УЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Асқаров И.Р.

Андижон давлат университети

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришган барча соҳалар қатори илм-фан соҳасига жуда катта эътибор қаратилди, истиқболли ислохотлар амалга оширилди. Давлатимизнинг илм-фан борасида дунё миқёсида ўзига ҳос ўринга эга бўлишида мамлакатимизда янги фанларнинг яратиши маълум даражада сабаб бўлди.

Ҳозирги кунда дунё миқёсида кимё фанлари тизимида 20 та фан бўлиб, шулардан 19 таси Европа ва Америка қитъалари олимлари томонидан яратилган. 1997 йилда йигирманчи фан – “Товарларни кимёвий таркиби асосида таснифлаш ва сертификатлаш” (ҳозирда “Товарлар кимёси”) фанини биз, академик Т.Т.Рискиев билан ҳаммуаллифликда паспортини ёзиб, Ўзбекистон Републикаси Олий аттестация комиссиясига таклиф этдик. Таклиф ОАК томонидан маъқулланиб, 02.00.09 шифри билан расмий рўйхатга олинган, дунёда биринчи марта Ўзбекистонда кимё фанлари тизимида яратилган янги фан пайдо бўлди. Мазкур фан бўйича кимё ва техника фанлари бўйича илмий даража ва илмий унвонлар бериладиган бўлди. Ҳозиргача мазкур фан бўйича 20 дан ортиқ фан докторлари, 50 дан ортиқ фан номзодлари ва фалсафа докторлари, доцентлар, профессорлар етишиб чиққан.

Товарлар кимёси яратилгандан сўнг нафақат Ўзбекистонда, балки дунёдаги 50 дан ортиқ ривожланган мамлакатларда товарларга уларнинг кимёвий таркиби асосида “Ташқи иқтисодий фаолиятдаги товарлар номенклатураси” бўйича халқаро товар код рақамлари белгилана бошлади. Бу эса, биринчи навбатда давлатнинг, истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилинишига, ҳамда мамлакатимиздан товарларни ноқонуний олиб чиқиб кетиш ва олиб кирилишини тўхтатишга сабаб бўлди. Бунинг натижасида, биргина 2020 йилнинг ўзида Товарлар кимёси фанининг мамлакат иқтисодиётига келтирган иқтисодий фойдаси 83 млрд.га етди. Бу эса, Халқаро миқёсда мамлакатлар иқтисодиётининг ҳавфсизлигида ва юксалишида янги фаннинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда халқ табобатининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз томонидан халқ табобати соҳасини ривожлантириш ва тартибга солишга доир қарорларнинг қабул қилинганлиги, мазкур соҳанинг ривожланишида ренесанс

бўлди деб бемалол айтиш мумкин. Мамлакатимизда мазкур соҳанинг ривожланишига бўлган эътибор ва яратилган кенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда 2019 йилда биз, тиб.ф.д., профессор Н.С.Мамасолиев билан ҳаммуаллифликда тиббиёт фанлари тизимидаги янги 41-фан – “Халқ табобати” фанини паспортини ёзиб, ОАКга таклиф этдик. Тегишли тартибдаги ўрганишлардан сўнг, дунёда биринчи марта “14.00.41” шифри билан “Халқ табобати” фани расмий рўйхатга олинди, ҳамда мазкур фан бўйича тиббиёт, кимё, фармацевтика фанларидан илмий даражалар ва илмий унвонлар бериладиган бўлди. “Халқ табобати” фани пайдо бўлганига кўп ўтмай, Андижон давлат университети ҳузурида 02.00.09 – “Товарлар кимёси” ва 14.00.41 – “Халқ табобати” ихтисосликлари бўйича кимё фанларидан фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи ихтисослашган Илмий кенгаш ташкил этилди. Ҳозргача мазкур Илмий кенгашда 14.00.41-Халқ табобати ихтисослиги бўйича диссертация ҳимоя қилиб, 6 нафар фан докторлари ва 6 нафар фалсафа докторлари етишиб чиқди. Мамлакатимизда Халқ табобати фанининг яратилиши, мазкур фан бўйича илмий даражали олимлар – фан докторлари ва фалсафа докторларининг етишиб чиқиши Ўзбекистоннинг Халқ табобати соҳаси бўйича дунёдаги етакчи мамлакатлар қаторига кўтарилишига сабаб бўлди.

Халқ табобати фани яратилиши билан дунёнинг етакчи мамлакатларидаги нуфузли олимлар томонидан мазкур соҳада ҳамкорлик қилиш борасида таклифлар туша бошлади. Натижада, биз, к.ф.д., профессор Р. Нуриддинов, ҳамда бир қатор чет эллик олимлар – Канаданинг Торонто Университети профессори Ф. Поляк, Латвия Фанлар академияси президенти, академик И.Калвиньшлар билан ҳамкорликда ўсимлик моддалари асосида дунёда биринчи марта вирусли касалликлар профилактикаси учун “AC-CURCUMIN”, “ANTICOVIR”, “ANTIVIR 101”, “ACKOROVIR” va “NONI ANTIVIR” каби янги таббий биологик фаол озик-овқат қўшилмаларини ихтиро қилдик. Ушбу кучли таъсирга эга бўлган биологик фаол озик-овқат қўшилмалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан маъқулланиб, маҳаллий фармацевтика корхонасида ишлаб чиқарилмоқда ва амалиётда қўлланилмоқда.

Хулоса қилиб, Ўзбекистонда “Товарлар кимёси” ва “Халқ табобати” фанларининг яратилиши мамлакат илм-фани ва ихтисодиётининг юксалишида ва дунё миқёсида ўзига ҳос ўринни эгаллашида, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда юксак даражадаги инновацион ғоя бўлган деб бемалол айтиш мумкин.

ARTEMISIA ANNUA L. O‘SIMLIGI ASOSIDA XALQ TABOBATIDA QO‘LLANILADIGAN SARATONGA QARSHI YANGI OZIQ-OVQAT QO‘SHILMASI

Asqarov I.R., Abdulloyev O.S., Matamirova Sh.A.

*Andijon davlat universiteti,
Toshkent tibbiyot akademiyasi*

Artemisia annua L. (Bir yillik shuvoq, Burgan shuvog‘i, Burgan) – bir yillik o‘t o‘simligi, shuvoqdoshlar oilasiga mansub tur. Janubiy va Janubi-Sharqiy Yevropa, Sharqiy va Markaziy Osiyoda tarqalgan. Shimoliy Amerikaga kiritilgan. Rossiyaning Evropa qismida va Kavkaz tog‘ etaklarida, O‘zbekistonning sharqiy qismida, xususan, Qashqadaryo, Surxondaryo, Jizzax, Sirdaryo, Toshkent viloyatlari, Farg‘ona vodiysida keng tarqalgan.

Artemisia L. turkumiga kiruvchi o‘simliklar biologik faol moddalarga boy bo‘lib, ularning asosiylari efir moylari, flavonoidlar, seskiterpen laktonlar, achchiq moddalardir. *Artemisia annua L.* o‘simligi tarkibida kumarinlar, yog‘ kislotalari, fitosterollar, fenolkarbon kislotalar, askorbin kislota, alkaloidlar, saponinlar, taninlar, makro va mikroelementlar mavjud.

Xalq tabobati usullari bilan saraton kasalligini oldini olish va davolashda turli tabiiy manbaalardan olingan shifobaxsh vositalar, damlamalar qo‘llaniladi. Xususan, *Artemisia annua L.* o‘simligidan olingan artemizinin va uning yarim sintetik hosilalarining mazkur kasallikni davolashda samarali ekanligi ilmiy isbotlangan. Bu o‘simlik xalq tabobatida istimani tushirish, bezgak, gijja kasalliklarida samarali foydalanib kelinmoqda.

Artemisia annua L. o‘simligining boy kimyoviy tarkibi, shifobaxsh xususiyatlari, Farg‘ona vodiysida keng arealda o‘sishi, xalq tabobatidagi o‘rnini hisobga olib, bu o‘simlik asosida biologik faol oziq-ovqat qo‘shilmasi tarkibini ishlab chiqish, uning sifat ko‘rsatkichlari, tarkibini o‘rganish

tadqiqotning asosiy maqsadlaridan biridir.

Bir yillik shuvoq tarkibidagi artemizinin, kempferol, jambil tarkibidagi karvakrol, shivit urug'i tarkibidagi D-karvon saratonga qarshi yuqori faollikni namoyon etadi. Shularni hisobga olib *Artemisia annua L* va Xushbo'y jambil (*Satureja hortensis*) o'simliklari er ustki qismi hamda Xushbo'y shivit (*Anethum graveolens*) mevalaridan iborat "O'sqar" nomli biologik oziq-ovqat qo'shilmasi ishlab chiqildi va uning sifat ko'rsatkichlari, kimyoviy tarkibi tadqiq etildi.

"O'sqar" OOQ tarkibiga kiruvchi o'simliklar efir moylari biologik faol moddalar – kumarinlar, flavonoidlar, terpenlarga boy bo'lib, bu uning shifobaxsh xususiyatini belgilaydi. Tadqiqotimiz davomida "O'sqar" OOQ ning tovar ko'rsatkichlari, namlik, umumiy kul miqdori aniqlandi.

"O'sqar" OOQ 1-8 mm o'lchamgacha maydalangan *Artemisia annua L* va *Satureja hortensis* o'simliklari yer ustki qismi va *Anethum graveolens* butun mevalaridan iborat quruq aralashma 40 g li qog'oz paketlarga joylangan.

Namlik miqdori GOST 15113.4 bo'yicha aniqlandi. Namlik miqdori parallel o'tkazilgan 5 ta tajriba asosida o'rtacha qiymat hisoblandi. "O'sqar" OOQ ning namlik miqdori o'rtacha 7,082 % ni tashkil etadi va Ts 303271760-001:2022 "O'sqar" ozuqaga biologik faol qo'shilmasi – Texnikaviy shartlar" tashkilot standarti 3.2.4 bandi bo'yicha 13 % dan oshmasligi talabiga mos keladi.

"O'sqar" OOQ tarkibidagi gall kislotasi, rutin, kversitin, apigenin va kempferol miqdorini aniqlash LC 2030 C 3D Plus (Shimadzu, Yaponiya) qurilmasida DAD detector yordamida 254 nm to'lqin uzunligi deteksiyasida amalga oshirildi. Namuna tarkibida gall kislotasi miqdori 5,2 mg/g ni tashkil etadi. Rutin, kversitin va apigeninning miqdori mos ravishda 0.34, 0.06, 0.01 mg/g miqdorni tashkil etadi. Mazkur flavonoidlar orasida eng kam miqdor kempferolga to'g'ri kelib, 0,004 mg/g ni tashkil etdi.

Xulosa. "O'sqar" OOQ "Oltin vodiy tabiati" MChJ da ishlab chiqarishga joriy qilinib, tovar va sifat ko'rsatkichlari, flavonoidlar YuSSX metodi yordamida, mineral tarkibi tadqiq etildi. Olingan natijalar asosida "O'sqar" OOQ kimyoviy tarkibi, sifat ko'rsatkichlari jihatidan davlat farmakopeyalari talablariga mos keladi va farmakologik tadqiqotlar o'tkazish uchun asos bo'ladi.

АБУ АЛИ ИБН СИНА – О ЗДОРОВОМ ПИТАНИИ

Атоева М.А., Хайитов А.Х., Хакимов Т.Б.

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сино

Главным делом жизни для Авиценны была медицина. Недаром современники называли его «князем врачей». Сам Авиценна в своей биографии так написал о своем пути в медицину: «Я занялся изучением медицины, пополняя чтение наблюдениями больных, что меня научило многим приемам лечения, которое нельзя найти в книгах». Ибн Сина оставил потомкам множество книг по медицине. Советы Авиценны о том, как прожить здоровую жизнь, написанные 1000 лет назад, актуальны и в XXI веке.

«Самая плохая пища та, которая обременяет желудок, а плохое питье то, когда оно переходит умеренность и наполняет желудок доверху... Если было съедено слишком много, то на следующий день нужно оставаться голодным... Хуже всего мешать разнообразную пищу и есть слишком долго... Легкая пища больше сохраняет здоровье, но менее поддерживает силу и крепость, а тяжелая пища – наоборот... Умерен будь в еде – вот заповедь одна, вторая заповедь – поменьше пей вина.» - все эти утверждения великого и легендарного Абу Али Хусейна ибн Сины в современности остаются основными в пропаганде здорового образа жизни населения. На здоровье населения оказывают влияние целый ряд таких отрицательных факторов образа жизни, как курение и употребление алкоголя, неправильное питание, адинамия и гиподинамия, употребление наркотиков и злоупотребление лекарствами, вредные условия труда, стрессовые ситуации, неблагоприятные материально-бытовые условия, непрочность семей, одиночество, низкий образовательный и культурный уровень, чрезмерно высокая степень урбанизации. Все это – факторы риска, то есть факторы, которые гипотетически связаны с развитием того или иного заболевания и ассоциируются как с большим распространением, так и с повышенной вероятностью возникновения новых случаев заболеваний. Как правило, действует не один из этих факторов, а несколько.

Один из основных факторов риска возникновения важнейших заболеваний – питание. Здесь мы выделяем такие проблемы, как несбалансированное и некачественное питание, недо- и переедание. Динамика потребления продуктов питания также не совсем благоприятна: за последние годы отмечается увеличение потребления хлебобулочных продуктов. Такие белоксодержащие продукты, как мясо и мясопродукты, мы употребляем на 7% ниже рекомендуемых норм, овощей, фруктов и ягод - на 30%.

В настоящее время в развитых странах от 20 до 50% здоровых людей и до 60% больных страдают избытком массы тела и ожирением. В 85% случаев ожирение является алиментарным, т.е. связанным с ошибками в питании. Поэтому в последние годы там отмечено резкое снижение потребления сливочного масла (на 38%), яиц (примерно на 20%), жирного молока (на 47%), сахара (на 23%). Преимущественно углеводистая модель питания привела к избыточной массе тела у четверти населения нашей страны (у 28% городских и 22% сельских жителей, причем не только у взрослых),

Лишний вес – это база для возникновения сердечно-сосудистых заболеваний, гипертонии, диабета, заболеваний опорно-двигательного аппарата, периферической нервной системы, ряда онкологических заболеваний. Актуальна и проблема недоедания. Анемии, склонность к инфекционным заболеваниям, дистония, гиповитаминоз становятся результатом постоянного недоедания. Несбалансированное питание в первую очередь отражается на детях, молодежи, студентах. К росту важнейших заболеваний ведет и низкое качество пищи.

Нормализация обмена веществ и регуляция веса населения способствовали бы увеличению средней продолжительности жизни на 8–10 лет, в то время как избавление от рака способствовало бы увеличению средней продолжительности жизни на 4–6 лет.

ИБН СИНО ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ҲАҚИДА

Атоева М.А., Хакимов Т.Б., Жумамуратова Б.С.

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сино

Ибн Сино фармацевтика фанлари йўналишлари фармакогнозия ва дорилар технологияси ҳамда экспериментал фармакологиянинг асосчиларидан бири ҳисобланган. Ўзининг шифокорлик фаолиятида Ибн Сино доривор воситаларни тўғри касал аъзога етказиб бериш билан шуғулланган. Бунинг учун у ўзининг мураккаб дориларига бошқа оддий дориларни қўшиб, керакли дорини организмга юбориш усулидан фойдаланган. Бу тўғрисида Ибн Сино шундай езган:” Баъзан дорилар бошқа дориларни ўтказиш ва етаклаш мақсадида қўшилади. Масалан, қизилгул, кофур ва (денгиз) маржонининг таъсирини юракка етказиш учун уларга заъфарон қўшилади” (Тиб қонунлари, 2 китоб, 39-бет).

Ибн Сино доривор ўсимлик маҳсулотларини сифатли бўлишини уларни ўз вақтида йиғилишидан бошланишини яхши билган, шунинг учун ҳам Ибн Сино бунга доим катта аҳамият берган доим катта аҳамият берган. У ўзининг шогирдларига дори тайерлаш санъатини ўргатган ва улардан дориларни тайерлашда ҳамма қоидаларига қатъий риоя қилишни талаб қилган. Шу жумладан, бу борадаги айрим тавсияларни келтирамыз:

- “Япроқлар. Ҳажмлари тўлиб етилганда, ранглари ўзгармаган ва сўлим ҳолда ва тўкилиб сочилмасларидан олдин териби олиниши керак”;
- “Гуллар. Тўлиқ очилиб, сўлишларидан ва тўкилишларидан илгари олиниши керак”
- “Мевалар. Тамом етилиб, тўкиладиган бўлишидан илгари узилишлари керак”;
- “Уруғлар. Таналари мустаҳкам бўлиб пишиб етилганида олинишлари керак”;
- “Илдизлар. Улар ўсимликнинг япроқлари тўкилишига яқинлашганда олиниши керак”
- “Ўсимликни бутунича олинишига келсак уни уруғи етилиши олдида ва ўзининг ҳўллиги йўқолмасдан олдин олиниши керак”
- “Узиш вақтини тўғри танлаб олинган дори кучли бўлади”
- “Очиқ ҳавода узилган мева емғирли ҳавода еки емғир еғишига яқин узилганига қараганда яшшироқдир”
- “Саҳродан йиғилган дориларнинг ҳаммаси боғлардан йиғилганга қараганда кучлироқ, кўпинча ҳажми кичикроқ бўлади. Тоғ-тошлоқларда терилган- унданда кучлироқ.”

- “Дориларни янчиш билан қуввати бутунлай йўқоладиганлари ҳам бор, шунинг учун доривор ўсимликлардан сувли ажратмалар тайерлашда ҳам уларни киздириш вақтига риоя қилиш керак”.

ИБН СИНО ТАЪРИФИДА «АРИТМИЯ» ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Ахмедова Ш.М., Бадридинова Б.К.

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти

Хафақон касаллиги - бизнинг замонавий тиббиетимизда кардиология соҳасида гипертония касаллиги деб доимо таърифланиши ҳаммамизга маълумдир.

Тадқиқотимизнинг мақсади, Ибн Сино таълимотида хафақон касаллиги- ҳозирги замон тиббиетида аритмия деб таъкидланишини исботлашдан иборат. Улуғ бобокалонимиз, тиббиёт асосчиси Абу Али ибн Сино хафақон касаллигига қуйидагича таъриф беради. Хафақон- бу юракка азиат берувчи, юракнинг узида ёки унинг гилофида ёки у билан енма-ен турган ва ҳамкор аъзолардан келадиган хар бир сабаб туфайли пайдо буладиган, учганга ухшаш бир ҳаракатдир. Хафақон гоҳо моддадан, яъни хилтли (кондан, рутубатдан, савдодан, сафродан) ва елдан, гоҳо моддасиз (содда) гоҳо узлуксизликнинг бузилишидан, яъни коннинг юракка борадиган йулларида ва юракнинг ен атрофида упка томирларида юзага келадиган тикилмалар еки ушбу йуллардаги уочкли узгаришлардан вужудга келади.

Хафақон касаллигида набз одатда турлича, нотекис булиши, шак- шубҳасиз ушбу касалликнинг ҳозирги биз биладиган гипертонияга доимий хос белги эмаслигига далилдир. Гоҳида упканинг юракка ендош томонида тикилмалар купайиб, нафас керагича ута олмагач, упканинг ҳамкорлиги билан хафақон пайдо булади ва ушбу хафақон нафас сикилишидан дарак беради. Пульс, яъни ибн Сино таъбири билан айтганда, набзнинг турлича, нотекис булиши беморларни безовта қилади.

Хафақоннинг ҳамма турларида катталик, кичиклик, тезлик, сустлик, сийрак ва кетма-кетликда чегарадан утган нотекис томир уриши белги булади.

Ҳозирги замон тиббиетида ҳам аритмия функционал ва органик бузилишлардан келиб чикади. Масалан, оддий рухий зарба еки невроз ҳолатлари, эндокрин бузилишлар ҳамда органик узгаришлар кузатилганда, айнан юрак мушакларида импульсларнинг утказувчанлигида маълум бир уочларнинг вужудга келиши, юрак мушакларининг нотекис кискаришига олиб келиб, беморда умумий аҳволнинг емонлашиши, яъни юрак соҳасидаги луқиллаб кетгандек хиснинг пайдо булиши, куркув- ваҳима босиши каби белгилар кузатилади.

Ибн Сино хафақон касаллигини таърифлаганда, томирлардаги тулишишнинг ортиши, томир деворининг торайиши еки кон хилтининг қуюклашиши каби гипертонияга хос деб таъкидланган белгиларни айтиб утмаган.

Шуни айтиш жоизки, биз врачлар қадимда энциклопедист олим ибн Сино таъкидлаб утган «Хафақон касаллиги» ни «Аритмиялар» деб таърифласак, бу мақсадга мувофиқ ва мос келади.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ КОРРЕКЦИИ МАСЛОМ КОСТОЧЕК ГРАНАТА ХИМИОТЕРАПИИ ПРИ РАКЕ МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ

Бахронов Ж.Ж.

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сино

Применение химиотерапии при раке молочной железы проводится иммунотерапия. Основные задачи иммунотерапии при раке молочной железы, это остановить или замедлить рост первичной опухоли и метастазов, предотвратить метастазирование и рецидив после операции, повысить эффективность других методов лечения (химиотерапии).

На ранних стадиях рака, при крупных операбельных опухолях, врач может назначить иммуномодуляторы до проведения хирургического вмешательства, в комбинации с химиотерапией. Это помогает уменьшить размеры опухоли и сделать операцию более простой.

Например, провести резекцию молочной железы вместо ее полного удаления. После операции иммунотерапия продолжается с химиотерапии – теперь она служит для профилактики рецидива.

2003 год (Dwivedi C. Hora J., Lansky E., Maydew E.). В результате проведенных испытаний было подмечено, что местное нанесение 5-процентного гранатового масла на кожу значительно снизило частоту возникновения опухолей. Ученые подтвердили эффективность масла в качестве дополнительного средства профилактики рака кожи.

Если врачи не планируют проводить операцию по удалению опухоли молочной железы, то иммуномодуляторы применяются для контроля болезни. Она сдерживает дальнейший рост и распространение опухоли по организму. Этот вариант используется на поздних стадиях рака, при активном метастазировании, или если женщина по какой-либо причине отказывается от хирургического лечения.

Обследование включает биохимические, морфологические и молекулярные анализы. Результаты обследований показывают, насколько опухоль способна уклоняться от атак иммунной системы, и какой именно вид иммуномодуляции приведет к наиболее высоким показателям успешности лечения.

Иммунотерапия объединяет медикаменты, которые уничтожают раковые клетки за счет действия на разные звенья иммунной системы. Иногда это фабричные препараты, иногда – препараты, которые изготавливают индивидуально.

IBN SINO DIETOLOGIYASI, PARHEZ TAOMLAR, OZUQA VA DAVO HAQIDA

Bekchanova A.Sh.

TTA Urganch filiali

Sharq tabobati ta'limotining asoschilari bo'lmish Ar - Roziy, Ibn Sino, Ismoil Jurjoniy va boshqalar inson xastaliklarini sabablarini quyidagi uchta omil bilan bog'liqligini asoslab berdilar.

1. Tashqi faktorlar bo'yicha: yashash joyining jug'rofiy muhiti, ya'ni ayni xastalangan bemorlarning yashash joyi mintaqasi, iqlimi, ob-havosi, esadigan shamol yo'nalishi, ichimlik suvlari shu insonyashayotgan uying qaysi tomonga qarab qurilgani, yil fasllari, quyoshning osmon burchlaridagi o'rni, oyning boshi, oxiri, to'lin oylik va hokazolar.

2. Ichki faktorlar bo'yicha kishining emosional holatlari quvonch, qo'rquv, hayajon, bezovtalanish, g'amginlik, alam, anduh kabilar bilan birga inson tanasidagi tabiiy va hayotiy harorat kiradi.

3. Ovqatlanish yoki alimentar faktorlar. Bu omillarga oziq – ovqat mahsulotlarini yetishtirish, ularni saqlash, ovqatlarni pishirish uslublari, ovqatlanish madaniyati va odobi, yilning fasli va inson mizojini hisobga olgan holda ovqatlanish kabilardir. Tashqi ichki faktorlarning ovqatlanish omillarining inson organizmiga mos kelmasligi natijasida, shu inson tanasida u yoki bu ko'rinishdagi xastalikni keltirib chiqaradi, bu xastalik inson organizmida oddiy yoki murakkab, yoki bo'lmasa moddali va moddasiz mizoj buzilishi ko'rinishida kechadi. Parhez degan so'z forscha tildan olingan bo'lib, " o'zini tiya bilish" ma'nosini anglatadi. Tibbiyotda esa sog'liqqa ziyon yetkazadigan oziq-ovqat mahsulotlari iste'molidan tiya bilishga tushuniladi.

Hozirgi zamon Pevznyer dietologiyasida inson organizmining sutkalik energetik talabi asos qilib olingan bo'lsa, ibn Sino ta'limotida parhez taomlar quyidagi to'rtta omilga qat'iy rioya qilgan holda buyurilgan:

1. Bemorning tabiiy mizoji.
2. Bemorning yashash muhiti
3. Mizoj buzilishidagi sabab
4. Bemorga buyuriladigan taomlarning mizoji.

Bunda buyurilgan taomni ayni shu xastalikka qay darajada ozuqa va qay darajada davo ekanligi hisobga olinadi.

Shu joyda sizlarga aniqlik berish uchun iste'mol mahsulotlarini davo va g'izolik xususiyati to'g'risida qisqacha so'z yuritishga to'g'ri keladi. Bu ta'limotda iste'mol qilingan mahsulotlar xoh u ozuqa bo'lsin, xoh davo, uchta tarkibiy qismdan iborat: 1) surat, 2) modda, 3) sifat.

Surat deganda biz mahsulotni shaklini, siyosini, tuzilishini, rangini, hidini ko`z oldimizga keltiramiz. Modda qismi deganda, uning tarkibidagi modda – borliq va konsistensiyasi tushuniladi. Sifat yoki kayfiyat deganda, shu mahsulotni rangi, hidi, ta`mi tushuniladi. Iste`mol qilingan mahsulot davoli ozuqa sifatida moddadan iborat bo`lib, u kayfiyat va suratdan tashkil topgan. Modda va surat esa bu ikki javhardir, ammo kayfiyat shu davoli ozuqaning sifati bo`lib, issiqlik, sovuqlik, quruqlik va ho`llikni namoyon qiladi. Ozuqa tarkibidagi issiqlik va sovuqlik sifatlari foila, ya`ni ta`sir qiluvchanlik xususiyatiga ega bo`lib, jumladan issiqlik, a`zoni isitadi, uning haroratini saqlaydi, xiltlarni eritadi, suyultiradi, oquvchanligini oshiradi, bug`lantiradi.

Sovuqlik sifati esa sovitadi, qotiradi, jamlaydi va hokazo. Ozuqali davo tarkibidagi ho`llik va quruqlik sifatlar munfoila xossasiga, ya`ni ta`sirni qabul qilib, modda va suratni hosil qiladi va kayfiyatni javharidir.

Bizlar yuqorida iste`mol mahsulotlarini uch tarkibiy qismi va ularning xususiyatlari to`g`risida so`z yuritdik. Endilikda, Ibn Sino ta`limoti asosida iste`mol qilingan mahsulot hazmining to`rt bosqichida hosil bo`ladigan mahsulotlari to`g`risida so`z yuritimiz. Bu ta`limotning tahlil qilinishicha, iste`mol qilingan mahsulot hazmining birinchi bosqichida ovqat og`izda ishlov beriladi, ya`ni chaynaladi va so`lak bilan ho`llanib qizilo`ngach orqali oshqozonga tushadi. U yerda esa oshqozon shirasi bilan aralashib issiq bo`tqa - ximus hosil bo`ladi va ximus oshqozondan o`n ikki barmoqli ichakka o`tish jarayonidan hazmining ikkinchi bosqichi boshlanadi, bunda ximus moddasi ingichka ichakka ishlov olgandan so`ng ikkiga ajraladi, ya`ni bir qismi ximus masoriqo orqali jigarga o`tadi, 2 - qismi esa yo`g`on ichak orqali tashqariga chiqarib tashlanadi. Ximus jigarga o`tishidan hazmining uchinchi bosqichi boshlanadi.

Xulosa: Ibn Sinoning tibbiyotga qo`shgan xissasi beqiyosligini yuqoridagi ma`lumotlar orqali ko`rish mumkin. Xazm jarayonlari va dieta inson hayotida muhim ahamiyat kasb etuvchi jarayon hisoblanib, ayniqsa homiladorlar va emizikli ayollarda juda muhim ahamiyat kasb etadi.

SKIN DISEASES IN THE WORKS OF IBN SINA (AVICENA)

Belova L.V., Arifov S.S., Abdurashidov A.A., Ganieva Sh.T.

*Department of Dermatovenereology and Cosmetology Center
for the Development of Professional Qualifications of Medical Workers*

In the history of the study of skin diseases, Ibn Sina occupies a prominent place.

We analyzed the issues of skin diseases in the works of Ibn Sina: “The Canon of Medical Science”, “Poem on Medicine (Urjuza)”, “Treatise on Hygiene”. It is shown that Ibn Sina is the founder of many modern methods of treating skin diseases.

Of interest is Ibn Sina’s indication of the adverse effects of drinking boza, a beer-type drink made from various cereals, on the course of skin diseases. The scientist noticed that after taking it, pruritus, psoriasis and other skin diseases often worsened. “...one should abstain from wine,” wrote Ibn Sina, and devoted 11 paragraphs to the harm from it.

The scientist warned against excessive enthusiasm for drugs: “Medicines are destroyed gradually, beware of drugs”. Ibn Sina pointed out the addiction to them, which dermatologists often observe, for example, in the treatment of many skin diseases.

He suggested making wider use of diet, water procedures, normalizing and lengthening sleep in case of certain skin diseases to stimulate the body's defenses. One should “avoid everything that has excessive sweetness...or bitterness, or pungency, or saltiness, and limit yourself to bland food”. For skin rashes in infants, the scientist recommended, first of all, changing the food of the child’s mother.

For some skin diseases, the scientist prescribed honey and other bee products. “Let the flower baby lick the honey, it will heal ulcers and cleanse the mouth”. In modern dermatology, “Apilak”, “Propoecum” ointments, and “Proposol” aerosol are used.

For psoriasis, vitiligo and baldness (alopecia), Ibn Sina recommended treating with the juice of fig leaves in the sun. Considering that fig leaves were one of the components for the production of psoberan, this method can be considered a prototype of treatment with furocoumarin drugs and even PUVA therapy.

Priority in identifying the vector of cutaneous leishmaniasis belongs to Ibn Sina. The scientist believed that the carrier of safa and Balkh ulcer (cutaneous leishmaniasis) is the “bite of... a harmful mosquito”.

To treat cracks in the legs and arms, Ibn Sina recommended lamb fat, fat tail fat, castor oil, and olive oil. "Whoever lubricates his heels with oil every evening, without missing a day, is protected from cracks," warned Ibn Sina.

A detailed description of nail diseases belongs to Ibn Sina. Shrewdly noted that nails are often affected in severe diseases. The scientist examined nail psoriasis, onychodystrophy, paronychia and other nail diseases. He described in detail the clinical picture of the nails - curvature, thickening, cracking, crumbling, discoloration. Along with various remedies, Ibn Sina prescribed vinegar externally to a number of patients. He offered prescriptions for plasters for removing diseased nails, if necessary, and care products for growing new nails.

Ibn Sina considered the reasons for severe thinning and complete hair loss to be: 1. Long-term illnesses that deplete the body; 2. Skin diseases accompanied by ulcers on the scalp (apparently pyoderma followed by cicatricial atrophy); 3. Diseases of the hair itself (apparently, trichomycosis); 4. Wearing heavy hats. "Baldness (hair loss) is difficult to treat, although it can be prevented before it begins or delayed," wrote Ibn Sina.

To treat baldness, he used general tonics, skin irritants, sulfur, medicinal plants, and acupuncture, which is the prototype of modern treatment methods. To stimulate hair growth, Ibn Sina placed leeches, rubbed mustard, pepper, and buttercup juice into areas of baldness. "If the skin does not turn red from the medicine, rub it as hard as possible and then rub it, for example, with onion, and if the skin does not turn red, then you cannot do without... smearing it with garlic," wrote Ibn Sina. The scientist recommended preparing and using one of the products that strongly irritate the skin of the scalp as follows: "take... vinegar with an equal amount of rose oil and shake, then grind and lubricate with this composition".

Sarimsoqpiyozning bo'lakchalarida 17 turdagi mikroelement topilgan, shu jumladan, fosfor, kaliy, kaltsiy, magniy, marganets, germaniy, mis, molibden, kobalt, tsirkoniy, vanadiy, titan, selen, natriy, rux va boshqalar. Yog' miqdori esa 0,03% dan 0,08% gacha boradi. Undan tashqari, sarimsoq tarkibida pentozanlar, glyukozidlar, pektin moddalari va organik kislotalar mavjud. Sarimsoqdagi mikroelementlar ham inson organizmi va xayot faoliyatida katta ahamiyatga egadir. Inson organizmidagi barcha oksidlanish-parchalanish kimyoviy reaksiyalari ularning ishtirokisiz amalga osha olmaydi. Sarimsoq ayniqsa temir tuzlari (1,5 mg%), rux tuzlari (1,0 mg%) va yo'dga boy. Bir kilogramm sarimsoqda yo'd 0,94 mg miqdorda bo'lib, u qalqonsimon bezning faoliyatiga ijobiy ta'sir ko'rsata oladi. Uning tarkibidagi germaniy esa yurak klapanlari va qon-tomir sistemasining elastikligini ta'minlab beradi.

Oltingugurtli sulfid birikmalar esa sarimsoqqa stafilokokklarga, dizenteriya va tif bakteriyalariga qarshi kurashishga hamda zaharlar ta'sirini kamaytirishga yordam beradi. Uni qabul qilish miqdori yoshga, shuningdek vazinga qarab belgilanadi, tajribalarda o'rtacha vazinlilar uchun kuniga 4 – 6 gramm bolish samarali bo'lgan. Yuqorida keltirilgan tavsiyalar albatta shu yo'nalishdagi shifokor maslahati va nazoratida amalga oshirilsa maqsadga muvoffiq bo'ladi.

БОЛАЛАРДА ТИШ ҚАТТИҚ ТЎҚИМАСИ ПРОФИЛАКТИКАСИДА ҚИЗИЛМИЯ ЭКСТРАКТИДАН ТАЙЁРЛАНГАН “АЕРОДЕНТ” ТИШ ЮВИШ КАПСУЛАСИНИ ҚЎЛЛАШ

Рахматова Д.С.

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти

Ҳозирги кунда 1 ёшдан 5 ёшгача бўлган болалар орасида оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари стоматитлар ва тиш кариеси касаллиги тобора авж олиб бормоқда. Бу касалликларни олдини олиш ва даволаш мақсадида янги “**Aerodent**” тиш ювиш капсуласини қўллаш мумкин.

Қизилмия ўсимлиги юртимиз бўйлаб кенг тарқалган ўсимликдир. Бугунги кунда ундан доривор ўсимлик сифатида кўплаб дори моддаларни ишлаб чиқариш ва уни жаҳон миқёсида эксперт қилиш биз тиббиёт ходимлари учун энг долзарб масалалардан биридир. Қизилмия ўсимлиги бизнинг ҳудудда мослашган ва ўзида икки юздан ортиқ ноёб ва инсон организми учун фойдали бўлган моддалар, биоактив ҳосилалар, микроэлементлар, витамин ва органик кислоталар сақлайди. Қизилмия ўсимлигидаги моддаларнинг аксарият қисми унинг илдиз қисмида сақлангани учун унинг илдиз қисмидаги моддаларни суяклик шаклида фойдаланиш учун настойка

кўринишида олиб келиш керак. Бунинг учун махсус идишда майдаланган илдиз қисмлари ҳарорати 80С° бўлган сувга солиниб 2 соат қолдирилади, сўнгра уни фармакологик филтирларда ўтказиб, настойка шаклидаги экстракти ажратилиб олинади. Ушбу суюқлик "Аэродент" номи тиш ювиш капсуласи ампула қисмига солинади. Тайёр бўлган восита орқали тиш ва оғиз бўшлиғида мавжуд бўлган патологик ҳолатларни даволаш учун ёки бу органлар профилактикаси учун ишлатилади.

Қизилмия илдизлари ва эр ости куртаклар ўзида 23% глицирризин, калий ва калсий тузларини сақлайди, бундан ташқари патологик мироорганизмларган қарши глицирризиннинг уч асосли кислотаси сақлайди, кам миқдорда глюкоурон кислотаси ҳам мавжуд бўлиб яллиғланган тўқималарнинг қайта регенерацияси учун муҳимдир. Қизилмиянинг илдиз қисми ва бутун ўсимлик қисмларида фойдали бўлган сапанин кислотаси мавжуд бўлиб у тайёрланган настойкада ширин там беради, сўлак таркибидаги қолдиқ маҳсулотларни зарарсизлантиради, ишқорларни адсорбция қилиш хусусияти мавжуд. Қизилмия илдизлари 20 дан ортиқ флаванонид гликозидларини - ликвиритин, ликвиритозид, ликвиритигенин-7, 4-диоксифлаванон ва бошқаларни сақлайди. Бундан ташқари биофаол бўлган моддалар глабир кислотаси стероидлар (бета-ситостерол, эсхиол), аспарагин, эфир мойи (0,03%), аскорбин кислотаси ва бошқа моддаларни ўз ичига олади.

Капсуланинг афзал томонлари: Тиш ювиш капсуласида сувнинг ўрнига даволовчи экстракт ишлатилади, капсула кўп камерали яни 30та каналчалардан иборат бўлиб, ҳар бир тиш оралиғини қамраб олиб ҳар бир тишнинг тўрт юзасини ювади. Тиш ювиш капсуласидан болалар фойдалана олади, ундан тиш ювиш чўтқаси сифатида фойдаланиш мумкин, бунда оғиз бўшлиғининг биомуҳитини меёрда сақлаш озуқа кислоталарини нейтраллизация қилиш мумкин.

Ишнинг мақсади: Тиш ювиш капсуласини қўллашдан асосий мақсад:

Овқатланишдан кейин оғиз бўшлиғида қолиб кетган озуқа кислоталарни нейтраллаш ва тиш юзасини тозалаш, Оғиз бўшлиғи *ph* муҳитини нормаллаштириш, Оғиз бўшлиғи эобиозини тиклаш ва патоген тасирга эга микроорганизмлар сонини камайтириш, Тиш ва милклар юзаси органотрофикасини меёрда сақлаб туришдан иборат.

Материаллар ва тадқиқот усуллари: Тиш ювиш капсуласи экстракт таркибини тузиш ва танлаш: касаллик турига, босқичига, бемор ҳолатига, ёшига, ишлатиш мақсадига боғлиқ бўлади. Ампуладаги суюқликларнинг таркибини касалликлар турлари ва уларнинг ҳолатига қараб кўйдаги тартибда тузиш мумкин: Стоматит касаллигини даволашда алоҳида экстракт таркиби тузилади. Тиш касалликларини даволашда алоҳида экстракт таркиби тузилади. Оғиз бўшлиғини ювиш ва оғиз бўшлиғи касалликлари профилактикаси учун алоҳида экстракт таркиби тузилади. Тиш капсуласидан 7 ёшдан бошлаб фойдаланиш мумкин. Фойдаланиш тартиби доим овқатдан кейин, оғиз бўшлиғига капсуланинг қапа қисмини киритиб, ампула устидаги тугмани бир марта босган ҳолда амалга оширилади. Бунда қападан аэрозол кўринишида экстракт тиш ковакларидан бошлаб бутун оғиз бўшлиғига тарқалади.

Тадқиқот натижалари: Ушбу капсуладан жами 66 нафар бемор фойдаланган бўлса, 17 нафари тез-тез стоматит касаллиги билан касалланиб турувчи беморлар бўлса, қолган 22 нафари тиш каресини олдини олиш, оғиз бўшлиғи биомуҳитини нормал ҳолатда сақлаш учун фойдаланадиганлар бўлди. Тез-тез стоматит касаллиги билан касалланадиган беморлар капсуладан фойдаланганларидан кейин, охириги 3 ой давомида стоматит касаллиги қайд этилмади. Тиш ва оғиз бўшлиғи касалликлари профилактикаси учун доимий тартибда фойдаланувчилар "Aerodent" афзал билиб, уларда капсула билан ўзгача муаммолар кузатилмаганлигини айтишди.

Хулоса. "Aerodent" тиш ювиш капсуласи тиш ва унинг тўқималари мустаҳкамлигини таъминлаб, кареснинг олдини оладиган муҳим восита бўлади.

IBN SINA ABOUT DRUG THERAPY

Rakhmatova M.R.

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sino

The most famous of all Avicenna's works is, of course, his famous "Canon of Medicine". The second and fifth books of the "Canon" are devoted to issues of drug therapy.

The second book describes 811 simple medicines of plant, mineral and animal origin, the fifth describes the preparation of complex medicines and dosage forms (powders, lozenges, decoctions, juices, infusions, ointments, syrups, jams, pills, oils, etc.) and their use for various diseases. Ibn Sina's teaching on the prescription and use of medicines has a number of features.

An interesting idea is the need to prescribe medicines individually: "The medicine is hotter if given to Amr, and less hot if given to Zayd." The statement that the same medicine acts differently on different patients is not accidental; logically follows from the teachings of Ibn Sina on the structure of the human body. "You should know that each individual person has a special nature inherent to him personally. It is rare or even impossible for anyone to have the same nature as him." This fundamental and basic requirement, which left its mark on the entire system of medical views of Ibn Sina, retains its significance to this day. Knowledge of the properties and effects of drugs is considered an important precondition for their preparation and practical use.

A special section is devoted to this issue, beginning with the words: "The properties of drugs are known in two ways: by comparison and by testing. Let us first talk about the test and say: the test leads to reliable knowledge of the properties of the medicine only after (known) conditions are met." About this statement of Ibn Sina B.D. Petrov rightly said: "Everything here deserves attention: both the fact that two main paths are pointed out - experiment and inference, and the fact that experiment is put in first place. The experiment is interpreted as a criterion for practice." The following are the conditions for the success of the experiment: "The first of these conditions (the medicine must be) free from any acquired quality. For example, water is naturally cold, so if water is being tested, there is no need to heat it. The second condition is that the disease on which the medicine is tested should be simple, since if the disease is complex, then there are two phenomena that require two opposing methods of treatment. Thirdly, the medicine should be tested on two opposite (diseases). Fourthly, ... one should first try the medicine against the weakest disease and gradually move on to stronger ones in order to find out the strength of the medicine... Fifthly, (one should) consider the time when the action and influence of the medicine appears." Side effects of the drug must also be taken into account.

A HEALTHY DIET IS THE KEY TO A HEALTHY LIFE

Rakhmatova D.B., Nurilloeva Sh.N.

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sino

The great scientist and thinker of the East Abu Ali ibn Sino (Avicenna) made a huge contribution to the development of world science, including medicine. One of the important factors in maintaining health, according to Ibn Sino, is rational nutrition, and much attention is paid to this issue both in the book "Canon of Medicine" and in his other works. He advised to take into account the quality and quantity of food, observe the sequence and time of its intake, age, habits of a person, and also the season of the year. In his writings, he argued that food should be tasty and good-quality, and a person should not deceive himself with the opinion that he can digest poor-quality food, because as a result of this, over time, malignant juices are formed, causing illness and death. In addition, Avicenna spoke out about overeating, pointing out that one should not overfill the stomach to such an extent that there is no room for additional food, but one should stop eating, even if there is some appetite, to consume first liquid, then solid and coarse food. slowly and chew well.

It is known that Avicenna treated diseases of the gastrointestinal tract by fasting, excluding fats from the diet, appointing food in small portions. Of no small importance was given to persons consuming large amounts of meat and food indiscriminately. "He who eats a lot of meat and leads an immobile lifestyle, let him take care of bloodletting," or "the use of varied (mixed indiscriminately) food can be

harmful for two reasons: the first is the non-simultaneous digestion of each of them and the incompatibility of digestible and indigestible food, the second is eat more than you can with the same food" - the great scientist asserted. Food should be taken some time after exercise and bath, when the body has cooled down, you should not make quick and abrupt movements on a full stomach.

Much attention was paid to the nutrition of the elderly and elderly people. Elderly people should eat less food and take in small portions, where the food should be rough (milk, from fruits - plums and figs, greens). Nutrition should also correspond to the time of year, highlighting its season that in spring, autumn, especially in summer, food should be light, while overeating should be avoided. In summer, the best time to eat is when it is cool, and the food should not be so hot or cold that it cannot be tolerated, and in winter you need to eat hot food. If all these rules are not followed, indigestion or overeating is observed, leading to dysfunction of the organs involved in digestion and metabolism. To prevent the accumulation of surpluses, it is recommended to remove them from the body with the help of physical exercises, massage and bathing in a bath. After overeating, you should take light laxatives and not eat at all the next day. Almost a thousand years ago, Avicenna wrote about the incompatibility of certain foods in the Canon of Medicine. Doctors of the Ancient East spoke about this: "If you value your health, then you do not eat everything!"

PULSE AND DIAGNOSTICS

Rakhmatova D.B., Badritdinova M.N.

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sino

Modern medicine continues to take confident steps in solving problematic issues related to the diagnosis and treatment of numerous diseases. Against this background, some methods of alternative medicine have successfully proved themselves in world medical practice. Recently, the attention of doctors of different specialties is increasingly focused on original diagnostic methods that allow each of them to creatively approach the solution of the patient's health problems. One of these methods is pulse diagnostics, which independently developed in both the West and the East, acquiring its own specifics depending on philosophical views.

One of the excellent diagnosticians of the Middle Ages, whose methods have not lost their practical significance to this day, is Avicenna. The success of the great scientist was determined by subtle and accurate observation, supported by his many years of experience. The diagnostic methods available in the arsenal are very diverse, but special attention is paid to the study of the pulse when making a diagnosis, the general rules of determination, to which 19 paragraphs of the "Canon of Medicine" are devoted. In addition, this book contains pulse data relating to a particular pathology, discussed in the relevant chapters. At the very beginning, Ibn Sino offers general reasoning about the pulse, where he explains its physical origin, decomposing the pulse wave into its component parts. Also introduces the basic principles of determining the pulse, such as the presence of emotional and physical calmness in a state of half-satiety, etc. Avicenna distinguishes 10 types of pulse, each of which, in turn, is subdivided into subspecies. Of great interest is the section "On the varieties of the pulse", the nature of which reflects the specificity of the pulse wave. This is a worm-like, saw tooth, string-like, mouse tail and very original descriptions of the pulse are presented depending on gender, emotional and physical state in people of different ages and different ages and different natures at different times of the year, as well as due to the type of food taken. It also provides a brief description of the pregnancy heart rate and pain. Avicenna notes the musical nature of the pulse, elevating it to the rank of art, which involuntarily makes one admire such a subtle perception and inexhaustible creative potential of the scientist.

Having studied and analyzed all the available data, it can be assumed that many of Ibn Sino's recommendations regarding pulse diagnostics will eventually take a worthy place in medical practice, provided that the knowledge of the great scientist is integrated with the experience of representatives of other schools.

INCREASING THE CARDIOPROTECTIVE EFFECT OF DRUGS IN COMPLEX THERAPY WITH GARLIC HUSK INFUSION

Rakhmatova M.R.

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sino

Relevance. Garlic peel is a record holder for the content of pectin and quercetin. Pectin substances cleanse the digestive tract of waste and toxins, remove excess fluid from the body, improve digestion, activate metabolism, and accelerate the process of fat breakdown, which is especially beneficial when losing weight. Quercetin is a biochemical substance, part of the group of vitamins P. A powerful antioxidant: it slows down oxidative reactions, prevents the destructive effects of free radicals on living cells. It also has cardioprotective, anti-inflammatory, anti-edematous, antispasmodic, antiallergic effects, and diuretic properties. Other substances found in garlic peel include: water; beta-carotene; vitamin A; vitamins B1, B2, B4, B5, B6, B9; nicotinic and ascorbic acids; vitamin E; vitamin K; vitamin PP; macroelements calcium, potassium, sulfur, chlorine, phosphorus, magnesium, sodium, silicon; trace elements boron, iodine, aluminum, vanadium, lithium, cobalt, iron, manganese, copper, nickel, molybdenum, fluorine, strontium, rubidium, selenium, chromium, zinc; starch and dextrans; saturated fatty acids; omega-3 and omega-6 fatty acids. Properties of quercetin, which is found in large doses in onion peel - a flavonoid with P-vitamin activity - is known as a substance with cardioprotective, capillary-stabilizing, antioxidant, membrane-stabilizing, anti-edematous, anti-inflammatory effects. Quercetin improves myocardial function, as it increases the energy supply of cardiomyocytes, due to its antioxidant effect and improves blood circulation, as it prevents blood thickening, reducing the likelihood of blood clots, and inhibits the synthesis of thromboxane. Thus, the use of garlic peel for the prevention and complex treatment of cardiac patients prevents complications caused by cardiac diseases.

Purpose and objectives of the study. The use of garlic peel infusion in complex therapy and prophylactic purposes for the treatment of cardiac diseases.

Materials and methods. To achieve our objectives, we conducted our research at the Bukhara Regional Multidisciplinary Clinical Hospital in the cardiology department, for this we selected 25 patients with various cardiac diseases aged 45 to 70 years, and these patients were divided into 2 groups: the first group of patients Of the 12 patients, they took only drugs for the treatment of cardiac diseases, and the second group of patients, consisting of 13 patients, took a complex of garlic peel infusion, 50 ml 3 times a day for 14 days (subsequently continued for up to 8 weeks).

Results. Of the total number of 13 patients in group 2, 11 (92.3%) of them had satisfactory results from complex therapy with garlic peel. As a result of the examination in patients of the first group, the effectiveness of drug therapy was 83.3%, that is, in 10 out of 12 patients the treatment was effective.

Conclusions. Based on the preliminary data of this study, we can conclude that the use of garlic peel for a complex and preventive purpose allows the effectiveness of treatment to increase. An additional advantage of this prescription is that with a combination of drug therapy for garlic peels, the cardioprotective effect of the latter is enhanced.

АБУ АЛИ ИБН СИНО (АВИЦЕННА) ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ АНЪАНАВИЙ ТИББИЁТ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Раҳимов А.

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
“Абу Али ибн Сино” роман-трилогияси муаллифи*

Улуғ табиб ва аллома Абу Али ибн Сино яшаб, ижод қилган давр билан йигирма биринчи асримизни минг йил ажратиб турибди. Аммо, жаҳон халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи фавқуллода қибиллат соҳиби бўлган даҳони унутган эмас. Унинг қаламига мансуб “Китоб ал-қонун фи-т-тибб” – “Тиб қонунлари”нинг иккинчи китобида тавсиф ва тасниф этилган мана бу дориворларни ҳар бир ўзбек яхши билади: исмалок, мойчечак, садарайҳон, анор, сачратки, исирик, қокигул, бодом, наъматак, ялпиз, чилонжийда, равоч, саримсок, аччиктош, тўтиё... Рўйхатни узок давом эттириш мумкин. Бу наботот ҳамда унсулар номини эшитганимизда бувиларимиз,

оналаримиз биз хасталанганимизда анор пўстлогини қайнатиб берганлари, тонгда сачратқи сувига чўмилтирганлари, наъматак ёки чилонжийда қайнатмасини ичирганлари, томоғимизни аччиқтош суви билан чайганлари ёдимизга тушмайдимми?

Абу Али ибн Сино таълиф қилган “Тиб қонунлари”нинг иккинчи китобида 800 дан ортиқ дори-дармонларга таъриф берилган. Бироқ буларни ҳамма ҳам билавермайди. Ваҳоланки атрофимизни ўраб турган оламдаги ҳар бир гиёҳ, унсур, жонивор ҳаётимиз давомида йўлиқишимиз мумкин бўлган турли хасталикларга шифодир.

“Тиб қонунлари”да ҳатто оддий сувнинг (қарангки, у оддий эмас экан) не-не дардларга шифолиги баён қилинган. “Сув ҳамма қувватларни, яъни ҳазм қилувчи, ҳайдовчи, тортувчи ва тутувчи қувватларни кучайтиради”. “Денгиз суви совуқдан ёрилишларга фойда қилади, тери остида ивиб қолган қонни шимилтиради. Қалтироқ, фалаж, увушиш ва шунга ўхшаш асаб касалликларида иситиб чўмилганда фойда қилади”. “Олтингургуртли сувлар бўғин шишларига, осилиб турган сўгалларга фойда қилади.

Биз буларни ўрганишимиз лозим.

Бухорода туғилиб-ўсган даҳо табиб ва аллома ўн олти ёшидан илмий изланишларини бошлаган. Умри давомида 450 дан ортиқ асар ёзди. Булрадан 80 таси фалсафа, илоҳиёт ва тасаввуфга бағишланган, 43 та китоб ва рисола табобатга оид, 19 таси мантиқ, 26 таси рухшунослик, 23 таси табиийёт илмига, 7 асар фалакиётшуносликка, 1 таси математикага, 2 таси кимёга, 9 таси этикага, 4 таси адабиётга, 1 таси мусикага оид, 8 таси ўз даврининг олимлари билан ёзишмаларидир.

Биз буларни мустақил ҳаётга эндигина қадам қўяётган, бугунги ўн олти ёшли йигит-қизларга етказишимиз, уларнинг онгига синдиришимиз, бу ҳақда фикрлашга чорлашимиз зарур.

Ибн Синони ўрганишни болаликдан бошламоқ керак. Зеро, болаликда ўрганилган илм инсонни фикрлашга ўргатади, хотирасига қўрғошиндек қуйилиб қолади. Ибн Сино бола саломатлиги ҳақидаги фаннинг асосчиларидан бири саналади.

Абу Али ибн Синонинг “Тадбирда йўл қўйилган ҳар хил хатоларга қарши чора кўриш орқали инсон баданига етган турли зарарларни йўқотиш” (“Дафъ ал-мадорр ал-куллия ан-ал-абдон ал-инсония би тадорик анва хата ат-тадбир”) рисоласи Хоразмда, вазир ас-Саҳлийнинг таклифи билан ёзилган. Рисола одамларни кундалик ҳаётларида саломатлик қоидаларига ўргатади.

Бу рисола ҳар бир хонадонда бўлиши фойдадан ҳоли эмас.

Ибн Сино бизга қанчалар яқин ва қанчалар йироқ... Яқинлиги – унинг табобати ҳеч қачон унутилган эмас. Йироқлиги шундаки – ҳали биз унинг асарларини чуқурроқ ўрганолган эмасмиз.

Ибн Сино бизга қанчалар яқин ва қанчалар йироқ... Яқинлиги – унинг калта кулоҳ устидан салла ўраган, оқ соқолли, кўлида китоб тутган нуроний қиёфвси ҳар биримизга жуда-жуда таниш. Йироқлиги шундаки, унинг табобат, илм-фанга бағишлаган заҳматли ҳаётини ҳали яхши билмаймиз. Ўзи ва шогирди Абу Убайд Жузжоний ёзган қисқа таржимаи ҳол бор. Одил Ёқубов, Мақсуд Қориев романлари, Азиз Қаюмовнинг “Абу Али ибн Сино” қиссаси, Абдулла Ориповнинг “Ҳаким ва ажал” достони, Людмила Салдадзе, Валерий Воскобойниковларнинг бадиий асарлари...

Булар Ибн Синопдек даҳо учун жуда оз, беором ҳаёти ва уммон қадар ижодига нисбатан жуда оз. Унинг ҳаёт йўли шаҳарлар, саҳролар, тоғлар, дарёлар ҳамда табобат ва ижод билан безовта йиллардан иборат. Ана шундай мураккаб шароитларда буюк асарлар яратгани – мўъжиза! Биз бу мўъжизани ҳали очиб беролганимиз йўқ.

Мен “Абу Али ибн Сино” романини ёзишга киришганимда, дастлаб у ҳақда маълумотлар ниҳоятда оз туюлди. Асарларини ўқиб, буюк донишманднинг тийнати, ботиний олами, умр кечмишларини яхшироқ тушуна бошладим. Ҳозир романнинг учинчи китобини ёзар эканман, яхши биламанки, мендан кейин ҳам ўнлаб ёзувчилар Ибн Сино ҳақида қисса ва романлар битадилар ҳамда бунинг учун бой ва етарли материал бор. Чунки, улуғ табиб ва алломанинг минг йил аввал ёзган тиббий асарларидаги мукамаллик ҳайратланарли, фалсафий рисоалари не-не ақл соҳибларини ҳануз ўйга толдирмоқда.

Ибн Сино даҳоси яратган хазина умрбоқийдир.

РАЗРАБОТКА СОСТАВА СИРОПА “MUKALITIK QIZILMIYA”

Ризаева Н.М., Махмуджанова К.С.

Ташкентский научно-исследовательский институт вакцин и сывороток

В учениях Авиценны солодка применяется издавна при различных заболеваниях. В особенности при сухости и спазмах, болезней горла, язвенной болезни желудка, как укрепляющее, возбуждающее аппетит и противоастматическое средство и как отхаркивающее при кашле и катаре дыхательных путей.

Современные требования к средствам, содержащим экстракционные препараты и используемые как для лечения, так и для профилактики, определяются качественным и количественным содержанием биологически активных веществ. Такое требование может быть выполнено при разработке унифицированной технологии, соответствующей условиям производства, а также разработке надежных методов для стандартизации как сырья, так и промежуточных и конечных продуктов.

И у солодки, и в алтее наибольшая концентрация биологически активных веществ находится в корне. Целебные свойства этого вегетативного органа обоих растений обладают большой ценностью в лечении инфекционных и воспалительных заболеваний дыхательной системы, сопровождающихся кашлем.

Алтея и солодка – безопасные и нетоксичные растительные средства. И хотя они обладают достаточно высокой медицинской эффективностью, список противопоказаний у них невелик.

Сиропы – предназначены для приема внутрь, преимущественно представляющие собой концентрированный раствор различных сахаров, содержащих действующие и вспомогательные вещества. Сиропы, как правило, являются гомогенными дисперсными системами, но также могут представлять собой гетерогенные (чаще всего суспензии) или комбинированные дисперсные системы.

Цель исследования. Основной целью проведенных исследований является разработка состава и оценка качества сиропа "MUKALITIK QIZILMIYA", который обладает противовоспалительным, отхаркивающим действием.

Материалы и методы. Добавление действующих веществ, настоек, экстрактов, соков и т.д., а также вспомогательных веществ, производят после охлаждения сиропа до температуры ($55 \pm 5^\circ\text{C}$). Для предотвращения кристаллизации сиропообразующего компонента и корректировки других показателей, в сиропы могут быть введены глицерин, различные полиспирты, поверхностно-активные вещества и другие вспомогательные вещества, разрешенные для приема внутрь.

В качестве antimicrobных консервантов в состав сиропов обычно вводят вспомогательные вещества: спирт этиловый различной концентрации, метилпарагидроксибензоат, пропилпарагидроксибензоат, сорбиновая кислота, калия сорбат, натрия бензоат и др.

Сиропы, в виде восстановленных лекарственных форм, могут быть также получены из гранул или порошков, предназначенных для приготовления сиропов путем растворения в соответствующем растворителе

Результаты и обсуждение. Были разработаны модельные составы сиропов, предназначенных для лечения воспалительных процессов верхних дыхательных путей. Сиропы готовили с учетом физико-химических свойств, входящих в них компонентов. Для приготовления лекарственного сиропа использовали сахар–рафинад.

В рассчитанном количестве воды очищенной растворяли экстракты корня солодки и корня алтея, при перемешивании добавляли сахар и при нагревании готовили сироп. Также в аналогичных условиях готовили сиропы на сорбите и фруктозе. Сироп, приготовленный на сорбите был от светло-коричневого до коричневого цвета, также как и сахарный сироп. Сиропы имели специфический запах, свойственный входящим в состав ингредиентам. На основе предварительного изучения технологических показателей и экономической целесообразности, нами был подобран следующий состав сиропа на основе экстракта корня солодки, экстракта корня алтея и аскорбиновой кислоты

Разработка нормативов качества лекарственного сиропа “Mukalitik Qizilmiya”. Определение качества готового сиропа проводили по следующим показателям: описание внешнего вида, плотность, водородный показатель, объем наполнения, массовая доля сухих веществ, содержание

консервантов, содержание экстрактивных веществ.

После тщательного перемешивания сиропа были изучены его органолептические и физико-химические показатели. Оценка качества сиропа проводилась по показателям: описание по ГОСТ 6687.5., pH по ГОСТ 26188., плотность ГОСТ 6687.2 или по ГФХІ, вып. 1. Объем наполнения и отклонение исследовали по ГОСТ 6687.5., определение внешнего вида, цвета, запаха сиропов проводили по ГОСТ 6687.5.

Выводы. Разработаны состав и технология получения сиропа. Установлено, что сироп “Mukalitik Qizilmiya” по качественным показателям соответствует требованиям нормативных документов. В частности, были изучены числовые показатели сиропа сложного состава: показатель pH (2,5-8,5), плотность (1,02-1,37 г/см³), содержание сухого остатка (не менее 10%), содержание консервантов (не более 0,2%), содержание тяжелых металлов (не более 0,0005 г и было установлено, что сироп не должен содержать посторонние примеси.

ИНСОН ОРГАНИЗМИГА ЧОЙНИНГ ФОЙДАЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Садуллаев О.К.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

Биз кундалик хаётимизда чой истеъмол киламиз ичамиз, лекин чойнинг шифобахшлик хусусиятини биламизми? Чой ўсимлиги ёввойи холда Хиндистоннинг шимолий-шарқида жойлашган тоғли районларда, шунингдек Хинди-Хитойда учрайди. Хозирги кунда чой жахоннинг турли мамлакатларида экилади ва экспорт қилинади. Бутун жахон бўйича кунига хонадонларда неча миллион кг чой дамланади ва истеъмол қилинади. Чой шифобахш ўсимлиги Хитой, Хиндистон, Индонезия, Япония, Африканинг айрим мамлакатларида, Жанубий Америка ва бошқа тропик ҳамда субтропик мамлакатларда экилади. Бундан ташқари Грузия, Озарбайжон ва Краснодар ўлкасининг айрим районларида табиий холда ўстирилади. Хозирги кунда чой плантациялари ташкил қилинган.

Плантацияларда ўстириладиган чойларнинг бўйи 0,5-1,5м дан ошмайди. Чой ўсимлигининг барглари вақти-вақти билан махсус механизмлар ёрдамида ва шунингдек қўл воситасида териб турилади. Чой ўсимлигининг барглари оддий, асоси қалин бўлади. Чой барги таркибида махсус равишда ишлов бериб қуритилганида 16% оксил, 12% га якин танин, 1,5% қанд, алкалоидлар (4% кофеин, теофиллин, теобромин), эфир мойлари, витамин С (250мг% гача), Р, РР, В, В, К, никотин ва пантотен кислоталари мавжуд. Ўсимлик уруғи таркибида 9-10% стероид сапонинлар, 22-35 % ёғ бўлади. Чойда жуда кўп микроэлементлар бор.

Чой барглари асосида тайёрланадиган дамлама фақатгина чанқоқ босувчи, кишига яхши кайфият берувчи, жисмонан бардам қилувчи ичимлик ҳисобланиб қолмасдан, балки бир қатор касалликларни даволашда ҳам ишлатилади. Чойдан тайёрланган дамлама бош оғриғини қолдирувчи, қувватни оширувчи, фикрни теранлаштирувчи сифатида истеъмол этилади. Олдинлари бод ва белангига даво сифатида чойдан фойдаланилган. Илмий медицинада ҳам чой ўсимлиги асосида тайёрланадиган турли дори-дармонлар томирчаларни ўтказувчанлиги патологияси билан боғлиқ бўлган бир қатор хасталикларни даволашда қўлланилади.

Жумладан қон оқиши билан боғлиқ бўлган касалликлар, лавша, нефрит, гематурия, атеросклероз, хафакон, ичбуруғ, қоринтифи, қизамиқ, кўкйўтал, қизилча, бод, ревматик эндокардит, юракнинг яна бошқа хасталиклари, сурункали гепатит, полиомиелит, меъда яраси, ўн икки бармоқли ичак жароҳати, жигар ва буйрак касалликларини даволашда, подагра, организмда туз тўпланишида, нафас йўлларида шомоллаши билан боғлиқ бўлган касалликлар, тўқималарнинг нерв ва озиқланишининг бузилишидан келиб чиқадиган яралар, рентген нурларидан зарарланганда, офтоб урганида бу дорилар ижобий таъсир этиши мумкин.

ПРИМЕНЕНИЕ ГРАНАТОВОЙ КОЖУРЫ ДЛЯ ЛЕЧЕНИЯ ЗАБОЛЕВАНИЙ ПАРАДОНТА

Саидова Н.А.

Бухарский государственный медицинский институт

Аннотация. Среди стоматологических заболеваний болезни парадонта доминируют по своей интенсивности, распространенности и разрушительными последствиями для зубочелюстной системы человека. В связи с этим, в настоящее время актуальной проблемой остается поиск эффективных методов диагностики, лечения и профилактики воспалительных заболеваний парадонта.

Исследования последних лет позволили расширить и дополнить современное представление в регуляции многих физиологических процессов организма. Исключением не являются и заболевания парадонта. Общеизвестно, что в комплексном лечении заболеваний парадонта стоматологи применяют широкий арсенал медикаментозных средств, влияющих как на микрофлору парадонтальных карманов, так и на различные механизмы патогенеза воспалительного процесса. Однако, современные методы и средства не в полной мере оправдывают свою клиническую эффективность. В связи с этим все большее признание в стоматологической практике получает фитотерапия.

Ключевые слова: заболевания парадонта, фитотерапия, гранатовая кожура.

Воспалительно-деструктивные заболевания пародонта являются одной из наиболее сложных и распространенных форм патологии и основной причиной потери зубов среди взрослого населения. Распространенность патологии среди населения нашей страны остается на довольно высоком уровне: у 13–16-летних подростков заболевание пародонта обнаруживается в 70–86,6% случаев, в возрасте 17–25 лет – в 68%, в возрасте 34–45 лет – в 81%; у рабочих промышленных предприятий – почти в 100% случаев. Современный уровень научных знаний об этиопатогенезе пародонтита определяет микрофлору зубной бляшки и зубного налета (био пленки) в качестве доминирующего этиологического фактора. Получены данные о роли анаэробной и смешанной бактериальной флоры в развитии заболеваний пародонта, позволившие выделить группу так называемых пародонтопатогенных бактерий, которые продуцируют некротизирующие ферменты (коллагеназу, эластазу, фибринолизин, гиалуронидазу и др.), экзотоксины, приводящие к нарушению целостности эпителиальных тканей, что способствует активной деструкции парадонтальных тканей и играет основополагающую роль в генезе пародонтита. Стоит отметить, что пародонтопатогены обладают анаэробным типом дыхания, отличаются высокими адгезивными, инвазивными и токсическими свойствами по отношению к тканям пародонта, способны разрушать иммуноглобулины. В настоящее время из парадонтального кармана изолировано около 500 видов бактерий, но лишь несколько из них признаны пародонтопатогенными: *Aggregatibacter actinomycetemcomitans*, *Porphyromonas gingivalis*, *Tannerella forsythensis*, *Campylobacter rectus*, *Eikenella corrodens*, *Prevotella intermedia*, *Fusobacterium nucleatum*, *Treponema denticola*. У лиц со здоровым пародонтом относительная частота встречаемости пяти основных типов пародонтопатогенов в норме не превышает 6%. Хронический пародонтит следует рассматривать как многофакторное заболевание, так как на тяжесть заболеваний пародонта влияют такие местные факторы, как окклюзионная травма, чрезмерное потребление мягкой пищи, уменьшение секреции слюны, нависающие края пломб, наличие ортодонтических аппаратов, аномалии расположения зубов, аномальное прикрепление уздечек губ и языка, мелкое преддверие рта, травматические повреждения. Важную роль в возникновении и развитии заболеваний пародонта играют и общие факторы: нарушение режима питания, курение, гиподинамия, патология внутренних органов и систем, изменения водно-солевого обмена, иммунологические, сосудистые, гормональные и метаболические сдвиги, хроническая интоксикация и гипоксия, ревматические и эндокринные заболевания, нарушения липидного обмена, иммунные нарушения. В настоящее время доказано, что лечение воспалительных заболеваний пародонта должно быть комплексным, этиопатогенетическим, индивидуализированным, обоснованным, последовательным. Выбор средств и методов в каждой клинической ситуации зависит от нозологической формы, степени тяжести заболевания и окклюзионных взаимоотношений зубов у конкретного больного. Комплексная терапия должна

быть направлена на причину, патогенез заболевания и ликвидацию его отдельных проявлений, что подразумевает применение разных средств, их комбинаций и способов для достижения целей лечения, в связи с чем выделяют этиотропную, патогенетическую и саногенетическую терапию. Большинство из существующих средств наряду с положительными клиническими эффектами обладает и такими отрицательными свойствами, как возможное угнетающее действие на ткани пародонта и его защитные механизмы, участвовавшие в аллергических реакциях организма на лекарственные препараты, полученные химическим путем.

Выбор методов, средств и последовательность видов лечения определяются особенностями клинического течения и тяжестью процесса. В современной стоматологии большой интерес вызывают методы лечения с выраженным положительным эффектом и минимумом побочных воздействий. К одному из таких методов можно отнести фитотерапию. Лекарственные растительные препараты редко вызывают нежелательные побочные реакции со стороны организма, они менее токсичны и хорошо переносятся больными независимо от возраста, их действие отличается мягкостью, редким возникновением аллергических реакций со стороны организма, что позволяет при необходимости принимать их длительно без вреда для больного, так как к ним не развивается устойчивая адаптация микро- и макроорганизма. Лекарственные средства растительного происхождения обладают разнообразными фармакологическими свойствами: противовоспалительным, антимикробным, ранозаживляющим, обезболивающим, десенсибилизирующим, кровоостанавливающим, кератопластическим, противоотечным, иммуностимулирующим. Они получили широкое применение в стоматологии, так как нетоксичны и обладают выраженным лечебным эффектом, более физиологическим действием. В исследовательских работах была отмечена высокая действенность гранатовой кожуры – при лечении воспалительных заболеваний пародонта и слизистой оболочки полости рта (СОПР). Благодаря своему составу гранатовая кожура обладает противовоспалительным, антибактериальным, вяжущим и спазмолитическим действиями.

Состав гранатовой кожуры. Плод содержит большое количество полезных компонентов. Среди них аминокислоты, клетчатка, органические соединения и дубильные вещества. Также, в составе есть антоцианы, которые обеспечивают гранату такой приятный цвет.

На долю дубильных веществ, приходится около 35% от состава питательных компонентов. В корке присутствуют природные антиоксиданты – полифенолы. Они улучшают жировой обмен, полезны для сердечно-сосудистой системы, кожного покрова, способствуют быстрому заживлению открытых ран.

Кожура плода считается его околоплодником и целебные свойства обусловлены ее химическим составом:

Кожура граната активно используется в народной медицине. Еще Гиппократ рекомендовал использовать гранат, как действующее средство для заживления открытых повреждений кожных покровов и слизистых оболочек.

Компоненты гранатовой кожуры активно борются с воспалениями, инфекциями различных штаммов патогенных микроорганизмов.

Усиление защитных свойств иммунной системы, особенно, в период активности вирусных заболеваний.

Обладает мощным ранозаживляющим эффектом, стимулируя регенеративные свойства эпидермиса на уровне клеток.

Целебные свойства гранатовых корок, обуславливают ее применение в нетрадиционной медицине:

Приготовление лечебных отваров при заболеваниях ротоглотки (ангина, тонзиллит, фарингит). Допустимо применение настоя при сухом или влажном кашле, а также, кроватом.

Кожура фрукта обладает антисептическим действием, замедляя процесс кровотечения. Полезно для лечебных целей при стоматите, пародонтите. Целебный эффект обусловлен содержанием в составе большого количества антиоксидантных соединений.

Благодаря вяжущему свойству, кожуру применяют для лечения поноса, как у детей, так у взрослых.

Полезно применять отвары из кожуры граната при заболеваниях десен. Входящие в состав плода целебные компоненты, оказывают дезинфицирующий и противовоспалительный эффект. Гранатовые настои применяют при стоматите, гингивите, кровоточивости десен.

Также, лечебное действие эффективно при фарингите. Делают отвар для полоскания ротовой полости, а при рините можно закапывать гранатовым настоем по несколько капель в каждый носовой проход. Результат дают, входящие в состав корок дубильные компоненты.

Сделан вывод, что гранатовая кожура при оптимальной концентрации можно использовать в качестве антисептика для профилактики пародонтальных заболеваний.

Таким образом, анализ научных публикаций показывает, что методы лечения воспалительных заболеваний пародонта постоянно совершенствуются и арсенал применяемых лекарственных средств расширяется. В настоящее время на рынке представлено большое количество фитосредств для стоматологии, выпускаемых в различных формах. Не прекращается разработка новых аппликационных лекарственных форм и составов для лечения воспалительных заболеваний пародонта при использовании минимальной концентрации лекарственных веществ, с пролонгированным действием и отсутствием побочных эффектов со стороны полости рта и организма в целом.

САЛОМАТЛИК МЕЪЁРИНИНГ ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ

Саломова Н.М.

*Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси “Саломатлик” марказининг
методист шифокори-илмий изланувчи*

Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таърифига кўра: “Соғлиқ бу одамда – касалликнинг йўқлигидан эмас, балки инсоннинг ҳар томонлама жисмоний, руҳий ва ижтимоий осойишталиги ҳамдир.” Саломатлик – инсоннинг илк, бирламчи ва жуда муҳим табиий, ижтимоий эҳтиёжи бўлиб, у инсоннинг меҳнатга лаёқатли қобилиятини ва унинг ҳартомонлама уйғун ривожланишини белгиловчи ҳолатидир. Саломатлик инсонни оламни билиш, ўзини англаш, бахтли бўлиш заруриятидир. Тиббий-ижтимоий тадқиқотлардаги саломатлик ўз даражаларига кўра куйидагиларга бўлинади:

1. Индивидуал саломатлик – яъни алоҳида инсоннинг соғлиғи;
2. Гуруҳ саломатлиги – ижтимоий ва этник гуруҳлар саломатлиги;
3. Минтақавий-регионал саломатлик – маъмурий ҳудудлар аҳолисининг саломатлиги;
4. Жамоат саломатлиги – аҳолининг соғлиғи, популяция саломатлиги, “касалликларнинг олдини олиш, ҳаёт давомийлигини узайтириш ва ташкилий сайёҳ-ҳаракатлар орқали соғломлаштириш”, – деб таърифланади. Эмлаш жамият саломатлиги тушунчаси билан боғлиқ.
5. Жаҳон-дунё аҳолиси саломатлиги кабиларга бўлинади. Бизнинг фикримизча, мазкур саломатлик гуруҳига;
6. Биосфера, табиат борлиғи саломатлигини ҳам киритиш лозим.

Мустақкам соғлиқ инсоннинг фақат асосий эҳтиёжларидан бири бўлибгина қолмай, балки жамиятнинг ҳам муҳим социал эҳтиёжидир.

П. Беннер ва Ю. Врубелни таъкидлашча “Саломатлик – инсон томонидан ўзини бирор жамият, гуруҳга тегишлилигини англаш, шу гуруҳ қонун-қоидаларини ўз қизиқишлари ва интилишларига мос деб қабул қилишидир”. Ушбу таърифда айнан саломатликнинг – социал эҳтиёжи эканлигига урғу берилган. Халқ соғлиғи – юрт бойлиги, деб бежиз айтишмаган. Инсоннинг мустақкам соғлиғини фақат унинг касалликдан холи бўлганигина эмас, балки жисмоний ва руҳий куч-қувватининг уйғунлиги, яхши меҳнат қобилияти, кайфиятининг доим яхши бўлиши кўрсатади.

Ижтимоий саломатлик – бу жамиятининг иқтисодий, сиёсий ва социал ҳаракатлантирувчи кучидир. ЖССТ нуктаи назарига кўра, инсонлар саломатлиги ижтимоий сифат ҳисобланади. Шу мунособат билан аҳоли саломатлигини баҳолаш учун куйидаги кўрсаткичлар тавсия этилади:


1. Ялпи ички маҳсулотни соғлиқни сақлашга сарфлаш;
2. Бирламчи тиббий ёрдамнинг мавжудлиги;
3. Аҳолининг иммунизация даражаси;
4. Болалар ўлими даражаси;
5. Ўртача умр кўриш давомийлиги;

6. Ҳомиладор аёлларни малакали тиббий ходимлар томонидан текширилиш даражаси;
 7. Болаларнинг озиқланиш ҳолати;
 8. Аҳолининг тиббий саводхонлиги;
 9. Аҳолининг табиий ўсиши, табиий ўлим даражаси;
 10. Ногиронлик кўрсаткичлари;
 11. Жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари;
 12. Касалланиш – умумий, инфекциян, вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш билан, тиббий кўрикларга кўра, асосий ноэпидемик касалликлар, госпитализацияланганлар.
- Жамият саломатлигининг кўрсаткичлари:
1. Демографик кўрсаткичлар (яъни, туғилиш, ўлиш, аҳолининг табиий ўсиши, ўртача умр кўриш);
 2. Жисмоний ривожланганлик;
 3. Касалланиш;
 4. Травматизм ва ногиронлик.

Бу шахслар орасида имконияти чекланган бўлишига қарамай, турли соҳаларда улкан чўққиларни забт этаётганлари талайгина. Бу эса уларнинг ички олами қалби ва руҳ саломатлигидан далолат беради. Космологияда улкан кашфиётлар қилган англиялик физик назариётчи, астрофизик, ёзувчи Стивен Уильям Хокинг (1942-2018) 18 ёшида умрбод ногиронлар аравачасига миҳланиб қолди. Фожиали тасодиф Стивен Хокингни аравачага миҳлаб кўйди, фақат фикри илм билан шуғулланишга йўналтирилди, иккинчи томондан эса қалб ва руҳ саломатлиги натижасида улкан ютуқларга эришди. 39 та аспирантга илмий раҳбарлик қилди. Космологиядаги кашфиётлари билан бутун дунёга машҳур бўлди. Вафотидан кейин муқаддас хоки Вестминстер аббатлигида Исаак Ньютон ва Чарлз Дарвин қабрлари орасига қўмилди.

Жамият саломатлиги соғлиқ-саломатликни аниқлашнинг ўзгача даражаси. Унда жамият гўё ўзига хос сифат, хосса муайян йўналишга эга бўлган ижтимоий организм сифатида гавдаланади. Бу йўналишда жамият саломатлиги худди жамиятнинг энг нодир бойлиги сифатида қаралиб, айнан мана шу энг бебаҳо саналган - жамият саломатлиги туфайли оламдаги барча моддий ва маънавий бойликлар, қадриятлар яратилади. Х.Меллер жамият саломатлигига куйидагича таъриф беради: “жамият саломатлиги – жамиятнинг шундай сифати, ҳолати, айнан ушбу ҳолат инсонлар соғлом ҳаёт тарзини таъминлайди, инсонларда ҳасталик ҳамда жисмоний, руҳий зўриқишлар, чекинишлар кузатилмайди, аксинча ушбу ҳолат соғлом турмуш тарзини таъминлайди”.

Инсон - индивидуал саломатлигининг таркиби



Саломатлик, касаллик ва ногиронлик бир-бири билан боғлиқ бўлсалар ҳам, улар алоҳида – алоҳида тушунчалардир. Саломатлик тушунчаси кўпинча беморлик, касаллик тушунчаси билан қарама – қарши саналади. Саломатликка қарама-қарши тушунчалардан бири носоғломлик, кучсиз, қувватсиз каби тушунча ҳам илмий фанда ишлатилади.

БМТ маълумотларига кўра сайёрамизда яшайдиган 8 миллиард аҳолининг 15% ногирон саналади. Ҳар бир жамиятнинг цивилизациялашганлик кўрсаткичи унинг ногиронларга муносабати билан белгиланади. 2015 йил Ўзбекистон аҳолисининг 1,3% ногирон саналган. Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра 2020 йилда Ўзбекистонда жами 758 253 та имконияти чекланган, яъни ногирон фуқаролар қайд этилган. 2022 йилда аҳолининг 2,3% ёки 845,3 минг киши ногиронлиги бўлган шахслар деб топилган. Бухоро вилоятида 2020 йилда 47 322 киши ногирон деб қайд қилинган.

Эпиктет (м.а. 50-138 йй.) илк бор индивидуал ва жамоат саломатлиги, тана ва руҳ саломатлиги ва уларни асраш борасидаги ўз фикрларини қуйидагича изоҳ этди: "...ҳар бир инсон ўзини у ёки бу шаҳарнинг фуқароси эмас, балки дунё фуқароси деб билиши керак". Инсон икки қисм: тана ва руҳдан иборат...тана кир ва чангдан иборат, у ташқи заруратга бўйсунди, руҳ озод, у фақат Худога бўйсунди...Коинотни бошқариш учун соғлом тасаввурга эга бўлиш лозим...". Инсон саломатлиги меъёрини, Эпиктет, – уч оёқли столга қиёслайди. Биринчи оёқ – пархез; иккинчи оёқ – машқ қилиш; учинчи оёқ – уйку деб, уч асос ягоналигида деб билади. Тана руҳнинг идишидир, шунинг учун уни ўз ичига олган идишга ғамхўрлик қилиш муҳимдир. Бошқача иборалар билан айтганда, тана ва руҳ саломатлиги бирдек муҳим. Бахтли ҳаётнинг бир қисми соғлиқдан завқланишдир. Соғлом тана яхши одамга яхшиликлар қилишга имкон беради. Муҳими Сиз ундан тўғри фойдалана олишингиздир, деб уқтиради Эпиктет.

В.М. Дильман фикрига кўра, инсон саломатлик меъёрини кўрсатувчи бешта микдорлар организмда мавжуд. Буларга:

1. Қон таркибидаги муайян микдордаги қанд;
2. Қоннинг артериал босими;
3. Организмдаги холестерин ва альфа холестерин микдори;
4. Тана оғирлиги, аниқроғи, тананинг ёғ микдори;

5. Қондаги пребет, бета-липопротеид ва триглицеринларнинг микдорий кўрсаткичлари киради. Ушбу микдорлар шунчаки, оддий микдорлар бўлмай, балки сифатни кўрсатувчи микдорлар, яъни табиий-биологик меъёрлардир. Соғлиқни йўқотгандан кейин эмас, у ҳали мавжуд пайтданок авайлаб асрашимиз лозим. Бу оддийгина тиббий маданиятимизни билдиради. В.М.Дильман таъкидлаган саломатликни кўрсатувчи бу микдорлар, бошқача айтганда тиббий-биологик меъёрлар жуда муҳим аҳамиятга эга:

I - қондаги глюкоза меъёри

Халқаро амалиётда қонда қанд микдори миллимоль/литр ўлчов бирлигида ўлчанади – ммол/л. Томирдан оч қоринга қабул қилинган қонда глюкоза нормаси 3,9-5,6 ммол/л ни ташкил қилади.

II-меъёрга оид мулохазалар

Турли ёшда артериал қон босим кўрсаткичлари турлича бўлади:

Ёш кўрсаткичи	Артериал қон босим кўрсаткичи*
16-20 ёшда	100/70-120/80
20-40 ёшда	120/70-130/80
40-60 ёшда	140/90 гача
60 ёшдан катта ёшдагиларда	150/90 гача

III-холестерин меъёрига оид фикрлар

Ана шулар ўзининг табиий меъёр чегараларининг юқориги ва пастки кўрсаткичларидан чиқмаса, тананинг саломатлигидан далолат беради. Айнан шундай уйғун фикрни А.Г.Гадаев тадқиқотларида ҳам учрайди. "Соғлом кишида умумий холестерин 5,0 ммоль/л дан, триглицеридлар 1,7 ммоль/л дан юқори бўлмаслиги лозим. Ушбу кўрсаткичларнинг меъёрдан юқори бўлиши юрак ишемик касаллигига олиб келувчи асосий хавф омилларидан бири ҳисобланади ва бу хавф кўпроқ тана вазни ортиқча ҳамда қандли диабетга чалинган кишиларда кузатилади".

IV-оғирлиги, тананинг ёғ меъёри

Бўйи,см	Етишмаслик	Норма, Меъёр, стандарт	Норма, Lancet	Ортиқча вазн	1-даражали семизлик	2-даражали семизлик
150	< 41	42-50	51-56	57-67	68-78	79-90
160	< 47	47-57	58-63	64-76	77-89	90-102
170	< 54	54-64	65-72	73-86	87-101	102-116
180	<60	60-72	73-80	81-97	98-113	114-130

Юқоридаги илмий таҳлиллардан куйидаги ички хулосаларга келдик:

1. Ибн Сино индивидуал инсон меъёри ва ижтимоий гуруҳ - кексалар учун соғлом турмуш тарзи, унинг саломатлик меъёрига хос томонларини мукамал баён этган;

2. Дорилар ва овқатланиш меъёри;

3. Саломатлик меъёрининг ўзига хос хусусияти Ибн Сино тақдим этган етти мувозанатга бараварига қатъий риоя этишдир:

1. Тана (организм) мутаносиблиги;

2. Овқат ва ичимлик танлаш;

3. Гавдани ортиқчаликдан холи этиш;

4. Тана аъзолари жойланиш тўғрилиги, мутаносиблигини сақлаш;

5. Бурунга тортиладиган ҳавони етарли ва яхши қилиш;

6. Кийиладиган кийимларни муҳитга мослаб танлаш;

7. Жисмоний ва маънавий ҳаракатлар мўътадиллиги ”. Саломатликнинг бу етти меъёри соғлом турмуш тарзини мағзини ташкил этади.

Инсон танаси яхлит улкан ўз-ўзини бошқарадиган, ўз-ўзини ташкиллаштира оладиган мустақил тизимдир. Шу сабабли асло бу етти тиббий меъёр биридан алоҳида эмас, улар бир-бирлари билан диалектик алоқадор бўлиб, кўпинча бир меъёрнинг издан чиқиши, бутун бир тизимни нормал фаолиятини бутунлай кескин салбий томонга ўзгартириб юборади.

Саломатлик меъёрининг ўзига хос хусусиятлари:

1. Саломатлик меъёрининг иерархик хусусияти. Коинот, табиат борлигининг саломатлик кўрсаткичлари ўзаро алоқадордир. Коинот, табиат саломат бўлса, жамият ва инсон ҳам саломат бўлади. Фалсафий ибора билан айтганда, биосферанинг ҳаёт кўрсаткичлари жамият, инсон саломатлиги учун критерий-мезондир.

2. Инсон танаси ва руҳиятидаги ўзгаришлар унинг ички, имманент меъёри-мижозига таъсир қилади ва унга боғлиқ бўлади;

3. Инсоннинг ички – имманент саломатлик меъёри бўлган – мижози умри давомида ўзгариб туради; Ўз моҳиятига кўра ушбу меъёр – ўзгарувчан меъёр доирасига мансубдир;

4. Инсон организмдаги доимий, ўзгармас меъёрларга қон группаси, хромосомалар сони мисол бўла олади.

5. Инсон тана ва руҳи саломатлигининг диалектик алоқадорлиги кўрсатиб берилди.

6. Ар-Розий томонидан ижтимоий саломатлик меъёрларидан куйидагилар илк бор ишлаб чиқилди:

а) муайян касалликни ўз соҳасини эгаллаган шифокор даволай олади; (Биргина шифокор барча касалликларни даволай олмайди –ар-Розий); б) ижтимоий саломатлик меъёрининг яна бири беморга ташхис қўйишда, бир эмас, бир неча шифокорлар фикрларининг таҳлили, хулосаларининг диалектик синтези зарурлиги аниқланди;

в) аҳолининг кам таъминланган қатламига алоҳида тиббий хизматлар кўрсатиш;

г) руҳий саломатлик меъёрининг устуворлигини аниқлади.

7. Ибн Сино индивидуал инсон меъёри ва ижтимоий гуруҳ - кексалар, ҳомиладор аёллар учун соғлом турмуш тарзи, унинг саломатлик меъёрига хос томонларини мукамал баён этган;

2. Дорилар ва овқатланиш меъёри;

ИБН СИНО: “МИЗОЖ” – ИНСОННИНГ ИЧКИ ИММАНЕНТ ТАБИЙ МЕЪЁРИ БОРАСИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАРИ

Саломова Ҳ.Ю.

Бухоро давлат университети “Ислом тарихи ва Манбаишунослиги. Фалсафа” кафедраси

“Тиб одам гавдасининг соғлиғи ва касаллигини ўрганади. Ҳар бир нарсани билиш, у нарсанинг сабаблари бўлса, шу сабабларни ўрганиш орқали ҳосил бўлади ва камолга етади. Шунинг учун тибда соғлиқ ва касалликнинг сабабларини билиш керак бўлади. Соғлиқ, касаллик ва уларнинг сабаблари гоҳо очиқ, гоҳо махфий бўлади...”. Сабабларни ўрганиш эса энг аввало унинг сифат кўрсаткичларини, сўнг миқдор кўрсаткичларини ўрганишдан ундан меъёрни, ундан моҳиятни, ҳақиқатни билишга олиб боради. Тана ҳарорати 36,6° соғломликнинг биринчи белгиси. Қон таркибидаги қанд миқдори – 0,1%.

Саломатлик меъёри тиббиётда “хос миқдор”, “мўътадил”, “зарурий миқдор”, “ўртача”, “норма”, “маромида”, “тартиб”, “ҳад”, “эътидол”, “ал-миқдор ал-лозим”, “ҳақиқатга яқин миқдор”, “тадбир”, “мизож” каби тушунчалар орқали ифодаланади. Меъёр – борлиқнинг олтин қонуни. У ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида амал қилади: иқтисодда, сиёсатда, саломатликда, севгида, одобда, муомалада айниқса яққолроқ намоён бўлади. Аслини олганда эса моддий ва маънавий ҳаётимизнинг ўзагини меъёр қонуни ташкил этади. Кўёш ва Ер сайёраларидаги масофа ҳеч қачон ўз меъёридан чиқмайди. Комил инсон – инсоният мезони, ҳамма сайёраларда, ҳамма мамлакатлар учун ҳам бирдек қадри, инсонийлик меъёри бўлиб қолаверади. Абу Али ибн Сино ўз умрини инсон саломатлиги меъёрини ўрганишга бағишлади. Унинг асосий тадқиқот объекти: инсон танасининг саломатлик ва беморлик меъёрларини ўрганиш бўлган. “Тиб қонунлари”да соғлиққа жуда лўнда ва оддий фалсафий таъриф берилган: “Тан соғлиқ одамнинг бошидаги шарафли олтин тожи, бу тожни касал одамдан бошқа одамлар кўра олмайди”.

Аллома: “Ҳар бир соғлом одамга мувозанатдан озгина четга чиққан ҳолат тўғри келади, у жуда катта эмас”. ...”Касалликнинг келиши мувозанат ҳолатидан жуда четга чиқишдан бошқа нарса эмас”,- дейди. Баданда ёки маълум бир аъзода бўлган бир хил касаллик – ёлғиз касаллик, икки ёки ундан ортиқ касалликлар қўшилмаси – мураккаб касалликлар турига киради.

Ибн Сино “Дастурул илож” асарида соғлиққа шундай таъриф беради: “Соғлиқ – яқка ва мураккаб аъзоларнинг мизожи ва таркиби бир хил, ҳар қайси аъзоларининг хизмати бутунлай соғлом, хатарсиз, мизожи меъёрий аҳвол бузилмаганлигини кўрсатади. Мизож ва таркиб ўзгариши оқибатида аъзолар хизматида зиён етиши – касаллик пайдо бўлиши аломатларидандир”. “Қонун” асарида эса соғлиққа бундай таъриф беради: “Соғлиқ шундай малака ёки ҳолдирки, у сабабли аъзолардан соғлом ишлар вужудга чиқади.” Касалликка бир қанча таснифлар беради: “Касаллик – ички, ташқи муҳитдаги маълум касал пайдо қилувчи омилларнинг таъсири остида бадан мизожи ва хилтлар мувозанатидан иборат турғун ҳолатнинг бузилишидан келиб чиққан ички муҳитнинг бузилиши ва ҳаётий фаолиятнинг тўсқинликка учрашидир.” “Қонун”нинг бошқа жойида: “Касаллик – табиий бўлмаган ҳолат, ҳар қайси аъзоларда иллат пайдо бўлишидир. Касаллик уч хил бўлади. Биринчиси, яқка аъзоларнинг мизожи соғлом бўлмаслигидир. Бу ҳол яқка аъзоларнинг мизож бузилиши касаллиги дейилади. Иккинчиси, мураккаб аъзоларнинг қурилмаси аслидаги табиий ҳолатининг ўзгариши оқибатида юзага келади. Учинчиси, аъзоларнинг бир-бирига туташиб қолиши ёки табиий туташидан ажраб кетиши бўлиб, бу бутунликнинг бузилиши дейилади. Бу хил касаллик кўп учрайди”.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эса: “Соғлиқ бу одамда касалликнинг ёки нуқсоннинг йўқлигини эмас, балки инсоннинг ҳар томонлама жисмоний, руҳий ва ижтимоий осойишталиги ҳамдир”. Мазкур таснифларни қиёсий таҳлил этганимизда шундай хулосага келинадики, замонавий тибда органлар ҳамда организмнинг яхлит бир бутун мизожи ўз ифодасини топмаган. Тиб султони Ибн Сино эса мизож – ички имманент табиий, биологик меъёр эканлигини ўз давридаёқ билган. Саломатликка эришишнинг энг биринчи воситаси мизожнинг саломатлиги эканлигини қайта ва қайта уқтирган.

Инсон танаси сифат ва миқдорий кўрсаткичларига кўра уч ҳолатда бўлади, деб таъкидлайди аллома.

1. Соғломлик;
2. Беморлик ҳолати;

3. На соғлом ва на касаллик ҳолати;

Соғлиқ ва касаллик даражаларини ҳам сифат ва миқдорий кўрсаткичларига кўра ажратди.

“Соғлиқ шундай малака ёки ҳолдирки, у сабабли аъзолардан соғлом ишлар вужудга келади”.

Масалан, саломатликнинг тўрт даражаси мавжуд:

1. Тана ўта соғлом;
2. Тана ўта соғлом эмас;
3. Тана соғлом ҳам, касал ҳам эмас;
4. Тана яхши ҳолатда, саломатликни тезда қабул этувчи.

Беморликни икки даражага:

1. Тана энгил касал;
2. Тана ҳаддан ташқари оғир касал.

Айнан мана шундай саломатлик ва аксинча беморлик ҳолатининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини нормал анатомия ва паталогик анатомия; нормал физиология ва паталогик физиология каби фанлари ўрганишади.

Аллома бундай ёзади: “Ҳар гавданинг мизожи туғма иссиғи ва туғма хўллингнинг миқдори талаб қиладиган даражада зарурий қуришга қарши туриш чегараси бор. Гавда ўша чегарадан ўтмайди, лекин гоҳо қуриштишга ёрдам берувчи ёки бошқа бир важҳ билан ҳалоқ қилувчи сабабларнинг воқе бўлиши билан гавда ўша чегарага ета олмайди. Кўп кишилар мана шу (биринчисини) табиий ажал деб, кейингисини тасодифий ўлим деб атайдилар”. Ҳақиқатдан ҳам гавда ҳарорати муайян иссиқлик орасида бўлади. Бу ирсий, онадан ўтган иссиқлик. Мана шу иссиқлик чегарасидан у, ёхуд бу томонга ўтиш ўлимга олиб боради. Гавда иссиқлигининг табиий –туғма иссиқлик чегарасини аниқ кўрсатиб, чегарадан кейин ўлим, айнан табиий ўлим чегарасини кўрсата билди.

Айнан мана шу ибора форс тилидан ўзбек тилида таржима қилинганда (таржима муаллифники-С.Н.) бундай мазмунда бўлади:

“Ҳар бир тананинг қуриш билан қурашишида меъёр мавжуд, у меъёр инсоннинг табиий мижози хусусияти, туғма иссиқлик ва туғма хўллик миқдори билан боғлиқ бўлиб, шу меъёрдан ўтиб кета олмайди. Лекин, мумкинки, деб ёзади Ибн Сино, инсон бадани турли сабабларга кўра қуришга юз тутаяди, ёхуд бошқа сабабга кўра, ҳалокатга юз тутаяди. Чунки ўз вақтидан олдин шу меъёрга етган бўлади. Кўп кишилар узоқ умрликни – узоқ умр кўришни табиий ўлим ва иккинчи ҳолатни эса аразий (сунъий, табиий ўлимдан олдинги ўлим дейдилар”. Табиий ўлимни тезлатишга сабаб бўлган аъзолардаги меъёр бузилишларини кўрсатиб бермоқда Ибн Сино.

“Ҳар гоҳ хушкшавии пурра ба анжом бирасад, (гармии) модарзоди хомўш гардада ва марги табиий фаро расад”(саҳифа 176). Мазкур фикрни таржимаси: “Инсон танасидаги туғма-ирсий ҳароратнинг тўлиқ йўқолиши ёхуд ниҳоясига етгандан сўнг (кейин) туғма иссиқлик яъни тананинг туғма табиий ҳарорати йўқолади ва табиий ўлим содир бўлади”. Алломанинг юқоридаги фикр-мулоҳазалари шундан далолат берадики, инсон танасининг соғломлик, беморлик ва ўлим ҳолатидаги миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳар хил, айнан мана шу кўрсаткичлар тананинг сифат – соғломлик ёхуд беморлик ёки ўлимдан дарак берувчи кўрсаткичлардир.

Ҳар бир тана аъзоси саломатлиги бошқа бир аъзога таъсир қиладди. Шу сабабли инсон ўз танасини билиши зарур деб ҳисоблайди Ибн Сино.

Инсон тишлари рангига қараб мизожини ҳам аниқлаш мумкин:

1. Сарик тиш – иссиқ-қуруқ мизожли;
2. Оқ тиш – совуқ ва хўл мизожли;
3. Қорамтир тиш – совуқ ва қуруқ мизожли;
4. Қизғиш тиш – иссиқ-хўл мизожли .

Аллома кўпгина инсонлар саломатлик танадаги қоннинг кўплиги ёхуд озлигига боғлиқ деб ҳисоблашади, аслида ундай эмас, саломатлик қоннинг сифатига боғлиқдир, деб жуда тўғри эътироф этган. Замонавий ибора билан айтганда саломатлик - қоннинг имманент меъёрига боғлиқдир.

Клод Бернар фикрига кўра, “қон – ички аъзолар кўзгусидир.”

“Қоннинг яхши сифатли ҳолати”, деганда Ибн Сино қоннинг табиий меъёрини тушунади. “Баъзи кишилар:”Хилтлар бир-бирига нисбатан одам гавдаси талаб қиладиган миқдорда пайдо бўлса, (улар) хоҳ кўпайсин, хоҳ озайсин (барибир) бўлиб, соғлиқ сақланиб қолади”- деб гумон қиладилар;

Бундай эмас. Балки хилтларнинг бир-бирига нисбатан миқдорларининг сақланиши билан бирга хилтларнинг ҳар бири учун, бошқа хилтга қиёсан бўлмаган, ўзининг хос миқдори (табiiй-биологик меъёрида-С.Х.) – ўлчови бўлиши керак”. Хилт – ҳўл, оқувчан бир жисм бўлиб, энг аввал овқат ўшанга айланади. Хилт, Ибн Сино талқинича икки гуруҳга ажратилади:

I. “Мақтовга сазовор хилт”, ”яхши хилт”, “табiiй хилт”, ”сифатли хилт” ва б.

II. “Сифатсиз хилт”, “ёмон хилт”, “яхши бўлмаган хилт”, “паст сифатли хилт” ва ҳ.

Ўрта аср Шарқ табобатида, шунингдек Ибн Сино асарларида физиология билан патологиянинг негизи тўртта бадан суюқлиги – хилтлар ҳақидаги таълимотга асосланган эди. Юнонлар, хусусан Гиппократдан қабул қилинган бу таълимотга мувофиқ, одамнинг баданида тўрт хил хилт:

1. қон (sanguis)
2. балғам (phlegma)
3. сафро (chole)
4. савдо (melan chole) бор.

Қон - артерия ва венада, балғам - мияда, сафро - жигарда ва савдо - талокда бўлади, деб ҳисоблашган.

Ибн Сино гавдадаги турли суюқликларни:

а) қон

б) лимфа

в) тўқима суюқликлари

г) бадан бўшлиқларидаги суюқликлар: ликвор, синовиал суюқлик, турли паталогик ҳолатларда пайдо бўладиган экссудат, трансудат, ихор, йиринг ва бошқаларни тўрт жинс ҳўлликдан иборат бўлган “хилтлар” ҳақидаги таълимотга киритишга уринган. Аллома фикрича қон – иссиқ ва ҳўл табиатли бўлиб, икки хил: табiiй ва ғайритабiiй бўлади. Табiiй қоннинг сифатий белгилари:

1. Табiiй қон қизил рангли;
2. Ёмон ҳидли эмас;
3. Жуда ширин

Ғайритабiiй қон ибн Сино талқинига кўра 2 хил бўлади:

1. Баъзан ўзининг яхши мизожлилик ҳолидан ўзгариши унга аралашган бирон бир сабабли бўлмайди, балки ўзидаги мोजожнинг ёмонлашиши билан бўлиб,масалан, мизожи совуқ ё иссиқ бўлиб қолади.

2. Яна бир хили ўзига ёмон хилт аралашиб ўзгарган қон. Шу иккинчи хил қон иккига бўлинади: ё у қонга ташқаридан хилт тушиб искарисига ўтиб бузган бўлади; ёки(ўша бузувчи) хилт ўзида пайдо бўлади, масалан, қоннинг баъзиси сасиб, суюқ қисми сарик сафрога айланади, қуюқ қисми қора ўт бўлади. Буларнинг иккаласи, ё биттаси қонда қолади. Шу хил (ғайритабiiй) қоннинг иккала тури ўзига кўшилган нарса ҳисоби билан ва у нарсанинг балғам, савдо, сафро, сувли қисм турларидан иборат гуруҳлар ҳисоби билан турлича бўлиб, баъзан қуйқа, баъзан суюқ, баъзан жуда қора ва баъзан рангсиз бўлади. Шунингдек, хидида, мазасида ўзгариш бўлиб, шўр ва нордон бўлади.

Ибн Сино ўз давридаёқ табiiй қон ва ғайри табiiй қон, табiiй балғам ва ғайритабiiй балғам, табiiй сафро ва ғайритабiiй сафро, табiiй савдо ва ғайритабiiй савдо орасидаги сифат ва миқдор кўрсаткичларини ажрата билган.

Ибн Сино давом этиб, шундай муҳим нарсани таъкидлайди: ”...қоннинг ўзини бошқа хилтларга аралашган ҳолда топасан, қон чиқарилиб, идишга солинганда у хилтлардан ажралади:

Кўпикка ўхшаш бир бўлакка ажрагани сезилади, бу - **сафродир**;

Тухум оқиға ўхшаш бир бўлакка ажрагани сезилади, бу – **балғамдир**;

Қуйқа ва чўкма каби бўлакка ажрагани сезилади, бу - **савдодир**;

Сувга ўхшаган бир бўлакка ажрагани сезилади, бу – сув бўлиб, унинг ортиқчаси сийдик билан чиқиб кетади...сувнинг кераклиги озикнинг суйилиши ва ўтиши учундир. Аммо хилт эса ейиладиган овқат ва озик бўладиган ичимликлардан пайдо бўлади. “Озик бўлувчи” деган сўзимизнинг маъноси, қувватда баданга ўхшаш дейишдир. Одам гавдасига қувватда ўхшаш нарса оддий бўлмай, мураккаб бир жисм бўлади, сув эса оддийдир.”

Шу сабабли ҳам мутафаккир, инсон танасининг қуввати, қонининг кўп ёхуд камлигига эмас, балки қоннинг яхши сифатли ҳолатидадир, деб қайта ва қайта уқтирган.

Ибн Сино асарида “мизож” - аниқ сифат, табиий меъёр маъносини англатади. “Унсурлар ўз қувватлари билан бир-бирларига таъсир қилишлари натижасида уларнинг ҳаммасига мос бир кайфият (аниқ, яхши сифат-С.Х.) вужудга келади. Ана шу кайфият мизождир”. Гап тўрт хил сифатли унсурларнинг бир-бирига мутаносиб миқдорлар орқали мослиги ҳақида бораётганлиги англаш унчалик қийин эмас. Қон, сафро, савдо ва лимфа суюқлиги ҳар бир организм учун муайян миқдорда –“хос адад”да бўлади; Ушбу тўрт суюқлик муайян миқдорда бир-бири билан мутаносиблик ўлчовларида ягоналик-меъёрни ташкил этади. Бу ҳолатда саломатлик меъёри мустақил тўрт меъёрнинг мунособати шаклида намоён бўлади. Абу Мансур ал-Кумри ҳам ўз устози Ибн Синонинг бу борадаги фикрини тасдиқлаб шундай дейди: ”Инсон танасининг эътидолли ҳолатида бу қарама-қарши тўрт сифат маълум бир чегарада тўхтаган бўлади”.

Ибн Сино Гегелдан анча илгари сифатлар мутаносиблиги ҳам меъёр бўлишини кўрсата олган. Унинг яна бир устунлиги шундаки,

Гегелдан фарқли ўлароқ, фақат икки сифатнинг мунособатигина эмас, балки бир қанча хилма-хил сифатлар мутаносиблиги меъёр бўлиши мумкинлигини ҳам ундан бир неча аср олдин амалий тиббиётдаги мисоллардан кўрсата олганидир.

Мизож мўътадил ва мўътадилликдан чиққан ҳолатда бўлиши мумкин. Мизож мўътадил бўлса кишининг танаси соғлом, мўътадилликдан чиқса касаллик пайдо бўлади. Инсон учун энг яхши ҳолат мизожнинг мўътадил бўлишидир. “Мизож мўътадил бўлганида гавдадаги қарама-қарши хусусиятлар миқдор жиҳатидан ўртача ва сифат жиҳатдан нуқсонсиз бўлади. Бундай киши соғломдир. Агар қарама-қарши хусусиятлар ўртача бўлмай, икки томоннинг бирига, масалан, иссиқлик ёки совуқликка, хўллик ёки қуруқликка ёки ҳар иккисига мойил бўлса, мизож мўътадилликдан чиқади ва танада касаллик пайдо бўлади.

“Мўътадиллик - мизож эгасининг бутун гавдасида ёки бир аъзосида унсурларнинг миқдори ва кайфиятлари билан одам мижозига керагича энг тўғри тақсимланиб, энг тўғри нисбатда тўлла-тўкис бўлинганидан иборатдир”. “Мўътадиллик” – мутаносиб миқдорлар, пропорция, нисбат маъносини билдиради. “Сифатли қон” деганимизда, қон таркибига кирувчи барча элементларнинг миқдорий мутаносиблиги тушунилади, бундай қон мўътадил сифатига тенгдир. Мана шу сифатли қонга мос сифатли сафро, сифатли ҳужайралар суюқликлар ва ҳ. бўлиши лозим.

Табиб табиатшунос олимдан шуни қабул қилиши керакки, бу хилда мўътадиллик одам мизожи ёки одам гавдасининг мизожи бўлиши бир ёқда турсин, асло топилиши мумкин бўлмайдиган нарсалардир. Замонавий иборалар билан айтганда, сифат ва миқдор кўрсаткичлари бир хил бўлган икки одам табиатда асло бўлиши мумкин эмас.

Абу Али ибн Сино “Таодул” ва “мўътадил” сўзларининг маъносини ажратиб берди:..Табибнинг билмоғи керакки, тиб олимларининг ўз баҳсларида ишлатадиган “мўътадил” деган сўзлари оғирликдаги баробарликдан иборат бўлган “таодул” сўзидан олинган эмас, балки тақсимдаги баробарликдан иборат бўлган “адл” сўзидан олинган.

“Таодул” сўзи оғирликдаги баробарликни билдиради. Ибн Сино “Уржуза фит-т-тиб” (“Тиб ҳақида уржуза”) китобида аниқроғи шеърий рисоласида мизожнинг тўққиз хилини:

1. иссиқ мижозли;
2. совук;
3. қуруқ;
4. хўл;
5. иссиқ ва қуруқ;
6. иссиқ ва хўл;
7. совук ва қуруқ;
8. совук ва хўл мижозли
9. мўътадил мизожни кўрсатиб берди.
- 10.

Оддий мизож	Мураккаб мизож
Иссиқ	Иссиқ ва қуруқ
Совуқ	Иссиқ ва хўл
Қуруқ	Совуқ ва қуруқ
Хўл	Совуқ ва хўл
Мўътадил мизож	

Бу тўққиз хил мизожнинг ҳар бирини уч даражасини ажратиб кўрсатиб берди. Ибн Сино кўрсатишича, ҳар бир тирик мавжудотнинг ўз турига мос табиий меъёри бўлади. Энг мўътадил мизожга эга бўлган мавжудот инсондир. Унинг катта ютуғи шундан иборат бўлдики, мизож ҳақидаги концепциясини умумийликдан алоҳидаликка сўнг индивидуалликка олиб инсон танаси мисолида кўрсата олганидир. Ҳар бир одамнинг ўзига хос (индивидуал) мизожи бўлади, деб таъкидлайди аллома, бошқа бир кишининг у билан бир хил мизожга эга бўлиши камдан кам учрайди ё учрамайди.

Шундай қилиб, дунёдаги одамлар бир турга мансуб бўлсалар ҳам, улар орасида ички меъёри айнан тенг икки кишини асло учратиш мумкин эмас.

1. Инсоннинг индивидуал (ўзига хос) мизожи;
2. Ҳар бир аъзонинг ўз мизожи;
3. Инсондаги жинс мизожи;
4. Инсондаги ёш мизожи;
5. Овқатлар мизожи;
6. Фасллар мизожи;
7. Дорилар мизожи;
8. Кийимлар мизожи;
9. Ўсимликлар мизожи;
10. Ҳайвонлар мизожи;
11. Ҳар хил минтақалар мизожи ва х.

Аллома аъзолар мизожларини батафсил баён этди:

Гавдадаги иссиқ мизож	Гавдадаги совуқ мизож	Гавдадаги ҳўл мизож	Гавдадаги қуруқ мизож
Юрак	Балғам	Балғам	Мўй
Қон	Чарви	Қон	Суяк
Жигар	Ёғ	Ёғ	Тоғай
Ўпка	Мўй	Чарви	Бойлоқлар
Гўшт	Суяк	Бош мия	Пайлар
Мушак	Тоғай	Орқа мия	Пардалар
Талок	Бойлоқ	Эмчак	Артериялар
Буйрак	Пайлар	Мояклар гўшти	Веналар
Артерия	Пардалар	Ўпка	Ҳаракат асаблари
Вена	Асаблар	Жигар	Сезиш асаблари
Тери	Орқа мия	Талок	Тери
Кафт териси (мўътадил мизожли)	Бош мия	Буйраклар	
	Тери	Мушаклар	
		Тери	

Ибн Синонинг ўткир томони шундаки, тананинг ёш ўзгаришига қараб, унинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳам ўзгариб боришини, жисмоний қувватларнинг ўзгаришини, ўсишдан тўхташ ёшидан кейин иссиқлик озайиш бошланишларини аниқ тушунтириб бера олди. Замоनावий тиббий тушунча билан ифодаланишида “Ёш физиологияси” фанининг барча қирраларини тушунтириб берди. Бола, ўсмир, етук навқирон инсон, қари инсон, эркак ва аёл, ёш қиз ва ёш йигит ўзи танасининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари билан бир-биридан фарқ қилади. Жисмоний қувват инсонда доимо бирдай бўлмайди. Инсон (тана, жисм) организмда йиллар ўз таъсири кўрсатади. Инсон ёши сифат ва миқдор кўрсаткичларига кўра тўрт гуруҳга бўлди:

- I. “Ўсиш” ёхуд “ўсмирлик” даври - бу туғилгандан 30 йилгача давом этади;
- II. “Ўсишдан тўхташ даври ёки “ёшлик даври” - бу 30 ёшдан 35-40 ёшгача бўлган давр;
- III. “Чўкиш ёши” – қисман қувват бўлган, ўртача ёшдан олтмиш ёшгача давом этадиган давр;
- IV. “Қучсизлик билан бирга чўкиш ёши” – бу умр охиригача бўлган даврни ўз ичига олади.

“Ўсиш” ёхуд “ўсмирлик” даври қуйидагиларга бўлинади:

- I.1. Чақалоқлик;
- I.2. Болалик;
- I.3. “Ўсиш даври”;

I.4. “Ўсмирлик” ва “Балоғат” ёши;

I.5. “Йигитлик” бу ўсиш тўхтагунча бўлган ёш.

Фалсафий ибора билан тушунтирсак, Ибн Сино одам организмидаги меъёрлар узвий тизимини диалектик негизда тушунтириб берди. Ҳар бир ёш ўз мизожига эга. Ўсмирнинг мизожи боланинг мўътадил мизожидан юқори (даражада) мўътадилдир. Лекин ўсмир болага нисбатан куруқ мизожли, қарилар ва ўрта ёшлиларга нисбатан иссиқ мизожлидир. Қарининг асосий аъзолари ўсмир ва ўрта ёшлиликдан куруқ мизожлироқдир, (гавдасини) хўллаб турувчи чет хўллик билан у иккисидан хўл мизожлироқдир. Замонавий ибора билан изоҳланганда “Ёш физиологияси” (Возрастная физиология), “Ёш анатомияси” тиб фани тармоқларини тўлиқ тушунтириб берди. “Қонун”нинг биринчи китоб, учинчи таълим қисми (олти фаслдан иборат) “Кексалар тадбири ҳақида” бўлиб, айнан кексаларнинг ёш меъёри ҳақидаги ноёб маълумотлар тўплами десак, асло хато қилмаган бўламиз.

“Қонун”нинг биринчи китоб, учинчи таълим қисми олти фаслни ўз ичига қамраб олган:

Биринчи фасл. Кексалар тадбири ҳақида умуй сўз

Иккинчи фасл. Кексаларни овқатлантириш тўғрисида

Учинчи фасл. Кексалар ичадиган шароблар ҳақида

Тўртинчи фасл. Кексалардаги тикилмаларни очиш ҳақида

Бешинчи фасл. Кексаларни уқалаш (массаж қилиш) тўғрисида

Олтинчи фасл. Кексаларнинг бадан тарбиялари тўғрисида.

Қисқа қилиб айтганда, Ибн Сино кексалар учун соғлом турмуш тарзи, унинг ўзига хос томонларини мукамал баён этган.

Масалан, Ибн Сино таъкидлаган ёш меъёрини олиб қарасак, турли ёшда артериал қон босим кўрсаткичлари турлича бўлади:

Ёш кўрсаткичи	Артериал қон босим кўрсаткичи
16-20 ёшда	100/70-120/80
20-40 ёшда	120/70-130/80
40-60 ёшда	140/90 гача
60 ёшдан катта ёшдагиларда	150/90 гача

Ёш меъеридан ташқари қон босим кўрсаткичларининг меъёр чегаралари ҳам мавжуд. Буни чизма орқали ифодаласак, қуйидаги кўринишда бўлади:

Гипотония	Пастки меъерий кўрсаткичлар	Меъёр (энг қулай меъёр)	Юқори меъерий кўрсаткичлари	Гипертония
100/60	100/60-110/70	110/70-130/85	130/85-139/89	140/90

Инсоннинг ёшига қараб мизож совуқлашиб ва куруқлашиб боради. Аёлларга нисбатан, эркакларнинг мизожи иссиқроқ бўлади. Ёшлигида танаси мўътадил, мизожи совуқ бўлганлар қариганида ўта совуқ мизожли бўлади. Бундай одамларнинг қовоқлари озроқ шишган, ҳаракатлари суст ва улар уйқуга мойилроқ бўлади. Ёшлигида мизожи иссиқ ва иссиққа мойил бўлганлар қариганида мизожлари совуқлашиб борса ҳам ўзларини яхши ҳис қиладилар. Уларнинг танаси озгин бўлади. Тана мўътадиллигини сақлашга эътибор бериш учун анжир, пишган узум, хурмо, ширин анордан истеъмол қилиш керак, фаол ҳаракат ва иссиқ кум ёрдамида хилтларни эритиб мизожни мўътадиллаштириб туришлари керак.

Абу Али Ибн Синонинг меъёр категориясига тегишли хизматларидан бири шундаки, у меъёрларнинг қайси бири бошқаси учун мезон эканлиги даволаш қонунини изоҳлаётган пайтда ёритиб берди: “Дорилар билан даволашнинг учта қонуни бор. Биринчиси, дориларни кайфиятга (яъни сифатига) қараб, яъни иссиқлик ё совуқлик, хўллик ва куруқлигига қараб танлаш қонуни. Иккинчиси, дориларни миқдорини сайлаш қонуни. Бу иккинчи қонун дориларнинг оғирлигини ва ўлчаш қонунига ва (дорилар) кайфиятини ўлчаш, яъни иссиқлик, совуқлик ва бошқаларнинг даражасини аниқлаш қонунига бўлинади. Учинчиси, дориларни истеъмол қилиш вақтини аниқлаш қонуни”. Бунда алломанинг меъёрлар мезонига ҳамда меъёрлар мутаносиблигига жиддий эътибор берганини пайқаш мумкин. Ибн Синонинг “Уржуза фи - т- тиб (Фил-л-фусул ал-арбаъа)” – “Йилнинг тўрт фаслига оид тиббий уржуза” рисоласи тўғридан-тўғри сифат, миқдор ва меъёр

категориясига бағишланган десак, асло хато қилмаган бўламиз.

Инсон соғлом бўлиши учун ўз танасидаги етти мувозанатга қатъий амал қилмоғи шарт. Булар қуйидагилардир:

1. Тана (организм) мутаносиблиги;
2. Овқат ва ичимлик танлаш;
3. Гавдани ортиқчалиқдан холи этиш;
4. Тана аъзолари жойланиш тўғрилиги, мутаносиблигини сақлаш;
5. Бурунга тортиладиган ҳавони етарли ва яхши қилиш;
6. Кийиладиган кийимларни муҳитга мослаб танлаш;
7. Жисмоний ва маънавий ҳаракатлар муътадиллиги”.

Мана шу етти мувозанатдан иккинчи мувозанати ҳақида Ибн Сино шундай ёзади:

“Кўп ичмакни этма одат, қулоқ сол,
Озига қил қаноат, гоҳо қадаҳ ол,
Кўлинг бўлмасин пайваста боғда,
Бир ойда бир бор ичсанг ҳам кифоя.”

Инсон баъзи ичимликларни ҳар куни муайян миқдорда ичса, баъзиларини жуда-жуда кам миқдорда истеъмол қилиши; айниқса, май истеъмол этганда бу қоидага қатъий амал қилиши уқтирилган.

Май ичиш меъёри ҳақида:

Май мастга душману ҳушёрга ёрдир.
Ози тарёк, кўпи бир захри мордир,
Кўп бўлса зарари оз эмас унинг,
Оз бўлса унда кўп манфаат бордир.

Инсон саломатлик меъёрларидан бири қондаги холестерин миқдори, агар **холестерин миқдори 120-180 МБ (медицина бирлиги-С.Х.) бўлса бу саоматлик меъёридир.** 200 медицина кўрсаткичидан ошиши эса артерия қон томирларининг ифлосланганидан далолат беради. Қон томирларида тўпланиб бораётган холестерин миқдори қондаги холестерин миқдорига тўғри пропорционалдир. Илгари холестерин даражаси медицина бирлиги билан ўлчанган бўлса, юқоридаги фикримиз тўғри. Аммо ҳозирги кундаги ўлчов кўрсаткичига кўра, меъёрдаги холестерин даражаси 5,1 ни ташкил қилади. 6,2 дан баланд кўрсаткич (мазкур кўрсаткич меъёрнинг юқори чегараси ҳисобланади-С.Х.) холестерин кўтарилганидан дарак беради.

Инсон танаси қонидаги қанд миқдори; қоннинг артериал босими; организмдаги холестерин ва альфа холестерин миқдори, тана оғирлиги, аниқроғи, тананинг ёғ миқдори ҳамда қондаги пребет, бета-липопротеид ва триглицеринларнинг миқдорий кўрсаткичлари – булари бари саломатликни кўрсатувчи ички табиий меъёрлардир. Айнан мана шу кўрсаткичлар ўз меъёрида бўлганда инсон саломат бўла олади.

Хулоса:

1. Одамлар ўз мизожларига қарши бўлган озуқа моддаларини ва дори-дармонларни қабул қилиши керак экан, буни замонавий тиббиёт ҳам тан олди. Ҳар қандай овқатни еса, ўзини яхши ҳис қиладиган кишида муътадил мизож шаклланган бўлади. Озиқ-овқат ва дори-дармонларнинг табиати инсон мизожига тўғри мос келиши керак.

2. Мизож – инсоннинг ички имманент табиий меъёри. Айнан мана шу ички имманент меъёр ташқи омиллар учун мезон (критерий) ҳисобланади.

3. Инсонларнинг мизожини 10 та белги асосида аниқлашни Абу Али Ибн Сино тавсия этган.

4. Ибн Сино инсон организмга алоқадор моддий асоснинг икки турини бир-биридан фарқлади. Булардан биринчиси – организмнинг ҳаёт фаолияти жараёнида инсоннинг нисбатан барқарор тана аъзолар; иккинчиси бу – танадаги турли хилтлар эса унинг ҳаёт фаолиятини таъминлайдиган, доимий ўзгариб турадиган моддий асос ҳисобланади.

Ибн Сино инсон саломатлиги (тана ва руҳ саломатлиги) билан табиат ва унинг экологик омиллари орасидаги диалектик алоқадорликни ўз вақтида англаган. Ҳақиқатдан ҳам, соғлом инсон – соғлом табиат маҳсули, биосферанинг ҳаёт кўрсаткичлари – табиий-экологик меъёри -

асралгандагина, Ер сайёрасидаги 8 миллиардга яқин аҳоли тинч-осуда, экологик хавф-хатарсиз яшай олади. Комил инсонларгина табиат борлиғи меъёрларини англаб, ҳаётда уларни бузилишига йўл қўйишмайди.

ORTIQCHA VAZNNI YO'QOTISHDA XALQ TABOBATINING AHAMIYATI

Samandarova M.O., Kurbonova F.N.

Buxoro davlat tibbiyot instituti

XVIII asrning oxirlarigacha xalq tabobati umumiy tibbiyotdan farq qilmagan. “Xalq tabobati” atamasi ilk marotaba XIX asrning birinchi yarmida nemis olimlarining tibbiyotga doir asarlarida qayd etila boshlangan. Xalq tabobatidagi dastlabki bilimlar oddiy xalq orasidagi tibbiy bilimlar jamlanmasidan iborat bo'lgan. Vaqt o'tishi bilan, xalq tabobatidagi bilimlar tekshirilgan va aniq faktlarga asoslangan holda kitoblarga qayd etilgan.

Xalqimizda “Tabiat bergan kasalliklarning davosi tabiatning o'zida” degan gap bejizga emas. Tabiblar esa kasalliklarning tahminan 70 foiziga davo giyohlarda, qolgan 30 foizi mineral toshlarda, deb aytishadi. Asrlar osha qadr qimmatini yo'qotmay kelayotgan bu serma'no hikmat zamirida ona tabiatning ajralmas qismi bo'lgan inson yo'liqadigan kasalliklarga davo atrofimizni o'rab turgan borliqda mujassam, degan hayotiy haqiqat yotibdi. Faqat uni ilg'ab, anglab o'z o'rnida foydalanish kerak.

Bugungi kunda dolzarb mavzuga aylangan semizlikga yechimni ham xalq tabobatidan topishimiz mumkin. Semizlikga yechim topishdan oldin, dastlab ortiqcha vaznning kelib chiqish sabablarini ko'rib chiqish lozim. Ortiqcha vazn - organizmga kirgizgan kaloriyamiz sarflagan kaloriyamizdan ko'p bo'lganda kelib chiqadi. Hozirda semizlikdan qutulish maqsadida turli xil dorilar, maxsus ichimliklar ishlab chiqarilmoqda va bu dorilarga talab ham kundan kunga oshib bormoqda. Ammo, shuni unutmaslik kerakki har bir dorining foydasi bo'lgani bilan, qaysidir organga zarar keltirishi mumkin.

Vazn tashlash uchun qisqa muddatli maxsus zallarga chiqish ham shart emas. Chunki, ko'p hollarda vazn tashlaganimizdan so'ng zaldagi mashg'ulotlarni tark etamiz. Bu esa bizning qayta vazn olishimizga olib keladi. Semizlikdan qutulish uchun hayotimizda doimiy qo'llaydigan yengil sport turini tanlashimiz lozim. Oddiy sayr qilishni tanlasak maqsadga muvofiq bo'ladi. Olimlarning tadqiqotlariga ko'ra 1 kg yog'ni yo'qotishimiz uchun 7700 kilokaloriya sarflash talab etiladi. Kuniga o'rtacha 1 soat sayr qilganimizda 500 kilokaloriya yo'qotamiz, bu esa 1 oyda 2 kg vazn tashlashimizga yordam beradi.

Semizlikdan qutulish uchun tabiiy mahsulotlardan foydalansak ortiqcha vazndan qutulish bilan bir qatorda organizmimizni foydali vitamin va oziq-moddalar bilan taminlaymiz. Vazn tashlash uchun har xil turdagi parhezlar tutishimiz shart emas. Doimiy iste'mol qiladigan taomlarimizni miqdorini kamaytirib tanovul qilishimiz kerak. Shunda, vazn tashlaganimizdan so'ng qayta semirish holati kuzatilmaydi. Sog'ligimizga zarar yetkazmagan holatda ozish uchun bir necha tabiiy mahsulotlardan foydalanishimiz mumkin.

Bu mahsulotlardan birinchisi malina. Malina tarkibida hazm qilish jarayonini tezlashtiruvchi fermentlar mavjud. Bu fermentlar organizmda yog'lar almashuvini tezlashtiradi. Shu bilan birga malina tarkibida juda ko'p miqdorda antioksidant mavjud bo'lib, qon va jigarni tozalaydi. Ozish jarayonida jigarning sog'lomligi katta ahamiyatga ega. Chunki bu a'zo organizmda yog' almashuviga javobgar asosiy organ hisoblanadi. Jigar o't suyuqligi ishlab chiqaradi, o't suyuqligi esa ichaklarda yog'larni so'rilishida ishtirok etadi. Jigarning ichki qismidan yog'larni oksidlanib, parchalanish jarayoni kechadi. Shu sababli jigarni malina orqali tozalab olish tavsiya etiladi.

Bodring. Ozish jarayonida bodring katta foyda keltiradi. Biroq bodringni aynan tabiiy yetilgan davrida istemol qilsak maksimal darajada foyda keltiradi. Olimlar ularni hosili hali u qadar kattalasib, urug'lari yoyilib ketmasdan iste'mol qilishni tavsiya etishadi. Bodringning po'stlog'ini archmasdan tanovul qilish kerak, chunki vitamin va minerallarning katta qismi aynan uning po'stlog'ida hisoblanadi.

Ko'k choy. Tadqiqotlarga qaraganda ko'k choy moddalar almashuvini tezlashtiradi va oson vazn tashlashga yordam beradi. Yurak kasalliklarining oldini olishga ham ko'maklashadi. Bu choy nafaqat teri ostidagi yog'larni, balki xavfli hisoblangan ichki yog'larni ham osonlikcha yuvib organizmdan chiqarib yuboradi.

Suv. Bugungi kundagi tadqiqotlar suvning vazn tashlash jarayonini tezlashtirishini isbotlamoqda. Germaniyalik olimlarning tadqiqotlariga nazar tashlasak, kuniga 500 ml suv ichilganda kaloriya

parchalanish tezligi 30% ga ko'tarilishini isbotlashganini ko'rishimiz mumkin. Shu bilan birga suv organizmdagi tuz va toksinlarni yuvib chiqaradi. Kuniga kamida 2 litr suv iste'mol qilsak tez vazn yoqotamiz va organizmimiz tetik bo'ladi.

Apelsin. Bu mevani iste'mol qilganimizdan so'ng to'qlik hissi 4 soatga saqlanib qoladi.

Kurkuma. Bu ziravor qondagi qand miqdorini normallashtiradi va organizmdagi yog'larni eritib, ichakda qulay mikroflorani yaratib beradi. Kuniga 1 choy qoshiq kurkumani 1 stakan sut mahsuloti (qatiqga) qo'shib iste'mol qilinsa, sezilarli darajada vazn tashlash mumkin.

Limon. Limon kislotali muhitga ega bo'lib, yog'lardan xalos bo'lishimizga katta yordam beradi. Ertalab och qoringa yarimta limon suvini 1 stakan iliq suvga aralashtirib ichilsa vazn tashlash bilan bir qatorda immunitet ko'tariladi va yuzimiz tiniqlashib, husnbuzarlardan halos bo'lamiz.

Tuxum oqi. Amerikada o'tkazilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, kechqurun uxlashdan oldin 2ta tuxumning faqat oqini iste'mol qilinsa, bir kechanning uzida 300 gr vazn yo'qotiladi.

Yuqoridagilardan tashqari vazn tashlash uchun zanjabil, sut, karam, sarimsoq, koritsa, yalpiz, tabiiy asal ham juda foydali. Tez vazn yo'qotish maqsadida organizmimizga zarar keltiradigan turli tabletkalar iste'molidan voz kechishimiz lozim. Buning o'rniga sog'lom turmush tarziga amal qilgan holda ovqatlanib, hayot tarzimizni yaxshilashimiz kerak.

ХАФАҚОН ВА ЗАМОНАВИЙ МЕДИЦИНА

Сафаров А.Ж.

Тошкент тиббиёт академияси

Абу Али Ибн Сино тиб қонунлари китобида хафақон касаллигининг келиб чиқиши сабаблари, белгиларини даволаш тўғрисида мохирлик билан ёзиб, жуда гўзал суратларда таърифлаб берган.

Хафақон касаллиги замонавий медицинадаги касалликлари билан солиштирганимизда битта касаллик билан тўғри келмайди, балки бир нечта ўнлаб касалликларни ўз ичига олади.

Хафақон касаллиги юрак тўқимаси, асаб томирлари ва ғилофи касаллик бўлиб ўтказувчи системадаги функцияли бузилиш билан юзага чиқади.

Сабаблари: Мизож ўзгариши:

1) Қон хилти а) миқдор жихатдан ошиб кетиши. б) мизожни қизишидан ёки совушидан. в) қон хилтига чиқадиган ғайритабiiй савдо ва сафронинг кўшилишидан.

2) Балғам хилтининг ўзгариши: табиий ҳолатдан балғам тўқима ва пардаларда ёглаб ишқаланишдан сақлайди. Ғайритабiiй балғам кўпайиши натижасида суюклик кўпайиб парда орасида қисилиш юзага келиб, ишқаланиш бузилиши натижасида эсктатив ва перекардик юзага чиқади.

Сафро хилти туфайли нормал ҳолатда сафро қонни суюлтириб, қон томирларда тикилмалар бўлишининг олдини олади.

Сафро ғайритабiiй ҳолатда келганда эса томирларда ёғли доғлар кўпайиб тромб тикилиши хавфи ошади.

Савдо хилти туфайли нормал ҳолатда савдо хилти қонни пишиқ қилиб қон томирларни мустаҳкамлайди.

Савдо ўзгариши натижасида юрак қон томирлари ўтказувчанлиги бузилади, юрак мушаклари ва хужайралари зайифлашиб кетади.

Ел туфайли – ошқозон ичакларда пайдо бўлиб қон томирлар орқали юрак тўқималарига бориб қолади.

Шишлар – иссиқ ва совуқ шишлар: Иссиқ шишлар абцес ва йирингли жараён билан кечадиган ҳолатдир. Совуқ шишларда яхши сифатли ўсмалар ва кисталар. Маълумот бўйича юракда шишлар кам учрайди.

Узлуксизлик бузилиши –қон ва қувватнинг юракга борадиган йўлларида шикастланиши билан кечади. Захар ичиш, захарли хашораклар чақиши, юқумли касалликлар организмдаги гижжалар ҳам хафақон касалигига олиб келиши мумкин.

Хамкорлик сабабли келиб чиқадиган хафақонлик қуйидаги ҳолатларда юзага чиқади. Иситма, кучли оғриқлар, тошмалар, қаттиқ қусиш туфайли юзага чиқади. Хамкор ва қўшни

аъзолар туфайли келиб чиқадиган хафақон, ўпка тиқилмалари ва ялиғланиши, нафас этишмовчилиги билан кечадиган ҳолатларда, меъда ва ичаклар туфайли ҳамкор аъзолар МНС туфайли жигар ва жинсий аъзолар туфайли ҳам хафақонлик келиб чиқади.

Хафақонлик касаллиги замонавий медицинада қайси касалликга тўғри келади.

Гипертоник касаллик, стенокардия, миокардиодистрофия, миокардит, перикардит, ИБС, аритмиялар, кардиомиопатия касалликларида.

Хулоса: Хафақон касаллиги битта касаллик бўлмай балки бир неча ўнлаб касаллик бўлар экан. Даволаш ҳам шунга яраша ҳар бир кишининг мизожи ва индивидуал ҳолати ҳисобга олиниб муолажа килинган.

МИЗОЖ ХАҚИДА ТУШУНЧА

Сафаров А.Ж.

Тошкент тиббиёт академияси

Мизож – танадаги турли қувватлар ва энергиянинг бир-бирига таъсири натижасида келиб чиқадиган фаолият туридир. Мизож таркиби руҳий қувват ва энергиядан иборат. Мизож ейдиган таомларимиздан, теварак-атроф ва муҳитдан, яъни ҳаво ва қуёш нуридан, турли хил тўлқинлар ва ҳоказолардан қувват олади. Мизож – танамиз ва марказий бошқарув тизимини боғлаб турадиган воситадир. Мизожнинг асосий вазифаси танадаги аъзолар фаолиятининг ижрочиси сифатида иштирок этишидир. Марказ буйруқ беради, мизож эса уларнинг тана аъзолари ва ҳужайраларга етиб боришини таъминлайди. Ўз навбатида, мизож аъзо ва ҳужайралардаги ахборотни марказга етказиб беради. Шу тариқа тана аъзолари ва марказий бошқарув тизими орасидаги ахборот алмашинуви узлуксиз давом этади ва мизож ана шу жараённинг тизимли равишда ишлашини таъминлайди. Мизож марказ ва тана аъзолари ўртасидаги ўзаро боғловчи-воситачи вазифасида намоён бўлиб, ўзи мустақил равишда бирорта аъзо ёки ҳужайра пайдо қила олмайди. Агар шу тизим бузилса, ҳар хил касалликлар келиб чиқади. Мизожнинг қувватланишини қуйидаги мисол билан тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Мисол учун, бир дона олма истеъмол қилдик. Олма меъдага тушиб, парчалана бошлайди. Ҳазмда иштирок этадиган етгита қисм (зона) таъсирида ундан икки хил хилт пайдо бўлади:

1. Қон+балғам.
2. Сафро+савдо.

Таом ошқозонга тушгач, оқсил, углевод, ёғларга парчаланиб, аминокислота, углевод, микроэлемент ва бошқа моддалар пайдо бўлиши замонавий тиббиётда аниқланган. Масориқа1 бериб, кеттомир оркали жигарга борган хилт тўрт қисмга ажралади:

1. Қон.
2. Балғам.
3. Сафро.
4. Савдо.

Булар танадаги аъзо ва ҳужайраларга тарқалади. Замонавий тиббиётга кўра эса, жигарда қайта ишланган моддалар аъзо ва ҳужайраларга юборилади, кейин оксидланиш-қайтарилиш реакциясига учраб, ёниш натижасида энергия (иссиқлик) пайдо бўлади (Кребс цикли). Бу энергия ўз навбатида мизожни озиклантиради. Замонавий тиббиёт шу энергия ажралишигача бўлган жараёнларни чуқур ўрганган, аммо энергиянинг қаерга кетиши ҳозирча тўлалигича ўрганилмасдан қолмоқда. Яна юқоридаги мисолимизга қайтадиган бўлсак, олма меъдада парчаланиб, ҳужайраларда энергия ажралишига сабаб бўлади. Шу хулосалардан келиб чиқиб айтамикки, инсон танаси уч қисмдан иборат экан: Тана-аъзолар, ҳужайралар, тўқималар, қонтомирлар ва ҳоказолар.

Марказий бошқарув тизими; бу тизим ҳам уч қисмга бўлинади:

а) марказий қисм юракда жойлашган бўлиб, бутун танани энергия билан таъминлаб туради; ёрдамчи қисми эса артерия қон-томирларида жойлашган бўлади;

б) марказий қувват бош мияда, ёрдамчи қисми нейронларда жойлашган. Бу марказ қувватни юракдаги марказдан олади. Бу марказни нафсоний қувват ҳам деймиз. У инсон танасидаги ҳис-туйғу, ҳид билиш, эшитиш, ҳаракат, ҳар хил сезгиларни бошқаради;

в) жигарда жойлашган бўлиб, ёрдамчи қисми вена қон-томирларида жойлашган. Қувватни юракдан олади, танамиздаги аъзо ва хужайраларнинг озикаланиши, модда алмашинуви, насл қолиш учун хизмат қилади.

3. Мизож тана билан марказни боғлаб турувчи вазифани бажаради, лекин бир томондан танага, иккинчи томондан ёрдамчи қувватларга қоришиб кетган бўлади.

ПОДХОД ЛЕЧЕНИЯ ДИАБЕТА 1-2 ТИПА С ТОЧКИ ЗРЕНИЯ КИТАЙСКОЙ МЕДИЦИНЫ

Проф. Михаэль Сач

Фонд Авиценна, Израиль

Диабет на сегодняшний день является эпидемией которая распространяется во всем мире. В настоящее время в Соединенных Штатах насчитывается свыше 20 миллионов диабетиков и у 8 миллионов существует предрасположенность к диабету. Ежедневно у 20000 новых пациентов диагностируется диабет обоих типов. Диабет первого типа - инсулинзависимый диабет второго типа – резистентность к инсулину. Диабет является седьмой по значимости причиной смерти в США и основной причиной слепоты и нефритного заболеваний почек ожирения повышения липидов. В Израиле число диабетиков можно оценить в 250- 300 случаев в году. Ожидаемая продолжительность жизни диабетиков по-прежнему ниже ожидаемой продолжительности жизни здорового населения примерно на 5 лет. Традиционная фитотерапия, как и китайская, так и западная, имеет первостепенное значение для лечению травами, которые имеют значительную терапевтическую ценность при диабете. Традиционная медицина является богатым источником научных исследований в открытии активных антидиабетических ингредиентов, в использовании разнообразных трав, так и в исследованиях и разработке специальных запатентованных формул, основанных на тысячелетнем традиционном клиническом опыте в сочетании с действительными фитохимическими и клиническими исследованиями. В этой статье рассматриваются последние исследования в области лечения диабета на основе фитотерапии в Китае. Целью обзора является расширение научной базы и придание научной обоснованности травам и запатентованным формулам, используемым в медицинском применении. Другая цель состоит в том, чтобы сравнить или провести параллель с традиционной травяной терапией в свете последних открытий в научных исследованиях, касающихся лечения диабета. Статья основана на серии исследовательских работ, выполненных в Китае академическими и медицинскими исследовательскими институтами в течение 20 лет. Метод рецензирования Проведен обзор 30 известных запатентованных формул лечения Диабета. Все формулы и травы, представленные в этой статье: признаны Управлением по санитарному надзору за качеством пищевых продуктов и медикаментов Китая как предназначенные для лечения диабета и появляются на официальном сайте администрации Прошли высококачественные клинические исследования на людях и было доказано эффективность.

Диабет был признан в китайской медицине на протяжении тысячелетий. Первые сочинения, в которых упоминается патологическое состояние, напоминающее симптомы болезни, относятся к 1800 году до нашей эры. В Книге Желтого Императора около 200 г. до н.э. фраза Кэ Сяо была закреплена для описания болезни.

Сахарный диабет, что дословно переводится как «жажда и мочеиспускание». Согласно этому древнему источнику, заболевание развивается в результате чрезмерного употребления сладкой, жирной или калорийной пищи, которая встречается у состоятельных людей. Это первый в мире текст, связывающий диету и образ жизни с развитием болезни. Эта идея также была широко выражена клинически известным врачом Чжан Чжун Цзином в 200 году, который написал десятки травяных рецептов для лечения этой проблемы. В то же время Диетологическое лечение на Западе (до середины 1800-х годов! (Это включало в себя увеличение количества пищи и даже увеличение количества сахара, чтобы справиться с потерей жидкости и веса. С этого времени связь между образом жизни в целом и образом питания в частности стала более важной в китайской литературе в успехе лечения. Врач Сунь Си Мяо добавил эмоциональную связь как часть причин развития заболевания. В своей книге «Важные формулы равны золоту» он пишет:

Беморни узоқ кутмадим. 2020 йил май ойида Тошкент шаҳридан бир қурувчи йигит қишлоққа қайтиб келди. Тез ёрдам бўлимига кириб ўзини текшириб қўйишни сўради. Йигитнинг ҳолати яхши, ҳеч қандай касаллик белгиси ва аломатлари йўқ, кайфияти аъло, кучга тўлган бақувват йигит. Мен унга карантин қоидаларини тушунтириб уйдан чиқмасликни тушунтирдим. Ҳайрон бўлдим соғлом бўлса нега мени ёнимга келди деб. Кейин маълум бўлишича, бу йигит Тошкентда қурилишда ишлаган ва у ишлаган қурилиш бригадасида ҳамма COVID-19 касаллигига чалинган. Уларнинг 2 нафари шу касалликдан вафот этган. Ишлагани шерик қолмагани учун уйига қайтиб келган. Эртасидан бошлаб бу йигитда коронавирус белгилари кўрина бошлади, тана ҳарорати 40 даражага кўтарилиб, нафас етишмовчилиги ва ўлим ваҳимаси пайдо бўлди, кечкурун госпитализация қилинди. Беморда кучли безовталиқ кузатила бошланган эди.

Хуллас менда шу касалликни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) тавсиясидан ташқари даволаш усулини қидириш ҳаракати бошланди. Мен ўзимга-ўзим савол қўйдим “Агар ибн Сино тирик бўлганида шу касалликни даволай олармиди? У бу касалликни даволаш учун нима қилган бўлар эди? Вирусга қарши қандай воситаларни ишлатар эди? Тана ҳарорати кўтарилишига қарши нимани ишлатар эди? Таъм билиш ва ҳид билишни йўқолишига қарши, нафас қисилишига қарши, қувватсизликка қарши, ваҳимага қарши нималарни қўллаган бўлар эди? Парҳез масаласида нималар қилган бўлар эди?”

Албатта ибн Синонинг мавжуд китобларини кўпини ўқиб чиқиб, бу касалликка бир эмас бир неча усул қўллаган бўлар экан деган хулосага келдим. Чунки юқоридаги саволлар учун кўплаб ечимларни ибн Синонинг китобидан топган эдим. Лекин бу усулларни синаб кўришга вақт ҳам, имконият ҳам менда йўқ эди. Қисқа вақтдан сўнг беморлар сони тез ошиб, ибн Синони тавсиялари бўйича беморларни даволай бошладим. Албатта бемор билан олдиндан табобат ва замонавий тиббиёт усуллари биргаликда қўллашга келишиб олдим.

Ибн Сино қирқ кунлик ялпиз дамламаси ҳақида шундай ёзади: у диққинафас касаллигига шифодир (бронхиал астма). Гиёҳни қирқ кунлик бўлмасдан, ҳали биринчи момақалдинок чалмасдан, ҳали илон ва калтакесак бу гиёҳни ораламасдан олдин териб олинса кучли даволаш

таъсирига эга бўлади деб ёзган.

Ҳид билишни тиклаш учун исирикни тавсия қилган. Таъм билишни тиклаш учун анор шарбатини тавсия қилган (иштаҳани ҳам очади).

Тана ҳарорати кўтарилишига қарши – чўмилиш ва баданни сув билан намланган мато билан артиш, лимон шарбатини ичишни тавсия қилган.

Ўлим васвасасига ва кўркувга қарши ухлатувчи йиғма доривор гиёҳларни тавсия қилган. Ибн Сино одамни ухлатувчи воситаларни кўпини билган ва қўллаган. У билган даво воситаларини айримлари ҳозир тақиқланган. Масалан: қора дори – бу кучли тинчлантирувчи, оғриқ қолдирувчи, ухлатувчи восита ҳисобланади. Лекин мен ундан фойдаланмадим.

Вирусга қарши занжабил қўшилган асал.

Парҳез бўйича эса қуйидагилар тавсия этилган:

1. Қайнатиб совитилган сув, қимиз.

2. Сутли овқатлар.

3. Қўй ёғи думбаси жаззаси

4. Анорни сиқилган суви.

5. Шўрвалар.

Албатта бу доривор воситаларини аввал ўзимда синаб кўрдим. Ялпиз дамламасини ичганингиздан сўнг нафасни енгиллаштиради, гўё иккинчи нафасингиз очилади. Бу нимани ҳисобига:

а) бронх ва алвеолаларни кенгайиши, қонни суюлиши кузатилади.

б) катта қон айланиш доирасида қон босимини пасайтиради.

в) кичик қон айланиши доирасида қон айланиши (кровоток) тезлашади.

Orbit сақичини чайнаганингизда димоғингиз очилиб нафас очилади, оғиз бўшлиғи тозаланади, енгил нафас ола бошлайсиз. Бунга сабаб сақич таркибида ялпиз мойини мавжудлиги.

Занжабил қўшилган асал. Бу аччиқ асал (тенг ҳажмда асал ва занжабил). Асосан ангинода, аллергия йўталга, бронхитларга қарши аслида энг кучли восита ҳисобланади. Лекин замонавий тиббиётда ундан фойдаланилмайди. Коронавирусга чалинган беморда йўтал хуружларини мустақил 3-4 кунга қолмасдан даволайди.

Қўй ёғи думбаси жаззаси ва қимиз. Ўзи эътибор берган бўлсангиз қимиз туберкулёзни даволашда қўлланилади. Бу икки неъмат ўпка сурфактантини синтезланиши учун биологик манба ҳисобланади. COVID-19 касаллигига чалинган беморга 2 та нарса етишмайди: биринчиси беморни нафаси қисади, иккинчиси беморда уйку бўлмайди ва ўлим ваҳимаси бўлади. Бундай вазиятда беморни ухлатиш керак. Бунинг учун мен ибн Сино рецептлари бўйича Ўзбекистон халқ табобати академияси томонидан тайёрланган “Осиё” 778 дамлама учун доривор гиёҳлар тўпламини қўлладим. Бу дамламани ичган ҳар қандай бемор осон ухлайди, кучли восита. Даволашнинг 2-3 кундан бошлаб ўлим ваҳимаси йўқола бошлади. Чунки беморлар тўйиб нафас ола бошлади.

COVID-19 касаллигини кучли изтиробли йўтал билан кечадиган турида – йўтал белгиси 100% барча беморларда 2-3 суткада йўқолди. Бунда занжабил қўлланилди.

Қўй думбаси жаззаси ва анорни сиқилган суви қўлланилганда 95% беморларда 3-4 суткада иштаҳасизлик йўқолди.

Табобат ва тиббиёт усуллари бирга қўлланилганда, даволанган беморларни 3% вафот этди.

Даволанган беморлардан айримларидан ҳақиқатдан табобат усулларида фойдаланиб даво топганлари ҳақида тилхатлар ҳам олинди.

Хулоса: ибн Сино тавсиялари бўйича COVID-19 касаллигини даволаса бўлади. Мен бу фикрларни амалий тажрибаларимга асосланиб айтяпман. Оргимда мендан миннатдор соғайган беморлар турибди. COVID-19 касаллигини асоратини қирқи чиқмаган ялпиз дамламаси билан даволашни тавсия қиламан. Шу гиёҳни яратиб, COVID-19 касаллигининг шифосини ато қилган Аллоҳга мақтовлар бўлсин.

АЗИЗ ВА МУҲТАРАМ ЛИБОС

Табибова М.В., Исмоилов И.

Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси

Тиббиёт ва фалсафа бир-биридан ажралмас йўналишлардир. Ҳаёт ва ўлим фалсафасини англаб етган шифокор энг яхши шифокордир. Ўз даврининг атоқли шифокорлари Гиппократ, Гален, Абу Бакр Розий, Ҳусайн ибн Сино фалсафани яхши билганлар, улар ҳам вужудни, ва ҳам руҳни даволаганлар. Шифокорлар отаси Лукмони Ҳаким (Алкмеон) пайғамбар мақомига муносиб кўрилган.

Бу буюк шифокорлар, «бемор, табиб ва касалликдан иборат учлик жангида агар бемор табиб билан бирлашса, якка қолганни енгиш осонлашади, бунинг акси бўлса, касаллик ғолиб чиқади» деган пурмаъно фикрни амалиётга киритганлар.

Тиббий фалсафанинг ажралмас қисмларидан бири бу, шифокорларнинг профессионал кийими бўлган оқ халат ҳисобланади.

Оқ ранг – тозалик, оддийлик, энгиллик, софлик, очик кўнгилликни ифода этади. Оқ ранг – илоҳий поклик ва юксак ишонч белгиси ҳисобланади. Оқ ранг поклик ва инсонпарварликни рамзий ишораси бўлиб хизмат қилади. Оқ ранг – қутқариш рамзи, оқ рангли кийимлар эса аксарият ҳолларда халоскорлар кийими ҳисобланади.

Оқ ранг серғайратликга, профессионалликка ундайди, бор кучини сарфлаб меҳнат қилишга истак уйғотади, поклик, маъсумлик, ифбатлилик, ҳалоллик, бенуқсонликга ишонч туғдиради, миждозларга ўзгача ижобий таъсир кўрсатади ва ўзгача ҳис-туйғу пайдо қилади.

Энг инсонпарвар касб эгалари бўлган тиббий ходимларнинг оқ халати – шифокорларнинг обрў-эътиборининг ажралмас қисми, уларнинг қақирув гувоҳномаси, мутахассислик тимсоли, беморларни касаллик мусибатидан қутқариш рамзидир.

Оқ халат мутахассисни халқ орасида жуда обрўли, муҳим аҳамиятга эга кишилигини эътироф қилиб кўрсатади. Халат сўзи шарқ халқлари тилидаги «hil at» сўзидан келиб чиққан бўлиб, араб тилидан «азиз, муҳтарам либос» деб таржима қилинади.

Назар-эътиборга лойиқки, тиббиётнинг рамзига айланган тиббий оқ халатни ким биринчи бўлиб таклиф қилганини, тиббий ходимларга кийдирганлигини ҳақида хилма-хил тахминлар юришига қарамай, тадқиқотчилар ҳозиргача бир аниқ хулосага келмаганлар.

Қарийб уч минг йил давомида оқ рангли кийимдаги муҳтарам шифокорларга ва уларга тенглаштирилган кишиларга эҳтиром кўрсатиб мурожаат қилишган ва очик чеҳра билан, яхши кутиб олишган.

Тахминларга биноан, қадимги Римда одамлар қондан ҳимояланиш учун оқ халатни ишлатишган. Оқ халат қадимий роҳибларнинг кийимларини хилларидан бири деган тахмин ҳам мавжуд.

Шарқ афсонасига биноан, қадимий зардўштийларнинг (оташпарастрлар) муқаддас китоби Авестода ёзилишича, ўша даврдаги даволовчиларнинг даволаш маросимида киядиган либоси оқ халат, оқ қалпоқ, оғиз ва бурунни ёпиб турувчи оқ боғич бўлган ва поклик рамзи ҳисобланган. Зардўштийлар даврида шифокорларни Коҳинлар (фаришта) олий ижтимоий табақаси билан тенглаштирганлар.

Араб тиббиёти ривожланган даврларда яшаб фаолият юритган Мисрлик шифокор, астроном ва астролог Али ибн Ридван X аср охирида шифокорларни бекам-кўст тоза ва афзалроқ бўлган оқ кийим кийишга қақирган.

Буюк энциклопедист олим, «Шифокорлар кироли» Ҳусайн ибн Сино (Авиценна) фақат араб халифалари кийишига рухсат этилган оқ халатни шифокорлар кийиши кераклигини энг аввал айтган ва тавсия қилган. Шифокорлар мавқеини халифалар даражасигача кўтаришга замин тайёрлашга эришган.

Араб халифалари ҳукмронлиги даврларида фаолият юритган бежирим оқ либосли шифокорларга ахлоқ қоидаларни назорат қилувчи ҳакамлик вазифалари ҳам юклатилган. Ахлоқий поклик ва виждонан яшаш соғлом турмуш тарзининг зарурий шартларидан бўлган.

Араб халифаларининг анъанавий кенг, бутун вужудни ёпиб турувчи оқ кийими Арабистон, Фаластин ва Суриянинг қадимий қабилалари кийимидан мерос бўлиб қолган.

Буюк Британиялик машҳур жарроҳ, антисептиканинг тарғиботчиси Джозеф Листер 1867

йилдан шифокорларнинг оқ халат кийишларини таклиф қилиб, бошлаб берган. Шифокорлар қўлларини яхшилаб ювишларини, қўлқоп кийишларини, кийимларига етарлича карбол кислотаси сепишларини тарғибот қилган. Оқ рангни танлаш тозалик нуқтаи назарига асосланган.

Аввалига оқ халатни олимлар кийишган деган тахминий фикр ҳам мавжуд. XIX асрда тиббиёт тез ривожланган ва кўзга кўринарли ютуқларга эришган. Шифокорларни бошқалардан ажратиш, имиджини ўзгартириш керак бўлган ва тиббиётни илм-фанга яқинлаштириш эҳтиёжи туғилган. Буни осон ҳал қилишни йўли, шифокорларга оқ халат кийгизиш бўлган.

Хуллас, шифокорларнинг профессионализмга мансуб уст-боши, поклик рамзи ҳисобланган оқ халат, оқ калпоқ, оғиз ва бурунни ёпиб турувчи оқ боғич шифохоналар кундалик ҳаётига одат бўлиб кириб, асептикага беқиёс ҳурмат белгисидир.

Докадан қилинган оғиз ва бурунни ёпиб турувчи оқ боғич 1918 – 1920 йилларда пандемияси кузатилган «Испан» гриппи пайтида амалиётга киритилган.

Оқ халат кийган шифокорларга ишонишади. Елкасига оқ халат кийган шифокорлар ўзларига ишонадилар.

Оқ халат кийиб элга хизмат қилаётган ажойиб шифокор ва доришунос мутахассисларга барча кишилар ҳавас қилишади ва жуда яхши муносабатда бўлишади. У инсонларнинг елкаларига оқ халат жуда ярашади. Хуллас, кўпчиликнинг ёшлиқдан ҳаваси яхши шифокор бўлиш, оқ халат кийиб элга хизмат қилиш, ҳурматга сазовор бўлишдир.

Тиббий ходимларнинг профессионал кийимини амалиётга киритган бобокалон ким бўлишидан қатъий назар, тиббий оқ халат шифокорларнинг анъанавий, касбига оид кийими бўлиб қолади.

CONTRIBUTION OF AVICENNA IN THE DEVELOPMENT OF ANATOMY

Teshayev Sh.J., Khasanova D.A.

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sino

The purpose of the study. Study of Ibn Sina's legacy in the development of medical science

Materials and methods. Studied magazines, materials of scientific conferences, as well as other information sources for the collection of reliable information about the role of Ibn Sino's legacy in the development of anatomy.

Results and discussion. Historical development of Central Asia in the IV-XI centuries has undergone a series of shocks that led to some peculiarities of the Central Asian region of that era. In V-VII centuries the territory of Central Asia was subjected to strong pressure from the backward nomadic tribes. Only by the middle of VII century began to establish itself feudal relations. In VII-VIII centuries Central Asia and the Caucasus, was conquered by the Arabs. In the IX century by the decline of power of the Arab Caliphate strengthened the Tajik dynasty of the Samanids (819-999), which was replaced by the dynasty of Karakhanids. In the eleventh century the latter became the vassals of the Seljuks. To the IX-X centuries on the territory of Central Asia there are a number of economic, political and cultural centers. Among them a prominent place occupied Bukhara and Khorezm. Major research institutions was the library of the Samanids in Bukhara and the Academy in Khorezm.

One of the largest scientists of that era who left an appreciable trace in the history of anatomy, as writes V.V. Kupriyanov, is Avicenna Abu Ali al Husain Ibn Abdullah Ibn al-Hasan Ibn Ali Ibn Sina (980-1037). His famous “Canon of medical science” for 5 centuries served as the main tool for medical schools in Europe and Asia. Ibn Sina was well aware of ancient authors and their works extensively explained and commented on the biological concepts of Aristotle, theories and recommendations of Hippocrates and Galen. His writings on anatomy was highly valued and they are often referred to Leonardo da Vinci and Vesalius. Ibn Sina (Avicenna) correctly identifies the main functions of the skeleton. The structure, the shape of the bones connect with their function correctly treating them with the scientific atheistic positions. So, when his contemporaries attributed sesamoid bones mystical, supernatural appointment, Ibn Sina approaches this question with the only correct scientific point of view. In some matters is not only ahead of Galen (the number of foot bones, description of the coccyx), but also ahead of Vesalius (a separate description of the nasal bones, the definition of ischial bone).

Avicenna gives mostly correct classification of joints, which is close to modern. He was known not only all the basic elements of the joints (articular surfaces, articular cartilages, articular cavity with the synovial fluid and articular capsule), but many additional elements (sesamoid bone, intra-articular ligament, articular cartilage, etc.). And in certain matters of Ibn Sina goes further than his predecessors (cranial sutures, the value of the transverse ligament of Atlanta, etc.). Ibn Sina correctly noted the main functional hallmark of skeletal muscles from smooth: the first assigns an arbitrary motion. The second is involuntary. Ibn Sina considers the function of the muscular system close to modern anatomists, noting in the muscle the following features: the presence of fascia, methods of attachment via tendons, contractile ability of the muscles, innervation and blood supply to them. Description and interpretation of some of the muscles is progressive not only compared with Galen (own muscles, lips, digastric, supraspinatus muscle, intercostal muscle, latissimus dorsi, short muscles of the thumb muscles, "located under the esophagus", the beginning of the rectus femoris), and Vesalius (interpretation of the intercostal muscles, description of the extensor of fingers).

Description of some divisions of the digestive system of Avicenna, this fuller and more correct in comparison with his predecessors (oral cavity and pharynx. The esophagus, its curves, the topography of the stomach, pylorus, intestine, spleen, pancreas, mesentery, etc.) and later (Leonardo da Vinci, A. Vesalius) anatomy (oral cavity and pharynx, the definition of the cecum, the wisdom tooth, the presence of the substance of the enamel in the teeth, etc.). Description of anatomy (and physiology) of the respiratory apparatus of Ibn Sina more progressive compared to its predecessors (the value of the vocal cords, anatomy and topography of the larynx, trachea, lungs). He described in detail the anatomy of the external nose and function of the nasal cavity.

Avicenna more accurately determine the topography and the location of the heart with its serous membrane. Correctly described the structure of the bicuspid, tricuspid and aortic valves, pinpointed the role of the valves. Some issues of anatomy of the nervous system of Ibn Sina is very close to A. Vesalius, and in some issues ahead of him (in the differentiation of nerve function, the number of cervical spinal nerves). He correctly identified the area of innervation of the cranial ("the organs of the head, face and internal parts of the body") and spinal nerves (trunk and extremities). The main function of the nerve fibers Ibn Sina considers the holding of "sensation and movement" and distinguishes between sensory, motor and mixed nerves. He brilliantly foresaw the reflex function of the nervous system, being in this respect a predecessor of I.M. Sechenov and I.P. Pavlov.

Ibn Sina Avicenna belongs to the first correct description of the anatomy not only of the eyeball and auxiliary apparatus of the eye. He, unlike his predecessors, treats the eye in unity with the optic nerve and the brain, etc. as the visual analyzer. First to prove that the image is given by the retina, not the lens.

Conclusions. Anatomy of human organs in Ibn Sina presented in close connection with their function and scientific, atheistic position that gives reason to believe that his brilliant predecessor Andrew Vesalius. It gives the anatomy of deep practical importance.

ИЗУЧЕНИЕ ГИПОЛИПИДЕМИЧЕСКОГО И ПРОТИВОВОСПАЛИТЕЛЬНОГО ЭФФЕКТА ОТВАРА «ЯНТАК» У ПАЦИЕНТОВ С ИШЕМИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНЬЮ СЕРДЦА НА ФОНЕ СТАНДАРТНОЙ ТЕРАПИИ

Тулабоева Г.М., Талипова Ю.Ш., Сагатова Х.М., Абдукодирова Н.М., Хусанов А.А.

Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников

Актуальность. Несмотря на то, что сведения о применении целебных свойств растений своими корнями уходят в древние времена, актуальность использования лекарственных растений в последние десятилетия значительно возросла. Это связано со многими преимуществами в использовании фитопрепаратов по сравнению с синтетическими лекарственными средствами. Биологическое родство растительных средств и организма человека, малая токсичность и возможность длительного применения без существенных побочных эффектов, их комплексное воздействие на организм расширяет наши представления в отношении повышения комплаентности к терапии.

В связи с этим, важнейшей задачей, стоящей перед фармацевтической наукой, является создание лекарственных средств из лекарственного растительного сырья адаптогенного действия,

роль которых в медицине и других областях человеческой деятельности значительна. Растительные средства стимулируют защитные силы организма, повышая его работоспособность и сопротивляемость к неблагоприятным внешним факторам. В настоящее время, имеются все предпосылки для того, чтобы народная медицина, как отрасль знаний и составляющая национальной культуры, сформировалась в самостоятельное научное направление, лежащее на стыке таких наук, как физиология и экология, с учетом знаний особенностей формирования национальных культур.

Цель. Изучить гипополидемический, противовоспалительный эффекты отвара травы верблюжьей колючки (чая Янтак) у пациентов со стабильными формами ишемической болезни сердца.

Материалы и методы исследования: в исследование включены 80 (100%) пациентов со стабильными формами ишемической болезни сердца (ИБС), в частности со стабильной стенокардией напряжения ФК I–II и III, среди них 30 (37,5%) женщин и 50 (62,5%) мужчин в возрасте от 55 до 72 лет ($63,4 \pm 7,1$). Из числа обследованных лиц у 23 (28,8%) пациентов по анамнестическим данным отмечалось наличие перенесенного инфаркта миокарда с давностью от 7 до 10 месяцев. Средняя длительность ИБС составляла $8,2 \pm 2,5$ лет, стабильная стенокардия напряжения I–II ФК отмечалась у 52 (65%) и III ФК у 28 (35%) пациентов.

Пациенты в зависимости от проведенной терапии методом «случайной» выборки были разделены на 2 группы: 1-группа (основная - 40) на фоне базисной терапии был назначен «Янтак» в течении суток от 0,5 до 1,0 литра в день и 2 группа (контрольная - 40) получавшие только базисную терапию (бета-блокаторы, гипополидемические препараты, антагонисты кальция, антиагреганты и при необходимости нитраты короткого действия в качестве антиангинального средства). Изучаемые группы были сопоставимы по возрасту, полу, длительности заболевания и сопутствующим заболеваниям.

Результаты исследования и их обсуждение. Анализ полученных данных в процессе 2-месячной терапии в обеих группах продемонстрировал положительную динамику по клиническому статусу и данным лабораторно-инструментальных показателей, при этом отмечена значимая тенденция положительной динамики у пациентов в основной группе. На фоне 2-месячной терапии с добавлением к стандартной антиишемической, антиангинальной терапии ИБС отвара «Янтак», отмечена положительная динамика по снижению показателей систолического (САД) и диастолического (ДАД) в группах динамического наблюдения с достоверным снижением уровня АД в основной группе.

Динамика терапии у пациентов обеих групп продемонстрировала положительный гипополидемический эффект (на фоне стандартной терапии ИБС). Результаты показали снижение уровня общего ХС (в основной группе группы на 21% ($p < 0,01$), в контрольной группе на 18% ($p < 0,05$), снижение ЛПНП на 20 % ($p < 0,05$) в основной группе и на 8% в контрольной группе. Наряду с этим наблюдается относительное повышение содержание ЛПВП на 10% ($p < 0,05$) в основной группе и на 6,5% в контрольной группе. Динамика показателей липидного профиля у пациентов основной группы представленная (рис.3) показывает, что добавление к основной терапии отвара «Янтак» положительно влияет на параметры липидного обмена в плане достоверного снижения общего холестерина с тенденцией снижения других показателей атерогенности, в сравнении с данными полученными в контрольной группе.

Выводы: применение отвара «Янтак» на фоне стандартной терапии стабильных форм ишемической болезни сердца продемонстрировало потенцирование гипополидемической эффективности (по снижению параметров атерогенной фракции и тенденции повышению антиатерогенной фракции), выявлен противовоспалительный эффект (по тенденции снижения уровня ИЛ-6 и высокоспецифического СРБ), а также продемонстрировало положительную динамику клинических показателей по снижению количества приступов стенокардии и потребности в таблетках нитроглицерина.

МЎМИНЖОН ҲАКИМ – XX АСРНИНГ БУЮК ТИББИЁТ АРБОБИ

Турдиева Г.Т.

*Ўзбекистон халқ таъботи ассоциацияси аъзоси,
“Жавоҳирлар таъботи” тиббий маркази асосчиси*

Жаҳон тиб илмининг буюк намояндаси, табиблар султони Абу Али ибн Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино (980-1037) комусий олим бўлиб, бугунгача унинг 242 та асари етиб келган. Улардан 80 таси фалсафа, илоҳиёт соҳаси ва тасаввуф таълимоти, 40 таси тиббиёт, 19 таси мантиқ, 26 таси психология (руҳшунослик), 23 таси табиатшунослик, 7 таси астрономия, 1 таси математика, 2 таси алхимия, 9 таси ахлоқ-одоб, 4 таси адабиёт ва 8 таси эса олимлар билан илм-фаннинг турли муаммоларига тааллуқли ёзишмалардир. Ибн Сино фалсафасининг асосини инсоннинг ўз хилқатини англаши, юксак ахлоқий фазилатларга эришиш муаммолари, руҳий соғломликка интилиш, эзгулик учун интилиш, инсоннинг Борлик билан гармонияга киришиши лозимлиги ғоялари ётади.

Олим “Тадбири манзил” рисоласида кишидаги ижобий ва салбий хусусиятлар ижтимоий ҳаётда шахсий ва ўзгалар таърибаси, аждодлар анъаналари, урф-одатлар, расм-русумлар, таълим-тарбия, ўзгаларнинг маънавий-ахлоқий таъсири натижасида шаклланади, деб таълим беради. Аллома инсон ахлоқий камолотининг чексиз имкониятларга эга эканлигига ишониб, унинг рўёбга чиқиши инсон ва жамиятнинг реал имкониятларига боғлиқдир, дейди.

Абу Али ибн Сино аёлларнинг бола тарбиясидаги ўрни катта эканлигига эътибор берган. У оилада эр-хотин ўртасидаги ўзаро ҳурмат-иззат, бамаслаҳат иш тутиш, самимий оилавий муносабатлар таълим-тарбия самарадорлигининг асосий негизидир, деган хулосага келади. Аллома аёл киши оқила ва иймон-эътиқодли, шарм-ҳаёли, ор-номусли, зийрак ва фаросатли, ёқимтой, эрга меҳру муҳаббатли, итоаткор, дили пок, эрининг орқасидан ғийбат қилмайдиган, покиза, вазмин, жиддий ва виқорили, оғир дамларда турмуш ўртоғига дардкаш, меҳрибонли, сабр-қаноатли бўлса ҳақиқий мураббий дейишга лойиқдир деган.

Ибн Сино бу вазифа биринчи галда оилага тааллуқли эканини асослаб беришга уринади. У жаҳон педагогикаси тарихида биринчилардан бўлиб фарзанд тарбиясида оқила аёл кишининг салоҳиятини кўтариш зарур эканига алоҳида эътибор қаратган эди.

Аллома ўз асарларида жуда кўп ҳикматли сўзларни ёзиб қолдирган. Масалан, у ўз соҳасини таърифлаб шундай ёзади: “Тиб шундай бир илми, у билан одам жуссасининг соғлиқ ва касаллик жиҳатидан ўрганилиб, унинг мавжуд соғлиғи асралади ва йўқотилган қуввати тиклаб берилади”.

Ибн Сино коинотдаги тўрт унсур - ер (тупроқ), сув, ўт-олов, ҳаво - тўрт унсур табиатнинг бошқа бўлакларга бўлинмайдиган жузвлари деб ҳисоблаган. Унингча, ер унсурининг коинотда мавжуд бўлиши тутишга, барқарорликка, шакл ва тузилишнинг сақланишига ёрдамлашади. Сувнинг коинотда бор бўлиши мавжуд бўлакларнинг майин-юмшоқ қилиш, улардан исталган шакл ва суратларни яратиш учундир. Сув текисликлар ва тузилмишларни ўзгартиришни осонлаштиради. Ҳавонинг коинотда борлиги мавжуд нарсаларнинг сийракланиши, латиф бўлиши, енгил бўлиши ва кўтарилиши учун хизмат қилади. Ўт-оловнинг коинотда мавжуд бўлиши бошқа унсурларнинг етилиши, латиф бўлиши, аралашishi, улар орқали ҳавога тегишли моддаларни етказиш, ер ва сув аралашган нарсалардан совуқни етказиш учундир.

Буюк файласуф Ибн Сино эркак кишининг уруғи сув ва оловдан таркиб топган, хотин кишининг уруғи ер ва сувдан таркиб топганлигини тушунтириб, бу икки қарама қарши унсурлар бирикканда боғланади ва қотади, янги вужуд ҳосил бўлади. Бу қотган жисм тош ва шиша каби каттиқ бўлмай, жонланувчи, ривожланувчи, каттарувчи, яна бўлинувчи хусусиятга эга, дейди. Бунинг ҳикматини ноқис ақл тўла англаб ета олмаслигини уқтиради.

Ибн Сино буюк табиб бўлиш билан бирга диний билимларни чуқур билган, инсон руҳиятига алоқадор тасаввуф таълимоти билан ўз нафсини тарбиялаган файласуф бўлган. У ўз шогирдларига, замондошларига шундай маслаҳатлар ёзиб қолдирган: “Қундалик



ризқ жуда кўп, кайгураверма. Мол орттираман, деб ўзингни кўп қийнаверма. Чунки ҳар ким ўз насибасидан ортиқ битта дон ҳам ея олмайди”.

Улуғ мураббий ўз фалсафий асарларида кишиларни дунёпарастликнинг зараридан эҳтиёт бўлишга чақириб шундай дейди: “Молинг кўплиги сени алдаб қўймасин, асраган мол-дунёнинг бошқаларники бўлади. Уларни савоб ишга сарф этсанг, ўша сеникидир”. У вақтдан унумли фойдаланиш зарурлигини кўп бор таъкидлаган, чунончи, “Бекорчилик ва айш-ишрат нафақат нодонликка олиб келади, айни вақтда касалликнинг туғилишига ҳам сабаб бўлади” деб хисоблайди. Ўз вақтида, меъёри билан бадантарбия қилган одамга дард яқин йўламаслигини эслатади. Бу фикр айниқса, бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Асосий натижалар

Ибн Сино мероси бизнинг диёримизда китоблари орқали яшайди. Шу билан бирга унинг тиббиётдаги амалий йўл-йўриқлари меросхўрлари бўлмиш халқ табиблари фаолиятида яшаб келмоқда. Ана шундай меросхўрларидан бири фақат Ўзбекистондагина эмас, балки собиқ шўро ҳудудида “Мўминжон Ҳаким” номи билан танилган марғилонлик олим ва тиббиёт арбоби Мўминжон Алиевдир. М.Алиев 1894 йили Марғилон шаҳрида туғилган. Марғилон, Бухоро мадрасаларида таълим олиб етук фақиҳ, тасаввуф илми билимдони бўлиб етишган. Энг муҳими у ўша даврда жуда ҳам зарур бўлган халқ табобати билан шуғулланиш мақсадида ўз вақтининг табибларидан тиббиёт сирларини ўрганган. Марғилон, Фарғона, Тошкент шаҳарларидаги шифохоналарда даволовчи врач ва жарроҳ сифатида ишлаган.

Ўзининг тиббий билими, халқ табобати тажрибаларини мукаммал билиши билан халқ ўртасида маълум ва машҳур бўлган. Мўминжон Ҳаким маҳаллий аҳоли ўртасида тарқалган касалликларни Ибн Сино томонидан яратилган дори-дармонлар билан даволаган. У Шарқ табобатини замонавий медицина билан уйғунликда ишлатиш орқали касалларни даволаш бўйича афсонавий натижаларга эришган. Тошкент темирйўлчилар соғлиқни сақлаш қисмидаги шифохонада узоқ йиллар ишлаб, медицина фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган. Мўминжон Ҳаким Сочи ва Одесса санаторийларида бош жарроҳ врач лавозимида ишлаб кўплаб давлат арбобларини, таниқли инсонларни даволаган. Кўпмиллатли жамиятда турли миллатга мансуб фуқароларни даволаб, уларнинг миннатдорчилигини олишга сазовор бўлган. Улуғ аллома 1976 йили 82 ёшида вафот этган. Марғилон шаҳридаги Катта қабристонга дафн этилган. Алломадан фарзандлар қолган. Таниқли киноактриса Дилором Қамбарова унинг набираси саналади. Алломадан фарзандлар қолган. Таниқли киноактриса Дилором Қамбарова унинг набираси саналади. Мўминжон Ҳаким умрининг охириги йилларида ўз ҳаёти тўғрисида хотиралар ёзиб қолдирган. Бу хотиралар Ўзбекистон Давлат Марказий Архиви фондида сақланади. Бу хотира китобнинг биринчи жилди Раҳматулла Файзуллаев ва Нодиржон Абдулаҳатовлар томонидан “Сенга етмагунча тўхтамайман” (Мўминжон Ҳаким манокіби) номи остида “Noshir” нашриётида 2022 йили босилиб чиқди.

Ушбу ноёб асарда Мўминжон Ҳакимнинг оғир ва машаққатли ҳаёти, илм ўрганиш, табобат билан шуғулланиши, турли хил шифобахш дорилар тайёрлаш усуллари ўз аксини топган. Ундан ташқари Хотира китобнинг иккинчи жилдида Мўминжон Ҳакимнинг табиблик ва врачлик тажрибалари, қандай касалликларни даволагани, юртимиз аҳолиси ўртасида кенг тарқалган касалликларни бартараф этиш йўллари берилади. Ҳозирча иккинчи китоб нашрдан чиққан эмас.

Хулоса

Мўминжон Ҳаким тиббий мероси эндиликда Халқаро Ибн Сино фонди хомийлигида илмий жиҳатдан ўрганилса адолатли бўлар эди.

Биринчи навбатда “Мўминжон Ҳаким замондошлари хотирасида” китобини нашрга тайёрлаш керак.

Иккинчидан, Мўминжон Алиевнинг жарроҳлик амалиёти туфайли қўлга киритилган ижобий натижалар тафсилотини алоҳида китоб қилиб чиқариш лозим.

Телеканалларда Мўминжон Ҳаким тўғрисида илмий кўрсатувлар тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.



ЭФФЕКТИВНОСТЬ КОМБИНИРОВАННОГО ЛЕЧЕНИЯ БОЛИ С ПРИМЕНЕНИЕМ МЕТОДИКИ ДОЧИМ И ГИРУДОТЕРАПИИ

Улмасов З.О., Фаттахов Н.Х., Абдулхакимов А.Р.

*Частная клиника «Ариранг Узбек медикал»,
Ферганский медицинский институт общественного здоровья*

Аннотация: В данной исследовательской работе была проведена оценка эффективности комбинированного лечения боли у трех групп пациентов. Первая группа получала стандартную терапию боли, вторая - стандартную терапию в сочетании с методикой Дочим, а третья группа - совместное лечение включало стандартную терапию, методику Дочим и гирудотерапию. Оценка уровня боли проводилась методом голосовой оценки, где каждому уровню соответствовал определенный балл.

Введение: Боль является одной из основных проблем в современной медицине, влияя на качество жизни и функциональную активность пациентов. В данном исследовании мы исследовали эффективность различных методов лечения боли, включая стандартную терапию, методику Дочим и гирудотерапию.

Методы исследования: В исследовании участвовали три группы пациентов с общим числом 60 человек. Первая группа (n=20) получала стандартную терапию боли, вторая группа (n=20) - стандартную терапию в сочетании с методикой Дочим, третья группа (n=20) - совместное лечение, включая стандартную терапию, методику Дочим и гирудотерапию.

Результаты: В первой группе после лечения 5 пациентов (25%) имели показатель боли 0-3 балла, 10 пациентов (50%) - 4-7 баллов, 5 пациентов (25%) - 8-10 баллов. Во второй группе сочетание стандартной терапии с методикой Дочим привело к тому, что 8 пациентов (40%) достигли уровня боли 0-3 балла, 9 пациентов (45%) - 4-7 баллов, 3 пациента (15%) - 8-10 баллов. В третьей группе, получившей совместное лечение с методикой Дочим и гирудотерапией, 13 пациентов (65%) не имели боли (0-3 балла), 7 пациентов (35%) - 4-7 баллов, у ни одного пациента не было выявлено 8-10 балльных показателей.

Обсуждение: Результаты данного исследования показывают, что совместное применение стандартной терапии, методики Дочим и гирудотерапии эффективно снижает уровень боли у пациентов с наибольшей эффективностью в третьей группе. Важно отметить, что гирудотерапия сыграла значимую роль в достижении этого результата.

Вывод: Комбинированное лечение боли с использованием стандартной терапии, методики Дочим и гирудотерапии является эффективным методом улучшения качества жизни пациентов, страдающих от боли. Дальнейшие исследования в этой области позволят уточнить оптимальные пропорции и методы применения указанных методов в практической медицине.

ТАБОБАТДА УНСУРЛАР ТУШУНЧАСИНИ ЗАМОНАВИЙ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Файзуллаев Ф.Ф.

Зайтун тиббиёт клиникаси

Тадқиқот мақсади: Тадқиқот мақсади унсур тушунчасини замонавий илмлар билан тушунтириб беришдир. Чунки унсурлар – табобат таълимоти назарий қисми аввалида келади, унсурлар тушунчасини ёритиб бериш ўзидан кейин келадиган мизож таълимоти, қувватлар, хилтлар ва бошқа муҳим табобат тушунчалар негизини ёритишда англашда асосий калитлардан бўлиши шубҳасиз.

Материал ва усуллари: табобат таълимотлари мисолида Тиб қонунларини оламиз, чунки Тиб қонунлари ёзилишида ўша даврдаги энг илғор олимлари ишлари ва хулосаларини ўзида жам қилади ва шу кунгача асосий табобат китоби бўлиб келмоқда. Ёзилган аксар табобат олимлари Тиб қонунларидаги унсурлар тушунчасини тасдиқлайди. Табобатнинг унсур қисми мантиқий таҳлил қилиниб, замонавий фундаментал атом тузилиш илмий хулосалари билан солиштирилади ва мантиқий хулосалар қилинади.

Натижалар ва мунозаралар: Табобатда, шу жумладан Тиб қонунларида унсурлар 4 хил бўлиши, ҳар қандай нарса ва моддаларнинг бирламчи таркибий қисмлари эканлиги, уларнинг аралашishi натижасида табиатда турли навлар пайдо бўлиши ҳақида назарий илмлар илгари сурилган. “Унсурларнинг қайси бири бўлса ҳам оддий жисмлар бўлиб, одам танаси ва бошқа нарсалар учун дастлабки бўлақлардир. Оддий жисмлар шундай нарсаларки, улар шакли турлича бўлган бўлақларга бўлинмайди, (балки) мураккаб жисмлар уларга бўлинади. Оддий жисмларнинг аралашishiдан коинотда турли шаклдаги навлар пайдо бўлади. Унсурлар 4 та, иккитаси енгил иккитаси оғир, енгиллар олов ва ҳаво, оғирлари сув ва ер” дейилган. Атомистик таълимотлар бўйича, барча моддаларнинг материал асоси атом бўлиб, нисбатан барқарор ва бўлинмас заррача ҳисобланади, атомларнинг муайян турлари кимёвий элементлар ҳисобланади. Барча атомларнинг тузилиши концепсияси ўхшаш бўлиб, уларни ташкил қилган зарраларнинг сонидан келиб чиқадиган ҳолда турлича элементлар пайдо бўлади. Атомлар фақат тўртта элементар зарралар аралашмаси деб қараш мумкин, булар: нейтрон, протон, электрон ва энергия. Гарчи бу зарралар (нейтрон, прото, электрон) ҳам янада майда зарраларга бўлиниши мумкин бўлса ҳам. Бу икки илмий қарашларни солиштириб, унсурлар тушунчаси атом тузилиш ҳақидаги исботланган таълимотлардаги ташкил қилувчи элементар зарралар ҳақида гап бораётганлигини англаш мумкин. Чунки шу тўрт унсурларнинг аралашishiдан турли навлар пайдо бўлиши, замонавий тушунчалар билан айтганда, тўрт элементар зарралардан ҳар хил кимёвий элементлар ва атомлар пайдо бўлиши ҳақида гап кетаётганлигига далолат қилади. Бу иккала таълимотда ҳам атомни ташкил қилувчи таркибий қисмлар ҳақида гап кетаётганлигини ҳисобга олсак, тўрт унсур ва тўртта элементар зарралар бир нарса эканлигини билиш мумкин. Энди чуқурроқ таҳлил қилиб, қайси унсур элементар зарраларнинг қай бирига мос келиши ҳақида мулоҳаза қилсак. Бундан ташқари, “ер ... табиий ўрни ҳамма (жисмлар) нинг ўртасидир” дегани атом маркази яъни ядроси эканлигидан далолат қилади, ҳақиқатда бу икки оғир унсур ер ва сув, нейтрон ва протонга тўғри келишига исботлардан бири шуки, бу зарралар атом марказида жойлашади. Яна, оғирлик сифати деб айтилаётган унсурларга оид сифат, нейтрон ва протонга ҳам тўғри келади, чунки электрон массаси битта протоннинг массасидан 1870 марта кичик, яъни атомнинг деярли барча оғирлиги нейтрон ва протон ҳисобига бўлади. Сув унсури протонга мос келишига исботлардан бири шуки, протон ва электрон ўзаро мувозанатда бўлади ва “ҳўллик” категориясига мос келади, яъни бир зарра бошқа зарра билан боғланиш, тортилиш каби ишларда қатнашади, яъни протон электрон билан мувозанатда турган ҳолатда кимёвий боғлар ҳосил қилишда қатнашади ва протоннинг ўзи ҳам водород боғларини юзага келтирувчи асосий сабаблардан биридир. Яна, “Ҳаво оддий бир жисмдир. Табиий ўрни сувдан юқори, оловдан пастдадир. Шундай бўлишига сабаб, нисбий енгиллигидир”, ҳаво электронга мос келишига исботлардан бири шуки, уларнинг иккаласи ҳам худди ер шарини ўраб турган атмосфера мисоли, атом марказини ўраб туради. “Олов оддий бир жисм бўлиб, табиий ўрни унсурларга тегишли ҳамма жисмларнинг юқорисидадир.

... унсурларнинг етилиши, латиф бўлиши, аралашishi, ва икки оғир унсурдан совуқликни кеткизиш учун” демак, олов унсури, биз айтмоқчи бўлган энергия, маълум бир жойда муқим бўлмас экан ва бошқа унсурларга аралашган ҳолатда бўлиши айтилмоқда. Текширувлар натижасида маълум бўлганки, электроннинг маълум сатҳдан пастки сатҳга тушиши ундан энергия ажралиши билан содир бўлишини кузатадиган бўлсак, чиндан ҳам электрон ўз ичида маълум энергияларга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари ядро маркази бузилиш реакциялари яъни ядро реакцияларини кузатиб, бу зарралар ўз ичида катта миқдорда энергияга эга эканлигини тасдиқлаймиз.

Хулоса: Шундай қилиб, табобат таълимотидаги унсур тушунчаси ўша давр илмий терминлари ва мантиқий хулосалари шаклида ёзилганлигига қарамасдан, замонавий илмий тадқиқотларда бутунлай ўз исботини топди. Бу тўрт унсурдан оғирлари ер ва сув, нейтрон ва протон каби элементар зарраларга, ҳаво унсури электрон элементар заррасига, олов унсури эса, ҳар хил турдаги энергия тушунчалари билан мос келади. Ва яна шуни алоҳида таъкидлаб айтиш керакки, қадимги илмий қарашлар, шу жумладан, табобат таълимотлари чуқур ва ҳар томонлама тадқиқотлар объекти бўлиб қолиши керак, бу кейинчалик табобат ва замонавий тиббиёт интеграцияси учун замин яратади.

АНТИДИАБЕТИК БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧА ТАРКИБИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Холматов С.А., Фозилжонова М.Ш.

Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти

Долзарблиги. Қандли диабет ҳозирги кунда энг муҳим тиббий-ижтимоий муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Касаллик кўлами бутун дунёда ҳам ортиб, ҳам ёшариб бориши натижасида юрак қон-томир ва онкологик касалликлардан кейин учинчи ўринни эгалламоқда. Тиббиёт амалиётида қандли диабет (ҚД) касаллигида қўлланадиган бир қатор дори воситалари бўлишига қарамасдан, тадқиқотчилар кўпроқ доривор ўсимликларга ўз диққатини йўналтирмоқдалар. Маълумки, халқ табобатида қадимдан қандли диабет ҳасталигида қатор шифобахш гиёҳлар қўлланиб келинган. Буёқ Аллома Абу Али ибн Сино ҳам бу ҳасталикни даволашда шифобахш гиёҳларга алоҳида эътибор берган. Бу ҳақда “Тиб қонунлари”нинг 2,3 ва 5-жилдларида ва машҳур “Ал-Ваҳия” асарида маълумотлар келтирилган. Доривор ўсимликлар қанднинг миқдорини пасайтириш механизми турлича бўлиб, бу жараён батафсил ўрганилмаган. Бир қатор доривор ўсимликлар таркибида инсулинга ўхшаш моддалар, аминокислоталар, витаминлар шу жумладан В гуруҳига мансуб. Бу доривор ўсимликларнинг аксарияти захарсиз. Амалда бу воситаларни барча ёшдаги беморларга, касалликнинг деярли барча босқичларида тайинлаш мумкин. Доривор ўсимликларни беморларга фиточойлар, экстрактлар, дамлама кўринишларида бериш мақсадга мувофиқ. Бази ҳолларда таркибида ўт ҳайдовчи, тинчлантирувчи, дуретик хусусиятга эга ўсимликлар сақловчи доривор йиғмаларни қўллаш тавсия қилинади.

Мақсад. Юқоридагиларни инобатга олиб, Ибн Сино мероси ва халқ табобати анъаналардан келиб чиққан ҳолда биз антидиабетик йиғма ва биологик фаол қўшимчалар таркиби ва технологияларини ишлаб чиқишни мақсад қилиб олдик.

Усул ва услублар. Ушбу хабарда доривор йиғма ва биологик фаол қўшимчалар яратиш борасидаги тадқиқотларимизнинг баъзи натижалари келтирилди. Биз йиғма таркибига ловия пўстлоғи, оддий сачратки, лимонўт, наъматак мевалари ва анжир барглари киритдик. Бу ўсимликлар таркибида эфир мойлари, флавоноидлар, витаминлар, аминокислоталар, оксиллар, макро- ва микроэлементлар мавжуд.

Натижалар. Йиғмадаги таркибий қисмларнинг оптимал йиғма тайёрланиб, уларда ҳар бир доривор ўсимлик миқдори турлича олинади. Улар миқдори 15÷30 гр оралиғида ўзгартирилиб, йиғма умумий массаси 100 граммни ташкил этади.

Кейинги тажрибаларда ҳар бир таркибда сувли ажратма олиниб, улардаги экстрактив моддалар миқдори аниқланади.

Намуналардаги экстрактив моддалар миқдорини аниқлаш натижалари

Йиғма наъмуналари	Сувли ажратмадаги экстрактив моддалар миқдори, % (n=12)
1	19,25 ± 0,29
2	24,39 ± 0,56
3	22,68 ± 0,36
4	27,11 ± 0,52
5	25,69 ± 0,52
6	22,39 ± 0,39

Экстрактив моддалар миқдори (Дор XI, 1 қисм, 295 б) давлат фармакопеясида келтирилган усулда аниқланиб, қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$x = \frac{m * 200 * W0}{m1 (100 - W)}$$

Бунда m-қуруқ қолдиқ миқдори, gr; m1-хом ашё миқдори, gr; W-хом ашё қуритилгандаги масса йўқотилиши, фоизларда.

Хулосалар. Келтирилган тажриба натижалари №4 капсула энг яхши бўлиб, кейинги тадқиқотлар учун танлаб олинди.

Шундай қилиб, биз ҚД касаллиги учун Доривор ўсимликлар комплексидан йиғма таркибини танлаб олдик. Ўтказилган бирламчи фармакологик скрининг танланган таркибдаги йиғманинг самарали қанд миқдорини пасайтириш хусусияти тасдиқлади.

MIOKARD INFARKTI O`CHOG`NI KAMAYTIRISHDA ZAMONAVIY DAVO USULLARI BILAN BIRGA IBN SINO TAVSIYASIGA BINOAN FOYDALANILGANDA ANOR MOYIDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGINI BAHOLASH

Xojiyev B.B.

Buxoro davlat tibbiyot instituti

Rezyume. Aritmiya o'tkir miokard infarkti (MI) bo'lgan bemorlarda keng tarqalgan asoratdir. Uni davolash uchun zamonaviy davo usullari bilan birga Ibn Sino tavsiyasiga binoan foydalanilganda anor moyidan foydalanish samaradorligiga doir tadqiqot o'tkazishga qaror qildik.

Tadqiqot maqsadi. Miokard infarkti bo'lgan bemorlarda aritmiya kuzatilgan holatda teri orqali koronar aralashuvi o'tkazish bilan birga Ibn Sino tavsiyasiga binoan foydalanilganda anor moyidan foydalanish samaradorligiga baho berish.

Materiallar va tadqiqot usullari. Biz 2021-2022 yillarda Buxoro viloyatida o'tkir MI uchun teri orqali koronar aralashuvni o'tkazgan barcha bemorlarni kasallik tahlillarining retrospektiv tahlilini o'tkazdik. Ushbu tadqiqotda biz sitokinlar miqdorini (IL-4, IL-6, IL-8, IL-10, IL-12, TGF- β , INF- γ) IFT (immunoferment tahlil) usuli yordamida aniqladik. Fisherning mezoni (kutilgan hujayra chastotasi <5 bo'lganida) dan foydalangan holda statistik tahlil amalga oshirildi.

Tadqiqot natijalari. Ma'lumki, kasallik rivojlanishida bemorlar anamnezini o'rganish ulkan ahamiyat kasb etadi. Aynan shularda o'tkir MI o'tkazgan vaqtdan so'ng bemor hayotini saqlab qolish infarkt o'chog'ni kamaytirish maqsadida darhol teri osti perkutan koronar aralashuvi o'tkazilishiga majbur bo'ldik. O'tkir MI uchun perkutan koronar aralashuvdan o'tgan 90 bemorning 2 tasi (5,2%) revaskulyarizatsiyadan oldin barqaror qorincha taxikardiyasi (VT) yoki qorincha fibrilatsiyasini (VF) rivojlandi. Oddiy davoga qo'shimcha ravishda bemorlarga kuniga anor moyidan 20 tomchidan 2 mahal 21 kun davomida ichish tavsiya etildi.

Sitokinlar muvozanati miokard infarkti o'chog'ida yallig'lanishga qarshi sitokinlar (IL-4, IL-13, TNF- α) va immunosupressor sitokinlar (IL-10, TGF- β) ning o'zgarishi bilan kechadi. Ushbu sitokinlar sintezi darajasi hamda yallig'lanish reaktantlarining muvozanati kasallik kechishi va bashorat qilishida muhim o'rin egallaydi. Yallig'lanishga qarshi sitokinlarni davodan keying birinchi sutkalardayoq boshlangan tahlili natijasida TGF- β , IL-4, IL-10 nin gmiqdori aniqlandi. Bunda ularning qondagi yuqori konsentrasiyasi aniqlandi. IL-4 miqdori boshqa barcha yallig'lanishga qarshi sitokinlar orasida eng yaqqol ko'tarilishga moyillikni namoyon etdi. Teri osti koronar aralashuvi muvaffaqiyatli bo'lgan holatda uning konsentrasiyasi 14-sutkada eng yuqori titrlarda aniqlandi. Ushbu holat organizmning o'zi nekroz zonasini chegaralashga bo'lgan faol javobidan dalolat beradi.

Xulosa. Muvaffaqiyatli teri osti koronar aralashuvidan so'ng darhol anor moyidan majmuaviy davo sifatida ishlatish erta o'lim xavfini kamaytiradi, nekroz o'chog'ining kichrayishiga olib keladi.

СЕМИЗЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ХАЛҚ ТАБОБАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Шамуратова Н.Ш., Рўзметова Д.А., Атажанов Ш.Ш., Хусинбаев И.Д.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

Семизлик организмнинг полиэтиологик касаллиги бўлиб, тери ости ёғ клетчаткаси ва тўқималарида ёғларнинг ортиқча тўпланиши билан характерланади.

Алиментар-конституционал семизлик наслий характерга эга бўлиб, биринчи навбатда, айниқса ёғ ва углеводларга бой овқатларни ортиқча миқдорда истеъмол қилиш, овқатланиш режимининг бузилиши, жисмоний активликнинг пасайишига боғлиқ бўлади.

Семизликнинг асосида мусбат энергетик балансга боғлиқ модда алмашинувининг бузилиши ётади: овқат билан тушадиган энергия организмнинг энергия сарфидан юқори бўлади, бу эса ё

овқатнинг юқори энергия қимматига эгаллиги ёки уни ҳазм бўлишини бузилишига боғлиқ бўлади. Семизлик ҳозирги вақтда фақат тиббий эмас, балки ижтимоий аҳамият касб этади, чунки жуда кўпгина кенг тарқалган касалликлар - атеросклероз ва юрак ишемик касаллиги, қандли диабет, хафақон касаллиги ва бошқалар ривожланиши учун қулай шароит яратади. Бу касалликлар семиз одамларда 2-3 баробар кўпроқ учраб, эрта ногиронликка ва ўлимга олиб келади (турли касалликлар натижасида вафот этиш семизларда 1,5-2 баробар кўпроқ). Кўпгина касалликларни олдини олишга семизликни олдини олиш ва даволаш орқали эришилади. Семизликнинг тарқалиши жуда кенг кўламда бўлиб, аҳоли ўртасида 20-30% ни ташкил қилади ва 40 ёшдан кейин анча кўпроқ учрайди.

Танадаги ортикча вазни йўқотишда парҳез ва спорт билан шуғулланишдан ташқари “ёғни эритувчи” маҳсулотлар истеъмол қилиш ҳам ёрдам бериши мумкин. Улардан энг самаралилари қуйидагилар ҳисобланади.

Япон олимлари кўп йиллик изланишлардан сўнг малина таркибида витаминлар, минерал ва пектин моддалардан ташқари эндигина истеъмол қилинган ёғларни парчаловчи липолитик ферментлар мавжудлигини исботлашга муваффақ бўлишди. Вазн ташлаш учун овқатдан ярим соат олдин ярим стакан малина истеъмол қилиш керак. Шу билан бир қаторда малина кам калориялик маҳсулотлардан ҳисобланади. Бу маҳсулотнинг 100 грамида бор йўғи 44 ккал бор.

Яна бир маҳсулот долчин бўлиб, бу машҳур зиравор қондаги қанд миқдорини сезиларли даражада камайтириш, шунингдек қиздирувчи хусусиятлари эвазига организмдаги ортикча ёғларни чиқариб ташлашга қодир. Албатта севимли долчинли булочкалар озишингиз учун сизга ёрдам беролмайди, лекин бу зиравор чой, қаҳва, коктейллар, сутли ичимликларга қўшиб истеъмол қилинса бирон бир натижага эришса бўлади.

Занжабил ошқозон секрецияси ва қон айланишини яхшилайдди, унинг таркибидаги эфир мойлари эса организмдаги алмашув жараёнларини тезлаштиради, бу ўз навбатида ёғ ҳужайраларининг парчаланишига олиб келади. Занжабил шунингдек терисида муаммолари бўлган инсонларга тавсия қилинади.

Грейпфрут қондаги инсулин миқдорини тушириши ҳисобига вазн камайтириш хусусиятига эга. Ундан ташқари грейпфрут кучли сийдик ҳайдайдиган маҳсулот ҳисобланади. Бу мевани озиш учун истеъмол қилинганда ичидаги тахир ўрами билан ейиш муҳим аҳамият касб этади.

Оздирувчи маҳсулотларимиздан яна бири кўк чой. Унинг ортикча вазн билан курашишдаги муҳим роли тадқиқотлар натижасида кўп бора тасдиқланган. У таркибида мавжуд бўлган юқори миқдордаги кофеин ҳисобига моддалар алмашинувини 15-20%га тезлаштиради ва антиканцероген хусусиятга эга. Шуниси муҳим-ки, у нафақат тери ости, балки энг хавфли ҳисобланган висцерал ёғларни ҳам ювиб чиқара олади.

УРОВНИ ЗДОРОВЬЯ АВИЦЕННЫ В ОЦЕНКЕ СТРЕССОУСТОЙЧИВОСТИ ОРГАНИЗМА

Шукуров Ф.А.¹, Халимова Ф.Т.²

*НОУ «Медико-социальный институт Таджикистана»¹,
ГОУ «Таджикский государственный медицинский университет им. Абуали ибни Сино»²,
г. Душанбе, Таджикистан*

